# Янги жамоатлар ташкил қилиш

Иккинчи қўлланма

Январ 2003 й.

**“Руҳий уйғониш“ Иттифоқи**

**Барча жойда жамоат ташкил қилиш уюшмаси**

Сиз бу материалдан кенг имкониятларда фойдаланишингиз, уни қайта босмадан чиқаришингиз, тарқатишингиз мумкин. Биз умид қиламизки, бу материал яна кўплаб хизматчиларни доимий жамоатларни ташкил қилишда қатнашишда, тайёрлашда ёрдам беради. Январ 2003 йил.

# Иккинчи Қўлланма

## Мундарижа

Курс учун сўз боши ..... 5
Иккинчи Қўлланма учун сўз боши ..... 7
Таълим бериш режаси ..... 9

**1 Қисм**: Ният (Мақсад) ..... 10
1 Дарс
Барча жойда жамоат ташкил қилиш учун Муқаддас Китоб принципилари ..... 11
*Илова 1А: Кичик Асияда Хуш хабарнинг тарқалиши* ..... 16
2 Дарс
"Тадқиқот" мавзуси бўйича семинар ..... 19
3 Дарс
Жамоат ташкил қилиш топшириғи бўйича олинган тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш ..... 21

**2 Қисм**: Жамоат ..... 26
1 Дарс
Жамоатнинг табиати ..... 27
*Илова 1А: Мавзу бўйича саволлар* ..... 34
2 Дарс
Жамоатнинг вазифалари ..... 35
*Илова: Янги Аҳд жамоатларини ҳозирги давр жамоатлари билан таққослаш*.....40
3 Дарс
Хизмат қарашлари ..... 41
*Илова: Хизмат қарашларини ишлаб чиқиш* ..... 48

**3 Қисм** : Руҳий ўсиш ..... 50
1 Дарс
Етимлар эмас, ўғиллар ..... 51
2 Дарс
" Етимлар ўғил бўлишни ўрганяптилар " ..... 56
*Илова: Етимлар ва Ўғиллар*..... 61

**4 Қисм**: Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари ..... 64
1 Дарс
Муқаддас Китобни индуктив йўл билан ўрганиш ..... 65
*Илова: Муқаддас Китобни биографик йўл билан ўрганиш: Барнаба* ..... 69
2 Дарс
Муқаддас Китобни индуктив ўрганиш бўйича гуруҳга қандай раҳбарлик қилиш керак ..... 71
*Илова: Масиҳийлик имонининг асослари*..... 76
3,4 Дарс
Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича раҳбарлик тажрибаси ..... 77

**5 Қисм**: Хушхабар тарқатиш ..... 81
1 Дарс
Хушхабар тарқатиш ва жамоат ташкил қилиш ..... 82
*Илова: Хуш Хабар тарқатиш усулларини баҳолаш* ..... 88
2 Дарс
Хушхабар тарқатиш йўлидаги тўсиқлар ..... 89
*Илова2А: " Ҳар бир халқ учун –Жамоат "* ..... 94
*Илова2Б: Кўп учрайдиган саволларга жавоб* ..... 99
3,4 Дарс

Имонга келиш жараёни ........................................................................................ 100
*Илова 3А: Одамнинг руҳий ҳолатини ва унинг хуш хабарни қабул қилишга тайёрлигини аниқлаш* ........................................................................................ 106
*Илова 3Б: Хушхабар тарқатишнинг учта самарали йўли*........................................................ 108
*Илова 3В: Исонинг алоҳида одамларга яқинлашувини ўрганиб чиқиш*................................ 110

**6 Қисм**: Уй гуруҳлари ........................................................................................ 111
1 Дарс
Уй гуруҳларининг вазифалари ва афзалликлари ........................................................ 112
2 Дарс
Уй гуруҳларини бошқариш принциплари ........................................................ 117
*Илова 2А: Қандай қилиб уй гуруҳлари йиғилишларида "музни эритиш"* ........................ 122
*Илова 2Б: Уй гуруҳлари йиғилишининг режа жадвали* ........................................................127
*Илова 2В: Уй гуруҳи йиғилиши режасининг намунаси*........................................................ 128
3 Дарс
Уй гуруҳларини ташкил қилиш ........................................................................................129
4 Дарс
Уй гуруҳларида хушхабар айтиш ........................................................................................ 133
5 Дарс
Уй гуруҳи йиғилишининг намунасини яратиш ........................................................ 138
6 Дарс
Уй гуруҳларининг хизмат қарашлари ........................................................................ 141

**7 Қисм**: Раҳбарлик........................................................................................ 146
1 Дарс
Каломга асосланган раҳбарлик прициплари ........................................................ 147
*Илова 1А: "Раҳбарлик" мавзусини ўрганиш учун мисоллар*............................................ 152
2 Дарс
Раҳбарнинг сифатлари ........................................................................................ 154
*Илова 2А: Раҳбар ва раҳбарлик сифатлари миқдорига оид синов* ................................ 159

**8 Қисм**: Ибодат ........................................................................................ 160
1 Дарс
Ибодат йиғилиши ........................................................................................ 161
**Мазкур қўлланма бўйича топшириқлар** ........................................................ 163

# Курс учун сўз боши

## Мазкур ўқиш материали ҳақида

### I. Бу материални тайёрлашдан мақсад

Танланган ва жамоат ташкил қилиш учун хизматга юбориладиган шогирдлар тайёргарликка муҳтождирлар. Жамоат раҳбарлари учун эса, хизматдаги қийинчиликларга қарамасдан Худонинг аниқ иродасини билиш зарур. Афсуски кўплар семинариялар, коллежларга бориш имкониятидан маҳрумдирлар.

Бу қўлланмаларнинг мақсади — миссионерлар ва жамоат раҳбарларига хизматлари учун Худо иродасини очиб, уни Муқаддас Китоб асосида амалга тадбиқ этишда ёрдам беришдир. Унда жуда кўплаб фойдали маълумотлар бор, бундан ташқари бу қўлланмалар фақатгина ”таништириш программаси“ бўлиб чегараланиб қолмаган. Ундан фойдаланиш тўлиқ Муқаддас Китобга асосланган ва жамоатда хизмат қилиш учун, яна янги жамоатларни ташкил қилиш учун зарур бўлган билимларга эга бўлишда ёрдам беради.

Бу қўлланмалардан икки йўлда фойдаланиш мумкин:

1. Амалий таълим олиш ва янги жамоатларни ташкил қилиш учун хизматчиларни тайёрлашда.
2. Масиҳ Танасида жамоатларга асос солиш ҳаракатини бошлаш учун.
   Ривожланган бу даврда биз кўплаб мамлакатлар: Бразилия, Руминия, Филиппинда, Нигерия ва бошқа давлатларда янги жамоатларга асос солишнинг ривожланишини кўришимиз мумкин. Биз ишонамиз, Худонинг бутун дунёга хушхабарни етказиш учун керак бўладиган қуроли, бу маҳаллий жамоатлардир ва кўпайиш асосида ташкил қилинган янги жамоатлар Буюк Топшириқни амалга оширишнинг энг самарали йўли бўла олади. Янги жамоатлар бошиданоқ янги жамоатларни ташкил қилишни мақсад қилган ҳолда бунёд этилиши керак. Бундай ҳаракат бошланганидан кейин, бутун мамлакатда кўплаб одамларнинг ҳаётини ўзгартириб юборадиган уйғониш, янги жамоатлар ташкил қилиш бошланади.

Янги жамоатларни ташкил қилиш ҳаракатида Масиҳийликнинг ҳамма ”даражасидаги“ одамлар — янги имонга келганлар ҳам, доноликка тўлган бошқарувчилар ҳам, ҳамма-ҳамма иштирок этиши керак. Хушхабар тарқатувчилар ёлғиз бир ўзи янги жамоатларни ташкил қилиш ҳаракатини бошлай олмайдилар. Шунинг учун бизнинг бу қўлланмалар фақатгина янги жамоатларни ташкил қилишга чақирилган хизматчилар учунгина эмас. Фойдаланиш осон бўлган ва жамоатлардаги ҳаммага янги жамоат ташкил қилишда қўлланма бўла оладиган ва кўплаб жамоатларда самарали ишлатилаётган бу қўлланмалар, ҳар бир янги жамоатни ташкил қилиш имкониятига ва хоҳишига эга бўлган одамлар учун ажойиб қўлланма бўла олади.

### II. Қўлланмадаги маълумотлар

Бутун материал умумий 125 та бир соатлик дарслардан ташкил топган бўлиб, ўз ичига янги жамоатни ташкил қилиш учун қилинадиган ишлар, мақсад, уй гуруҳларида хизмат қилиш, устозлик, жамоат тузилиши, воизхонлик, Муқаддас Китобни ўрганиш, йўлбошчилик, ибодат, ваъзхонлик, руҳий ўсиш, оилага тегишли саволлар, руҳий жанг, бошқариш ва бошқаларни ўз ичига олган бешта қўлланмага бўлинган.

Қўлланмаларга бўлишдан мақсад таълим жараёнида ”илгарилаб борадиган“ яни ривожланиб борадиган характер кўзланган. Ҳар бир қўлланма курси тугаганидан кейин, ўрганганларни амалда ишлатиб кўриш учун танаффус қилиш зарур. Кейинги курслар эса кўпинча аввалги дарсларда ўрганганларни амалда ишлатиб олинган тажрибаларга асосланиб тузилган.

Шундай қилиб, материал бир вақтда ҳам таълим олиш, ҳам амалда ишлатиб жамоатда хизмат қилиб бориш давомида ўрганиш имконини беради. Янги жамоатни ташкил қилар экан хизматчи керакли тажриба ва билимнинг етишмаслиги, бундан ташқари турли хил саволларни ҳал қилишда дуч келадиган қийинчиликлар билан тўқнашади. Янги жамоатни ташкил қилишда керак бўладиган тажриба ва билим биринчи қўлланмага киритилган, ундан

кейин туғилиши мумкин бўлган муаммо ва саволларга жавоблар эса кейинги қўлланмаларда берилган. Ҳар бир қўлланма хизматчиларга жамоат ташкил қилишда дуч келадиган аниқ муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берадиган қилиб тузилган.

Дарслар мавзулар асосида группаланган, ва хар бир қўлланма турли хил дарсларни ўз ичига олган бўлимлардан иборат. Бир неча мавзулар эса, мисол учун ”Ният“ ёки ”Жамоат“ кабилар, ҳамма беш қўлланмада ҳам берилган. Бошқалари эса мисол учун ”Устозлик“, ”Бошқариш“ каби мавзулар охирроқда, яни ўрганувчи учун энг керак бўладиган даврларда берилган. Бу бўлимнинг охирида бешта қўлланмага кирадиган дарсларнинг жадвали берилган.

**III. МАТЕРИАЛДАН ФОЙДАЛАНИШ**

## А. Қатнашчилар учун

Ҳар бир қўлланмани тайёрлаш учун кўплаб куч, вақт сарфланиб, ибодатлар қилинланган. Улардаги маълумотлар, миссионерлик принциплари, янги жамоатлар ташкил қилиш хизмати тажрибалари иложи борича юқори даражада беришга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ўрганишни биринчи қўлланмадан бошлаб, тартиб асосида, қолганларини ҳам ўрганишингиз зарур бўлади. Мана шу йўл билан ҳар бир дарснинг мазмуни диққат билан танланган ва жамоат ташкил қилишда фойдали, қулай ва зарур бўлган қурол бўла олишига ҳаракат қилинган. Дарсларни қолдириб кетиш сиз учун фойдали бўлмайди.

Эсингизда бўлсин, ҳақиқий таълим фақатгина сиз ҳаётингизда ва хизматингизда уни ишлатганингиздагина амалга ошади. Кўплаб дарсларнинг охирида топшириқлар берилган. Улар, сиз ўрганган дарсингизни амалда қўллашингизда ёрдам бериш учун берилган ва уларни кейинги қўлланмани бошламасдан олдин бажариш тавсия қилинади. Бу амалий машғулотни бажараётганингизда сизга устоз, ёки ўқитувчига эга бўлиш ва у сизнинг ўрганганларингизни ҳаётингизда ва хизматингизда амалда қўллаётганингизни кузатиб туриши жуда муҳим.

## Б. Ўқитувчилар учун

Бу материалдан ҳар қандай таълим жараёнларида фойдаланиш мумкин – библия мактабларида, семинарларда, жамоат семинарларида. Бундан ташқари у фақатгина ўқув дарслиги эмас. Бу қўлланмалардан фойдаланишдан мақсад – амалий йўл билан жамоат ташкил қилиш учун хизматчиларни тайёрлашдир. Материал билан ишлашда ўқувчига фақатгина маълумот берибгина қолмай, балки унда Муқаддас Китобга асосланган хизматга қизиқиш уйғотиш ҳамдир. Бу қўлланмалар—”бажарувчилар“ учундир.

Сиз ҳар бир материални шароитингизга қараб, қандай ўқитиш ва ишлатишни танлашингиз мумкин, биз фақатгина маслаҳат берамиз, ҳар бир қўлланмани семинарда бир ҳафта давомида ўрганиш жуда ҳам фойдали ҳисобланади. Ўқитаётганда кўпроқ дарслар оҳирида берилган топшириқларни кейинги дарсгача бажарилганлигига алоҳида аҳамият бериш керак бўлади. Таълим бериш даврлари орасидаги фарқ — тўрт ойдан олти ойгача ҳисобланади. Бундай таълим беришнинг афзаллиги шундаки, ўрганилган билим, топшириқлар орасида амалда қўллаш орқали тажриба ошиб боради.

Ўқитиш давомида ҳар бир бўлимнинг ҳар бир абзасига эътибор бериш шарт эмас, чунки ўқувчилар ўзлари кейинроқ бу нарсаларни ўқиб олишлари мумкин. Энг яхши ўқитиш усули бу ўқувчилар авал ўзлари материални ўқийдилар ва ўз тажрибалари асосида дарсда уни муҳокама қиладилар. Баъзан эса ўрганилаётган мавзуда кўплаб тажрибага эга бўлган кишининг фақатгина ваъзи фойдали бўлиши мумкин. Бу ўзингизга боғлиқ, сиз яратувчан бўлинг, материалларда берилган принцип ва билимларни турлича йўллар билан бошқаларга етказиб беринг.

# Иккинчи Қўлланма учун сўз боши

Мазкур қўлланма сизнинг вилоятингизда янги жамоатларни ташкил қилиш ҳаракатининг бир қисми бўлиб, сизга янги жамоатлар ташкил қилишда ёрдам бериш учун тайёрланган. Бу беш қўлланмадан иборат курснинг иккинчи қўлланмаси. Қўлланмада асосан хушхабар тарқатиш ҳақидаги мавзуга эътибор берилган бўлиб, ”Жамоат ташкил қилиш даври“ даги иккинчи фазага ”Эгаллаш“ фазасига тўғри келади. (Қуйида берилган схемага қараймиз).

Иккинчи Қўлланмани ўрганишни бошлашдан олдин бир неча дақиқа вақтимизни ”Жамоат ташкил қилиш даври“ схемасини эсга олиб, Биринчи Қўлланмадаги баъзи мавзуларни ҳам такрорлаб олишимизга тўғри келади. Бу икки сабабдан биз учун фойдали бўлади. Биринчидан бу сизни янги жамоат ташкил қилишдаги муваффақиятингизни билиб олишингизда ёрдам берса ( сизни жамоатингизни ташкил қилишдаги ҳаракатингиз қуйидаги кўрсатилган жадвалга асосан ”Асос солиш“ мавзусида ўрганганларингизга қанчалик мос келишини таққосланг). Иккинчидан, ҳамма даврларни ўрганиш сизга мана шу семинарда ўрганишингиз керак бўладиган мавзуларни тушунишингизда ва келажакда ўрганиладиган мавзуларга сиз учун асос бўлади. Мана шу материалларни тайёрлашда иштирок этган ҳамма иштирокчилар сизни самарали ишлашингиз учун кўп марта ибодат қилганлар ва сиз учун ибодат қилишда давом этадилар.



| **АСОСЛАР**<br>**Мақсад:** ўз-ўзини тайёрлаш, мақсадни ишлаб чиқариш, янги жамоатни ташкил қилишдаги ўз йўлини аниқлаб олиш. | |
|---|---|
| **Оят:** *"Ҳар ким қандай қураётганига диққат этсин"*<br>(1Кор 3:10-11) | |
| **Ҳаракат:**<br>1. Ибодатда ният этиш.<br>2. Аҳолини ўрганиб чиқиш.<br>3. Имонда тан олиш.<br>4. Муқаддас Китобни ўрганиш.<br>5. Янги жамоатни қуриш ва стратегияни танлаш | **Таьриф:**<br>Янги жамоатни ташкил қилиш учун одам маьлум даражада руҳий ўсиши ва доноликка эга бўлиши керак. Қуриладиган жамоат қандай бўлиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаслик ҳам ишлашга ҳалақит беради. Шунинг учун мана шу ҳолатда жамоат қуриш ҳақида аниқ ниятга ва стратегияга эга бўлиш жуда муҳим ҳисобланади.<br>Вилоятни ўрганиш ва керакли ёрдамчиларни топиш стратегияни шакллантиришда ёрдам беради. Бундай ўрганиб чиқиш – янги жамоат қуриладиган жойдаги одамларни яхшироқ тушунишда, уларга мос келадиган йўл билан хизмат қилишга имконият туғдиради. |

| **Эгаллаш**<br>**Мақсад:** танланган одамлар билан муносабат ўрнатиш ва уларга хушхабар айтиш | |
|---|---|
| **Оят:** *" ... ҳаммага ҳамма нарса бўлдим."*<br>(1Кор.9:22-23) | |
| **Ҳаракат:**<br>1. Танланган одамлар билан алоқа ўрнатиш ва муносабатни бошлаш.<br>2. Хушхабар етказиш.<br>3. Уй гуруҳларида Муқаддас Китобни ўрганишни бошлаш.<br>4. Ўзи намуна кўрсатган ҳолда янги имонга келганлага хизмат қилишни ўргатиш.<br>5. Янги имонга келганларга устозлик қилиш. | **Таьриф:**<br>Жамоатда хушхабар тарқатиш хеч қачон тўхтамайди, лекин бу вазиятда жамоат қурувчи асосий кучи ва эьтиборини шу ишга бағишлайди. Жамоат қурувчининг шахсий намунаси, янги имонга келганлар учун ҳам жамоат қуришда ҳам катта аҳамият эга.<br>Хушхабар тарқатишсиз янги жамоат ташкил қилиш мумкин эмас. Жамоат қурувчилар кўпинча бор кучларини хушхабар тарқатишқа қаратиш ўрнига , жамоатларига кўпроқ имонлиларни чақириш билан овора бўлиб қоладилар. Имонсизларни янги жамоатга, имонлиларнинг ҳаракатисиз, Худонинг Ўзи олиб келишига бўлган умид жуда кам ҳоллардагина ҳосил беради.<br>Жамоат қурувчилар хушхабар тарқатувчи уй гуруҳларини тузишлари, уларнинг орасидаги муносабатларни қуришда ва ҳар бир аъзонинг муҳтожликлари учун ибодат қилиш, Муқаддас Китоб асосида хаёт кечириш ва уларни ҳақиқий ҳаётда қўллай олишларини ўргатишга тўғри келади. Агар одамлар очиқ суҳбат қуришга одатланмаган бўлсалар, буни секин-асталик билан ўргатиш мумкин. Уй гуруҳларининг ҳар бир аъзоси билан алоҳида суҳбатлашиб туриш ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Уй гуруҳларини бошқарувчилар ҳам иложи борича тезроқ янги лидерларни тайёрлашни бошлашлари фойдали бўлади. Йиғилишлар иложи борича оддий усулда ўтказилгани яхши, чунки янги чиқадиган лидерлар ҳам кейинчалик ўз гуруҳларида бу усулдан фойдаланишлари осон бўлади. Агар йиғилишлар уй гуруҳи бошлиғининг шахсий билими, ўз йўналиши ва ўз ҳоҳиши асосида олиб борилса, кейинчалик янги лидерлар чиқаришда қийинчиликлар туғилиши мумкин. |

# Таълим бериш режаси

| Иккинчи Кўлланма | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Жамоат** | ***Ният (Мақсад)*** | ***Руҳий ўсиш*** | ***Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари*** | ***Хуш хабар тарқатиш*** | *Уй гуруҳлари* | *Рахбарлик* | *Ибодат* |
| **1 дарс:** Жамоатнинг табиати<br><br>**2 дарс:** Жамоатнинг вазифалари<br><br>**3 дарс:** Хизмат қарашлари | **1 дарс:** Барча жойда жамоат ташкил қилиш учун Муқаддас Китоб принциплари<br><br>**2 дарс:** ”Тадқиқот“ мавзуси бўйича семинар<br><br>**3 дарс:** Жамоат ташкил қилиш топшириғи бўйича олинган тадқиқот натижаларидан фойдаланиш | **1 дарс:** Етимлар эмас, ўғиллар<br><br>**2 дарс:** ”етимлар ўғил бўлишни ўрганяптилар“ | **1 дарс:** Муқаддас Китобни индуктив йўл билан ўрганиш<br><br>**2 дарс:** МКни индуктив ўрганиш бўйича гуруҳга қандай рахбарлик қилиш керак<br><br>**3,4 дарс:** МКни ўрганиш бўйича рахбарлик тажрибаси | **1 дарс:** Хуш тарқатиш ва жамоат ташкил қилиш<br><br>**2 дарс:** Хуш хабар тарқатиш йўлидаги тўсиқлар<br><br>**3,4 дарс:** Имога келиш жараёни | **1 дарс:** Уй гуруҳларининг вазифалари ва афзалликлари<br><br>**2 дарс:** Уй гуруҳларини бошқариш принциплари<br><br>**3 дарс:** Уй гуруҳларини ташкил қилиш<br>**4 дарс:** Уй гуруҳларида хуш хабар айтиш<br><br>**5 дарс:** Уй гуруҳ йиғилишининг намунасини яратиш<br>**6 дарс:** Уй гуруҳларининг хизмат қарашлари | **1 дарс:** Каломга асосланган рахбарлик принциплари<br><br>**2 дарс:** Рахбарнинг сифатлари | **1 дарс:** Ибодат йиғилиши. |
| 3 | 3 | 2 | 4 | 4 | 6 | 2 | 2 |
| **Умумий дарслар вақти: 30 ( 4 соатлик-бошланиш, хулоса, топшириқларни ҳам ўз ичига олган)** | | | | | | | |
| **Бутун курсдаги соатлар: 148** | | | | | | | |

# 1 Қисм: Ният (Мақсад)

**Ният**
(Мақсад)
**1 Дарс**

# Барча жойда жамоат ташкил қилиш учун Муқаддас Китоб принциплари

**Дарс мақсади:**

Бу дарснинг мақсади – барча жойда жамоат ташкил қилиш, Худонинг одамзодни қутқариш режасига, бутун ер юзини тўлдиринг деган Муқаддас Китоб принципларига тўғри келишини кўрсатиб бериш.

**Кутилган натижалар:**

Материални ўрганиб чиқиб, ҳар бир қатнашчи:

- Тўлдириш принципини яхиш тушуниши;
- Барча жойда жамоат ташкил қилиш қарашларининг асосидаги, тўлдириш принципи, одамзод тарихида Худо кўп марта ишлатган, Муқаддас Китобга асосланган принцип эканлигини билиши;
- ”Барча жойда жамоат ташкил қилиш“ қарашларини ўз хизматининг асоси ва янги жамоат ташкил қилиш стратегияси қилиб олиши зарур;

**Дарс режаси:**

I. Сўз боши: тўлдириш принципини аниқлаб олиш
II. Тўлдириш принципи Эски Аҳд даврида
III. Тўлдириш принципи Янги Аҳд даврида
IV. ”Барча жойда жамоат ташкил қилиш“ Жамоат тарихида

**Ўқитувчилар учун кўрсатма:**

Қатнашчиларга тўлдириш принципини тушунтириб бўлганингиздан кейин, уларни кичик гуруҳларга бўлинг ва қуйида берилган топшириқлардан бирини бажаришларини сўранг:

- Қўлланмага қарамасдан, берилган оят тўлдириш принципи ҳақида нима деяётганини умумлаштириб берсинлар: Ибтидо 1:28; 9:1; 10:32; ва 11:1-8.
- Бошқа гуруҳ – Қўлланмага қарамасдан, берилган оятларга асосан Исо Масиҳнинг стратегияси тўлдириш принципига тўғри келганми ва у нимадан иборат бўлганлиги ҳақида ёзсинлар: Мат.4:23; 9:35 ва Лука 10:1.
- Дарсингизда ана шу ёзилган парчалардан кўргазма сифатида фойдаланиш ўрнига, гуруҳдан бу ҳақда қандай фикрда эканликларини сўранг.

## I. СЎЗ БОШИ: ТЎЛДИРИШ ПРИНЦИПИНИ АНИҚЛАБ ОЛИШ

Барча жойда жамоат ташкил қилиш ва тўлдириш принципи нима? Бу икки тушунча орасида боғлиқлик борми? Бу саволга жавоб бериш учун, ”барча жойда“ деган сўзни тўлиқроқ кўриб чиқишимиз керак. Барча жойда дегани – ҳамма ерда, ҳар қандай жойда деганидир. Барча жойда жамоатлар ташкил қилиш – бутун Осиёда, Европада... бутун ер юзида жамоат қуриш кераклигини билдиради. Демак ер юзи барча жойда жамоатлар қуриш билан тўлдирилиши керак экан.

Каломда Худо бошланишданоқ, Ибтидо 1 бобдан бошлаб то Матто 28: 18-19 да Раббимиз Ўзининг шогирдларига бутун ер юзидаги халқлардан шогирдлар орттиринглар (ер юзини шогирлар билан тўлдириш) деб амр бергунгача тўлдириш принципидан қандай қилиб фойдаланганлиги ҳақида ҳикоя қилади. Бундан мақсад, ҳар жойда барча одамзод Худони таниб билиши ва Унга сиғиниши учун бутун ер юзи ”худди денгизларни сув тўлдиргани“ (Чиқиш 11:9) каби Худо улуғворлигини таниб билиш билан тўлсин.

”Тўлдириш“ сўзини жамоат сўзининг асоси қилиб ишлатар эканмиз, биз барча жойда жамоат қуриш концепциясига – ер юзини жамоатлар билан тўлдириш маъносини бермоқчимиз. Токи ҳар бир одамзод, у ким бўлишидан қатъий назар, мусулмонми, буддистми, ўзбекми, қозоқми ҳамма Хушхабарни эшитиб, уни тушуниш имкониятига эга бўлсин. Худо улуғворлиги учун Исо Масиҳни шахсий Нажоткорим деб қабул қилиш, ёки барча нарсани тушунган ҳолда, ўзи танлаган йўлидаги жавобгарликни ҳис қилган ҳолда, Уни қабул қилмаслик имконига эга бўлсин.

## II. ТЎЛДИРИШ ПРИНЦИПИ ЭСКИ АҲД ДАВРИДА

### А. Бошланишида – ер юзини тўлдириш Эски Аҳднинг мавзуси эди

Худо одамларга ер юзини тўлдириш ҳақида амр берди (Иб.1:28; 9:1; 9:7). Тўфондан кейин, халқлар ер юзи бўйлаб тарқалиб кетдилар (Иб.10:32). Лекин тез орада улар бир жойда тўхтадилар ( Иб.11:1-2). ”*... ўзимизга шаҳар ва боши осмонга етадиган минора бино қилайлик, бутун ер юзига* <u>*тарқалиб*</u> *кетмаслик учун ўзимиз учун ном чиқарайлик“,–деб шаҳар қуришни бошлашди* (Иб.11:4). Лекин одамларнинг бундай, бир жойда жойлашиб олиши Худонинг режасига тўғри келмас эди. Шундай қилиб Худо Нуҳнинг ўғилларига амр берди, ”*Баракали бўлиб кўпайинглар, ер юзини тўлгазинглар*“ (Иб.9:1). Айнан шунинг учун Худо уларнинг тилларини аралаштириб юборди ”... бутун ер юзига тарқатиб юборди“ (Иб. 11:7-8).

*Муҳокама қилиш учун: нима деб ўйлайсиз, нима учун Худо одамларни ер юзини тўлдиришини ҳоҳлади?*

### Б. Бутун Эски Аҳд давомида Худонинг ҳоҳиши, бутун ер юзи У ҳақдаги билим билан тўлиши эди

Худо Иброҳимга шундай деди: ” ... Ер юзидаги барча қабилалар сендан барака топадилар“(Иб.12:3). Худонинг ҳоҳиши, У ҳақида бутун ер юзи билиши кераклиги ҳақида қуйидаги оятларда ёзилган:

- Сонлар 14:21
- Исус Навин 4:24
- Забур 66; 71:19-20

## III. ТЎЛДИРИШ ПРИНЦИПИ ЯНГИ АҲД ДАВРИДА

### А. Тўлдириш принципи Жалилада Исонинг хизмат стратетияси эди

- У Жалилани Ўзининг хизмат қилиш жойи деб танлади (Мат.4:23)
- У бутун шаҳар ва қишлоқлар бўйлаб юрди (Мат.9:35)
- Исо Ўз шогирдларини (икки кишидан) Ўзи бормоқчи бўлган бутун қишлоқ ва шаҳарларга юборди (Лук.10:1)

### Б. Исонинг Шоҳлик ҳақидаги масали тўлдириш принципини намоён қилади

Мат. 13 да Ҳазрати Исо Худо Шоҳлиги ҳақида бир неча масаллар айтиб беради. Биринчисида Худо Шоҳлиги ҳақидаги ҳабар хар турли тингловчилар томонидан қандай қабул қилиниши ҳақида. Кейингисида эса буғдой ва бегона ўтлар, қандай қилиб душман яхши буғдой орасига бегона ўт уруғини сепиб кетгани ҳақида сўзлаб беради. Унинг маъноси фақатгина Худо яхшини ёмондан ажрата олади. Бешинчи ва олтинчи масалларда эса

яширилган хазина ва қимматбаҳо марварид топиб олганлар учун келтирадиган хурсандчиликни кўрсатади. Лекин ўртадаги иккита масал эса Худо Шоҳлигининг тарқалиши ҳақида гапиради.

## 1. Хантал уруғи ҳақида масал (Мат. 13:3 1-32)

Бу масал ўсиш ҳақида. Бошланишида ҳамма уруғлардан кичик бўлган хантал уруғи, ўсганидан кейин, ҳамма ўсимликлардан катта бўлиб кетади. Маъноси аниқ: кичкинадан бошланган Худо Шоҳлиги ”катта дарахт” бўлиб ўсади.

## 2. Хамиртуруш бурдаси ҳақида масал (Мат.13:33)

Бу масалда кичкинагина хамиртуруш бурдаси кўпгина хамрга қўшиляпти. Масалнинг маъноси аввалгисига ўхшайди, лекин охирроғида хамиртуруш қўшилишидан хамр сифатининг ўзгаришига эътибор бериляпти. Озгинадан бошланган Худо Шоҳлиги бутун ер юзи бўйлаб атрофидагиларни ўзига тортгани ҳолда янада ортиб боради (Ваҳий 11:15ни таққосланг).

Буларни айтиб бўлиб, Исо шогирдларидан сўради: ” Буларнинг ҳаммасига тушундингларми?“ (Матто 13:51). Кўриниб турибдики жавоб–йўқ, чунки Ўзининг қайта тирилишидан кейин, У 40 кун давомида қайта, қайта шогирдларига Худо Шоҳлиги ҳақида сўзлаб берди (Ҳав.1:13)

# В. Бошланғич жамоатларга Қуддусдан бошлаб то ” (Ҳав. 1:8) дунёнинг энг олис ерларига“ ча Исо Масиҳ ҳақида гувоҳлик бериш тайинланган эди

Ана шу 40 кун давомида Исо Масиҳ шогирдларига зоҳир бўлиб, уларга Худонинг Шоҳлиги ҳақида сўзлаб берди(Ҳав. 1:3). Охирида эса уларга Ота ваъда берганни Қуддусда кутишни буюрди. Уларнинг саволларига қараганда (Ҳав.1:6) улар ҳали ҳам Уларнинг Шоҳлигини ер юзида қурилишини кутар эдилар. Унинг ўрнига эса У улар Муқаддас Руҳни қабул қилгандан кейин, Қуддусдан бошлаб то дунёнинг олис ерларигача, У ҳақда гувоҳлик беришлари кераклигини айтарди.

Жуда қизиқ, Исо Ўзининг ердаги хизматини бошланишида ҳам, охирида ҳам тўлдириш принципини ҳаётга татбиқ қилишга катта эътибор берган ҳолда якунлаяпти. Экувчи ва йиғувчи ҳақидаги (Мат.13) масалларида, Ҳазрати Исо Шоҳликка хизмат қилиш бутун ер юзини эгаллаб олишини алоҳида таъкидлади. Ўз хизматини якунлар экан Исо Ўзининг ҳаворийларига, бутун дунёни Хушхабар тарқатиш билан тўлдириб юборишни буюрди ва буни қандай қилишни уларга тушунтириб берди (Мат. 28:18-20; Ҳав. 1:8).

Унинг амри бир неча аспектни ўз ичига олганди: географик (Ҳав.1:8), тил (Ҳав. 2:5-7) ва этник (Ҳав.10), бу билан ер юзини ҳамма ерига Хушхабарни етиб бориши кўзда тутилган эди. У ерда жамоат қуриш сўзи йўқлигига эътибор берсак ҳам, Ҳаворийлар китобини ва ҳаворийлар мактубларини ўқиганимиздан кейин, тушунамизки Хушхабар айтилганидан кейин, жамоат ташкил қилиш бошланади.

# Г. Ҳаворй Павлус Кичик Асияда хушхабар тарқатар экан барча жойда жамоат қуриш принципини қўллади

Ҳав.19:9,10 да Павлуснинг режаси Кичик Асия эди. У вилоятнинг жуда муҳим шаҳарларидан бири бўлган, оҳир оқибатда эса Кичик Асияда Хушхабар тарқалишининг маркази бўлиб қолган Эфес шаҳрида жойлашди. Павлус у ерда шогирдлари билан учрашарди, улар эса у ердан бутун вилоятлар бўйлаб тарқалардилар, шундай қилиб ”Асиянинг бутун аҳолиси, ибронийлар ҳам, ҳамма-ҳамма Исо Масиҳ ҳақида эшитди“. Ваҳий китобидан биламизки бу вилоятнинг камида еттита катта шаҳрида Жамоат ташкил қилинган эди (Ваҳ.2,3).

*Эслатма: 1А Илова Кичик Асияда хушхабарнинг тарқалиши бўйича савол учун ўқилиши керак бўлган Муқаддас Китобни индуктив ўрганишга оид қўлланмадир. Бу қўлланма, Павлуснинг барча жойда жамоат ташкил қилиш стратегиясини тушуниб олишда жуда ажойиб материал бўлиб хизмат қилади.*

# IV. ЖАМОАТ ТАРИХИДА “БАРЧА ЖОЙДА ЖАМОАТ ТАШКИЛ ҚИЛИШ”

**Бешичи асрда Ирландияда** авлиё Патрик бутун оролни жамоатлар билан тўлдириб юборган ҳаракатни бошқарганди. Ўшанда ҳар бир қишлоқда жамоатлар пайдо бўлганди. Ана шу ҳаракат мамлакатнинг оддий оммасинигина эмас, хатто мажусий динига ишонувчилар друидларнинг оддий аъзолари билан биргаликда, уларнинг диний хизматчиларини ҳам Исо Масиҳга имон келтиришга олиб келди. Авлиё Патрик уларда бор бўлган усул, яни ҳар бир қишлоқ ўзининг диний хизматчисига эга бўлиши керак деган усулдан фойдаланди. У уларнинг мачитларини, йиғилишларини хушхабар тарқатиш учун ишлатди. Шу йўл билан друидларнинг дини, Масиҳийлик орқали секин аста сиқиб чиқарилди. Ана шундан шимолий Европанинг ёввойи қабилалари орасида жамоатлар ташкил қилишган, жуда кўплаб миссионерлик гуруҳлари Ирландиядан етишиб чиққан. (Ав.Патрик(390-460)- Ирландия ҳаворийси – унга Ирландиядаги эртанги ўрта аср лотин маданияти, жамоатлар, монастрлар барпо этиш даврлари боғлиқ. У Ирландиянинг миллий қаҳрамони сифатида улуғланади).

**XVI асрда Венгрияга** Реформа қилиш даври келди. Кейинчалик иккинчи Женева деб аталган Дебрецен шаҳрида эса, реформа қилувчи жамоат марказ ташкил қилди. Ана шу ердан бу жамоат Тансилванияда Муқаддас Китоб таълимотини ваъз қилувчи миссионерларни юборди. У ердан эса, унинг барча вилоятларигачага, ҳамма жойни жамоат ташкил қилиш ҳаракати тўлдириб юборди. Ана шу ердан Тансилванияда барча жойдан бошлаб, бутун вилоятларни эгаллаган ҳолда Муқаддас Китоб таълимотини ваъз қилувчи, барча жойда жамот ташкил қилиш ва миссионерлик хизматларини олиб бордилар.

**Шотландияда Жон Нокс** (1515-1572) томонидан бошқарилган, мамлакатда реформа қилинган жамоатлар қуришни ҳам мақсад қилган ҳаракат бошлади. У ибодатларга кўп эътибор берганлик билан ҳам машҳур ҳисобланади. Католиклар тарафдори бўлган Қиролича Мария (Мария Стюарт), мен Жон Нокснинг ибодатидан бутун Англия армиясидан ҳам кўпроқ қўрқаман деган эди. ( Жон Нокс– идеолог ва Шотландия реформаси отаси. Англия ва Шотландиянинг католиклаштиришига қараши кучли курашган эди. У Женевада эмиграция даврида бўлганида Калвин билан танишди. Мамлакатига қайтганидан кейин эса, 1559 йил шотландия протестантларига қараши курашни бошқарди, бунинг оқибатида Шотландия давлат дини 1560 йили пресвитерианлик деб эълон қилинди. Нокснинг фикрлари англиянинг қараши кучлари пуританларга кучли таъсир қилди).

**Жон Уэсли ва Жорж Уайтфил бошчилигидаги Англиядаги уйғониш** ҳаракати барча жойда жамоат қурилишигагина эмас, балки мамлакатда революция бўлишига олиб келаётган оммавий қайта таълимга ҳам ёрдам берди. У Америкада Жонатан Эдвард ва Френсис Эсбери бошчилик қилган ва кўпларни ҳамма жойда жамоат қуриш хизматига бошлади. Уэсли ва Уайтфилд орасида Калом борасида тушунмовчилик мавжуд бўлса ҳам, уларнинг бир-бирига бўлган хурмати одамлар орасида афсонага айланиб кетди. Уэслидан сиз Уайтфилд билан жаннатда учрашасизми деб сўрашганида, у шундай жавоб берган эди:” О, йўқ! У шунчалик баландда бўладики, мен унга хеч қачон етиша олмайман ... “. Жон Уэсли (1703-1791)– англия руҳонийси, методист жамоатининг асосчиси ва бошлиғи. Ҳали Оксфорд университети талабаси бўлиб юрган давридаёқ акаси Чарлиз ҳам қатнашга гуруҳ ташкил қилди. Гуруҳнинг бош вазифаси англикан динини протестант руҳида талқин қилиш эди. Уэсли Англия, Шотландия ва Ирландиянинг тоғ-кон ишчилари ва шаҳар ғариблари орасида кучли хушхабар тарқатишга эришди. Бундан ташқари у Шимолий Америкада ҳам ваъзхонлик қилиб, жамоатлар ташкил қилди. Уайтфилд Жорж (1714-1770)– англикан руҳонийси, Америкадаги Буюк уйғонишнинг ташкилотчиларидан бири бўлиб қолди. Кўпинча Уайтфилдни пайғамбар, Жон Уэслини эса–ташкилотчи, унинг акаси Чарлиз Уэслини эса 18 аср методист қўшиқчиси деб атайдилар.)

Ҳозирги даврда барча жойда жамоат қуриш ҳаракати ер юзини кўплаб жойларида амал қилмоқда. Улар Лотин Америкасида (айниқса Бразилияда), Хитойда, Корея, (қачонлардир ”Қора континент“ эндиликда эса ” Масиҳий континент“ деб аталаётган) марказий Африкада, айниқса Гагада бу ҳаракат кенг тус олди. Барча жойда жамоат қуриш ҳаракати Украина ва Руминияда ҳам кучаймоқда.

## САВОЛЛАР

- Сизнинг жамоатингиз кўпайиш ва барча жойда жамоат қуриш ҳаракати билан бошқарилмоқдами?
- Бирор марта мамлакатингизнинг хар хил миллатлар жойлашган ерларида жамоат

ташкил қилиш ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?

- Сизда бошқа мамлакатларга миссионерлар юбориш истаги борми?
- Сиз мамлакатингизда Худо буюк ишларни амалга оширмоқчи эканлигига ишонасизми?

**ТОПШИРИҚ**

1А Илова бўйича Муқаддас Китобни индуктив йўл билан ўрганиш дарсини ўтказинг.

**Ният**
*Илова*
**1А**

# Кичик Асияда Хушхабарнинг ёйилиши

*Кичик Асияда Павлуснинг стратегияси*

## I. Ҳав. 19 ва 20:13-36ни ўқиб чиқинг.

## II. Устки маълумот

### А. Эфес шаҳри ҳақида иложи борича кўпроқ маълумот топинг. Библия луғати ва энциклопедиясидан фойдаланиш мумкин

### Б. Унинг хизмати нимадан иборат эди?

- Синагогада ваъз қилиш ( Ҳав.19:8)
- Уйларда хушхабар тарқатиш ва ваъз қилиш (Ҳав.20:20)
- Жамоат хизматчиларига таълим бериш (Ҳав.20:17,31)
- "Раббимиз Исонинг исми улуғланди" (Ҳав.19:17).

Шогирдлари билан ҳар кунлик мунозара. У ердаги боғловчи " Шу тариқа" сўз бирлигига эътибор беринг, бу шогирдлари бутун Кичик Асияда хушхабарни тарғиб қилганлигини билдиради (Ҳав.19:17)

### Г. Агар Павлус бутун бу даврда Эфесда бўлган бўлса, қандай қилиб у шундай дея олади:" ... ҳоҳ яҳудий бўлсин, ҳоҳ юноний бўлсин, Асия вилоятида яшаганларнинг ҳаммаси Раббимиз Исонинг каломини эшитдилар" (Ҳав.19:10)?

### Д. Қуйида унинг баъзи шогирдларининг рўйҳати берилган. Берилган оятларни ўқинг, уларнинг қайси бири қаёққа ( қайси вилоят, шаҳар) хушхабар олиб борган.

- Тит (Тит 1:5)
- Аполлос (Ҳав.18:24)
- Акила ва Прискилла (Ҳав. 18:19)
- Эпафрас (Кол 1:7)
- Гай ва Аристарх ( Ҳав 19:29)
- Трофим (Ҳав 20:4)
- Тимофей (Ҳав 19:22)
- Ераст ( Ҳав 19:22)
- Сосипатр ( Ҳав 20:4)
- Секунд ( Ҳав 20:4)
- Дервиялик Гай (Ҳав 20:4)
- Эпафродит ( Фил 2:25)

### Е. Улар қандай муаммоларга дуч келдилар?

Эслатма–Эфесда бўлган даврида у Коринфликларга 1 ва 2 ни ёзган. (1Кор.16:8)

- 1Кор. 1:11
- 1Кор. 3:1

- 1Кор. 5:1
- Ҳав. 19:9
- Ҳав. 19:23 ва давоми.
- 1Тим. 1:3

### Ж. Худонинг илоҳий ишларини тасвирлаб беринг.

- Шогирдларнинг ҳаётида (Ҳав. 19:1-7).
- Мўжизалар ятатишда (Ҳав. 19:1–12).
- Имонлилар омма олдида очиқ имонларини тан олиб сеҳргарлик китобларини ёқиб юбордилар ( Ҳав. 19:19-20)

### З. Павлусни нима хизматга бошлади?

- 2Кор. 5:10
- 2Кор. 5:14,15
- 2Кор. 5:18

## III. ЎЗ ХИЗМАТИНГИЗНИ ПАВЛУСНИНГ ХИЗМАТИ БИЛАН СОЛИШТИРИНГ

1А.1. Жадвалини қараб чиқинг. Ўз хизматингизни ҳаворий Павлуснинг хизмати билан солиштириб чиқинг. Ўхшаш ва ўхшамас томонларини топинг. Сизнинг хизматингиз барча жойда жамоат ташкил этиш принципига тўғри келадими?

***1А.1 Жадвали. Ўз хизматингизни ҳаворий Павлус хизмати билан таққосланг.***

| **Павлуснинг хизмати** | **Сизнинг хизматингиз** |
|---|---|
| **<u>Жой:</u>** Эфес (Ҳав. 19:10; 20:31).<br>У ерда 2-3 йил қолди.<br>Стратегик жойлар:<br>Савдо маркази,<br>Туристик марказ,<br>Диний марказ. | **<u>Жой:</u>** Шаҳрингиз ёки бутун ноҳиянгиз ҳақида сўзлаб беринг. (Ўзингиз ўрганиб чиққан маълумотлардан фойдаланинг.) |
| **<u>Манбалар:</u>**<br>Ўқув биносидан фойдаланди (Ҳав.19:8-9).<br>**<u>Шогирдлари:</u>**<br>Тит (Тит 1:5)<br>Аполлос (Ҳав.18:24)<br>Акила ва Прискилла (Ҳав. 18:19)<br>Эпафрас (Кол 1:7)<br>Гай ва Аристарх ( Ҳав 19:29)<br>Трофим (Ҳав 20:4)<br>Тимофей (Ҳав 19:22)<br>Ераст ( Ҳав 19:22)<br>Сосипатр ( Ҳав 20:4)<br>Секунд ( Ҳав 20:4)<br>Дервиялик Гай (Ҳав 20:4)<br>Эпафродит ( Фил 2:25) | **<u>Манбалар:</u>** |
| **<u>Худонинг илоҳий ишлари:</u>**<br>Шогирдларнинг ҳаётида (Ҳав. 19:1-7).<br>Мўжизалар яратишда (Ҳав. 19:1–12).<br>Имонлилар омма олдида очиқ имонларини тан олиб, сеҳргарлик китобларини ёқиб юбордилар ( Ҳав. 19:19-20) | **<u>Худонинг илоҳий ишлари:</u>** |

| Павлуснинг хизмати | Сизнинг хизматингиз |
|---|---|
| **Муаммолар:**<br>Қараши тараф (1Кор.16:8-9);<br>Бўлиниш ва жанжал (1Кор. 1:11-12);<br>Дунёвий Масиҳийлар (1Кор. 3:1);<br>Зиногарлик гуноҳлари (1Кор. 5:1);<br>(Эслатма–Коринфликларга мактуби Эфесда ёзилган.)<br>Яҳудийлар очиқчасига Раббимиз йўлини ҳақоратладилар (Ҳав.19:9);<br>Димитрийнинг қараши ҳаракати (Ҳав.19:23). | **Муаммолар:** |
| **Бошқариш принциплари:**<br>Бошқаларга бошқаришни ишонди (1Тим.1:3). | **Бошқариш принциплари:** |
| **Хизматга чақириқ** (2Кор.5:10-21):<br>Худодан қўрқиш (5:10);<br>Худонинг севгиси (5:14-15);<br>Худонинг чақириғи (5:18). | **Хизматга чақириқ:** |

**Ният**
(Мақсад)
**2 Дарс**

# "Тадқиқот" мавзуси бўйича семинар

*Тадқиқот бўйича Биринчи Қўлланмадаги топшириқлар натижасини эълон қилиш*

**Дарс мақсади:**
Қуйидаги дарснинг мақсади–қатнашчиларга тадқиқот давомида олинган билимлари билан ўртоқлашишларига имконият бериш.

**Кутилган натижалар:**
Дарс материалини ўрганиб чиққандан кейин, ҳар бир қатнашчи:
- Нима учун маълумотлар тўплаш самарали хушхабар тарқатишда ва жамоат қуришда муҳим роль ўйнашини тутуниши;
- Жамот қурилаётган жойдаги ҳолатни аниқ кўрсатиб берадиган қисқача ҳисобот беришни билиши;
- Самарали хушхабар тарқатиш ва жамоат қуришда, у ёки бу маълумоат йиғиш усулини мухокама қилишда ва баҳолашда қатнашиши;

**Дарс режаси:**
I. Маълумотларни эълон қилишга кўрсатма;
II. Ҳисобот берганда кўрсатилиши зарур бўлган тадқиқот натижалари бўйича муҳим саволлар;

**Ўқитувчилар учун кўрсатма:**
Бу машғулот семинар ҳисобланади. Ҳар бир қатнашчига Биринчи Қўлланмадаги топшириқни бажарган натижалари билан бўлишиш имконини беринг. Агар қатнашчилардан бирортаси жой картаси, диаграмма ёки жадвал тузган бўлса, қатнашчилар танаффусда ёки бўш вақтларида танишиб чиқа олишларига имконият берадиган жойга илиб қўйинг. Ҳар бир қатнашчи ҳисоб бериб чиқа олиши учун тахминан 15 минут вақт кетади. Агар сизнинг гуруҳингизда қатнашчилар кўп бўлса, ҳар бир қатнашчи ўз натижалари билан бўлиша олиши учун гуруҳни бўлишни ўйлаб кўринг.

## СЎЗ БОШИ

Биринчи Қўлланмада қатнашчилар жамоат қурадиган ноҳия, жой (мўлжалдаги жой деб аталади) ҳақида маълумот тўплаш ҳақида топшириқ берилган эди. Улар иложи борича кўпроқ ишчилар (хизматда уларга ёрдам берадиган Масиҳийлар) ва ҳосил майдони (хизмат қилинадиган жой) ҳақида маълумот тўплашлари керак эди.Бу маълумотларни улар ўрганиб чиқиб, тартибга солиб, ҳисоб бераётганда улардан фойдаланишлари ва хушхабар тарқатиш ва жамоат қуриш стратегиясига қанчалик таъсир қилишини кўрсатиб беришлари зарур эди.

## I. МАЪЛУМОТЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА

Ҳар бир қатнашчи ёки гуруҳ тадқиқотларининг натижаларини қуйидаги кўрсатмаларга таянган ҳолда 10-15 минут ичида эълон қилиши керак:

## 1. Йиғилган маълумотлар (5-7 мин.)

- Хизмат қиладиган жойингизни тасвирлаб беринг –мўлжалдаги жой.
- Сиз қандай қилиб маълумот тўпладингиз ( анкета, шунчаки суҳбатлашиш орқали, шахсий изланишлар орқали/ жой картасини тузиш, кутубхонадан ўқиб ўрганиш, ва ҳ.к.)?
- Тадқиқот давомида қандай муаммоларга дуч келдингиз ва уларни қандай ҳал қилганингизни муҳокама қилинг. Кейинги сафар нимани сиз бошқачароқ қиласиз?

## 2. Йиғилган маълумотларни ўрганиб чиқиш (5-8 мин.)

- Қолган вақт тадқиқотлар натижаларига хулоса қилишга ажратилиши керак.
- Сизнинг ҳисоботингиз қуйида берилган саволарга жавоб берган бўлиши зарур.

## III. ҲИСОБОТДА КЎРСАТИБ ЎТИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН, ТАДҚИҚОТЛАР НАТИЖАЛАРИ УЧУН БЕРИЛГАН МУҲИМ САВОЛЛЛАР

- Мўлжалдаги жой, у ерда яшайдиган одамлар бўйича тўплаган маълумотларингиздан қайси бири сизнингча қизиқарлироқ?
- Сизни ҳайрон қолдирган маълумот бўлдими?
- Тўплаган маълумоатларингиз орасида айнан қайси бири сизга мўлжалдаги жойда жамоат қуриш стратегиясини тузишингизда ёрдам беради?
- Мўлжалдаги жойда келажакда хуш хабар тарқатиш ва жамоат қуриш стратегиясини тузишингизда яна сизга қандай қўшимча тадқиқотлар керак бўлади?

**Ният**
(Мақсад)
**3 Дарс**

# Жамот қуриш топшириғи бўйича олинган тадқиқот натижаларидан фойдаланиш

**Дарс мақсади:**
Бу дарснинг мақсади – тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиб, бошқаларни жамоат ташкил қилиш топшириғини бажаришга жалб қилиш.

**Кутилган натижалар:**
Материални ўрганиб чиқиб, ҳар бир қатнашчи:

- Жамоат ташкил қилиш стратегиясини ишлаб чиқариш учун, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш нақадар зарурлигини тушуниши;
- Янги одамларни жамоат ташкил қилиш учун жалб қилишда тадқиқот натижаларидан фойдаланишни билиши;
- Одамларни жамоат ташкил қилиш хизматига жалб қилиш стратегиясини ишлаб чиқариш, уларни ибодатга, маблағ билан таъминлашга ёки шахсий иштирок этишга бошлаши керак;

**Дарс режаси:**
I. Пайғамбарлик сўзи
II. Маълумотни тарқатиш бўйича таклиф
III. Бажарувчилар кучини жалб қилиш йўлини аниқлаш
IV. Намуна

**Ўқитувчилар учун кўрсатмалар:**
Жамоат ташкил қилишда тадқиқот натижаларидан фойдаланиш одамларни ибодат, маблағ ва қўллаб-қувватлаш бўйича қанчалик яхши натижаларга олиб келганлиги ҳақида мисоллар келтиришга ҳаракат қилинг. Ундан нотўғри фойдаланиш эса, тескари, салбий натижалар келтиргани ҳақида ҳам мисол беринг. Қатнашчилар ана шу хатолардан дарс олиб, келажакда уларни қилмасликни тушуниб олсинлар.

## СЎЗ БОШИ

Аввалги Қўлланмадаги топшириқлардан бири сиз ёки гуруҳингиз жамоат қуришни режалаштираётган мўлжалдаги жой бўйича тадқиқот ўтказиш эди. Тадқиқот давомида сизлар бажарувчилар(жамоат қуриш хизматида фойдаланиш мумкин бўлган манбалар) ва ҳосил(сиз хушхабар етказмоқчи бўлган одамлар ва улар яшайдиган жой) бўйича маълумот йиғдиларинг ва уни тахлил қилдиларинг. Бу дарсимизда биз олинган маълумотларни қандай қилиб бошқаларга етказиш орқали, уларни сиз мўлжаллаган жойдаги одамлар муҳтожликлари билан таништириш ва уларни Худо Шоҳлиги хизматига жалб қилишни ўрганиб чиқамиз.

## I. ПАЙҒАМБАРЛИК СЎЗИ

”Пайғамбарлик сўзи“– бу сизнинг мўлжаллаган жойингизда, гуруҳингиз фикрича Худо хушхабар тарқатиш бўйича қилмоқчи бўлган ишнинг якуний ҳисоби. У сизнинг ибодатларингиз, йиғилишларингиз ва тадқиқотларингиз натижаси хулосасини кўрсатади.

”Пайғамбарлик сўзи“ мўлжалдаги жойдаги одамларнинг ҳолати ва руҳий муҳтожликларини кенг кўламда очиб беради ва Худонинг хизматчилари бу муҳтожликлар учун нималар қилишлари зарурлигини кўрсатиб беради. У сизнинг қилмоқчи бўлган ишларингиз учун худди таянч бўлиб хизмат қилади. У сизларнинг ”Худо биз мўлжаллаган жойда нима қилмоқчи?“, ” Қандай қилиб бу жойдаги ҳар бир одам ўзига мос келадиган ҳолда хушхабарни эшитиб, амалда кўра олади?“ деган саволларингизга жавоб бера олади.

Сизнинг пайғамбарлик сўзингиз, ўзида гуруҳингизнинг қуйидагилар бўйича тушунчаси ва маъносини кўрсатиши керак:

## А. Одамлар турган жойнинг шароитлари ҳақида

Матто 9:35-38га эътибор беринг, унда Раббимиз тўпланган оломонни кўрди, ” Исо уларга ачинди; *чунки чўпонсиз қўйлардай довдираган ва ҳолдан тойган эдилар.*“ Уларнинг кўплари касал эдилар, У уларни даволади. Улар азоб чекардилар. Исо уларнинг орасида юриб, уларнинг азобланаётганликларини кўрди.

Мўлжаллаган жойингиздаги тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб, одамларнинг ҳолати ҳақида нима дея оласиз. Уларнинг биринчи даражали муҳтожликлари ҳақида маълумот беринг ва б.қ. (4А Иловадаги ”Ният“, ”Ўз мўлжаллаган жойини тушуниш“ мавзуларига қараймиз. 1Қўлланма.)

## Б. Одамларнинг руҳий ҳолати

” ... *чўпонсиз қўйлар каби* ..“ (Мат. 9:36). Исо одамларнинг ҳаётида бирор бир руҳий бошқаришлик йўқ эканлигини кўрди. Улар йўлни билмасдан адашардилар.

Сизнинг мўлжалдаги жойингиздаги одамларнинг руҳий ҳолати ҳақида қисқача изоҳ беринг. У ерда бирорта жамоат борми? Аҳолининг қанча қисми жамоатга қатнайди ёки ўзини Масиҳий деб ҳисоблайди? Одамлар хушхабар учун очиқми? Уларнинг орасида яна қандай диний йўналишлар иш олиб бормоқда? Ҳар бир одам Хушхабарни ўзига мос келадиган даражада қабул қила олиши ва амалда уни кўриши учун яна қанча жамоатлар очилиши керак? (4А Иловадаги ”Ният“, ”Ўз мўлжаллаган жойини тушуниш“ мавзуларига қараймиз. 1Қўлланма.)

## В. Худонинг халқи нима қилиши керак

”... *шундай қилиб ҳосил Эгасига илтижо қилинглар...*“(Мат.9:38) – Масиҳ илтижо қилишга амр берди. Кейинроқ У ”юмушчилар“ни топди, уларни тайёрлади, ўқитиб-ўргатди, хизматга юборди ва моддий ёрдам йиғишга буюрди! (Мат. 10)

Исо Масиҳ, мўлжалланган жойда сиз ва гуруҳингизни айнан нималар қилишга чақирмоқда? Ана шу одамлар учун доимо, қатъият билан нималар ҳақида ибодат қиласиз? Мўлжалдаги жойда яна қандай манбалар (одамлар, жамоат, хизмат) хизмат қилиш учун жалб қилиниши мумкин? Мўлжалдаги жойда сиз ва гуруҳингиз одамларни ибодатга жалб қилишда ва хушхабар етказишда қандай ўрин тутасизлар?

### II. МАЪЛУМОТНИ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАР

Донолик билан тарқатилган маълумот одамлар дунёқарашини ўзгартиришда ва уларни ҳаракатга бошлашда жуда кучли ўрин тутиши мумкин. Эҳтиётсизлик билан тарқатилган маълумот эса норозиликка, бирор нарсани ўзгартириш истагини йўқ бўлишига ва охир оқибат одамлар ғазабини қўзғалишига олиб келиши мумкин.

Сизлар тўплаган тадқиқотлар натижасини Худо бошқа одамларга сиз мўлжаллаган жойдаги муҳтожликларни кўрсатиб, Масиҳга содиқ юмушчиларни кўпайтириш орқали ажойиб тарзда ишлатиши мумкин:

## А. Тадқиқотлар натижалари билан қандай қилиб бўлишиш мумкин?

1. Донолик учун ибодат қилинг. Масиҳийлар хушхабарни етказиш учун етарлича ишламаётганлиги ҳақида танқид қилишдан эҳтиёт бўлган ҳолда сўзлаб беринг.
2. Аниқ нимани гапириш кераклигини ўйлаб олинг. Одамларга ҳамма тўпланган маълумотларни гапиришингиз шарт эмас, фақатгина одамларни жамоат қуришга жалб қиладиган муҳим жойларини айтсангиз кифоя.
3. Танлаб олинган маълумотни энг яхши усулда сўзлаб бериш йўлини ўйлаб топинг.

Буюк одамлар ҳаётидан мисоллар келтиринг, уйингизга ошга таклиф қилинг, ёки чойхонага боринглар ва сизнингча мўлжаллаган жойингизга Худонинг иродаси нима эканлиги ҳақида сўзлаб беринг.

## Б. Тадқиқотлар натижаларини кимга айтиш мумкин?

1. Аввалига ҳосил ва юмушчилар ҳақидаги олган маълумотларингизни энг ишонган бир-икки кишига айтинг. Улардан мана шу олинган маълумотлар ёрдамида қандай қилиб кўпроқ Масиҳийларни жамоат қуриш ишига жалб қилиш мумкин бўлган йўлларини ўйлаб кўришларини сўранг. Агарда, улар бунинг умуман иложи йўқ деб жавоб берсалар сира хафа бўлманг, эсингизда бўлсин Исо сиз билан.
2. Жамоат хизматчилари билан шахсан гаплашинг ва маълумотлардан фойдаланиш учун уларнинг марҳаматини олинг. Жамоат ташкил қилиш қандай қилиб хизматнинг кўпайишига олиб келишини тушунтириб беринг. Хизматчиларга сиз Худонинг иродасини бажаришни ҳоҳлаётганингизни кўрсатиб беринг.
3. Бошқалар бунга қандай қараяптилар. Одамларнинг янги жамоатлар ташкил қилишга бўлган чақириққа қандай муносабатда бўлишларини билишга ҳаракат қилинг. Сизга ишонч билдирган одамларни ишончини оқлашга ҳаракат қилинг, агар салбий жавоблар бўладиган бўлса, иложи борича қисқа, аниқ жавоб бериб, донолик билан иш тутинг.
4. Жамоат қуришга қизиқиши бўлган одамлар билан тадқиқотлар натижалари билан бўлишинг. Олинган маълумотлардан гуруҳ тузишда фойдаланинг.

## В. Нима учун тадқиқотлар натижалари билан бўлишиш керак?

*1. Адашганларга ачиниш*

Одамларнинг руҳий тушкунликка тушиб кетганлигини кўрсатувчи маълумотлар билан бўлишинг. Тинглаётганлар ростдан ҳам сиз мўлжаллаган жойдаги одамлар Исо Масиҳсиз қийналаётганликларини ҳис қилишлари учун бирорта аниқ мисол келтиринг.

*2. Ибодат*

Фақатгина Худо амалга ошириши мумкин бўлган муҳтожликлар ҳақида сўзлаб беринг. Юмушчилар учун ибодат қилинг.

*3. Одамларни жамоат қуришга жалб қилиш*

Аниқ ёрдамга муҳтожлик борлигини одамларга кўрсатадиган маълумотларни сўзлаб беринг. Болалар билан ишлаш, қурилиш ёки бино ремонти, моддий ёрдам, мусиқа хизмати, хушхабар етказиш ва ҳ.к, амалий ёрдамлар кераклиги ҳақида гапиринг.

*4. Моддий муҳтожлик*

Моддий муҳтожлигингизни аниқ қилиб кўрсатинг. Очиқ, ростгўйлик билан, аниқ сонларни кўрсатишдан қўрқманг.

## III. ЮМУШЧИЛАР КУЧЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛАДИГАН УСУЛЛАРНИ АНИҚЛАШ

Тадқиқотлар олиб бораётганингизда мўлжалдаги жойда сизга Хушхабар етказишда ёрдам бера оладиган манбаларни (юмушчилар) аниқлаш топшириғи ҳам бор эди. Тадқиқотлар натижалари билан бўлишар экансиз, мана шу манбалардан баъзиларини ўзингизнинг жамоат ташкил қилиш хизматингизга жалб қилишингиз мумкин.

## А. Айнан ҳозирги вақтда сиз учун қандай манбаларнинг иложи борлигини аниқланг

*1. Одамлар*

Ким бу ишда иштирок этмоқчи? Одамлардан бу ҳақда сўранг ва жамоат қуриш хизматида ўз улушларини қўшишларига имкон беринг. Бу одамлар хизмат учун қанча вақтларини ажрата оладилар?

*2. Молия*

Сизда қанча пул бор?

*3. Материал*

Қандай материалларнинг иложи бор (филъм, адабиёт, мусиқий асбоб ва б.қ)?

## Б. Жамот ташкил қилиш учун керакли ресурсларни жалб қилиш режасини тузинг

Юмушчиларни жалб қиладиган қандай стратегиядан фойдаланасиз? Бу дарсда берилганларга асосланиб режа тузинг.

## IV. МИСОЛ

Қуйида Чехиянинг Брно шаҳрида жамоат ташкил қилиш стратегиясини тузишда ўтказилган тадқиқотлар қанчалик ёрдам берганлиги ҳақида мисол берилган. Ундан яна тадқиқотлар натижаларини ўзининг ва бошқа жамоатларда бўлишиш орқали қандай қилиб, гуруҳ ресурсларни жалб қилганликлари ҳақида ҳам кўрсатилган.

Бизнинг жамоат (Буюк Топшириқ учун Масиҳийлар жамоати) Чехиянинг Брно шаҳрида 1995 йили ёзда ташкил этилган. Хизматимизнинг бошланишида биз уйма-уй юриб анкеталар бериш билан бирга Хушхабар тарқатиб юрдик. Бундан ташқари ҳар хил маданият уйларида "Исо“ фильмини намойиш қилдик. Секин аста тушундикки хушхабар тарқатишнинг бу йўли ҳозирги вақтда революциядан кейин келтирган натижаларини келтирмайди.

Остраведаги жамоат ташкил қилиш ҳақидаги семинарга қатнашганимиздан кейин, тадқиқотлар ўтказиш концепцияси ҳақида билиб олдик. Маълумотларни тўплагандан кейин, биз одамлар муҳтожликлари ҳақида билишни ва уларга ёрдам бериш орқали алоқа ўрнатишни кўзда тутдик.

Биз бу ҳақда ўз жамоатимизда ибодат қила бошладик. Шундан кейин, 1996 йили январида Лесна ва Каменны Врч вилоятларида одамлар орасида маълумот тўплашга қарор қилдик. Улар бир-биридан жуда катта фарқ қилади, шунинг учун биз уларни бир-бирига таққослаймиз деб умид қилган эдик. Каменныда кўпроқ ёш оилалар, болалари билан яшашларини, Леснада эса кўпроқ қариялар яшашларини билиб олдик. Кўплар биз билан суҳбатлашишни ҳоҳламасдилар, айниқса Леснадагилар.

Биз олинган маълумот натижаларини компютерда ишлаб чиқдик ва кимки бунга қизиқса уларга ҳам юбордик. Айни бир вақтда биз ана шу одамларни бошқа бир йиғилишга таклиф қилдик. Биз Каменны Врчдаги одамлар кўпроқ пул топишга қизиқишларини ва мана шу иш билан кўпинча банд бўлишларини билиб олдик. Бундай одамларни кўпинча болалар билан ўтиришга вақтлари бўлмайди. Бу бизга баъзи фикрларни берди, айниқса болалар билан ишлаш учун.

Бир мактаб стадионида болалар учун волейбол ўйини ташкил қилдик ва қўшни болаларни таклиф қилдик. 1996 йилнинг кузида биз яна спортзални ижарага олдик ва баскетбол бўйича ўйинларни ташкил қилдик. Бир неча ҳафтадан кейин доимий равишда 20-30 бола қатнаша бошладилар. Ўйинлар орасидаги танаффусларда биз болалар билан Каломдан суҳбатлашар, гувоҳликлар берардик. Улардан баъзилар қизиқа бошладилар, 2 бола эса тавба қилди.

1997 йилнинг баҳорида биз футбол ўйинини ташкил қила бошладик. Унга тахминан 20 бола кела бошлади. Улар билан бизнинг жамоатимиздан 4та киши ишлай бошлади. Ана шу баҳорда биз яна ёшлар учун туристик гуруҳ ташкил қилдик. Куздан бошлаб эса (об-ҳаво туфайли) шаҳар ҳокимияти томонидан бепулга берилган бинода йиғилиш ўтказа бошладик. Биз бу гуруҳга келган ҳар бир бола учун, уларнинг ота-оналари Худони билишлари учун ибодат қилдик.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида бу ноҳиядаги кўплаб кишилар биз ҳақимизда билдилар. Ҳамма ҳам биздан хурсанд бўлмасалар ҳам, бизни хурсанд қилиб, баъзилар бизга ишона бошладилар. Бундан ташқари, жамоатимиздаги бир-неча одам уларга Худо болалар билан ишлаш инъомини берганлигини билиб олдилар. Ўтказилган тадқиқотларни Худо бизнинг мақсадимизни кенгайтириш ва ибодат ҳаётимизни чуқурлаштириш учун ишлатди. Яқин келажакда биз яна бир қўшни ноҳия Кохоутовицеда тадқиқотлар ўтказмоқчимиз.

## САВОЛЛАР

- Ҳосил ва юмушчилар ҳақида олинган маълумотлар сизнинг жамоат ташкил қилиш хизматингизда қандай қилиб ишлатилиши мумкин?
- Тадқиқотлар натижасининг очиқ эълон қилиниши сизнинг жамоатдаги бошқа хизматчилар билан муносабатингизга қандай таъсир қилади?

## ТОПШИРИҚ

- Гуруҳингиз билан тадқиқотлар натижасини қайта кўриб чиқиб, жамоат қурмоқчи бўлган жой бўйича сиз учун Худо томонидан берилган "пайғамбарлик сўзи"ни ёзинглар.
- Жамот ташкил қилишда сизга ёрдам берадиган бошқа одамларни жалб қилиш режасини тузинг. Тадқиқотлар натижасини ишониб айтадиган одамларнинг номларини у ерга киритинг ва уларга хизматингизни айнан қайси жойида уларнинг ёрдамини кўришни ҳоҳлашингизни айтинг( ибодат, молия, гуруҳда иштирок этиш ва ҳ.з). Бу режани ўз устозингиз ёки ўқитувчингизга кўрсатинг.
- Режангизни амалга оширинг, унинг натижаларини кейинги семинарда устозингиз ёки ўқитувчингизга кўрсатинг.

# 2 Қисм: Жамоат

**Жамоат**

**1 Дарс**

# Жамоатнинг табиати
## *Биз қандай тушунамиз Жамот нима?*

**Дарс мақсади:**

Қуйидаги дарснинг мақсади–Муқаддас Китобга асосланиб Жамоат табиатини ёритиб бериш. Жамот худди жонли тана (бутун олам Жамоати) ва институт (ташкилий структура, масалан маҳаллий жамоат) каби таърифланади.

**Кутилган натижалар:**

Материални ўрганиб чиққандан кейин, ҳар бир қатнашчи билиши керак:

- Жамоат тана ва Жамоат институт орасидаги ўхшашликларни ва фарқни кўра билиши;
- Жамоат ҳақидаги Муқаддас Китоб таълимотини (тана ва институт) билиши;
- Бутун олам Жамоати ва маҳаллий жамоат учун фарқ ишлаб чиқариши. Бу фарқларни таққослаши ва улар бўйича фикрлаши ( тингловчи эга бўлган тажрибага асосланиб) керак;

**Дарс режаси:**

I. ”Жамоат“ сўзининг маъноси ва ишлатилиши

II. Жамоат табиати

**Ўқитувчиларга тавсия:**

Қатнашчилардан бирор аниқ маҳаллий жамоатнинг фарқини муҳокама қилишларини сўранг. Уларни маҳаллий жамоат ҳақида оддий тўхтамга келишларида ёрдам беринг. Жамоат–тана ва институтнинг биргаликда ҳаракати ҳақида тариҳий мисол келтиришга тайёр бўлинг. Муҳокамани бошлаш учун Илова 1Адан фойдаланинг.

Бу дарсда жуда кўплаб Муқаддас Китобдан мисоллар ва муҳокама учун саволлар келтирилган. Ўқитувчи қатнашчиларга ўтилаётган материални тўлиқроқ тушунишларида ёрдам бериш учун бутун берилганлардан ёки фақатгина уларнинг баъзиларидан фойдаланиши мумкин.

## СЎЗ БОШИ

*Ўқитувчилар учун эслатма:* ўрганилаётган мавзу бўйича сўз боши сифатида ўрганувчиларга 1А Иловадан топшириқ бажариш таклиф этилади. Бу топшириқни мақсади қатнашчиларга ”Жамоат нима?“ деган саволга жавоб олишларида ёрдам бериш ва уларнинг кўпларини Жамоат ҳақидаги тасаввурлари шахсий тажриба, урф-одатдан келиб чиққанлигини кўрсатишдир.

Бу дарснинг асосий мавзуси Муқаддас Китобнинг Жамоат табиати ҳақидаги таълимотидир. Жамоат табиатини Муқаддас Китобга асосланиб билиб олиш, янги жамоат қуришда қатанашаётган одам учун Жамот ҳақида ўз тасаввурига эга бўлишида ва соғлом, ўсадиган, маҳаллий одатларга мос келадиган, Муқаддас Китобга асосланган жамоат қуришида ёрдам беради.

## I. ”ЖАМОАТ“ СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ ВА ИШЛАТИЛИШИ

## А. Сўзнинг маъноси

”Жамоат“ сўзи (инглизча ”church“, швед, фин, эстончасига ”kirka“, славянчасига ”црква“,”црквъ“,”циркевенъ“) қадимги грек ”*кириакон*“ сўзидан келиб ”*Худога тегишли*“ деган маънони билдиради (1Кор.11:20; Ваҳ.1:10). Баъзи қадимги ёзувларда у билан бир хил маънода ”экклесиа“ сўзи ҳам ишлатилади. Бу ҳолда иккала сўз ҳам ўзбекчасига ”жамоат“ деган маънони беради. ”*кириакон*“ сўзи Янги Аҳдда икки марта ”Раббимиз кечлиги“(1Кор.11:20) ва ”қайта тирилиш куни“ (тўғри маъноси–”Раббимиз куни“ Ваҳ.1:10) да ишлатилган. Охир оқибатда ”кириакон“ сўзини ”имонга келган“, ”имонли“, ”Масиҳийча“ деган маъноларда ишлата бошладилар (бир гуруҳ одамларга, шаҳарга, ҳалққа нисбатан ва ҳ.к).

”*Экклесиа*“ деган грекча сўз эса, таржимада худди ”жамоат“ деган маъно берувчи сўз, ”эк“ -”вовне“ маъносини берувчи қўшимчага ва ”калео“ яни ”чақирилган“ маъносини берувчи феълга эга. Одатда бу сўз бир гуруҳ одамлар йиғилганда, уларнинг ҳаммасига тегишли ишлар ва улар учун муҳим бўлган саволлар муҳокама қилинганда ишлатилган.

Қадимги Грек ёзувчилари: Фукидида, Протагора ва Платоналарда бу сўз тўғри чақирилганлар (антоними тартибсиз ва ўзбошимча йиғилган одамлар) йиғилиши ёки бирор ҳуқуққа эга шахслар мажлиси деган маънони берган.

Масиҳийликнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши туфайли бу икки сўзни –”экклесиа“ ва ”кириакон“ имонлилар йиғилиши деган маънода ишлата бошладилар.

Муқаддас Китобга асосланмаган ҳолда ”экклесиа“ сўзининг маъноси–”тўғри йўлда чақирилган, озод фуқароларнинг йиғилиши“ ни билдиради.

Эски Аҳддан таржима қилинганда Грекчадаги ”экклесиа“ сўзи еврейларнинг ”гахал“- ”йиғилиш“ сўзининг маъносини бериш учун ишлатилган. Бу сўз кўпинча яҳудийларнинг йиғилишларини билдириш учун ишлатилган (фақатгина диний эмас). Баъзи жойларда эса жангчилар йиғилишини билдиради (1Шоҳ.17:47; 2Пар.28:14). Яҳудийлар Масиҳийлар ўз йиғилишларини бу сўз билан атай бошлаганларидан кейин бу сўзни ишлатмай қўйдилар.

Янги Аҳдда ”экклесиа“ сўзи аниқ гуруҳ одамларига тегишли (маҳаллий жамоат)бўлиб озроқ маъно беради, Худо халқи деганда ишлатилганда эса бойроқ маънога эга бўлган терминга айланади (бутун олам Жамоати).

## Б. ”экклесиа“ сўзини Янги Аҳдда ишлатилиши

Янги Аҳдда ”экклесиа“ сўзи 114 марта ишлатилган, шулардан 92 таси имонлиларнинг аниқ учрашув жойини билдиради. Бу сўз ҳар сафар ”жамоат, жамоа, йиғилиш ёки имонлилар гуруҳи“ деб таржима қилинади.

”Экклесиа“–маҳаллий жамоат, жамоа. Бутун гуруҳ аъзолари Исо Масиҳни шахсий Нажаткорим деб тан олганлар, баъзилари эса (мисол. 1Юҳ. 2:19; Ваҳ.3:20) фақатгина сўзларида, лекин нима бўлганда ҳам бу одамларнинг бари ўзларини Масиҳий деб атаганлар. Баъзан Янги Аҳдда ”маҳаллий жамот“, ”экклесиа“ сўзини билдирувчи сўз, қуйидагидек ишлатилган:

уй жамоати (Кол.4:15; Рим.16:4; 1Кор.16:19;);

бир шаҳарда жойлашган бир неча уй жамоатларининг бирлашгани (1Кор.1:2; Гал. 1:22; 1Сало.1:1)–”Салоникаликлар жамоати“;

кўплаб уй жамоатларининг бирлашгани (мисол учун, ”бутун Яҳудия бўйича, Жалилия ва Самария“ (Ҳав.9:31));

”тарқалиб кетган“ Масиҳийлар (Ҳав.8:1-3,ёки ”Алжирдаги Жамоат“).

”Экклесиа“ сўзи бутун борлиқдаги Масиҳийларни билдиради, ер юзидагини ҳам, осмондагиларни ҳам(Ибр.12:23), Муқаддас Руҳ таъсирида юқоридан туғилганлар (1Кор.12:13). Бу Жамоат–Масиҳнинг танаси (Эф.1:22-23; Кол 1:18). Баъзан Исо Масиҳнинг танасини ”Кўринмас Жамоат“ деб ҳам аташади, лекин унинг аъзолари кўзга кўринадиган, шунинг учун биз ”бутун олам Жамоати“ дейишни афзал кўрамиз.

## В. Ҳозирги даврда ”жамоат“ сўзининг ишлатилиши

Омма орасида ва турли маданиятларда ”жамоат“ сўзи турли маъноларда ишлатилади. У диний русумлар ўтказилишга мўлжалланган бинони билдириши мумкин, ёки Масиҳ Танасини тан олувчи имонлилар йиғинини билдириши мумкин (уй жамоати). ”Жамоат“ сўзи ана шу мамлакатдаги бутун Масиҳийларга, ёки ўзини бирор йўналишдаги урф-одатга, художўйлик йўналишига тегишли деб ҳисоблайдиган одамларга тегишли ҳисобланади. Сизнинг маданиятингизда бу сўз яна қандай маъноларда ишлатилади?

Ҳозирги давр Каломшунослар ”жамоат“ сўзини қуйидаги мазмунларда таклиф

қилмоқдалар:

1). Бутун Коинот Жамоати – бутун оламдаги ва осмондаги имонлилар.

2). Кўзга кўринадиган Жамоат – бутун дунёдаги маҳаллий жамоатларларнинг йиғини.

3). Маҳаллий жамоат – аниқ бир жамоа.

Ҳар бир Масиҳий бутун Коинот жамоатига, кўринадиган жамоатга ва аниқ бир маҳаллий жамоатга тегишли бўлади: худди шунга ўхшаб ҳаворий Павлус ҳам ”Жамоат“ деганда ана шу учта тушунчани назарда тутган 1Кор.10:32 да.

## III. ЖАМОАТ ТАБИАТИ

## А. Жамоат бу – тана

Исо Масиҳнинг Жамоати–бу ажойиб тирик тана. Тирик танани ҳаракатда, бутун мукаммаллигида, гўзаллигида тасаввур қилинг. Миллионлаб тирик ҳужайралар мураккаб вазифаларни бажариш учун ишламоқдалар. Танада ҳаёт барқ уриши учун миядан нерв томирлари бутун тана бўйлаб сигналларни тарқатмоқда. Ҳар бир ҳужайра учун керак бўладиган кислород ва озиқани томирларда қон доначалари ташимоқдалар. Алоҳида муҳим ҳужайралар эса ҳаёт учун зарур бўлган суюқликлар чиқармоқдалар, танадаги бегона зарраларга қараши курашувчи ҳужайралар ҳам мукаммал ишламоқда. Бу миллионлаб ҳужайралар бир-бирига боғланмасдан, муносабатсиз ҳаёт кечира олмайдилар.

Юқоридан Муқаддас Руҳдан туғилган, Худонинг болалари Жамотнинг –ҳужайралари ҳисобланадилар. Руҳдан туғилиш руҳий озиқага–Худо Оиласига муҳтожликни келтириб чиқаради. Худо ва Унинг оиласи билан муносабат қилмасдан мукаммал, НОРМАЛ ҳаёт кечириш мумкин эмас. Ҳужайра танасиз яшай олмайди, у танадан келадиган озиқага, ҳимояга муҳтож. Жамоат – унинг ҳамма тана ҳужайралари ўз ишларини керакли равишда бажаргандагина мустаҳкамланади ва руҳан ўсади. Бунинг учун эса, уларнинг ҳар бири – ҳар бир ҳужайрага озиқ, ҳимоя берувчи, бу билан бутун танага ҳаёт берувчи – бош, Исо Масиҳга боғланганлар(Кол.1:18). Шу йўл билан имонлилар Исо Масиҳда Худога – ва бир-бирларига боғланиб, руҳан бирдирлар (Эф:4:4-6).

### *Муҳокама учун:*

Муқаддас Китобдаги қайси қисимлар имонлиларнинг Худо билан муносабатини тасвирлаб беради? Бир-бирлари билан-чи?

Бу муносабатнинг ҳаётда кўринишлари қандай?

### *Демак:*

Жамот, Худо билан бирга яшаш учун, Масиҳийлик муносабатларида қатнашиш учун (Ибр. 10:24-25; Ҳав. 2:42-45) дунёдан чақириб олинган(Рим.12:1-2) Худонинг одамларини йиғилиши ҳисобланади. Улар Худонинг муқаддаслари (Ҳав. 20:28;1Кор. 11:22) Шоҳлигини ташкил қиладилар. Худо томонидан танлаб олинганлар (Эф.1:4-5), Уники ҳисобланадилар (Тит.2:14), Унга бағишланган (1Кор.1:30) ва Исо Масиҳ билан бирлашганлар (2Кор.5:17). Жамоат аъзолари деб, Исо Масиҳнинг шогирдларини айтадилар (Мат.28:19), улар Худонинг оиласида ака-ука, опа-сингиллар (Рим.8:29;1Юҳ.4:20-21).

Одам Жамотга юқоридан туғилгандан кейин киради (Юҳ.3:3-5, 16; 1Кор.12:12-13; Рим.6:1-4).

Жамотда ҳокимят фақатгина Масиҳга тегишли. У Жамотнинг Боши саналади (Кол.1:18;Эф. 1:22).

Ҳар қандай одам, унинг миллати, тили, келиб-чиқишидан қатъий назар Жамот аъзоси бўлиши мумкин (Ваҳ.5:9; Мат.28:19).

### *Муҳокама учун:*

- ”Жамоат–тана“даги қайси тушунча соғлом, кўпаювчи жамоатлар қуришни билдиради?
- Масиҳий бошқа имонлилар билан муносабатда бўлмасдан туриб, Масиҳда мукаммал ҳаётга эга бўла оладими? Жавобингизни тушунтириб беринг.

Жамоатни тана сифатида таърифлаш: ”Масиҳ Танаси бу - турли амалларни бажарувчи, лекин бир-бирига боғлиқ ва Масиҳга, Тирик Бошга бўйсинувчи алоҳида-алоҳида имонлилардан ташкил топган“. C. Ryrie,Biblical Theology of the New Testament, pg.191.

Бу таъриф ҳақида ўйлаб кўринг. Унда сиз нимани ўзгартирган бўлардингиз? Жамоатни тана сифатида ўз таърифингизни сўзлаб беринг.

## Б. Жамоатни тана сифатида таърифловчи Муқаддас Китоб метафоралари

***Оила*** (Эф.1:4-11; Гал.3:26-27). Бу оилада Худо Ота, Исо Масиҳ эса ягона Тўнғич Ўғил, бизлар эса ўғил ва қиз қилиб олинган (Юҳ.1:12-13) болалар, ”Масиҳда ака-ука, опа-сингилламиз“(Фил.3:1). Биз Жамот ҳар қандай одамларни, ҳатто баъзан бир-бирига умуман боғлиқ бўлмаган одамларни ҳам битта ягона руҳий оилага бирлаштиришини рад қила олмаймиз. Шундай ҳақиқий биродарлик бор бўлган жойлар дунё учун кучли гувоҳлик бўла олади.

***Тана.*** Янги Аҳднинг кўп жойларида Жамоатнинг бу таърифи учрайди (1Кор. 10:16-17; 12:12-27; Рим.12:5; Эф.2:16; 4:4-12,16; Кол. 1:18,24; 2:19; 3:15). Павлус жамоатни инсон танаси (1Кор. 12:12-27) билан таққослаганда, у аъзоларнинг бирлиги ва боғлиқлигини назарда тутган. Павлус уларнинг бир ”тана“ эканликлари ҳақида гапирганда эса, улар қандай алоқада бўлишларидан қатъий назар, бутун имонлилар орасидаги руҳий муносабатини кўрсатмоқчи. У Жамоатни фақатгина ”тана“ билан таққосламаяпти, уни ”Исо Масиҳ танаси“ га таққослаяпти (1Кор.12:27), Павлус бу билан имонлиларни айнан Исо Масиҳ орқали бир-бирларига боғлиқликларини алоҳида кўрсатмоқчи бўляпти. Айнан шу тушунчадан кейин, унга боғлиқ бўлган бошқа тушунча – Масиҳ ва Жамоатнинг ”тана“ ва ”бош“ сифатидаги боғлиқлиги келиб чиқяпти. ”У Ўз бадани, яъни умматининг бошидир“ (Кол.1:18). Колосликларга ёзилган мактуб мавзуси (1:1-8) Жамоатнинг ҳаётийлигини, унинг ”Боши“ билан бўлган муносабатини аниқлаб беради. Унинг қайта тирилиши орқали барча имонлилар янги ҳаётда иштирок этадилар. Қисқача айтадиган бўлсак, ”агар танани бошидан жудо қилинса, тана ўлади“.

***Сурув***(Ҳав.20:28-29). Сурув образи – Каломда жуда кўп марта ишлатилган образлардандир. Эски Аҳдда Исроил халқи ”Худонинг суруви“ деб аталган (Иер. 13:17). Исо ўз ҳаворийларини ”кичик сурув“ дейди (Лук.12:32). Айнан шу образ бошқа мавзуларда ҳам Жамоат учун ишлатилган (Ҳав.20:28; 1Пет.5:3). Бу образга кўп марталаб такрорланган сурувни ташкил қилувчи қўзи (Юҳ. 10:16; 21:15-17) ва Чўпон образлари киради (Ибр.13:20-21; Юҳ.10:2-16; 1Бут.2:25,5:4). Жамот йўлбошчилари бўлган Чўпонлар ”сурув“га ғамҳўрлик қилишлари керак. Бутрус илтимос қиляпти, ”Худонинг сурувини яхши боқинглар“ (1Бутрус.5:1-4).

***Халқ*** (1Бутрус.2:9-10). Жамоат метафораларидан бири, Янги Аҳдда кўп учрайдиган – Худонинг халқи, Янги Исроил. Янги Аҳдда Худонинг Халқи–Худонинг иродаси билан ҳаётга чақирилган янги халқдир. Унинг Исроилдан фарқи, Исроил миллатга эътибор берар ва бу унинг бирлиги маркази ҳисобланарда, энди эса Жамоат миллатларни ажратмайди ва Муқаддас Руҳ томонидан қурилган. ”Худонинг Исроили“ деган сўз эса (Гал.6:15-16) Худонинг одамларига, Масиҳда ”янгидан яратилиш“га етишганларни билдиради.

***Келин*** (Эф. 5:22-23; Ваҳ. 21-22; 2Кор.11:2). Масиҳ ”Куёв” Жамоатни Ўз Қони билан сотиб олди (Ҳав.20:28). Жамоат ўз Куёви Исо Масиҳнинг келиб, уни олиб кетишини кутиши керак (Юҳ.14:13). Масиҳ фақатгина Ўз Келинини қабул қилиб олишгагина тайёрланаётгани йўқ, у Жамоатни ҳам у кун учун тайёрлаяпти. Масиҳнинг мақсади, *”... токи устида бирор губор, ажин ёки доғи қолмаган, муқаддас, бенуқсон, камоли чиройли бир жамоатни Ўз ҳузурига элтиб қўйсин.“*(Эф.5:27)

***Бино (тирик маъбад).*** Жамоат – бу қотиб қолган эмас, у сифат жиҳатидан мукаммаллашиб, сон жиҳатидан ўсиб бормоқда. Жамоат муқаддас маъбад (1Кор.3:16-17), ўсаётган (Эф.2:21-22) ва руҳан (1Бутрус.2:5), ундаги имонлилар эса – бу маъбадда тирик тошлардир. Бино мутлақо мукаммал бўлиши керак, унинг пойдевори эса Исо Масиҳнинг Ўзидир.

***Руҳонийлик*** (Ваҳ.1:5-6). Бу руҳонийликнинг асоси ҳам Исо. У биз учун ”иноят тахтига“ тўғри йўлни очиш учун келди. Бу йўл ҳамма учун очиқ. Исо Масиҳнинг қурбонлиги бизнинг гуноҳларимиз учун тўлов бўлди ва Худога, ”Муқаддаслар Муқаддаси“га йўл очди.

Баъзи жамоатларда ҳали ҳам одамларни дунёвийлар ва хизматчиларга бўладилар. Лекин Янги Аҳд бизга бутунлай бошқача тушунчани беради. ”Бутун имонлилар руҳонийлардир“,– деб хитоб қилганди Реформа даврининг бошланишидан олдин Лютер. Руҳонийликни шу ҳолда тушуниш, имонлилар ҳаётини ҳамма томонларини бутунлай хизмат эканлигини кўрсатади. Ибодат, суҳбатлашиш, умуман бор бўлиш – Худо учун қурбонлик сифатида қабул қилиниши мумкин (1Бутрус. 2:5,9).

***Шоҳлар***(Юҳ.15:1-16). Бу ўхшатиш Исо ва имонлилар орасидаги узилмас боғлиқлик ҳаётий зарурат эканлигини кўрсатиб беради. Бундан ташқари бу ўхшатиш орқали биламизки ҳар бир имонли ўз олдига ҳосил беришни мақсад қилиб, ҳосилсиз бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлиши керак, бу ишда эса Исо Масиҳ ёрдам беришга вада беряпти(Юҳ.15:5,16).

Юқорида келтирилган масаллар оҳири эмас. Улардан ташқари яна Каломда қайси масалларда Жамаот ҳақида сўзланади?

## В. Муқаддас Китобдаги масалларга асосланган ҳолда, Жамоатни тана сифатида тушуниш

Кўриб ўтган масалларда Жамоат ”тана“, ”келин“, ”бино“ ва б.қ. Жамоатнинг турли сифатларини кўрсатди. Уларнинг ҳар бири бизни Жамоат олдида турган топшириқлар томон йўллайди. Бу топшириқлар эса имонлининг ҳаётидаги учта ҳолатга боғлиқ: унинг Худо билан муносабатига, бошқа имонлилар билан ва имонсизлар билан алоқасига. Бу муносабатни учта тушунчада кўрсатиш мумкин: Худога сажда қилиш, қўллаб-қувватлаш ва имонлиларнинг бир-бирларига устозлик қилишлари, одамларни имонга муносабатини ўзгартириш орқали Жамоат аъзоларини сонини кўпайтириш.

Бу образда Жамоатга яхши тузулишга эга ташкилот деб эмас, балки тирик тана деб қаралмоқда. Унинг ҳақиқий кучи ва ўсиши ўз таълимотини қандайдир ажойиб йўллар билан тарқатишида эмас, балки ”Бош“ билан алоқада бўлишидан келиб чиқади. Бу дегани бизга энди турли метод ва усулларни ишлатишимиз шарт эмас эканда деб ўйлаш нотўғри бўлади, аммо ҳақиқий куч ва ўсиш, танани (жамоатни) соғлом бўлиши учун ”Бош“ билан алоқани узмаслик кераклигини кўрсатади.

### *Ўйлаб кўринг:*

- Жамоат Масиҳнинг бошчилигисиз, Муқаддас Руҳнинг иштирокисиз ”яшаши“ мумкинми? Ҳар бир маҳаллий жамоатнинг ҳаётида Унинг иштирок этиши қанчалик аҳамиятга эга?
- Янги Жамоат ташкил қилиш учун ҳар бир масалнинг камида учта маъносини мисол келтиринг. Мисол учун: оила – оиланинг қайси ”соғлом“ томонларини туғилаётган жамоатда қўллаш мумкин? (Мисол учун: ишонч, ғамхўрлик, биргаликдаги меҳнат ... ) Маҳаллий жамоатда ”касал“ оиланинг қайси сифатларини кўриш мумкин? ( Балки, яккаҳонликда бошқариш, бўлиниш, сир тутишлар, муаммолар?).

## Г. Жамоат–худди институт каби (ташкилий ташкилот)

Маҳаллий жамот бутун олам жамоатининг бир қисми ҳисобланади. Бутун олам Жамоати (тана)нинг бир қисми бўлиш учун одам Муқаддас Руҳга чўмдирилган бўлиши, юқоридан туғилган, Масиҳ билан бирлашган бўлиши керак. Маҳаллий жамоатнинг асосий талаблари шулар.

Жамоат, бу ер юзида кўплаб аъзоларга эга, амал қилаётган ташкилот каби аниқ бир формада намойиш бўлиши керак. Жамоатнинг худди ташкилот каби намуналарини Янги Аҳдда кўрамиз – бу маҳаллий жамоат. Улар ростдан ҳам ташкилий структурага эга бўлганликларини қуйидаги далиллар кўрсатиб беради:

- Жамоат ташкил қилинган эди (Ҳав.2-Ҳосил байрамида).

- Имонга келган ва чўмдирилганлар рўйхатга олинган (Ҳав. 2:41;4:4).
- Жамоат ташкил қилинганидан кейин ҳаворийларга ёрдамчилар тайинланган эди (6:1-7).
- Бошқа раҳбарлар ҳам тайинланган эдилар–оқсоқоллари (11:30).
- Унинг йиғилишлар учун белгиланган вақти бор эди(Ҳав.20:7).
- Раҳбарлар сайланар эди (Ҳав. 6:3).
- Жамот ташкил қилиниши биланоқ муҳтожлар учун амалий ёрдам берувчи хизматчилар тайинланган эди (4:32-37).
- Ҳаворий Павлус ўзининг биринчи миссионерлик сафаридан қайтишда янги маҳаллий жамоатларнинг оқсоқолларига қўл қўйиб дуо қилганди (14:23)
- Жамоатнинг тажрибаси барчанинг тарбияси эди (1Кор.5).
- Бошқа маҳаллий жамоатларнинг амалий муҳтожликлари учун ёрдам сифатида пул йиғилар эди (2Кор. 8-9; Гал.6).
- Муҳтожликлар ўсишига қараб ташкилотчилик кенгайиб борган (Ҳав. 6; 15:6,22).

Янги Аҳдда берилган ташкилотчилик структуралари асосан ўша давр маданияти билан белгиланган. Мамлакат, жой, ҳатто алоҳида шаҳар ёки қишлоқ маданияти вақт ўтиши билан ўзгарган. Иерархик бошқариш, йўналишлар, Жамоатлар бирлашиши ҳаворийлар даврида содир бўлмасдан, кейинроқ, Калом бўйича турлича қарашлар, амалий муҳтожликлар ва шахсий қарашлар орқали келиб чиққан. Жамоатнинг ўсишига қараб унинг ташкилий структураси ҳам ўзгариб борган. Ҳаворийлар мактубидан оддийгина уй йиғилишларидан маҳаллий жамоат сари ўзгаришларни кўрсак бўлади. Мисол учун Қуддусдаги жамотда Юсуф бошчилик қилган қонуний кенгаш бор эди. Эфесдаги жамот ҳам оқсоқоллар кенгашига эга эди (Ҳав.20:17).

### *Муҳокама учун:*

- Одам томонидан ташкил қилинган ва Худо томонидан покланган тузилишлар (структуралар) борми?
- Бирорта жамоат формаси бошқалардан кўра Муқаддас Китобга (асосларига) тўғри келадими? Ўз ”тузилиши“ бўйича бирорта абадий жамоат формаси борми?

## Д. Жамоат тана ва институт сифатида

Бутун олам Жамоти аъзолари–юқоридан туғилган Масиҳий, Муқаддас Руҳ ҳаракати билан бир жойга йиғилганлар (1Кор.12:13). Бу доим ҳам ҳақиқатга тўғри келмасада(Мат.24-30), маҳаллий жамоат аъзолари ҳам юқоридан туғилган бўлишлари керак(Рим.1:6-7;1Кор.1:2). Одам жамоат аъзоси бўлганидан кейин, бу унинг учун қанчалик қадрга эга бўлади? Чўмдирилиш учун? Хизматда қатнашиш учун? Муносабат учун? Жамоатда тартиб сақлаш учун?

Масиҳ жамоати–ягона халқ. Маҳаллий жамоат унинг Масиҳда бирлигини кўрсатувчи ойна бўлиши керак (Эф. 4:3). Бирлик қандай қилиб ташкил қилинади? У қандай қилиб сақлаб турилади? У нимада кўринади? Уни қандай қилиб йўқотиб қўйиш мумкин? Атроф дунё учун бизнинг бирлигимиз қанчалик кўринарли? Маҳаллий диний биродарликда бирлашиш учун қандай ҳаракатларга йўл бермаслик керак? Бирлик, иттифоқ ва бир хиллик бир-биридан қандай фарқ қилади?

Янги Аҳд Жамоатларида аниқ белгиланган биргалик сажда қилиш (1Кор.11:34), бошқариш (Тит.1:5) ва бошқалар мавжуд эди. Маҳаллий жамоат ўз ҳаракатларини амалга оширар экан, белгиланган тартибни сақлаши керак. Сизнинг маданиятингизда ”тартиб“ деганда нимани тушунадилар? Қандай ҳолларда маҳаллий жамоатда ”тартиб йўқ“ дейиш мумкин? ”Ҳаракат ва тур“ қарашлари (концепцияси) бу саволга жавоб беришда ёрдам берадими? Бу савол ташқи қонун ёки ички муносабатларни билдирадими? Жамот ўсишида раҳбарликнинг роли қандай? Жамот раҳбарларининг вазифаси қандай? Улардан камида бештасини санаб беринг.

### *Ўйлаб кўринг.*

Жамоатни тана ва институтга оид яна қандай белгиларини айтиб бера оласиз? Буни кичик гуруҳларда музокара қилинг. Бу музокараларнинг натижаларни бошқалар билан бўлишинг.

Машғулотни якунлаш учун: дарс бошида фойдаланган қўлланмага қайтинг (Илова 1А). Бу дарсдан кейин сизнинг Жамоатга нисбатан бўлган тушунчангиз ўзгардими?

## САВОЛЛАР

- Масиҳий бутун олам Жамоатига аъзо бўлиши (Масиҳ Танаси) ва маҳаллий жамоат жамоасига тегишли бўлмаслиги мумкинми? Нимага?
- Исо Масиҳ Жамоати (Масиҳ Танаси) аъзоси бўлиш учун одам нима қилиши керак? Жавобингизни Каломга асосланг. Маҳаллий жамоат аъзоси бўлиш учун одам нима қилиши керак? Баъзи маҳаллий жамоатларда аъзо бўлиш жараёнини қандай қилиб мураккаблаштириб, бу билан имонлиларни хизматларини чегаралаб қўйишлари мумкин?
- Сизнингча қайси ҳолатларда маҳаллий жамот Худонинг кўзи олдида хаётга яроқли? Ҳақиқий Муқаддас Китобга асосланган жамоат қандай бўлиши керак? Қачон маҳаллий жамоат Муқаддас Китобга асосланмай қолади? Жамот ташкил қилиш учун асосий талаблар қайсилар?
- Масиҳий ўзидан бошқачароқ йўналишдаги, бошқача сажда қиладиган, масиҳийлар билан ”алоқада” бўлиши мумкинми? Қачон ва қандай ҳолларда бу мумкин? Имонлиларни ажратадиган, маданият, миллат, урф-одат, тузулишга тегишли саволларни санаб чиқинг. Бошқа Масиҳий жамоатларидан ”ажралиши керак бўлган“ Муқаддас Китобга асосланган бирорта сабабни айтиб бера оласиз? Бундай гуруҳларни нима яраштира олиши мумкин?

## ТОПШИРИҚ

- Дарс материалини қайта ўқиб чиқинг, янги маҳаллий жамоат жамоаси учун керак бўладиган характеристика рўйҳатини тузинг. Жавобларингизни Каломга асосланг. Янги Аҳд Жамотларининг энг муҳим сифатлари қандай? Маҳаллий ва бутун олам Жамоти учун ўз тушунчаларингизни ишлаб чиқинг.
- Ўзингизнинг маҳаллий жамотингиз ҳаракатини анализ қилинг. Унинг ҳаракатидан қай бири маданиятга, қай бири Каломга асосланган.

**Жамоат**
Илова
**1А**

# *Жамоатнинг табиати* – мавзуси бўйича саволлар

Сиз учун ”жамоат” сўзининг маъноси қандай? Ҳамма биргаликда ёки кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ”Жамоат“ сўзини тушунишда ёрдам берадиган муҳим сўзларни аниқланглар. Қуйида берилган саволлардан фойдаланинглар. Дарс охирида муҳокамага хулоса қилинглар ва қатнашчилардан ”Жамоат“ ҳақидаги фикрлари ўзгардими йўқми сўраб кўринг.

**Жамоат тушунчаси ўзида нимани мужассамлаган?**

**Жамот нима қилади?**

**Жамоатнинг 10 та характерини айтинг:**

**Унинг қаерда, қачон ва қандай йиғилиши қанчалик муҳим?**

**Жамоат раҳбарлари учун муҳим бўлган сифатларни ва уларнинг вазифаларини санаб беринг.**

**Жамот**

**2 Дарс**

# Жамоатнинг Вазифалари

**Дарс мақсади:**

Бу дарснинг мақсади Муқаддас Китобдаги Хушхабар етказиш ва имонлиларнинг ибрати асосида Жамоат вазифасини таърифлаб беришдир.

**Кутилган натижалар:**

Материални ўрганиб чиққандан кейин, ҳар бир қатнашчи:

- Ҳаворийлар давридаги Жамот вазифаларини унинг мақсадларини тушунган ҳолда билиши керак;
- Амалда Каломга асосланган вазифаларни кўрсатадиган, жамоат қурувчи хизматчининг ролини билиши керак;
- Янги жамоатлар ташкил қилишда асосий хушхабар принципларини ва шахсий ибратни ишлата билиши керак;

**Дарс режаси:**

I. Янги Аҳдда эслатилган Жамот вазифалари
II. Хушхабар етказиш ва ибратнинг орасидаги муносабат

**Илова:**

2А ”Янги Аҳд даври жамоатини замонавий жамоат билан таққослаш“.

**Ўқитувчи учун кўрсатма:**

Қантнашчилардан жамоатларидаги энг муҳим бўлган хизмат турларини санаб беришларини сўранг. Санаб ўтилганлардан қай бири Жамоат шакли деб ҳисобланишини муҳокама қилинглар. Айтилган шаклнинг самаралилигини баҳоланг.

## СЎЗ БОШИ

## А. ”Вазифа“ нима?

Бу ҳақда аввалги дарсларимизда гапириб ўтганмиз (Биринчи Қўлланма). Ҳозир биз қисқагина вазифа ва шакл нима эканлигини аниқлаб оламиз. Вазифа – бу қўйилган мақсад учун қилинадиган ҳаракат. Бу биз бажарадиган ҳаракатдир. Биз буни қандай амалга оширишимиз эса, бу шакл.

Ҳамма имонлилар бўйсинадиган белгиланган ҳаракатлар бор. Бу ҳаракатлар Калом асосида ўрнатилган ва жамоат қуришда иштирок этадиган ҳар бир Худо фарзанди учун муҳим ҳисобланади.

## Б. Жамотнинг тайинланиши

Биринчи Қўлланмада айтган эдикки Жамоат асосан учта нарсага тайинланган:

## 1. Худони улуғлаш (охирги мақсад)

Бутун мавжудод ва айниқса Жамоат охир оқибат Худони улуғлаш учун яратилгандир(Рим.15:6-9; Эф.1:5; 2Сол.1:11-12; 1Бутрус.4:11). Ҳаммаси: Худонинг табиати, Унинг сифати, ҳаракати ва мақсади – улуғланишга арзийди. Шайтон **оловли** кўлга ташланганидан кейин, ҳамма Худонинг улуғворлигини кўради, Жамоат эса Исо Масиҳ билан абадий муносабатда бўлиш учун бирлашади (Ваҳ.20-22; Заб.66:4-5).

## 2. Хушхабар етказиш (ташқи мақсад)

Калом ўргатади – Жамоатнинг асосий мақсади бутун оламга Хушхабарни етказиш. Жамоат Исо Масиҳнинг буйруғи билан – бутун халқларни Унинг улуғворлиги билан тўлдириш учун, Масиҳ ҳақида "сўзда ва амалда" гувоҳлик бериб, янги жамоалар ташкил қилиб, ер юзида хизмат қилмоқда (Мат. 28:18-20; Ҳав. 1:6-8; Лук. 24:44-49). Худо хар бир одам нажот топиб (1 Тим.2:4), Исо Масиҳда бўлишини ҳоҳлайди (Унинг Ўғли билан шахсий муносабатда бўлиши (2Кор.5:17)). Раббимизнинг топшириғини бажара туриб, Жамоат Уни улуғлайди (Мат.5:16).

## 3. Жамоат аъзоларининг ибрати (ички мақсад)

Калом Жамоатнинг ички вазифаси бўлган мақсади борлигини ҳам ўргатади:
ўзининг аъзоларига панд-насиҳат, уларни хизматга тайёрлаш ( Эф.4:11-16; Рим.14:19). Бу топшириқ покланиш, ўсиш ва руҳан вояга етиш деб аталади. Жамоат аъзолари руҳий вояга етсалар ("Масиҳга ўхшаб бориш" – Кол.1: 27-29;Эф.4:13), улар ибрат топшириғини ҳам бажарган бўладилар ва бу билан ҳам Худони улуғлайдилар (Юҳ.15:8; 1Кор.14:12). Бу мақсад ҳам воизлик қилиш каби муҳим ҳисобланади ва улар бир-бирларига боғлиқ. Ахир руҳий ўсиш аъзоларнинг самарали хушхабар тарқатишларига таъсир қилади, шунинг учун аъзоларнинг ибрати жамоатнинг ички вазифаси бўлган мақсади ҳисобланади.

Воизлик ва ибрат Жамоат вазифасини тушунишда жуда муҳим. Исо Ота Ўғилга топширган ишни бажариб, Худони улуғлагани каби (Юҳ. 17:4), биз ҳам, агар У бизга айтган топшириқларни бажарсак, Худога олқишлар олиб келамиз (Юҳ. 17:22,23).

### II. ЯНГИ АҲДДА ЭСЛАТИБ ЎТИЛГАН ЖАМОАТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

## А. Сажда қилиш: Худони олқишлаш

Сажда қилиш бизни эътиборимизни Худога–Унинг шахсига ва ишларига қаратишимизда ёрдам беради. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

Шахсий ва биргаликдаги ибодат – бошланғич Жамоат доимий равишда биргаликда ибодат қилган (Ҳав. 2:42; Фил. 4:6; 1Бутрус. 4:7-10; Юҳ. 5,13-16);

Биргаликда қўшиқ айтиш (Эф. 5:19; Кол. 3:16);

Қурбонлик қилиш – хизмат учун Худо Ўз Жамоатига Чўпон қилиб тайинлаганларни таъминлаш, имонлилар ўз вақтларини, инъомларини, моддий томондан (Гал. 6:6-10; 1Сал.5; Ҳав.2:44-45; Фил. 4:16-19; 2Кор.8:3-4);

Каломни биргаликда ўқиб-ўрганиш (1Тим. 4:13; Ҳав. 17:11);

Биргаликда овқатланиш (Ҳав. 2:42; 1Кор.11:28-34; Мат.26:26). Раббимиз Кечлиги ҳам бунга киради (Мат.26:26-29; 1Кор. 11:23-34).

*Муҳокама учун:*

Яна қандай ҳаракат биргаликда сажда қилишга киради? Бу Масиҳийнинг шахсий ҳаётига қандай таъсир қилади?

## Б. Хушхабар етказиш: Жамоатнинг асосий ташқий мақсади

Жамоатда йиғилиш тугаганидан кейин, ҳар бир аъзо ўз йўлига, ўзлари яшаётган жойда хушхабар етказиш учун кетади. "Евангелизация" (хушхабар етказиш) сўзи "*еваггелидзо*" деган грек сўзидан келиб чиққан бўлиб, " етказмоқ ёки яхши, хушхабар ваъз қилмоқ" деган маънони билдиради. "Евангелизация" сўзидаги асосий урғу, айтилаётган хабарга, яна уни қандай айтиш жараёнига берилган (Ҳав. 5:42).

Янги Аҳддаги хушхабарни тасвирлаб берадиган Сўз ёки Фраза қуйидагиларни ўз ичига олади:

а). Улар гапирдилар (Ҳав. 4:1;31)–улар ”Исо Масиҳ номидан“, ”сўзни“, ”жасурлик билан“ гапирдилар;

б). Улар очиқасига хушхабарни воизлик қилдилар. Ҳаворий Павлуснинг ваъзи назарда тутилган (Ҳав.2:14-40; 26:22-23);

в). Улар ваъз қилдилар (Ҳав.20:20) Хушхабарни (Ҳав.8:5-6; 10:39-42);

г). Улар одамларни ишонтирдилар (Ҳав.26:28);

д). Бошқаларни Хушхабарга ўргатдилар (Ҳав.4:2; 5:21);

е). Гувоҳлик бердилар (Ҳав.2:40) ва гувоҳ бўлдилар (Ҳав.1:8);

ё). Улар исботладилар (Ҳав.17:2-3). Бу ерда музокара, муҳокамаларнинг мазмунига эътибор берилган. Балки ана шу ҳаворийчасига хушхабар етказишнинг биринчи ҳолатларидандир.

Мактублардан кўринадики хушхабар етказиш Масиҳийнинг умрини охиригача қиладиган вазифасидир(1Бутрус2:18; 3:15-16; 1Тим.6:11; 1Кор. 10:31-33; 2Кор.2:16). У ишбилармон имонлиларнинг муносабатларини бир қисми бўлган (1Тим.4:11), унинг оилавий ҳаётида ҳам(1Бутрус 3:1), унинг бошқа жамоат аъзолари билан муносабатида ҳам(Ҳав.2:42-47) ва унинг оммавий ҳаётида ҳам (1Кор.10:31-33), унинг бутун ҳаётида (2Кор.3:2, Рим.1:9-15; Кол.4:5,6). Хушхабар етказиш бу дунёда Масиҳийнинг муҳим мақсади ҳисобланган.

Янги Аҳд асосан тўртта Хушхабар етказишни кўрсатади. Уларнинг ҳар бири омма орасига қандай қилиб кириб бориш ва ўрин олишига эътибор беринг.

Ўша жойда бўлиш : имонсизларга имонлиларнинг ҳаётий гувоҳлиги (2Кор.2:16; 1Бутрус 3:15). Бу асосан хис-туйғуларга қаратилган, яна ”дўстона“, ”шахсий“ хушхабар етказиш ҳам дейилади.

**Эълон қилиш:** Хушхабарни ваъз қилиш(Кол.1:28). Инсон Нажоткор ҳақида эшитмасдан туриб, Масиҳга ишониб қутқарилишини билмасдан туриб, нажот топа олмайди(Рим.10:9-17). Бу юракка ва онгга қилинган даватдир.

**Ишонтириш:** инсоннинг онгига ва иродасига уни Исо Масиҳга имонини очиш учун қилинган дават (Ҳав.28:23-31). Павлус Хушхабар ”инсоннинг донолиги“ ёки келтирган ”далилларига“ асосланмасдан ”руҳ ва кучнинг“ намоён бўлиши билан айтилади десада.(1Кор.2:4), лекин биламизки Исо Масиҳ ҳам, ҳаворийлар ҳам ҳар доим одамларни ишонтиришга ҳаракат қилганлар.

**Мўжиза ва белгилар:** Худо томонидан ёвуз кучларга қараши ишлатилган(Ҳав.19 ва бошқалар). Кўплар Худо томонидан мўжизалар фақатгина Янги Аҳд даврининг бошланишидагина ишлатилган деб ҳисоблашади; бошқалар эса ҳали хушхабар етказилмаган, ”душман“ ерида янги жамот ташкил қилинаётганда Худо мўжизалардан фойдаланади дейдилар. Лекин Каломдан биламизки, Исо Масиҳ кеча ҳам, бугун ҳам, эртага ҳам Ўша, Ўзгармасдир (Ибр.3:18), агар У мўжизани керак деса, албатта мўжиза содир бўлади. Бу- Худонинг иши! Сизнингча бундай Хушхабар етказиш бизнинг замонимизда қандай ўрин тутиши керак, барча жойда жамоат ташкил қилишда бу қанчалик аҳамиятга эга?

### *Муҳокама учун:*

Сизнинг маданиятингизда қандай Хушхабар етказиш усулини самарали деб ўйлайсиз? Одамлар Исо Масиҳнинг нажотига етиши ва Уни Қутқарувчим деб қабул қилиши ва Жамоатга қўшилиши учун ана шу усулдан қандай қилиб фойдаланиш мумкин? Сизнинг ҳолатингизда яна қандай Хушхабар етказиш усулларини ишлатиш мумкин?

### *Хушхабарга тегишли бўлган иккита принциплар:*

Одамлар таълим олишга, ўргатишга ва йўл кўрсатишга муҳтожлар. Бу уларга Хушхабарни амал қилиш вазифасини бажаришларига ёрдам берган бўларди. Жамотлар ташкил қилиш билан шуғулланаётган одам ўзининг шаҳсий намунаси билан бошқаларга кўрсатиши керак(евангелизм–ҳаёт тарзи сифатида). У яна имонлиларни самарали Хушхабар тарқатиш методларига ва уларни қандай амалга оширишга ўргатиши керак. Бунга ”Исо Масиҳ”, ”Самарали Хушхабар етказиш” каби филъмлар, уй гуруҳларида Каломни ўрганиш кабилар мисол бўла олади. Бундан ташқари яна қандай мисоллар келтира оласиз? Уларни санаб ўтинг. Сизнинг жойингизда қандай усуллардан фойдаланиш мумкин? Нималар унчалик самара келтирмади? Нима учун?

Беғараз ёрдам ва инсонпарварлик маросимлари– Хушхабар етказиш учун жуда яхши сабаб бўла олади. Лука 10:25-37да Исо бу ҳақда нима деганини ўқиб чиқинг. Одамлар сиз учун қадрга эга эканликларини сезмагунларича, Худо ҳақидаги Хушхабарга қулоқ солмайдилар. Масиҳийлар чин дилдан одамлар муҳтожликларига ёрдам берсалар, бу улар учун Хушхабарни етказиш имкониятларини очади. Айнан мана шунинг учун Европа ва Осиёда ислом ва турли ҳил ақидалар кенг тарқалмоқда. Бу ҳақда ўйлаб кўринг.

### *Муҳокама учун:*

Каломда ана шундай Хушхабар етказиш ҳақида нима дейилган? Сизни ўраб турган одамларнинг муҳтожликлари қандай? Ана шу одамларнинг муҳтожликларини қондириш учун сиз шахсан нима қила оласиз? Жамоатингизда бошқа имонлилар ҳам шундай йўл тутишлари учун нима қила оласиз?

## В. Ибрат: Жамоатнинг асосий ички мақсади

Масиҳийлар бир гуруҳ бўлиб йиғилганларида уларнинг умумий мақсадлари бир – бир-бирларига ибрат бўлишдир. ”Ибрат“ сўзи грекча ”ойкодомео“ –”қурмоқ, олдинга сурмоқ, устига қурмоқ“ деган маънони билдиради. У Эф.4:16 да Жамоатни ”қуриш“ деган маънода ишлатилган. Ана шу мақсадда Янги Аҳдда ишлатилган бошқа сўзлар ”бажариш“ (Эф.4:12), ”таълимот“ (Тит.2:3) деган маънони беради.

Жамоатнинг Ибратга етишишдаги вазифаси – Худо Каломини ўргатиш, муносабат, биргаликда сажда қилишдир.

**Худо Каломидаги таълим ва насиҳат (1Бутрус 2:2; Мат.28:18-20; Ҳав.2:42).** Фақатгина Худо Каломи асосида Муқаддас Руҳ имонлиларни поклайди ва руҳан ўстиради. Худо Каломида қандай қилиб насиҳат қилинади?

**Муносабат.** Шахсий муносабат жуда муҳим. Грекча ”койнония“ сўзи ”муносабат“ деб таржима қилинади ва имонлилар орасидаги муносабатга тегишли (Ҳав. 2:42-43; 1Юҳ. 1:3). Муносабатни янада тўлиқроқ тушуниш учун, Янги Аҳдда ишлатилган ҳар хил воқеалардаги ”бир бирларини“ деган сўз бирлиги орқали кўриб чиқишингиз мумкин. Бу мавзуга яна: руҳий инъомлар ҳақидаги таълим ва имонлиларнинг бир-бирларига ана шу инъомлар орқали хизмат қилишлари ҳам киради. Муносабат яна ўз ичига устозликни, руҳий қўллаб-қувватлашни, муҳтожликларида ёрдам бериш кабиларни ҳам олади (Ҳав.2:44-45).

**Маросимларни амалга ошириш.** Янги Аҳдда амалга оширилган маросимлар асосан иккита эди, Раббимиз Кечлиги (Мат. 26:26-29; 1Кор.11:23-34) ва чўмдириш (Матто. 28:19-20). Эртанги жамоатларда Раббимиз Кечлигини нишонлаш биргаликда овқатланишни ўз ичига олган эди (Ҳав. 2:42, 46-47; 1Кор. 11:28-34; Мат.26:26). Бу иккала маросим ҳам Жамоатда йиғилишларда амалга оширилади. Улар яна сажда қилишнинг бир қисми бўлиб ҳисобланган.

**Ибодат.** Бошланғич жамоатлар биргаликда ибодат қилишга кўп эътибор беришган(Ҳав.2:42).

### *Муҳакама учун:*

Ҳаворийлар 2-5 бобларни шахсан ўрганиб чиқинг. Йиғилишларда ибрат бўла оладиган Жамоатнинг асосий учта вазифасини аниқланг. Ана шу вазифалар сизнинг янги жамоатингизда қандай аҳамиятга эга бўлиши мумкин? Бу вазифалар замонавий оммада қандай шаклга эга бўлди? Ана шу парчаларда сиз яна қандай қўшимча вазифаларни кўряпсиз?

## III. ХУШХАБАР ЕТКАЗИШ ВА ИБРАТНИНГ БОҒЛИҚЛИГИ

Аввалда айтиб ўтганимиздек бу икки вазифа ва уларнинг функциялари бир-бирларига боғлиқ. Худонинг халқи жамоатга ибрат олиш учун ва имонсизларга Хушхабар етказишда яхши тайёргарликка эга бўлиш учун йиғиладилар (2.1 расм). Жамот йиғилишларда ҳам, ундан ташқарида ҳам Каломга асосланган аниқ вазифаларга эга. Ана шу вазифаларга таяниб

белгиланган ҳаракатларни амалга оширади. Бу вазифаларнинг ҳар бири бошқасининг амалга ошишига имкон ва маъно беради, Муқаддас Руҳ эса уни керакли томон йўналтиради ва амалга ошиши учун керакли кучни беради. Худди бир мақсадсиз, бошқасини амалга ошириб бўлмаганидек. Агар уларнинг бирортаси эътибордан четда қолса, бундан бутун Жамоат азоб чекади.

Мисол учун:

**Хушхабар етказишга кам эътибор берадиган жамотлар**. Агар жамоат ўз-ўзи билан банд бўлиб қолиб, Хушхабар етказишдан тўхтаб қолса, у худди туриб қолган сувга ўхшаб қолади. Охир оқибатда эса худди Исроилдаги Ўлик денгиз каби ҳаётни йўқотади ва ўлик бўлиб қолади. Бундай жамоатларда одамлар вайсоқи (майда гап) бўлиб қоладилар, улар доимо бир-бирларидан, жамоат йўлбошчиларидан норози бўлиб юрадилар. Кўпинча улар тушкунликка тушган, имон етишмаслигидан, яна Худо улар орқали бирор иш қилишига ишонмасдан юрадилар. Урф-одатлар, ҳар хил қоидалар, янгича ўзгаришлардан қўрқиш, ҳокимятни йўқотиб қўйишдан қўрқиш, улар учун янги жонларни Худо учун қутқаришдан кўра муҳимроқ бўлиб қолади. Имонлилар руҳан соғлом бўлишлари учун бошқаларга Хушхабарни етказишлари керак бўлади. Нима деб ўйлайсиз, жамаотлар нима учун ўзлари билан ўзлари банд бўлиб қоладилар?

**Ибратга кам эътибор берадиган жамоатлар.** Агар жамоат ибратга, ўз аъзоларини хизматга тайёрлашга кам эътибор берса, у ё руҳий ўсмай қолади ёки худди янги сув келмайдиган кўлга ўхшаб қолади. Бундай жамоат ҳам охир-оқибатда қуриб қолади. Масиҳийларга Худо Каломи билан озиқланишлари учун йиғилишлар керак. Улар учун яна Каломни чуқур ўрганишлари, амалий хизмат қилишни ўрганишлари, айниқса хафта давомида бир-бирлари билан яқин муносабатда бўлишлари муҳим хисобланади. Фақатгина шу ҳолдагина улар Хушхабар етказишлари ва миссионерлик хизматини бажаришлари мумкин. Одамларга уларга ғамҳўрлик қиладиган, уларни Худонинг ҳузурига элтадиган чўпонлар керак.

**2.1чи расм. Жамоатнинг ташқи ва ички муносабатларидаги боғлиқлик.**




## ТОПШИРИҚ

2А Иловадаги жадвалда замонавий жамоатларда бор бўлган одатлар билан бошланғич даврдаги жамоатларда бор бўлган одатлар таққосланган. Ўз тажрибангизга асосланиб бу жадвални ўрганиб чиқинг. Ўз жамоатингизни бошланғич жамоатнинг ҳар бир ҳаракати билан солиштириб кўринг. Бошланғич жамоатнинг тажрибаларини қайси бирини ўз жамоатингизда ишлатган бўлардингиз, қайси бирини эса бошқачароқ қилардингиз?

**Жамот**

*Илова*

**2А**

# Янги Аҳд жамоатларини ҳозирги давр жамоатлари билан таққослаш

## *Таққослаш жадвали*

Қуйида берилган жадвалда Янги Аҳд бошланғич жамоатларининг баъзи ҳаракат аспектлари берилган (тўлиқроқ кўриш учун Ҳаворийлар китобини қаранг). Жамоатингизнинг бу областлардаги тажрибаси қандай? Жавобларни 3-чи катакларга ёзинг ва бошланғич жамоатларда бўлиб ўтганлар билан таққосланг. Ўхшашлик ва фарқларни кўриб чиқинг. Сиз санаб ўтганлардан қайси бири жамоатингизни ўсишида ёрдам беряпти, қайси бирлари эса тўхтатяпти? Сизнинг маҳаллий жамоатингизда замонавий жамоатларда фойдаланаётган( ёки фойдаланиш мумкин бўлган) усуллар борми? Жавобингизни тушунтириб беринг.

| САВОЛ | Янги Аҳд бошланғич жамоати | Жамоатингиз тажрибаси |
|---|---|---|
| Йиғилиш учун жой | Ўзгариб турган | |
| Ҳаракат | Ҳар кунлик муносабат | |
| Устозлик | Ҳар кунлик ҳаётда, шахсий намунаси билан | |
| Раҳбарликнинг вазифаси | Имонлиларни хизматга тайёрлаш | |
| Ибодат ҳаёти | Давомий ибодатларга кўпроқ эътибор | |
| Чўпоннинг вазифаси | Хизмат намунасини яратиш | |
| Жамоат аъзосининг вазифаси | Хизмат, ёрдам, гувоҳлик | |
| Чўмдириш | Имонга келганидан кейин амалга оширилган | |
| Стратегия (режа) | ”Уй гуруҳлари“хизмат асоси ва жамоатга янги аъзоларни кириши учун имконият бўлган | |
| Хизматнинг йўналиши | ”Боринг ва бутун халқларни ўргатинглар“ | |
| Таълим | Бутун Каломни ўқиб ўрганиш | |
| Руҳий инъомлар | Каломдаги ҳамма инъомларни борлиги одатий ҳол бўлган | |

**Жамоат**

**3 Дарс**

# Хизмат қарашлари

**(концепцияси)**

***Нима учун ва қандай қилиб жамоатингиз ўз аъзоларига ва ўлаётган дунёга хизмат қилади?***

**Дарс мақсади:**

Бу дарснинг мақсади– хизмат қарашлари асосларини ўрганиб чиқиш, бундан ташқари қатнашчиларни нима учун ва қандай қилиб янги жамоат ташкил қилиш хизматини амалга оширишни ўйлаб кўришга чақириш.

**Кутилган натижалар:**

Дарсни ўрганиб чиққандан кейин, ҳар бир қатнашчи:

- Хизмат қарашларига эга бўлиш нақадар муҳимлиги ва агар қарашларга эга бўлмаса, унинг оқибатларини тушуниши керак;
- Хизмат қарашларининг асосини ташкил қиладиганларни ва самарали қарашни ишлаб чиқаришдан бўладиган фойдани билиши керак;
- Хизмат қарашлари услубини ишлаб чиқариши керак;

**Дарс режаси:**

I. Хизмат қараши нима
II. Хизмат қарашини кераклиги
III.Самарали хизмат қарашларини ишлаб чиқариш

**Илова:**

3А ”Хизмат қарашини ишлаб чиқариш“

**Ўқитувчилар учун кўрсатмалар:**

Қуйидаги дарс 1 қўлланмада берилган маҳаллий жамоатни яратиш услубига берилган мисолга асосланган. Машғулотларни бошлашдан олдин қатнашчиларга дарсни ўқиб чиқишларини айтинг. Дарслар Илова 3Адан фойдаланган ҳолда, семинар шаклида ўтказилиши керак.

Берилган қарашларни муҳокама қилишлари учун қатнашчиларни кичик гуруҳларга бўлинг. Жамоатлардаги шахсий тажрибаларига асосланган ҳолда ўз фикрлари билан бўлишишларини сўранг.

## I. ХИЗМАТ ҚАРАШЛАРИ НИМА

Хизмат қарашлари – бу, қандай мақсадга эришмоқчисиз ва бунга қандай қилиб етишмоқчи бўлганингизни тасаввур қилишдир. Шундай қилиб хизмат қарашлари асосан иккита саволга жавоб беради:

**Нима учун, нимага,** нимадир қиласиз?

**Қандай, қайси** йўл билан буни амалга оширмоқчисиз?

Хизмат қарашлари сиз қилаётган ишнинг принципларига боғлиқ. Сиз учун хизматдаги энг муҳим нарса нима? Сиз учун қадрли нарсалар нима? Сиз нимага кўпроқ эътибор берасиз? Сизнинг хизматингиз Худони олқишлаши учун нималардан воз кечишингиз керак бўлади? Хизмат қарашлари мана шу принципларнинг тўғрилигини текширишда ҳам ёрдам

беради. Принциплар ва ўзликни қадрлаш сиз қилаётган хизматда фақатгина сизга тегишли бўлган усулни пайдо қилади.

## II. ХИЗМАТ ҚАРАШЛАРИНИНГ МУҲИМЛИГИ

### А. Калом режа қилиш зарурлигини айтади

Каломда аниқ қилиб айтилган, доно одам режаларини ўйлаб чиқади ва бирор нарса бошлашдан олдиноқ, уни Худога топширади. Қуйидаги оятларни кўриб чиқамиз:

"*Ақлсиз ҳар бир сўзга ишонаверади, доно эса ўз йўлига эътибор беради*" (Сул. Мат. 14:15)

"*Маслаҳатсиз йиғин бузилади, маслаҳатчилар кўплигидан эса у амалга ошади* " (Сул.мат.15:22).

"*Ақллининг донолиги – ўз йўлини билади, телбаларнинг ақлсизлиги эса – адашишдир*" (Сул.мат. 14:8).

"*Ишларингни Худога топшир ва улар амлга ошади* " (Сул.мат.16:3).

Балки сизнинг мақсадингиз нима эканлигини биларсиз. Балки бир неча йилдан кейин, сизнинг жамоатингиз қандай бўлишини тасаввур қила оларсиз. Лекин, агар ана шуни қандай қилиб амалга оширишни режалаштирмасангиз, тез орада омадсизликка учрайсиз. Бирор нарсани бошлашдан олдин, Худодан донолик сўраш керак ва режа тузиш керак. Масиҳийлар учун ўзини Худога топшириш "шунчаки режа тузиш " дегани эмас, балки, *"инсон юраги ўз йўлларини ўйлаб чиқади, лекин Худо унинг натижаларини тўғрилайди"* деган сўзларга ишонишдадир (Сул.мат.16:9). Биз режалар тузганимизда, уларни амалга ошишини Худога бериб имонимизни кўрсатамиз. Уни эса У биз ҳоҳлагандек эмас, балки Ўзи ҳоҳлагандек амалга ошириши мумкин. Бари-бир, умуман режалаштирмасдан, бекорга, тартибсиз вақт кетгазгандан кўра, Худо уларни ўзгартирса ҳам, режалар тузган маъқул. Мақсадга етишиш учун сиз ўзингиз таянадиган принципларни аниқлаб олишингизга тўғри келади. Бу принциплар сизнинг хизмат қарашларингиз асосида тузилади. Ҳаммамиз – Худонинг хизматчиларимиз. Доно хизматчилар, Худо уларга топширган ишни аъло даражада амалга ошириш учун режа тузадилар!

### Б. Ҳар бир жамоат ташкил қилувчининг – ўз хизмат қарашлари бор

Ҳар бир миссионер ўз қарашларига эга эканлигини тушунишимиз зарур. Каломдан биламизки Худо ҳар бир имонлига руҳий инъом берган. Демак ҳар бир одам нафақат ўз жисмоний танаси ва ўз табиатига эга балки, у руҳан ҳам ноёб ҳисобланади. Шунинг учун бир одам ишлатган усул бошқасига тўғри келмаслиги мумкин, чунки Худо сизга бошқача инъом берган ва бошқача усул тайёрлаган. Ана шундан келиб чиқиб, эсда тутишимиз керак, биз хизмат қилмоқчи бўлган одамлар ҳам ноёб ҳисобланадилар. Ҳеч бир шаҳар ёки қишлоқ айнан сиз яшаётган ва хизмат қилаётган жой каби тарихга ва маданиятга эга эмас. 1Кор.9:19-23 да Павлуснинг –"... ҳамма учун ҳамма нарса бўлдим..." деганини кўрамиз ва бу билан ҳар жойда, ҳар турли одамларга Хушхабар етказар экан, у ўз хизмати қарашларини ҳам ўзгартириб борганини билиб оламиз. Яна 1Пар.12:32 да " нимани, қачон Исроил учун амалга оширишни билган " Иссахарнинг ўғилларига эътибор беринг.

### В. Исо Масиҳнинг ибрати

Исо Масиҳнинг ҳаёти ва хизматидан кўрамизки, У аниқ режага эга эди ва уни қандай амалга оширишни аниқ биларди. Кўриниб турибдики, Масиҳ Ўз хизматининг мақсадини хеч қачон эсдан чиқармасди ва Уни бу йўлдан тойдиришга хеч кимга йўл бермасди. Кейинги парчани кўриб чиқамиз:

Мат.16:21-23: Исо ишонч билан хоч томон бормоқда.

Марк 1:45: Исо Уни ўз йўлидан қайтарадиган хеч бир нарсани қилишга Ўзига ижозат бермаганини кўрамиз.

Юҳ.4 боб: Исо аёлнинг саволларига тўлиқ жавоб бермаётганига эътибор беринг. Унинг мақсади аёлни қизиқтирган нарсаларни айтиш эмас, балки уни ҳақиқатга олиб келиш эди. У буни қандай амалга оширишни аниқ биларди.

Хизматдаги қарашлар, "Худо биз амалга оширишимиз учун тайёрлаб қўйган ишлар " га тўлиқ ўзимизни бағишлашимизда ёрдам беради (Эф.2:10). У танланган йўлдан тўғри юришимизда ва қийин шароитларда ҳаммаси тўғридек кўринган қарорлардан, энг тўғрисини

танлашимизда ёрдам беради.

## III. САМАРАЛИ ХИЗМАТ ҚАРАШЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Хизмат қарашларини ишлаб чиқарар экансиз, Худо берган вақт, талант, манъбалардан тўғри фойдаланишингизда ёрдам берадиган қуйидаги қисмларни ҳам эсдан чиқармаслигингиз керак:

## А. Марказий Мақсад

Маҳаллий жамоат учун ўз мақсадини билиш ва унга амал қилиш жуда муҳим ҳисобланади. 1-чи семинардан кейин бажаришингиз керак бўлган топшириқни эсланг– янги жамоатингиз учун ”Жамоат вазифаси“ни ишлаб чиқишингиз керак эди(1Қўлланма). Агар ҳали ҳам уни бажармаган бўлсангиз, тез вақт ичида уни бажаринг. Сизнинг мақсадингиз қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

### 1. *Жамоат учун Каломга асосланган Мақсад қилиш*

У нима учун жамоат қуриш кераклигини тушунтириб беради. Бу ҳақда тўлиқроқ 1 Қўлланмада ёзилган. Мақсад қўйиш сизни бу дунёдаги вазифангизни кўрсатиб беради. У биринчи ўринда Каломга асосланган бўлиши ва ибодатда Худога бағишланиши керак. Шу усулда Мақсад қилиш, сизга ва ёрдамчиларингизга нима учун Исо Масиҳнинг жамоати мавжудлигини тушунишда ва кичик муаммолар билан банд бўлиб қолмасдан, Худони улуғлаш, устозлик, Хушхабар етказиш, жамоатлар ташкил қилиш каби муҳим ишлар билан банд бўлишда ёрдам беради.

***Ўқитувчи учун эслатма:*** **3.1** расмда жамоат миссиясининг тўлиқроқ тузилиши берилган.

### 2. *Ана шу жамоат учун Худонинг иродаси*

Сиз ташкил қилган жамоат орқали Худо нимани амалга оширмоқчи? Бу саволга жавоб, жамоатингизда янада аниқроқ мақсад қўйишингизга ёрдам беради. Баъзилар буни ”жамоат миссиясини пайдо қилиш“ деб атайдилар. Нима бўлганда ҳам сиз ана шу жойда, ана шу аниқ вақтда жамоатингизнинг аниқ мақсадини кўрсатиб беришингиз керак. Бу – Худога бағишланган орзуингизни амалга ошишидир! Яхши ”жамоат миссиясини пайдо қилиш “ қуйидагиларни ўз ичига олади:

А). Жамоатни Худо айнан <u>нимага</u> чақираётганини тушуниш;

Б). Ўз ”мўлжалидаги“ одамларни билиш – сиз (жамот) Хушхабар етказмоқчи бўлган <u>одамларни</u> билдиради. У сиз ва гуруҳингиз қилган тадқиқотларидан ва ана шу аниқ вақт давомида Хушхабар етказиш мумкин бўлган имкониятлардан келиб чиқади.

В). <u>Қандай қилиб бўлса ҳам</u> Мақсадга етишиш учун маънбалардан танлаб фойдаланиш. Сиз фойдаланмоқчи бўлган стратегия ва усуллар назарда тутилган.

Г). Кутилган натижалар кўринадиган <u>муддат</u>. Бу узоқ муддатли мақсадни қўйишга киради.

Д). Тадқиқотларга асосланиб жамоатингиз (<u>қаерда</u>) таъсир қила оладиган жойни тасвирлаб бериш.

Юқоридагиларни ўз ичига олган жамоат миссиясини тузиш, жамоатга самарали хизмат қилишда ёрдам беради. У нимани қилиш, нимани қилмаслик кераклигини ҳал қилиб беради. Шунинг учун у Каломга асосланиб, ибодатда мустаҳкамланиши керак. Жамоат миссиясини яхши тузилиши:

- Бўлажак жамоат негизини жипслаштиради;
- Сабаб ва миқдор системасини беради;
- Сиз ростдан ҳам Худо сизни чақирган ишни қилаётганингизга ишонч беради;
- Янги жамоатга умумий йўналишни кўрсатади;
- Ёлғон гуноҳкорлик ҳисларидан озод қилади;
- Қилинганларни баҳолашга асос беради;

Юқорида айтиб ўтганимиздек жамоат миссиясини тузиш ва мақсад қилиш, умумий Коинот Жамоат мақсадини аниқлаб олишни ва ана шу маҳаллий жамоатнинг аниқ топшириғини билишни ўз ичига олиб қўшилиб кетиши мумкин. Жамоатнинг ички тузилиши ўзининг миссиясини тушунишини кўрсатиб туриши керак. Унинг бутун тузилиши, раҳбарлик ролларини бўлиниши, ҳар турли хизматларни ташкил қилиниши унинг миссиясини ташкил қилишидан келиб чиқиши керак (3.1. расмга қаранг).

**3.1. расм. Маҳаллий жамоат миссиясини умумлашган мисоли**

**БИЗНИНГ ЖАМОАТ ШУНИНГ УЧУН МАВЖУД:**

**1. Ота-Худони, Ўғил–Худони, Муқаддас Руҳ-Худони қуйидагилар билан улуғлаш учун:**

а. Олқишлаш, ибодат ва улуғлаш, муқаддаслик, ҳақиқат, гўзаллик ва Худонинг севгиси билан.
б. Исо Масиҳ, Қудратли, бизни севувчи Раббимиз билан бирлашиш.
в. Муқаддас Руҳ борлиғи билан келадиган бирлик ва мақтовлар, Руҳ инъомлари ва ҳосили туфайли келадиган жисмоний инъомлар.

**2. Имонлиларни ғамхўрлик ва бирлик кайфиятига қуйидагилар ёрдамида чорлаш:**

а. Севги, мурувватли ва кечирим муносабатлари бор шароит яратиш.
б. Руҳий илиқлик, ғамхўрлик ва биродарлик муносабатларини сақлаш.
в. Ўзгалар муҳтожлиги учун хизмат ва ўзликдан кечиш.

**3. Имонлиларни самарали ва ҳаракатчан хизматга қуйидагилар ёрдамида тайёрлаш:**

а. Воизлик ва одамларни ҳар кунлик ҳаётларида Муқаддас Калом ҳақиқатини ишлатишга ўргатиш.
б. Ҳар бир имонлида Муқаддас Руҳ инъомларини тан олиш, ривожлантириш ва аниқлай олиш мақсадида таълим бериш.
в. Исо Масиҳнинг иродасини билишлари, Унинг Қудратини ҳис қилишлари ва Унинг ишини қилишларига йўналтирилган миссионерлик ҳаракатлари.

**4. Бутун Оламга Хушхабарни қуйидагилар ёрдамида етказиш:**

а. Жамоатларда ҳаракатчан, талантли, ҳар қандай шароитда ҳам Хушхабарни етказа оладиган одамларни аниқлаш. Бундай одамлар ҳамма тавба қилиши ва Исо Масиҳни шахсий Нажоткорим деб тан олишлари, Унинг танаси бўлган Жамоатда Унга Раббим деб хизмат қилишлари учун Хушхабарни ваъз қилишлари керак.
б. Ҳар бир янги имонга келганларни руҳан қувватлаб, ғамхўрлик кўрсатиш ва биродарлик руҳида уларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиш.
в. Янги жамоатлар ташкил қилиш ва уларни бутун дунё бўйлаб тарқалиб бориши учун қарор ва жавобгарлик қабул қилиш.

## 3. *Масиҳ Амрлари*

Жамоатнинг ҳаракати аввало одамлар ҳоҳишига эмас, балки Масиҳнинг Ўз Жамоати учун иродасига боғлиқ. У Жамоатнинг ҳаёти ва юраги ҳисобланади. Биз Уни таниб билиш учун мавжудмиз, У эса биз орқали бу дунёда амал қилади. Сизнинг жамоат ташкил қилиш хизматингизда Исо Масиҳнинг Ўз Жамоати ҳақида айтганларидан қайси бири зарур? Уларни ёзинг ва улар ҳақда фикрланг.

## 4. *Доимийликни ўзгартириб бўладигандан ажрата олиш.*

Жамоат мақсадини ишлаб чиқариш ўзгармас (Хушхабар, шогирдликка чақириқ, жамоатлар ташкил қилиш хизмати) ва керак бўлганда ўзгартириш мумкин бўлганнинг орасига аниқ қилиб чегара қўяди(бошқариш усули, тузилиш, дастурлар, мулк).

## 5. *Истиқбол.*

Қўйилган мақсад жамоат йўлбошчиларига ўтган даврга (одатий бўлиб қолган истиқбол) ёки ҳозирги даврга эмас( қийин ҳолат–биз қийинчиликка дуч келдик ва уни тез ҳал қилишимиз керак), балки келажакка кўпроқ эътибор беришга имкон беради(стратегик истиқбол).

## Б. Инсон омили

Инсон муҳтожликларига жавоб бериш хизматнинг асосий қисми бўлиши керак. Лекин ёш жамоат Хушхабар етказишни қолдириб, бутун кучини унга бағишламаслиги керак. Қандай қилиб биз одамлар муҳтожлигига бефарқликдан қочиб, хизмат йўналишини сақлаб қолаоламиз? Бу саволга жавоб беришда сизга қуйидаги принциплар ёрдам беради:

### 1. *Урф-одатлар орасидаги боғлиқлик*

Сиз ишлаётган муҳитдаги урф-одатларни тушуниш жуда муҳим ҳисобланади. Масиҳ одамлар муҳтожлигини уларнинг одатлари, тарбияси, шахсий ҳис-туйғулари ва муаммоларида хис қила олган. Жамоат ташкил қилар экансиз, одамларни шундайлигича қабул қилиб, уларга бориш керак. Биз одамлар урф-одатлари, уларга мос келадиган муҳтожликлардан келиб чиққан ҳолда, ўз хизматимизни ўзгартиришимиз керак. Бундан сизнинг Хушхабар етказиш хизматингизда қандай қилиб фойдаланиш мумкин? Сажда қилишдачи? Таълим беришда? Устозликда? Муносабатда? Жамоат тарбиясига тегишли саволларда? Лидерларни тарбиялашда?

### 2. *Ўз хизмат жойига содиқлик*

Бу – сизнинг ”Қуддус” ва ”Яҳудия“нгизга соғлом ва кўпайиб борадиган жамоатлар ташкил қилиш орқали Хушхабар етказишдир. Сизнинг тингловчиларингиз уларнинг муҳтожликларига Исо Масиҳда жавоб топиш учун қанчалик жиддий ҳаракат қилаётганингизни, қандай қилиб тушуна оладилар? Сизнинг юрагингиз улар учун куяётганини қандай қилиб ҳис қила оладилар?

### 3. *Жамоатда одамларни хизматга шериклиги*

Жамоатингиз аъзоларига қайта ташкил қилинган жамоатдаги ”нима” ва ”қандай қилиб“ деган саволларга жавоб беришда қатнашишларига имкон беринг. Улар сизнинг ёрдамчиларингиз ва ҳамфикрларингизга айланишсин ва уларни бу хизматга жалб қилинг. Уларни ҳар доим режаларингиздан воқиф қилинг, янги режалар тузишда улар иштирок этсинлар. Сизнинг хизматингиз учун зарур бўлган бир неча принциплар мавжуд. Улардан бири –”жамоатнинг ҳар бир аъзоси хизматчи ҳисобланади“, ёки бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳар бирида жамоат хизматида ишлатиши керак бўлган ўз руҳий инъоми бор. Яна бошқа принцип –”жамоатдаги ҳар бир ишни албатта ибодат билан мустаҳкамлаш керак“. Яна қандай шу каби принциплар жамоат ташкил қилишда зарур?

### 4. *Соғлом руҳий бошқариш*

Жамоат ўз раҳбарларига эргашиб боради. Ўз руҳий даражангиздан юқори бўлган одамларни эргаштириб юриш жуда қийин. Сиз (ва бошқа хизматчилар) оммага ҳар жойда ибрат бўлишингиз керак(1Бутрус. 5:1-3). Лекин эсингиздан чиқарманг, Масиҳ таълимоти бўйича Жамоат раҳбари – ҳамма учун хизматчи хисобланади (Мат.20:26).

### 5. *Бўлажак лидерларни тарбиялаш*

Янги жамоатлар ташкил қилиш билан шуғулланувчи лидер, унга хизматида ёрдам берадиган бўлажак лидерларни тайёрлашга катта эътбор бериши керак. Хизматга дунёдан жамоатга янги келганларни тайёрлашдан бошланг, улар бошқалар нажот топишларида ёрдам берсинлар. Янги имонга келганлар хизматчи бўлишларида қандай қилиб ёрдам беряпсиз?

### 6. *Лидерлар гуруҳи билан ишлаш*

Умумий мақсад ва хизмат принциплари билан бирлашган унча катта бўлмаган лидерлар гуруҳи бўлажак жамаот учун яхши асос бўладилар. Лидер учун жамоат ташкил қилишнинг ҳар бир қадамида ана шу гуруҳ билан биргаликда қатнашиш энг зарур ҳаракат бўлсин. Лидерлар гуруҳига эътибор берганингиз каби, уларнинг оилаларига ҳам эътибор беринг.

### 7. *Ўсиш муҳити*

Жамоат Худонинг одамлар ҳаётида амал қилаётгани кўриниб турган жой бўлиши керак. Жамоат бирга йиғилар экан, Худо билан учрашувни кутиши керак. Жамоатда шахсий руҳий ўсишга қаратилган йўналиш бўлиши зарур, чунки руҳан кучли одамлар ва оилалар жамоатни кучли қилади. Лидерлар ана шу йўналишга эътибор бериб, ҳар бир шахсий руҳий ўсишни қўллаб қувватлашлари, бу билан жамоатнинг умумий руҳий ўсишига эришишлари керак.

## В. Хизмат қилиш дастурига эга бўлишнинг муҳимлиги

Хизмат қилиш дастури, агар у ростдан ҳам жамоат миссиясини бажаришида ва мақсадига эришишида ёрдам бераётган бўлса, у катта аҳамиятга эга бўлади. Бундай дастур қуйидаги кўрсатмалар асосида тузилиши керак:

### 1. *Хизмат қилиш дастурини тузиш*

Хизмат қилиш дастури одамларга Масиҳ берган топшириқни амалга ошириш учун тузилади ва ишлаб чиқилади. У ўтиб кетган давр, ёки океон ортидан келганларнинг (чет элликлар) айтганларидек эмас, балки айнан ҳозирги давр ва ана шу жой одамларининг муҳтожликларига жавоб бериши керак.

### 2. *Дастурнинг самаралилигини ва қийматини баҳолаш*

Хизмат дастурини ишлатар эканмиз доимий равишда унинг самаралилигини текшириб, баҳолаб туришимиз керак. Жамоатга ”муқаддас сигир“ (бут)керак эмас, агар дастур самара бермадими, унда бошқа усулдан фойдаланиш керак. Дастурни қайта баҳолаш камида бир йилда икки марта ўтказилиши зарур. Раҳбарларнинг ишлари ҳам баҳоланиб турилиши муҳим. Буни қандай қилиб ташкил қила олишингиз мумкинлигини муҳокама қилинг?

### 3. *Жамоат стурктураси (тузилиши)*

Жамоатда одамларга руҳан ўсишларида ёрдам берадиган <u>структура</u> тузиш керак. Биринчидан Жамоатга умумий йиғилишлар зарур. Бунда асосан сажда қилиш, муносабат, Каломдан насиҳатлар, маросимлар ўтказилади. Лекин одамлар муҳтожликлари бошқача йиғилишларни талаб қилади. Кичик гуруҳлар учун 8-12 та одамдан ташкил топган йиғилишлар мавжуд, уларда одамлар янада чуқуррок, бир-бирига яқинрок муносабатда бўлиб, бир-бирларига хизмат қила оладилар. Ундан ташқари одамлар руҳий далдага, устозликка, таълимга муҳтожлар. Бундай ҳолларда шогирдлик учрашувлари 2-3та биргаликда учрашишлари керак. Қандай даражадаги учрашувлар сизнинг маданиятингизга тўғри келади? Соғлом, ўсаётган жамоат учун сизнингча қандай структура зарур?

## Г. Мулкни бошқариш

Янги жамоатлар ташкил қилинганда одатда, албатта (йиғилиш учун жой) мулк муаммоси пайдо бўлади. Бинонинг кўриниши, хоналари, мебел, жиҳозлар жамоат Хушхабар етказмоқчи бўлган омманинг даражасини, танланган хизмат дастурини назарда тутган ҳолда танланиши керак. Қуйидаги таклифларни кўриб чиқинг:

### 1. *Йиғилиш учун ижобий ва қулай жой тайёрланг*

Одамни жамоат ҳақидаги биринчи таасуротлари ҳал қилувчи ролъ ўйнайди. Йиғилишга келаётганларни кимдир эшик олдида хуш вақт тилаб (саломлашиб) кутиб оладими? Ёш болалар учун алоҳида хона ташкил қилинадими? Устки кийимлар учун илгичлар ёки шкафлар борми? Йиғилиш жойи транспор учун қулайми? Хонада қувнок муҳит пайдо бўлганми? У яхши ёритилганми? Ижарага олинган жойда яна нималарни ўзгартирса бўлади? Нималарни иложсиз қабул қилишга тўғри келади?

### 2. *Бинонинг қулайликлари*

Бу кўпинча қийин, лекин иложи борича жамоат учун қулай, дастурингизга тўғри келадиган бино ва техник воситаларни топишга ҳаракат қилинг. Бунга бошқа Масиҳий ташкилотлар, жамоатлар билан алоқа ёрдам бериши мумкин. Ана шундай алоқаларни қандай қилиб ташкил қила олишингизни ўйлаб кўринг.

### 3. *Жамоат биносига Калом бўйича қарашлар*

Бошланғич Жамоатларларга ўхшаш, Каломга асосланган жамоатлар ташкил қилишда бино унчалик муҳим ролъ ўйнамайди. Сиз одамларда жамоат биноси ҳақида тўғри тушунчага эга бўлишларида ёрдам беришингиз керак. Бино сизнинг хизматингизнинг муҳим қисми бўлиб қолмаслиги керак: марказда сизнинг мақсадингиз туриши керак.

## ТОПШИРИҚ

Пайдо бўладиган жамоатингиз учун хизмат қарашларини тайёрланг. Унга юқоридаги дарсда айтилган ҳамма омилларни киритинг.

**Жамоат**
*Илова*
**3А**

# Хизмат қарашларини ишлаб чиқариш

## СЎЗ БОШИ

Жамоатингиз учун хизмат қарашларини (концепцияси) ишлаб чиқариш учун қуйидагилар зарур:

А. Бутун Коинот Жамоатига ва сизнинг маҳаллий жамоатингизга(жамоат миссияси ва мақсадини тайёрлаш) бўлган Худо ҳоҳишини аниқ тушуна билиш. Сизнинг жамоатингиздан 3-5 йилдан кейин, Худо қандай натижаларни кутмоқда?

Б. Мўлжаллаган одамларини билиш. Сиз Хушхабар етказаётган кишилар кимлар?

В. Мақсадингизга эришиш учун ҳар турли воситалар. Сизнинг янги жамоатларингиз асосан қандай тузилишга эга бўлади(уй гуруҳлари, библия мактаби, ибодат учлиги ва бошқалар)? Гуруҳларингиз учун сиз бермоқчи бўлган асосий дастурлар қандай?

Д. Кутилган натижаларнинг аниқлиги. Сиз қанчалик узоқ вақтга мўлжалланган мақсад ва топшириқларни амалга оширмоқчисиз?

Юқоридаги ҳамма айтиб ўтилганларни қоғозга тушириш, ”жамоатда хизмат қилиш қарашларини ташкил қилиш“ дейилади.

## II. ХИЗМАТ ҚАРАШЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЎЙЛАБ КЎРИЛАДИГАН САВОЛЛАР

(бу саволларга лидерлар гуруҳи билан биргаликда жавоб беринг)

**А. Ташкил қилмоқчи бўлган жамоатингизни уч сўз билан тасвирлаб беринг.**

**Б. Сиз хизмат қилмоқчи бўлган жой аҳолиси қандай? Жамоатингизга қандай одамлар келадилар?**

**В. Жамоатингизни бошқа жамоатлардан нима ажратиб туради?**

**Г. Имонлиларни жамоатингизга нима жалб қилиб туради?**

**Д. Дунёдаги одамларни жамоатингизда нима жалб қилади?**

**Е. Аҳолининг қайси даражасига жамоатингиз эътибор беради?**

**Ж. Сизнинг ўзингиз аҳолининг қайси даражадаги гуруҳини жалб қилмоқчи эдингиз?**

**З. Жамоатингизда қандай маросимлар ёки дастурлар самарали бўлиши мумкин? Уларнинг муваффақиятини сиз қандай баҳолайсиз?**

## III. ЖАМОАТИНГИЗНИ ФАРҚ ҚИЛИБ ТУРУВЧИ ХУСУСИЯЛАРИ

Жамоатингизнинг ажойиб хусусиятлари – уни ўша каби жамоатлардан қуйидаги соҳаларда ажратиб туради: сажда қилиш, Калом бўйича таълим, Хушхабар етказиш, муносабат, бошқариш, ёшлар ва болалар билан ишлаш, оммавий алоқалар, оммавий маросимлар, миссионерлик ишлари, мазҳабларга оид саволлар, моддий таъминлаш, манбалар, мулк ва бошқалар.

## IV. ХИЗМАТ УСЛУБИ

Жамоатингизнинг хизмат қарашларини ишлаб чиқаришда нималарни эсда тутишингиз керак? Жамоатингизда кўрмоқчи бўлган хизмат услубингизни бир ёки икки абзацда ёзинг. Жамоатингизнинг ажойиб ”шахсий сифатлари“ қандай бўлади?

## V. ПРИОРИТЕТ

Жамоатингизнинг асосий приоритетлари қандай? Кейинги ойларда ва йилларда сизни қандай ишонч (маслак) бошқариб боради? Қуйида 10 та приоритетни санаб беринг:

## VI. ЎЗ ХИЗМАТ ҚАРАШЛАРИНГИЗНИ ЁЗИНГ

Иккита абзацда юқоридаги Иловада берилганларни ўз ичига олган шахсий хизмат қарашларингизни тасвирлаб беринг. Сизнинг хизмат қарашларингизни кўрсата оладиган, бир неча сўзган иборат шиор ёза оласизми?

# 3 Қисм: Руҳий ўсиш

**Руҳий Ўсиш**

**1 Дарс**

# Етимлар эмас, ўғиллар

*Галатияликлар 4:1-7*

**Дарс мақсади:**

Қуйидаги дарснинг мақсади–қатнашчиларга Худо билан муносабатларида янада очиқроқ бўлишларида, етим эмас, балки ўғил қилиб олинганликларини тўлиқ тушунишларида ва ҳаётларида қўллашларида ёрдам бериш. Хушхабарга етарли эътибор бермаслик, одамни ўз гуноҳларига шунчаки қараш оқибати Масиҳда бўлган озодликни ҳис қилишга тўсиқ бўлади. Ўз гуноҳларига тўғри муносабат Масиҳда мустаҳкам имон топишга олиб келади.

**Кутилган натижалар:**

Материални ўқиб чиқиб ҳар бир қатнашчи билиши керак:

- Худо уни ўғил қилиб олган ва энди у Худонинг севимли ўғли ҳисобланади;
- Етимлардек фикрлаб, бўғиб қўядиган ҳаётга қайтиб қолиш хавфи борлигини тан олиши;
- Худо севгисига бўлган ишончга эга бўлиш, омадсизликларда, хавфларда ва қўрқувда ўз ҳаракатларига эмас, балки Худонинг ўғли каби уларга ечим топиши;
- Самовий Отамиз ёрдам беришига ишонч билан, қўрқмасдан Хушхабар етказиши, жамоатлар ташкил қилиш хизматини олиб бориши керак;

**Дарс режаси:**

I. Етимнинг ҳаёти
II. Етим каби ўйлайдиган ва ҳаракат қиладиган Масиҳийлар
III. Худо болалари сифатида бизнинг ҳолатимиз
IV. Худога ўғил қилиб олинганимизни қандай қилиб тушунмаслигимиз мумкин.

**Ўқитувчиларга кўрсатмалар:**

Қатнашчиларга дарс охирида берилган ”тил учун топшириқ”ни беринг ва бир неча кундан кейин, улар уни қандай бажарганликларини текшириб чиқинг. Машқлар уларга гуноҳнинг кучини ва бизнинг Худонинг инояти ва қудратига бўлган муҳтожлигимизни кўришларида ёрдам беради.

”Ўғил“ сўзи Каломда (Галатияликларга мактубида ҳам) эркакларга ҳам аёлларга ҳам бир хилда ишлатилган. Агар бунга тегишли бирор тушунмовчилик бўлса уни ҳал қилиш керак.

Агар сизни вақтингиз бўлса, қатнашчилар учун фойдали деб ўйласангиз ”Масиҳийча ҳаёт“ деб номланган(тўртта ҳар хил руҳий ўсиш намунаси берилган) дарс қўлланмасини ишлатишингиз мумкин.

## СЎЗ БОШИ

Худо Каломи Яратувчимиз бор бўлиб, У ҳар биримизни севувчи Отамиз бўлишни исташини ўргатади (Матто 6:26-32). Ўзлари ҳоҳлагандек яшашга қарор қилиб, Худога қараши туриб одамлар Ундан узоқлашдилар. Айнан мана шу кетиш одамларни ёлғиз ва бечора қилади, шунинг учун улар худди етимлардек ўйлайдилар ва ҳаракат қиладилар.

Бу дарсда ҳатто ”узоқ вақтдан бери“ имонли бўлганлар ҳам қандай қилиб худди етимлардек ҳаракат қилишларини кўриб чиқамиз. Галатияликларга 4:1-7 да одам имонга

келганидан кейин, Худо билан бошлайдиган муносабатларини тасвирлаб берувчи бўлимни ўрганиб чиқамиз. Ва ниҳоят бизни абадий севувчи Отамиз, Худонинг болалари каби қандай қилиб яшаш ҳақида гаплашамиз.

## I. ЕТИМНИНГ ҲАЁТИ

Агар сиз бирор марта етим билан гаплашган бўлсангиз, уларнинг ўйлашлари ва ҳаракатларидаги фарққа эътибор берган бўлсангиз керак. Мана улардан бир нечтаси:

### А. Етимлар қўрқув ва хавф хиссига тўла

Ота-оналаридан ажраганидан кейин, етимларда ноаниқлик ва ишончсизлик, ҳар дақиқада содир бўлиши мумкин бўлган нарсадан қўқув ҳислари пайдо бўлади. Кўпларимизни келажак унчалик ташвишлантирмайди, лекин ҳаётида энг ёмон нарса содир бўлиб бўлган (ота-онаси ёнида йўқ) бола, келажакдан хеч қандай яхшилик кутмайди.

### Б. Етимлар ўзлари учун жон куйдиришларига тўғри келади

Етимларнинг ёнида уларга ғамхўрлик қиладиган ота-оналари йўқ, айнан шунинг учун уларда, ўз келажагим учун ўзим ҳаракат қилишим керак деган хис бўлади.

Етимхонадаги болалар доимо ўзларини ва нарсаларини бошқаларники билан таққослайдилар. Шунинг учун тарбиячилар, агар сиз битта болага бирор нарса совға қилсангиз, бошқаларига ҳам беринг дейишади. Ҳар бир икир-чикир, ҳатто кўйлагининг рангги ҳам кучли рашк ва хафачилик келтириб чиқариши мумкин.

### В. Етимлар ўзларини жуда ёлғиз сезадилар

Етимхонадаги болалар ота-онаси улардан воз кечганлари учун (ёки улар энди йўқ), энди мен хеч кимга керак эмасман деб ўйлайдилар. Табиий ҳолат бузилганидан кейин, етимлар хеч ким билан ”алоқага“ кирмайдилар ва улар учун кимгадир керак эканликларига ишониш жуда қийин.

## II. ХУДДИ ЕТИМЛАРДЕК ЎЙЛАЙДИГАН ВА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИГАН МАСИҲИЙЛАР

Келинглар, аввал ўзимизга бир қараб оламиз: ахир биз ҳам баъзан худди етимлардек ўйлаймиз ва ҳаракат қиламиз. Бу дунёда хеч кимга керак эмасдек, қўрқув ва ташвишга тўла, ўз хотиржамлигимиз ва фаровонлигимиз учун жон куйдириш билан овора бўламиз. *Сизнинг ҳаётингизда ҳам шундай бўлганми?*

Менимча ҳаммасидан ҳам кўпроқ ҳаёт бузилиб бораётганида муаммолардан қочиб қутилишнинг хеч имкони йўқдек хис қиламиз. Шундай қийинчилик вақтларида биз қандай ҳаракат қиламиз, саросима, ваҳимага тушамизми? Балки Худо Ўзининг саноқсиз ишлари билан банд бўлиб, бизни эсидан чиқариб қўйгандир? Шу билан биз ташвишланишни бошлаймиз, кейин хафсаламиз пир бўлади, охир оқибат таслим бўламиз.

Баъзан хеч нарсани тушунмаймиз, қийинчиликларимизда бошқа одамни айблай бошлаймиз. Биз ўзимизни худди ”қурбондек“ хис қиламиз. Бошқа ҳолларда эса, вазиятни ўз қўлимизга олиб, аниқ қарор қилиб, бузилиб бораётган ҳаётимизни сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз. Ҳамма бу ҳолларда биз ўз мағрурлигимизни ёки Худонинг вадаларига имонимиз камлигини кўрсатамиз. Биз ўз-ўзимизни руҳий етимлар деб ишонтира бошлаймиз.

*Мисол:* бир аёл Масҳий бўлди, лекин Худонинг севгисига ишончсизлигича қолди. Бунга сабаб–унинг болалигида содир бўлган воқеа. У кичкиналигида опаси билан ховлида ювилган кирларни ёяётган эдилар. Унинг бўйи симга етмайди ва отасининг оппоқ кўйлагини яқинда турган, ушлагичи жуда занг бўлган арава ушлагичига илиб қўяди. Албатта кўйлак қуриганидан кейин, занг унга ўтириб қолди ва кўйлак яроқсиз бўлиб қолди. Отаси буни билганидан кейин, жуда қаттиқ жаҳли чиқди.

Қизча хеч қандай ёмонлик қилмоқчи эмас эди. У кўйлакни яхши ниятда, зангнинг таъсирини билмаган ҳолда илганди. Кўплаб оталар қизчанинг ишини кечирган, ёки сал юмшоқроқ муомала қилган бўлардилар. Лекин унинг отаси унга қаттиқ бақирди, худди у атайлаб, отасига қараши туриб, тушинган ҳолда шу ишни қилганидек. У отаси уни севмаслиги ҳақида, ёки умуман севмаганлиги ҳақида ўйлаб катта бўлди.

Кўпинча Худони ҳам шундай тасаввур қиламиз. Биз Уни биздан жаҳли чиққан, жуда узоқда, фақатгина – бизни жазолашни ҳоҳлайди деб ўйлаймиз. У бизни борлигимизча қабул

қилмайди, У бизни севмайди деб ҳис қиламиз. Худо ҳақида совуқ, ўйлаб ишини қиладиган Қози каби ўйлаймиз. Бизни муносабатларимиз совуқ, доимий эмас, ўзимизни қандай тутишимизга боғлиқ дек кўринади.

Лекин Гал. 4 бобда Худо билан муносабатимиз бошқача тасвирланган. Агар биз Худонинг Сўзига ишонмасак, У билан муносабатимизда худди етимлардек ўйлашдан тўхтамаймиз. Бу нимага асосланганлигини ва амалда нимани билдиришини тушуниш зарур. Келинглар Гал. 4 даги Худо билан муносабатимизнинг тасвирини кўриб чиқайлик (Гал.4:1-7ни ўқиб чиқинг).

## III. БИЗНИНГ ХУДО БОЛАЛАРИ СИФАТИДАГИ ҲОЛАТИМИЗ

## А. ”Вояга етган “ ўғил

Ҳаворий Павлус Галатиялик Масиҳийлар қилган хато ҳақида гапиради. Мактубни ўқир эканмиз, биз Глатияликлар қандай қилиб Худо билан муносабатларини тиклаганликларини ва қандай вадаларга эга бўлганликларини унутиб қўйганликларини кўрамиз. Улар Қонунни қандай бажараётганликларига қараб, Худо томонидан фақатгина қисман қабул қилинганмиз деган фикрга қайтган эдилар. Павлус шунинг учун яна бир марта, улар фақатгина Хушхабарга ишонганликлари учун Худо уларни керчирганини ва улар Муқаддас Руҳни қабул қилганликларини такрорлаяпти. Худо Исо Масиҳ орқали берган вадаларига бўлган имонлари туфайлигина, улар Унинг ҳаётларида иштирокига ва кўплаб баракатларга, юракларида бўлаётган ўзгаришларга эга бўлдилар. Учинчи бобда Павлус Қонун фақатгина бизни гуноҳкорлигимизни кўрсатиш учун тарбия сифатида ва бизни Исо Масиҳга келтириш учун Худо томонидан берилган дейди. Хушхабарга ишониб, Исо Масиҳга келганимиздан кейин, энди биз, бу тарбиячига бўйсинмаслигимиз керак бўлади. Энди биз Худонинг болаларимиз.

Ундан кейин тўртинчи бобда Павлус бизни Худо қандай қилиб ўғил қилиб олинганлиги ҳақида ва ҳақиқатда бизнинг Худо болалари сифатидаги ҳолатимиз нимани билдиришини тўлиқроқ тушунтириб беради. У ўғил қилиб олиниш жараёнини тасвирлаб бериш орқали, энди бизнинг Худо билан муносабатларимиз қандай эканлигини тасаввур қилишимизга ёрдам беради.

Ўша даврларда ўғил ҳали кичкиналигида, отасининг ҳамма мулкига эга деб ҳисобланса ҳам, ёшлиги туфайли унинг тарбиясига жавоб берувчи тарбиячилар ва бошқарувчилар қўли остида бўлар эди. Ана шу давр мобайнида ўғил отсининг мулкига доир ишларни юритишга ва унга таъсир қиладиган қарорлар қабул қилишга ҳаққи йўқ эди. Бу билан у қулдан фарқ қилмасди. Отаси томонидан белгиланган бир муддат ўтганидан кейин, тақиқлар бекор қилинарди ва мулк ўғилга бериларди ва у ўзи ҳоҳлаганидек уни бошқарарди. Ана шу вақтда ўғил ”вояга етарди“ ва тўла ҳуқуқли ворис ҳисобланарди. Павлус бизни Худо билан муносабатларимизни айнан шундай тарифлайди. Биз – вояга етдик ва энди тўла ҳуқуқли фарзандлармиз. Бу сиз учун нимани билдиради?

## Б. Бу таққослашнинг қадри

Ҳаворий Павлус, биз Масиҳга келмасимиздан олдин, қандай қилиб дунёга бошланишданоқ қул эканлигимизни тушунтириб беради. Ибронийлар учун эса Қонун, уларга Худонинг вадаларига эришишга имкон бермайдиган оғир юк бўлиб қолди. Биз мажусийлар эса виждонимиз қийноғида (Рим.2:14-15), ўз давримизнинг диний қоидалари остида яшадик. Қандай қонун остида яшашимизга қарамай у бизга нажот бера олмайди, у фақатгина, бизни Унинг иродасини бажара олмаслигимизни ва Худога маъқул кела олмаслигимизни кўрсатади. Айнан шунинг учун Худо томонидан Қонун тайинланган эди. Биз унинг қулимиз ва унинг лаънати остидамиз.

Лекин Масиҳда биз сотиб олинганмиз ва бизнинг ҳар қандай гуноҳларимиз кечирилган. Шунинг учун биз қулликка қайтмаслигимиз керак, чунки бизда бошқа қисматни танлаш имконияти бор. Биз фақатгина, озод қилинганимизга, Худо бизни ўғил қилиб олганига ва Унинг тўла ҳуқуқли фарзандлари бўлиб, Исо Масиҳга ишонганларга берилган вадаларга эришишимиз мумкин эканлигига ишонишимиз керак ҳолос. Худо бизни руҳимизга гувоҳлик бериши ва бизда бўлиши учун, биздан лаънатни олиб ташлаганини ва биз озод эканлигимизни тасдиқлаш учун Муқаддас Руҳни юборди! Энди Худо биз учун Қози (судья) эмас, У бизни севувчи Отамиз. Худонинг яқинлигини тасвирлаш учун, ана шу вақтларда отага энг яқин муносабатни билдирувчи ном ”Абба“ билан Худони чақиришимиз мумкинлигини Павлус айтган (Рим.8:5–17). Бизнинг кунларда унга ”Дада“ деган сўз тўғри келади. Худонинг

ғазаби Унинг марҳамати билан алмашди. Энди У бизни рад қилмайди, балки Ўзининг ҳамма вадаларига эриша олишимиз учун, бизни Ўз фарзандлари қилди.

Отамиз ким эканлигини билиб, ҳеч нарсадан қўрқмасдан, ҳеч нарсадан ташвишланмасдан яшашимиз мумкин. Бирор нарсадан қўрқишнинг кераги йўқ, ёки ўз қадрини кўрсатиш зарур эмас. Энди жазоланишдан қўрқиш йўқ, энди ёлғизлик йўқ. Бизни севадиган, хеч қачон ташлаб қўймайдиган Отамиз бор.

## IV. ХУДО БИЗНИ ЎҒИЛ ҚИЛИБ ОЛГАНЛИГИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТУШУНМАСЛИГИМИЗ МУМКИН

Нима учун биз, Худонинг тўла ҳуқуқли фарзандлари, худди етимлардек ҳаракат қиламиз? Нима учун ўзимизни ёлғиз ҳис қилиб, қўркув ва ташвишга тўлиб юрамиз? Чунки биз Масиҳ Хушхабарини қадрламаймиз ва уни ҳаётимизда амалга оширмаймиз. Хушхабар бизни Масиҳдаги ҳолатимизнинг асоси ҳисобланади. Хушхабарни қадрламасдан, биз ўзимизни – Худо болалари сифатидаги аҳволимизни тушунмаймиз. Бу бир неча сабаблар туфайли содир бўлади:

## А. Мағрурлиги туфайли Хушхабарни қадрламаслик

Хушхабар бу яхши, лекин у қабул қилиш қийин бўлган, жуда кучли дори каби бўлиши мумкин. У одамларнинг ҳақиқий аҳволини кўрсатиб, бизнинг гуноҳкорлигимизни ва ўз-ўзимизни қутқара олмаслигимизни эслатиб туради. Ҳатто Масиҳий бўла туриб, кўпинча юқорироқ бўлишга ҳаракат қиламиз. Баъзан эса Худонинг ёрдами зарур эмас деб ўйлаб қоламиз. Биз фақатгина ўз шуҳратимиз учун, ўзимизнинг шахсий мақсадларимиз учун яшаймиз. Бу бизнинг асосий мақсадимизга айланиб қолади. Агар бирор одам мақсадимизга тўғри келмаса, у билан муносабатларни тўхтатамиз. Бизнинг мустақил бўлишга қаратилган ҳаракатларимиз, Худони бизнинг ҳаётий муаммоларимиз билан бизни ёлғиз қолдиришга мажбур қиламиз. Ўз мағрурлигимиз туфайли етим бўлиб қоламиз.

Бизнинг муаммомиз ўз кучимизга ишонишдадир (”тана“–Гал.3:3). Мағрур одам Исо Масиҳнинг солиҳлигига эмас, ўзининг солиҳлигига суянади. Унинг кўриниб турадиган сифатларидан биттаси, у қилган иш бошқаларда қандай тассурот қолдириши ҳақида доимо қайғуришидир.

Мисол учун, бу оилада содир бўлиши мумкин. Бир одамни шундай ўйлаётганини тасаввур қилинг:”Албатта мен болаларим ва хотинимга севгимни кўрсата оламан, буни нимаси қийин?“ Бу фикрни тўғрилигига қатъий ишониб, унингча хотинига манзур бўладиган ҳаракатларни қилишни бошлайди. Шундай қилиб, қўлида гул билан уйига кириб келса, хотини ”Азизим мени севишингга ишонмайман. Чунки бугун дўстларимизни меҳмонга таклиф қилганмиз, шунинг учун менга гул олиб келдингми. Сен фақатгина меҳмонлар келадиган вақтда менга гул берасан.“ деб уни ҳайрон қолдирди. Бу одамнинг юрагида нотўғри истаклар очилганди–бошқалар олдида севувчи эр бўлиб кўриниш, лекин у буни сезмасди. Агар хотинларимизга севгимизни қандай қилиб кўрсатаётганимизга эътибор берсак, кўпларимиз амалда буни унчалик ҳам қойиллатмаётганимизни билиб оламиз.

Биз Муқаддас Руҳдан қайта туғилганмиз ва гуноҳ ҳокимлигидан озод бўлганмиз. Энди Руҳ бизда, биз гуноҳга қараши тура олишимизда ёрдам бериш учун яшаяпти. Лекин танамиз ҳам қандайдир йўл билан гуноҳдан тозаланган (Рим. 7:17-18) ва энди биз танамизнинг гуноҳга бошловчи қилиқларига қараши курашмаймиз деб ўйлашимиз нотўғри. Тана ҳали ҳам бизга кучли таъсир қилишда давом этяпти ва биз буни тан олишимиз керак. **Биз Худо олдида гуноҳимизни очиқ тан олишимиз керак.** Иложи борича тўлиқлигимизча Муқаддас Руҳга ўзимизни топширишимиз ва Унга ичимиздаги ёвузликка қараши курашимизда ёрдам беришига имкон беришимиз керак. Руҳнинг кучи кўриниши мумкин, фақатгина Унинг ёрдамига муҳтожлигимизни тан олсак, лекин мағрурлигимиз бизни буни тан олишимизга тўсқинлик қилади.

## Б. Хушхабарнинг кучига ва ҳақиқатлигига имонсизлик туфайли уни қадрламаслик

Яна бир сабаб, Хушхабарни қадрламаслик – Исо Масиҳнинг хочдаги ўлимига асосланган, Худонинг вадаларига етарли имонга эга бўлмаслик, ёки ишонмасликдир. Худонинг севгиси билан тўлиб, кўпларимиз Уни ростдан ҳам улуғлашни ва Унга хизмат қилишни ҳоҳлаймиз, аммо хизматда тўсиқларга дуч келиб, руҳан тушкунликка тушамиз ва

ҳафсаламиз пир бўлади. Бундай ҳолларда имонсизлик гуноҳидан тавба қилишимиз керак. Бирор бошқа сабаб билан эмас, балки фақатгина Худонинг инояти туфайли, Унинг болалари бўлганимизни ўргатувчи Хушхабарга ишонишимиз керак.

Агар бизга бўлган Худо севгисини ростдан ҳам билишни ҳоҳласак, унда гуноҳимизга нисбатан очиқ бўлишимиз керак ва Хушхабарни қадрлашимиз керак бўлади. Бу жуда муҳим. Аксинча эса биз ўзимизни доим ёлғиз ва ташлаб кетилгандек ҳис қиламиз. Бизда гуноҳкорлик, айбдорлик ҳиси ўсиб бориб, лаънат туфайли доимо омадсизликка учраймиз. Худога хизмат чидаб бўлмас оғирликка, қулдек амал қилишимизга айланиб қолади. Биз ношукур одамлар бўлиб қоламиз. Гуноҳларимиз учун тўлов бўлган, Исо Масиҳнинг азоблари бизни ҳаяжонлантирмай қўяди. Ўйлаб кўринг – гуноҳингизга эътиборсизлик билан муносабатда бўлганмисиз? Хушхабаргачи? Мана шу нарса, сизни етим қилиб қўйганига энди ишондингизми?

## ТОПШИРИҚ

*”Тил учун топшириқ“*

Тилингизга топшириқ беринг: икки кун давомида ғийбат қилмайсиз, бошқалар ҳақида ёмон гапирмайсиз, нолимайсиз, агар бирор кимса ҳаракатингиз (муомалангиз) ҳақида гапирса (критика), ўзингизни оқламайсиз, ютуқларингиз билан мақтанмайсиз. Бошқалар ҳақида фақатгина яхши гапиринг, ҳамма нарса учун Худога миннатдорчилик билдиринг, бирор нарсани нотўғри қилсангиз очиқ тан олинг, ўз камчиликларингиз билан мақтанинг.

Бу топшириқ (биз уни ”тил учун топшириқ“ деб атадик) ҳаётингизга гуноҳнинг таъсирини кўришингизда ва доимо Худонинг иноятига муҳтожлигингизни кўришингизда ёрдам беради. Бу ”дарсни“ бажариб бўлганингиздан кейин, У сизни итоаткорлигингиз учун эмас, балки Ўғли Исо Масиҳнинг қурбонлиги туфайли сизни Ўз фарзанди қилиб олганлиги учун Худодан миннатдор бўласиз. Бу топшириқни бутун ҳаётингиз даврида бажаришингизга тўғри келади, аммо кейинги икки кун давомида унга кўпроқ эътибор беринг.

Руҳий ўсиш

2 Дарс

# ”Етимлар ўғил бўлишни ўрганяптилар“

*Юракнинг ҳолати*

Дарс мақсади:

Қуйидаги дарснинг мақсади – Худонинг болалари сифатидаги ҳолатимизни янада чуқурроқ ўрганиш. Руҳий ўсиш ва хизмат учун ҳоҳиш, қўрқув ва айбдорлик ҳиссидан эмас, балки Худога бўлган севги ва миннатдорчилик билан тўлган юракдан чиқиши керак. Буни эсда тутган ҳолда, Калом бўйича етим ва тўла ҳуқуқли ўғилнинг ҳолатини тўлиқроқ кўриб чиқамиз.

**Кутилган натижалар:**

Материални ўқиб чиққанидан кейин, ҳар бир қатнашчи керак:

- Худо томонидан фарзанд қилиб олинганлигимизни оқибатларини тушуниши;
- Ўғилнинг фикрлашларини етимнинг фикрлашларидан фарқини тушуниши;
- Худонинг борлиғи ва ёрдамига имон билан яшаш ва Унга хизмат қилиши;
- Худонинг иноятини тушунган ҳолда бошқалар учун жон куйдириши;
- Худога кўпроқ куч ва севги билан хизмат қилишни ўрганиши;

**Дарс режаси:**

I. Юк босган юрак ва эркин юрак

II. Мағрурликка тўлган юрак ва Худодан ёрдам изловчи юрак

III. Худбин (ўз манфатини ҳаммадан устин кўрувчи) юрак ва бошқаларни севувчи юрак

**Илова:**

2А”Етимлар ва ўғиллар“

**Ўқитувчилар учун кўрсатмалар:**

Худди бошқа Қўлланмадаги каби бу дарсда ҳам ” ўғил “ сўзи кўп марта ишлатилади ва бу аёллар ва эркакларни орасидаги фарқни ажратиб кўрсатиш учун эмас. Бу сўзни ишлатишга сабаб, Галатияликларга мактубида айнан шу сўздан фойдаланилган. Қизлар ҳам Худо учун жуда азиз ҳисобланади!

## СЎЗ БОШИ

Ўғил қилиниб олиниш бизни Худо билан муносабатларимизни аниқлаб беради. У одамни фикрлашига, ҳаракатларига таъсир қилади. Ўғил қилиб олиниш Худо билан муносабатларимизга асос бўлади. Бу бизнинг ҳар кунлик ҳаётимизга қандай таъсир қилишини чуқурроқ кўриб чиқамиз.

Худо оиласига қўшилишимизни ва ”тўла ҳуқуқли ўғил“ бўлганимизни тўлиқроқ тушуниш учун, ҳозирги замон Масиҳийларининг ўзлари ҳақида қандай фикрда эканликларини кўриб ўтишимиз керак бўлади. Қандай ҳолларда етимлардек, қайси ҳолатларда эса ўғиллардек фикрлаймиз? Кўпроқ нима ҳақида ўйлаймиз, кундан-кунга қандай ҳаракат қиламиз? Бизга Муқаддас Руҳ буни кўришимизга ёрдам бериши жуда муҳим. Бунинг учун эса Уни бизда ҳаракат қилишини сўрашимиз зарур.

*Ўқитувчилар учун кўрсатма:* Гуруҳдан бу дарсни ўрганишда Худонинг бошчилик қилишини сўраб ибодат қилишларини сўранг.

Одатий фикрлашимиз ва ҳаракатимизга қараб, Худонинг ўғиллари ёки етимлар каби яшаётганимизни баҳолаш мумкин бўлган учта жуда муҳим аҳволларни кўриб чиқамиз.

## I. ЮК БОСГАН ЮРАК ВА ЭРКИН ЮРАК

Сизнинг юрагингиз кўпинча қандай ҳолда бўлади: оғирлик, ғамгинликми ёки эркинликдами? Кўриниб турибдики юрагимиз турли сабабларга кўра оғирликда бўлиши мумкин. Бу ерда юракнинг оғирлиги деганда, айбдорлик ҳисси ва ҳеч нимага арзимайман деган ҳис назарда тутиляпти.

Масиҳийликдаги сифатлардан бири ўсиб борадиган айбдорлик ҳиссидир. Ўзимизни худди қуйидагиларни айтган Довуд каби сезамиз:”*Қилмишимни қонунсизлик деб тан оламан, Қилган гуноҳим кўз ўнгимдадир мудом.*“ (Заб.50:5). Яқиндагина имонга келган одам учун гуноҳни тан олиш ва унинг оғирлигини ҳис қилиш жуда қийин синов бўлиши мумкин.

Мисол: Салимжон Худога қайтиб, Исо Масиҳ орқали гуноҳлари кечирилиб, кучли қувончни ҳис қилди. Ўзини қамоқдан озод қилинган маҳбус каби сезарди. Унинг битта-ю битта истаги, ҳамма ҳаракатларида Худога ёқишни ҳоҳларди. Аммо бир қанча вақт ўтганидан кейин, бир нарсада буни бажара олмади. Қилиб қўйган гуноҳи унга шунчалик таъсир қилдики, бир неча ҳафта эзилиб юрди. У ўзини Худо уни ҳали ҳам севишига ва қабул қилишига ишонтира олмасди. Салимжон, Худо Ўз Каломида, гуноҳ учун Ўз қони орқали бир марта тўланган тўлов ҳақида айтганларини билмагунча қийналиб юрди.

Рим. 8 бобда Худо йиқилганимизга қарамасдан, бизга нисбатан Ўз муносабатини ўзгартирмаслиги ҳақида айтади. У ерда олтита савол берилади:”*Энди бунга нима деймиз? Агар Худо биз томон бўлса, ким бизга қарши чиқар экан? Худо Ўз Ўғлини аямай, балки ҳаммамиз учун Уни фидо қилган бўлса, У билан бирга ҳамма нарсани ҳам бизга бермасмикан? Худо танлаган кишиларини ким айбдор қилар экан? Худонинг Ўзи бизни оқлаган-ку. Бизни ким маҳкум қилар экан? ... Худонинг севгисидан бизни ким жудо қилар экан....?”* (Рим.8:31-35).

Одам олтита саволни кетма-кет берганида, у уларга жавобни кутмаётганини тушунса бўлади. Бу, уларга аллақачон жавоб бериб бўлганлигини билдиради. Шунга ўхшаш ҳолни юқоридаги оятларда кўрамиз. Жавоб аниқ, Худо биздан бирор нарсани билишни истагани йўқ, аммо таъкидлаяпти:*”Мен сизларни севаман, Мен сизларни айбламайман, сизларни хеч нарса Мендан ажрата олмайди!“*

Худонинг севгиси нимага асосланганини охир оқибатда тушунгандан кейин, Салимжонга ана шу нарсалар аниқ бўлди. Бу ҳақда 39 оятда айтилган, хеч нарса ”... *Раббимиз Исо Масиҳ шахсидаги Худо севгисидан бизни жудо қилишга қодир эмас.*“ Бу охирги сўзлар Худонинг бизга бўлган ўзгармас севгисига асосланган. Бу асосланиш – бизда эмас, балки У биз учун амалга оширганда, Унинг Ўзидадир. Салимжон Худо Исо Масиҳнинг хочдаги қурбонлигига эътибор бермасагина уни севмаслиги мумкинлигини билиб олди. Бунинг учун Худо Ўзининг Ўғли, Исо Масиҳнинг ўлими етарли эмас дейиши керак эди! Худо эса хеч қачон бундай демайди ва албатта хеч қачон севишдан тўхтамайди.

Салимжон буни тушунганида, ўзини яна бир марта қамоқдан озод қилинган маҳбусдек ҳис қилди. Гуноҳнинг юки олиб ташланди, унинг ўрнига эса гуноҳни тан олиш озодлиги берилди. Кейин эса Исо Масиҳнинг хочдаги қурбонлиги ва Унинг солиҳлигини тан олиб, гуноҳдан воз кечди. Бу вақтгача ҳам Салимжон тавба қилган эди, лекин мағрурлиги туфайли Масиҳнинг иши тўлиқ амалга ошганига ишона олмаган эди. У учун Масиҳга имон келтирган кундагига нисбатан, ҳозир Исога кўпроқ муҳтож эканлигини Худо олдида тан олиш қийин бўлди албатта. Буни тан олиб тавба қилганидан кейин, яна қувонч унинг юрагини тўлдирди. У хеч қачон бунчалик, хеч бир чегара билмас севгини хис қилмаган эди.

Худо юракларимизни ана шу хеч бир мажбуриятсиз ва хизмат қилиб олинмаган, севги учун озод қилишни истайди. Уни тушунганимиздан кейин эса, у севгига жавоб бермасдан тура олмаймиз.

Кўпинча ўзимизни хеч нарсамасдек, кераксиздек хис қиламиз. Аммо бари-бир Худо бизни севишда давом этмоқда. Агар Худонинг севгисига сизни юкдан озод қилишга, юрагингизга эркинлик беришига имкон бермас экансиз, демак Масиҳнинг хочдаги амалга оширган ишига ишончингиз жуда кам экан. Ҳақиқатда эса Хушхабарни қадрламаяпсиз. Худо шундай деган:"*Шундай қилиб, Масиҳ бизга берган эркинликни маҳкам тутинглар, қайтадан қуллик бўйинтуругини тақманглар!.*"(Гал.5:1). Исо айтган:"... *Мен солган бўйинтуруқ юмшоқ, Мен берган юк енгилдир.*" Аммо буни фақатгина ҳаётимизни Худога ўғил қилиниб олинишга асослаб қуриш орқалигина ҳис қилишимиз мумкин, аксинча эса юрагимиз доимо юк оғирлигидан эзилиб боради.

## II. МАҒРУРЛИККА ТЎЛГАН ЮРАК ВА ХУДОДАН ЁРДАМ ИЗЛОВЧИ ЮРАК

Энди Аҳмаджоннинг ҳаётидан берилган мисоллар ҳақида гаплашамиз. У кучли Масиҳий оилада туғилди. Жуда ёшлигида тавба қилиб, нажотга келди. Унинг бутун ҳаёти, бошқалар қоралашга ҳаракат қилишига қарамасдан, ажойиб гувоҳлик эди. Худога содиқлик уни Қозоғистонга миссионер бўлиб боришга жалб қилди ва у ерда буддист аҳоли орасида, учта жамоат ташкил қилди. Кўплар Аҳмаджонни ибратли Масиҳий деб атайдилар, унинг ўзи ҳам, юрагининг тубида шундай ҳисоблайди. Хеч бўлмаганда шундай бўлишини истарди, қалбининг тубида эса, Худога содиқлиги билан фахрланар ва Худо ҳам у билан фахрланса керак деб ўйларди.

Агар сиз ҳам Аҳмаджон каби, сизнинг яхши хизматингиз туфайли Худо сизни марҳаматлайди деб ўйласангиз, хато қиласиз. У Салимжон каби имонсизлик гуноҳини қилмаяпти, лекин бари-бир у ҳам худди етимдек ҳаракат қиляпти. Етим ҳамма муаммоларни ўзим ҳал қилишим керак, бошқалар мен учун хеч нарса қилмайди деб ўйлайди. Лекин ўғил доимо Худонинг ҳузурини ва Унинг ёрдамини ҳис қилиб туради. Биттаси ўз кучига ишонади, бошқаси эса Худога имон билан яшайди. Ўз кучимизга ишонганимизда, биз Худони хизматимиздан кетишга мажбур қиламиз. Буни У ҳоҳламади, биз Уни мажбур қилдик ва биз Уни тарк этиб, ёлғиз қолдик. Етимликни ўзимиз танладик. Ҳаётимизнинг ҳосилига қарамагунимизча, биз қанчалик тез-тез шундай қилаётганимизни билмаймиз. Ўз-ўзига ортиқ даражада ишониш қўрқувни пайдо қилади, бошқалар устидан қаттиқ бошқарувни ва ташвишни, уйқусизликни, иккиланишни, умидсизликка, вайсақиликка ва нолишга олиб келади. Ҳамма нарсанинг шундай бўлишига сабаб, худди бизсиз, буларнинг ҳаммаси амалга ошмайдигандек туюлади.

Ҳаётнинг ҳамма юкини, уларни ҳал қилиб қўядигандек елкамизга оламиз. Аммо кўпинча кучимиз етмайди, ҳар йўлда ҳафсаламиз пир бўлади. Биз ҳар доим ўз муаммоларимиз ҳақида ташвишланамиз, бу эса бошқалар муҳтожликларига эътибор қаратишимизга ҳалақит беради, оқибат хизматнинг баъзи жабҳаларига ва ҳатто ҳаётнинг (мисол учун: оила) баъзи жабҳаларига аҳамият бермай қўямиз. Натижа ўз муаммоларимизни ва жамоатнинг муаммоларини ўзимиз ҳал қилмоқчи бўлганимиз учун ҳолдан тоямиз ва уйқусизликка дуч келамиз. Оҳир оқибат, биз ҳамма нарса ёмон деб нолишга тушамиз.

Агар имонда юрмасак, ҳамма муҳтожликларимизни Худога топширмасак ана шундай ҳосил келтирамиз. Худосиз яшаш мумкин эмаслигини кўрсатиш ва ҳаётимизда Худонинг иштирокини ва ёрдамини излашимиз учун, У турли синовларни юборади. Ҳазрати Исо Ўз шогирдлари билан шундай муносабатда бўлган. Мисол учун беш минг кишини тўйдиришни олайлик. Юҳанно 6 бобни ўқир экансиз, худди Ҳазрати Исо шогирдларига, айниқса Филипга дарс бериб қўйишни истагандек кўринади. Исо ундан сўради:"*Буларни тўйгазиш учун қаердан нон сотиб оламиз?*" У ерда У уни "*синаш учун*"(Юҳ.6:6) бу саволни берган деб ёзилган. Аниқ кўриниб турибдики, бунчалик оломонни тўйғазиш учун хеч қандай инсоний манба етарли эмас эди. У Филип Худога ишонишга ўргандими йўқми, шуни аниқламоқчи эди. Ҳазрати Исо ҳақиқатда Ким эканлигини ва Унинг имкониятларини тушундими йўқми, шуни билмоқчи эди.

Балки, сиз ҳам ҳозир Худо билан баъзи муносабатларингизни аниқлаб олишга муҳтождирсиз. Уларни сиз қандай кутиб оласиз? Сизни қўрқув босадими, ёки Худо ростдан ҳам сиз учун суяниш мумкин бўлган, севувчи Отами? Балки шароитларни тўғрилаш учун кимнидир мажбур қилгандирсиз? Ҳатто бир марта, ўзлари тузган мажбуриятларни бажармаганликлари учун баъзи аъзоларини жамоатдан вақтинча ажратиб қўйган Чўпон ҳақида эшитган эдим.

Агар ростдан ҳам Худонинг фарзандлари эканлигимизни тан олсак, унда бизнинг ажралмас хизматимиздан бири бу ибодат бўлиши керак. Хизматимизга доимо Худо бизга ёрдам беришга тайёр деган тушунчани киритишимиз керак. Айнан мана шу нарсага Эф. 2:10 ўргатади. Худога ишониб, У билан ибодатда муносабатда бўлиб, У кўришни ҳоҳлаган натижаларга етишишимиз мумкин, шунинг учун, ўзимиз, дўстларимиз билан Худо биздан нимани кутаётганини билиш учун ибодат қилишимиз керак.

Ўғилнинг ишончи комил – Худо ростдан ҳам унга ғамхўрлик қилувчи, уни севувчи Ота. Ҳаётингизда ким ишларингизни ҳал қилади? Ўзингизни худди, Худо ташлаб кетгандек ҳис қиляпсизми? Агар ҳаётимизни Унга бўйсиндираётган бўлсак, хизматимиздаги қийинчиликлар, муаммолар бизни довдиратиб қўймаслиги керак.

## III. ХУДБИН (ЎЗ МАНФААТИНИ ҲАММАДАН УСТИН КЎРУВЧИ) ЮРАК ВА БОШҚАЛАРНИ СЕВУВЧИ ЮРАК

Бизни етимлардекми ёки ўғиллардек фикрлашимиз, ҳаётимизнинг бошқа тарафларига ҳам таъсир қилади. У кўпроқ бошқа одамлар билан муносабатимизни аниқлайди. Ўз муаммоларимиз ва ғам-ташвишга ботиб, ўзимизни ёлғиз ҳис қилиб юрганимизда худбин бўлиб қоламиз.

Етимхонада ўсган Дониёрнинг ҳаётини мисол келтириш мумкин. Унинг табиати жуда чаққон ва қувноқ эди, аммо ҳаётида кўп муаммолар бўлганди. Бир сафар Янги Йилга яқин бир гуруҳ Масиҳийлар етимхонага ташриф буюришди. Улар ўзлари билан бир неча ўйинларни олиб келдилар ва болаларни бирга ўйнашга чақирдилар. Ўйинлардан бири болаларга жуда ёқиб қолди ва Масиҳийлар бу ўйинни етимхонага совға қилишмоқчи бўлишди. Дониёр ўйинни қолаётганини эшитганидан кейин, уни қучоқлаб олиб, хеч кимга бергиси келмай қолди. Албатта бошқа болалар ҳам ўйинни Дониёрдан олиб қўйишга ҳаракат қилишарди, шундай қилиб улар ўйинни тарбиячига қолдиришди.

Совға уруш ва норозилик сабабчисига айланди. Болалар ўз худбинликлари туфайли бир-бирлари билан қувончни бўлиша олмадилар.

*Фойдаланиш.* Самовий Отамиз бизга ростдан ҳам ғамхўрлик қилмайди ва берган нарсасини ҳимоя қилишга кучи етмайди деб ўйлай бошласак, биз ҳам худди юқоридаги болалардек ўзимизни тутишни бошлаймиз. Кўпинча бизнинг етимлардек фикрлашимиз Худо берган марҳаматлардан келадиган қувончни ҳис қилишимизга ҳалақит беради. Баъзан эса уни кўриб, унга ёпишиб оламиз ва Ким уни бизга берганини эсдан чиқариб, Унинг севгисидан хурсандчилик олаолмаймиз. Бирор нарса бизнинг севгимизга айланса, биз ўзимизни севимли деб ҳис қила олмаймиз. Бутпарастлик – ўғри каби, у биз учун энг қадрли нарсани – бизга бўлган Қудратли Худонинг севгисини ўғирлаб қўяди.

Сизда ҳам шу каби воқеа бўлганми? Етимлардек ўйлаш, сизни мени хеч ким севмайди деган фикрга олиб келганми? Балки, Худо сизга берган нарсага уни йўқотиб қўйишдан қўрқиб маҳкам ёпишиб олгандирсиз? Худо сизга эркинлик билан, ошиғи билан беришини билиб, бошқаларга очиқ қўл бўла оласизми?

## ХУЛОСА

Худонинг характерини тўғри тушуниб, имонлиларнинг У билан муносабатлари ҳар кунлик ҳаётимизга кучли таъсир ўтказишини қандай қилиб кўра олдик. Руҳий ўсишга ва хизматга ҳоҳиш севувчи ўғилнинг камтар юрагидан чиқиши керак, қўрқувдаги етимнинг юрагидан эмас. Сиз ўзингизни қандай ҳолларда ўғиллардек эмас, етимлардек ҳаракат қилаётганингизни кўряпсиз?

## САВОЛЛАР

- Худони етим қандай кўради? Ўғилчи? Худони сиз қандай ва қанақа ҳолда қабул қиласиз?
- Юқорида берилган характерлардан (юк босган, мағрур ёки худбин (ўз-ўзини севувчи)) юракнинг қайси бири сизга мос келади?

## ТОПШИРИҚ

Юқоридаги дарс учун берилган 2А Иловада ”Ўғил ва Етим“ деб аталган жадвал бор. Уни ўрганиб чиқинг ва унда сизга қийинчилик туғдираётган уч ҳолни танлаб олинг. Уларнинг ҳар бирига мисол ёзинг: сиз билан яқинда бўлиб ўтган воқеа бўйича. Ҳар бир мисол остига эса, шу ҳолларда сизни Худо қандай қилиб ўзгартиришини ҳоҳлашингизни ёзиб чиқинг. Шундан кейин эса, имон билан буларни Самовий Отангизга ибодатда топширинг.

Руҳий ўсиш
*Илова*
**2А**

# Етимлар ва Ўғиллар

**Ўқитувчилар учун кўрсатма:** қатнашчиларга қуйида берилган жадвални ўрганаётганларида, ўзларининг шахсий руҳий ҳолати ҳақиқида ўйлаб, уни текшириб чиқишларини сўранг. Бу уларга, эътибор бериш зарур бўлган учта ҳолатларини аниқлаб олишларида ва Худодан ибодатда ана шулар учун аниқроқ сўраб илтижо қилишларида ёрдам беради.

| | Етимлар | Ўғиллар |
|---|---|---|
| 1. | ”Ўз ҳаракатлари“ билан ўзини поклаш.<br>Исо – танамизнинг ”ёрдамчиси“.<br>Юҳ.14:18 ”сизларни ёлғиз қолдирмайман“. | Имон билан покланиш.<br>Исо – бизнинг ҳаётимиз! Юҳ.15:4;Гал.2:20. Рим.8:15 ”сизлар ... Ўғиллик руҳини қабул қилдингизлар“. |
| 2. | Ўзини ёлғиз ҳис қилади; Худо билан ҳар кунлик яқин муносабатни ҳис қилмайди; ”ўз-ўзи билан банд бўлиб қолиш бўшлиғига ўралиб қолган“. | ”Худо ростдан ҳам менинг Самовий Отам“ деган ўсиб борувчи имонга эга“ (1Юҳ.4:16) |
| 3. | Шу кунлик муҳтожликларнинг ташвишлари билан банд: дўстлари, пул ва б.қ. ”Дунёда мен ёлғизман, бошқаларга бунинг қизиғи йўқ“. | Отага ишонади ва Унинг севгисига имони ўсиб боради; ташвишлардан озод.(эркин). |
| 4. | Ҳаётни омад ва омадсизликлар кетма-кетлигидан иборат деб ўйлайди. Нима қилиб бўлса ҳам ”яхши кўриниши керак“. Бошқаларнинг у ҳақдаги фикри муҳимроқ. | Ҳар куни тушуниб туриб, Худонинг ёрдамига таяниб яшашни ўрганиб боради; ”ёмон кўринишдан“ қўрқмайди. |
| 5. | Худо томонидан ва бошқалар томонидан ўзини ҳукм қилинган, айбдор сезади. | Ўзини кечирилган, қабул қилинган, севимли ҳис қилади; Масиҳнинг қурбонлиги унинг учун тўлиқлигича тўлов бўлди. |
| 6. | ”имони кам“, кўп нарсадан қўрқади, Худога ростдан ҳам тўлиқлигича ишона олмайди. ”Ҳаммасини ўзим тузатишим керак“. | Худонинг унинг ҳаёти учун режаси ҳар кун сайин амалга ошиб бораётганига ишонч. |
| 7. | Чегарасиз жавобгарлик ҳисси билан меҳнат қилади, бутун кучи билан ёқишга ҳаракат қилади, ”ишдан бўшай олмайди“. | Ибодат – биринчи бошпана; ”Мен аввал Отамдан сўрашим керак!“”(Дада) Ота!“ |
| 8. | Худо томонидан ҳам, одамлар томонидан ҳам бошқарувга бўйсинмайди; кўпинча руҳан совуқ ва тош юрак; | Бўйсинишга кучи бор; юмшоқ (камтар ва эгик) юракли (Заб.50:19). |
| 9. | Ўзини ҳимоя қилишни бошлайди:бошқаларга қулоқ солмайди; ўзбилармонлигига нисбатан қилинган танқиддан жаҳли чиқади. | Ўзининг эмас, Масиҳнинг солиҳлигига эга эканлигини тан олиб, танқидлар учун очиқ; қалб ҳисларини таниб - билишга қодир. |
| 10. | Ҳар доим уники тўғри бўлиши, | Омадсизлик мумкин бўлса ҳам, таваккал |

| | | |
|---|---|---|
| | тинчликда ва ҳавфсизликда бўлиши керак; омадсизликдан қўрқиш; танқидга чидай олмаслик, фақатгина мақтовларни эшита олади. | қилишга тайёр; Масиҳ солиҳлигига асосланганлиги учун, омадсизлик туфайли бўладиган танқидлардан, ва ҳурматда бўлиш учун курашдан ҳоли; |
| 11. | Ташқаридан ўзига ишонган, аммо ичида мағлубиятдан, Руҳ жасоратининг етишмаслигидан иккиланиб юради. | Масиҳда имони мустаҳкам, Руҳан дадил, чунки Руҳ унда ва у орқали амал қилади. |
| 12. | ”Мен уларга кўрсатиб қўяман – қандоқ қилишимни кўрасизлар! Бошқалар қила олмаганни, мен қила оламан“ (ирода кучи) | ”Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масиҳнинг мадади билан ҳамма нарса қила оламан“(Фил.4:13) |
| 13. | ”Мени ўзим!“ Ҳаётда ва хизматда ўз талантига ва қобилиятига таянади. | Ўзига камроқ ишониш, Муқаддас Руҳга эса ҳамма нарсада (тушуниб туриб Унга ҳар куни ишонади). |
| 14. | Тез-тез нолиб туради, Худога ҳам, одамларга ҳам миннатдорчилик билдирмайди; бошқаларни кўпинча ҳафа қилади; танқид ва ғамга ботган руҳни намоён қилади. | Муқаддас Руҳ унинг тилини олқишлаш учун, таълим учун, миннатдорчилик билдириш учун, далда бериш учун тўғрилашига ишонади(Эф.4:29). |
| 15. | Қаерда ҳато борлигини кўрсатиш керак бўлганда мутаҳасис. Ҳар доим нимадандир норози. | Нотўғри нарсаларга кўз юмиб кетмайди, лекин тушуниб туриб диққатини яхши ва муносиб нарсаларга қаратади (Фил.4:8) |
| 16. | Ўз хафвсизлиги учун бошқаларни ҳукм қилади; ғийбатчи (бошқалар гуноҳини тан олади); бошқалар ожизлигини излаб топувчи исковуч; ”таъний олиш инъомига“ эга. | Бошқалар олдида ўз айбини тан олишга қодир. Бошқа одамларнинг кучли томонларига эътибор беришни афзал кўради; ҳақ эмаслигини тан ола олади; ўсишни ҳоҳлайди. |
| 17. | Ҳар доим ўзини бошқалар билан таққослайди оқибати ё мағрурликка ёки тушкунликка тушишга олиб келади (бошқаларнинг қанчалик ёмон, ёки яхши эканлигига боғлиқ). | Масиҳда мустаҳкам туради; ўз қадр-қиммати Масиҳнинг солиҳлиги ва тўккан қонининг баҳосидан келиб чиқади, одамлар ўрнатган қонунлардан эмас (Фил.4:8) |
| 18. | Тана олдида кучсиз; ”ўзи севган гуноҳларини“ юрагида енга олмайди; ”буюк гуноҳкор“ деган тушунчани йўқотди. | Масиҳда бўлар экан, тана устидан буюк ғалабани кўрди (Рим.8:1-9) – яна ўзини ”буюк гуноҳкор“ деб билади. |
| 19. | Ибодатда кучсиз; кўпинча ибодат – ”оҳирги имкон“; кўпинча одамлар олдида ибодат қилади, камдан-кам ёлғиз қолганида. | Ибодат ҳар кунининг ажралмас қисми ҳисобланади, ”Худо билан вақти“ дан ташқари ҳам Ота билан гаплашишни яхши кўради (1Сал.5:16-18). |
| 20. | Каломда айтилган куч ва руҳнинг қувончи у учун кулгили кўринади; ”қани энди сизнинг ўша пайтдаги бахтиёрлигингиз?“ (Гал.4:15). | Худонинг вадалари ва бахтиёрлиги унда амал қила бошлайди (Рим.15:13). |
| 21. | Мақталиб туришга муҳтож; бошқалар кўрмай қолишидан қўрқиб, ўзи эришган нарсаларни доим эсга тушириб туриши керак(Гал.6:14). | Борган сари кўпроқ суҳбатларининг мавзуси Масиҳ бўлиб қолаётганини сезиб қолади; Худо билан ва ўз ожизликлари билан мақтанади (2Кор. 12:9-10). |
| 22. | Онгида эришган нарсаларини рўйҳатини тузиб боради, ҳаммани эътиборини тортиш ва ҳимояланиш учун. | ”Эришган нарсаси“ Масиҳнинг солиҳлиги деб ҳисоблайди, шунинг учун Унда мустаҳкам туради. |
| 23. | Бутун эътибори ўзига қаратилган: ”Агар улар ҳам ҳамма нарсани худди мендек кўришганида эди!“ Ҳолатни ва одамларни ўз қўли остида ушлаб туриш ҳоҳишига эга. | Янада кўпроқ Масиҳга бўйсиниб боради; Руҳнинг кучи билан хизмат қилади – ”озод бўлган тана“ кучи билан эмас. |
| 24. | Масиҳдан бошқа, нимадандир қониқиш олади; ўз қадридан қониқишни унга ”бутлари“ беради | Масиҳ унинг озиқаси ва ичимлиги; Худо ростдан ҳам унинг қалбини тўйдиради.”... Ерда ҳам Сендан ўзгасини истамайман.“ (Заб.75:25). |

| | | |
|---|---|---|
| | (амал, ёқимли машғулоти, мулки, эришганлари); ана шулар билан ўзини ҳаётини оқлайди. | |
| 25. | Камдан-кам ҳолларда Хушхабарни етказишни истайди (чунки ўзининг шахсий ҳаёти хеч нарсага арзимайди), агар буни қилса ҳам севги туфайли эмас, жавобгарлик ҳисси туфайли қилади. | Имонсизларнинг Исога келишини кўриш истагига эга, Хушхабарни ташқи таъсир туфайли эмас, ” ... Масиҳнинг севгиси бизни қамраб оляпти-ку!“ дея бошқаларга уни етказади (2Кор.5:14). |

# 4 Қисм: Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари

**Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари**

**1 Дарс**

# Муқаддас Китобни индуктив йўл билан ўрганиш IV

*Биографик усулда ўрганиш*

**Дарс мақсади:**

Қуйидаги дарснинг мақсади—тингловчиларни Муқаддас Китобни биографик йўл билан ўрганиш усули билан таништириш ва бу усулнинг афзалликларини кўрсатиб бериш. Янги жамоатлар ташкил қилувчиларга далда бериш ва Тимофейнинг ҳаёти, яна Тимофейга қаратилган Павлуснинг маслаҳатлари, чақириқларини ўрганиб чиқиш ҳам бу дарснинг мақсади ҳисобланади.

**Кутилган натижалар:**

Бу материални ўрганиб чиққандан кейин ҳар бир қатнашчи билиши керак:

- Қандай қилиб биографик усулда Муқаддас Китобни ўрганишни тушуниши;
- Худо Тимофей орқали жамоатда қандай ҳаракат қилаётганини кўриб далда олиши;
- Жамоат ташкил қилиш ҳаракатида қатнашаётганлар Тимофейнинг ҳаёти тажрибасидан хулосалар чиқариб, дарслар рўйҳатини тузиш;

**Дарс режаси:**

I. ”Муқаддас Китобни биографик усулда ўрганиш“ мавзуси учун сўзбоши
II. Қандай қилиб биографик усулда ўрганиш
III. Амалий топшириқ — Тимофейнинг ҳаётини ўрганиб чиқиш

**Илова:**

1А ”Муқаддас Китобни биографик усулда ўрганиш—Барнаба“

**Ўқитувчилар учун кўрсатмалар:**

Дарс бошланишида тингловчиларни — Муқаддас Китобни индуктив усулда ўрганиш нима эканлиги билан таништириб чиқинг. (1Қўлланма).

Дарс икки қисмдан ташкил топади: назарий машғулотлар ва амалий машғулотлар. Амалий машғулот даврида қатнашчилар Тимофейнинг ҳаётини ўрганиб чиқишлари керак. Агар буни дарс вақтида қилишга вақт бўлмаса, унда уни уй вазифасига қўшиб беринг.

Ўзингиз билан қўшимча адабиёт бўлиши яхши: М.К. луғати, энциклопедия, маълумотнома (справочник). Булар ишда қанчалик ёрдам беришини қатнашчиларга кўрсатиш яхши фойда беради.

## I. ”МУҚАДДАС КИТОБНИ БИОГРАФИК УСУЛДА ЎРГАНИШ“ МАВЗУСИ УЧУН СЎЗ БОШИ

### А. ”Муқаддас Китобни биографик усулда ўрганиш“ нима эканлигини – аниқлаб олиш

Муқаддас Китобни биографик усулда ўрганиш — бу Муқаддас Китобдаги қаҳрамоннинг ҳаётини дарс олиш мақсадида ўрганиш ва унинг тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда руҳий ҳақиқатларни амалда қўллаш. Муқаддас Китобда ҳар хил одамларнинг одатий

ҳаётидан олинган ижобий, ҳам салбий мисоллар жуда кўп.

## Б. Биографик усулда ўрганишнинг афзаллиги

Тарих ҳаммага ёқади. Бошқаларнинг ғалабаси, қувончи, муаммолари, васваса ва тўсиқлари ҳикоя усулида берилган бўлса, тушуниш анча осон бўлади. Жамоат ташкил қилиб, Хушхабар етказар экансиз, ҳаётий тарихлардан олинган руҳий ҳақиқатни ишлатиб, бошқаларга дарс беришингиз мумкин. Ана шу қаҳрамоннинг ҳаётини тушуниш учун, Калом унинг мисолида бизни нимага ўргатаётганини тушунишимиз керак. Каломни биографик усулда ўрганишда ҳам, бошқа усулларда ишлатилган принципларга амал қилиш жуда муҳим ҳисобланади.

Худо одамни (эркак ва аёлни) Ўз суратида, улар билан муносабатда бўлиш учун яратди. Одамнинг гуноҳи туфайли бу сурат бузилган эди ва бу билан муносабат ҳам бузилди. Худо Ўз Ўғлини ана шу суратни тиклаш ва бузилган муносабатни қуриш учун юборди.

Муқаддас Китобнинг кўп қисми айнан ана шу нарса — Худо қандай қилиб одам устида ишлаб, уни қайта тиклаётгани ҳақида сўзлайди. У ерда берилган Қаҳрамонлар ҳаётини, уларнинг кучли ва ожиз томонларини ўрганиб, Масиҳ сурати томон ўзгариб боришимизда ёрдам берадиган, ўзимиз учун кўплаб дарслар олишимиз мумкин.

Мана бир неча мисоллар: Иброҳимнинг ҳаёти бизни имонга ўргатади, Юсуф — қандай қилиб васвасалардан ўтишни; Эсфирнинг тарихи бизга қандай қилиб эркин ироданинг ҳаракати ҳақида; Даниелдан ибодат қилишни; Юнусдан Худодан қочмоқчи бўлган одамга нима бўлишини; Павлусдан эса миссия ва миссионерлар ҳақида билиб оламиз. Сиз яна бошқа мисолларни келтира оласизми?

## В. Муҳим оят

*"Қадимги оятларда нимаики ёзилган бўлса, бизнинг таълим олишимиз учун ёзилган. Биз бу оятлардан сабр ва тасалли топиб, умидимизда маҳкам туришимиз лозим." (Рим.15:4).*

# II. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БИОГРАФИК УСУЛДА ЎРГАНИШ

## А. Кузатиш

- Ўрганиш учун Муқаддас Китобдан бир қаҳрамонни танлаб олинг.
- У ҳақда **ҳамма** ёзилганларни рўйхат қилиб чиқинг. Агар иложи бўлса маълумотнома(справочник) ва симфониядан фойдаланинг.
- Ҳар бир оятнинг асосий маъносини бир неча сўз билан ифодаланг.
- Оятларни тарихий тартиб бўйича қўйиб чиқинг.

## Б. Мазмунини очиш

Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- Танлаб олинган қаҳрамоннинг келиб чиқиши ва оиласи ҳақида нима била оламиз?
- Одамнинг номи бирор аҳамиятга эгами? У хеч вақт ўзгартирилганми? Агар ҳа бўлса, унинг маъноси қандай, мисол: Иброҳим Ибромга, Ёқуб Исроилга, Симон Бутрусга ва бошқалар.
- Қачон ва қаерда яшаган у одам? Бошқа манбалардан ана шу давр одамлари ҳаёти ҳақида биз нима биламиз: Муқаддас Китобга асосан ва унга асосланмаган ҳолда ҳам?
- Унинг ҳаётида қандай аҳамиятли воқеалар содир бўлган: тушкунликлар, эришиш, алоҳида хизматга чақириқ, қийинчиликлар ва бошқалар?
- Муносабат: унинг Худо билан муносабати қандай эди? У одамлар билан қандай чиқишарди (муроса қиларди)?

## В. Амалда қўллаш

Менинг ҳаётимни нимаси уникига ўхшайди? Уникига ўхшаган менинг кучли ёки ожиз томонларим борми? Нима учун Худо мана шу одамнинг тарихини Каломга киритган? Ана шу одамнинг ҳаётини ўрганиш орқали, Худо <u>менга</u> қандай ҳақиқатни ўргатмоқчи бўляпти?

# III. АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ – ТИМОФЕЙНИНГ ҲАЁТИНИ ЎРГАНИБ ЧИҚИШ

Юқоридаги иккинчи қисмдаги ” Қандай қилиб биографик усулда ўрганиш“ дарсидан фойдаланиб Тимофейнинг ҳаётини ўрганиб чиқамиз.

*Эслатма*: Тимофейнинг ҳаёти миссионерлар/жамоат ташкил қилувчилар билан биргаликда қилган саёҳатни ўз ичига олади. Ўрганиш тўлиқ бўлиши учун Ҳаворийлар китобининг кўп қисмини ва Тимофейга 1, 2 мактубларини билиш зарур. Топшириқни осонроқ қилиш учун қуйида оятлар рўйҳати берилган.

## А. Кузатишлар

Бу амалий машғулот учун биз Тимофейнинг ҳаётини ўрганишни танлаб олдик. Машғулотда ўрганиш учун зарур бўлган оятлар 3 пунктда берилган. Ҳар бир берилган парчалардаги асосий фикрларни такомиллаштиринг.

Ҳав. 16:1-3
Ҳав. 16:6-10
*Эслатма: Тимофейнинг номи берилмаган, лекин ”улар“ дейилганда Павлус ва унинг йўлдошлари назарда тутилган (6 қаранг). Тимофейнинг хизматини бошланишини қисқача тарифланг.*
Ҳав. 18:5
Ҳав. 19:22
Ҳав. 20:4-5
Рим.16:21
1Кор.4:17
1Кор.16:10
2Кор.1:1
Фил.1:1
Фил.2:19-20
Кол.1:1
1Тим.1:1
2Тим.1:1
1Тим.1:3
1Тим.1:18
1Тим.4:12
1Тим.4:14
1Тим.6:11-16
2Тим.1:2
2Тим.1:4-7
Ибр.13:23
Тимофейнинг ҳаётини хронологик (тартиб бўйича,кетма-кет) тартибда қўйинг.

## Б. Изоҳлаш

Оила: Тимофейнинг отаси, онаси, бувиси ким бўлган? Улар унинг ҳаёти ва хизматига қандай таъсир қилганлар?

- Исмининг аҳамияти борми?
- Қаерда яшаган?
- Аҳамиятли воқеалар:
- Қандай қилиб ва нима учун Павлуснинг миссионерлик гуруҳига қўшилди?
- Бу гуруҳда унинг ишлари ҳақида нимани биламиз, у нима билан машғул эди, қандай хизмат олиб борарди?
  Муносабатлар:
- Павлус билан муносабатлари қандай эди?
- Эфесдаги жамоат билан муносабати қандай эди?

## В. Амалда қўллаш

Тимофейнинг ҳаётиниб ўрганиб чиқиб:

- Гуруҳда ишлаш ҳақида нимани билиб оламан?
- Жамоатлар ташкил қилиш стратегияси ҳақида нима билиш мумкин?

## ТОПШИРИҚ

- Барнабанинг ҳаётини ўрганиб чиқинг (Илова 1А)
- Агар дарс давомида Тимофейнинг ҳаётини ўрганиб чиқишга улгурмаган бўлсангиз, уйда ниҳоясига етказинг.

**Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари**

*Илова* **1А**

# Муқаддас Китобни биографик усулда ўрганиш: Барнаба

**КУЗАТИШ**

*Қуйида Барнаба исми ишлатилган оятлар рўйҳати берилган. Ҳар бирини ўрганиб чиқинг ва ўз хулосаларингизни ёзинг (биринчи оят бўйича кузатишлар берилган).*

1. Ҳав. 4:36-37
   Бу исмнинг маъноси "юпатиш ўғли"
   Унинг ҳақиқий исми–Иосия (Юсуф)
   Ҳаворийлар уни Барнаба деб аташган
   У левит эди
   Кипрда туғилган
2. Ҳав.11:19-24
3. Ҳав.11:25-26
4. Ҳав.11:27-30
5. Ҳав.12:25
6. Ҳав.13:1-3,42-43
7. Ҳав.14:1-12,23
8. Ҳав.15:2-4,12,22,25,35-39
9. Кол. 4:10
10. Гал. 2:11-13

## ИЗОҲЛАШ

1. Барнабанинг келиб чиқишини тасвирлаб беринг:

2. Сиз нима деб ўйлайсиз, нима учун ҳаворийлар Юсуфга "Барнабо" деб ном бердилар?

3. Қуйидаги парчаларда Барнабо ҳақиқатдан ҳам далда берувчи бўлганлиги ҳақида қандай маълумотлар бор?
Ҳаворийлар 4:37
Ҳаворийлар 11:22–30
Ҳаворийлар 13:1–13
Ҳаворийлар 14:21–28
Ҳаворийлар 15:1–3
Ҳаворийлар 15:36–39

4. Павлус билан Барнабонинг фаолияти қандай тартибда эслатилган?

5. Раҳбарлик Павлусга ўтгандан кейин, Барнабо вазиятни қандай қабул қилди?

6. Келишмовчилик пайтида Барнабо қандай иш тутди?

7. Сиз нима деб ўйлайсиз, Галатияликларга 2:11–14 оятлардаги унинг ҳаракатига нима сабаб бўлди?

8. Барнабонинг ҳаётига хулоса чиқаринг.

## АМАЛДА ҚЎЛЛАШ

1. Сизнинг ҳаётингизда "Барнаболар" учраганми? У одамлар ким эди ва улар сизга қандай далда беришган?

2. Далдага муҳтож бўлган масиҳийни биласизми? Уни қандай қўллаб қувватлай оласиз?

3. Ҳаворийлар 9:26 ва 11:25–26 оятларда Барнабо бошқаларни ҳимоя қилиш учун ўзининг обрўйини хавфга қўйди . Сиз ҳам шундай қила оласизми?

4. Барнабо Павлуснинг раҳбарлик қилишига йўл берди. Сиз ўзингизнинг юксак мансабингиздан воз кечишга тўғри келса ҳам, янги раҳбарларни тарбиялашга ва уларнинг ишлашига йўл қўйишга тайёрмисиз?

5. Раббимиз Барнабо ҳаёти тимсолида сизга қандай сабоқлар берди?

**Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари**

**2 Дарс**

# Муқаддас Китобни индуктив ўрганиш бўйича гуруҳга қандай раҳбарлик қилиш керак

*Худо Каломининг ҳақиқатларини биргаликда очиш*

**Дарс мақсади:**

Бу дарснинг мақсади – Раббимиз Ўзининг Каломида айтаётганларини ҳар бир гуруҳ аъзоси тушуниб олиши учун, Каломни ўрганиш бўйича, ўқувчиларни гуруҳга раҳбарлик қилишга тайёрлашдир. Шу дарсда таклиф қилинган усул “Саволлар ва жавоблар” усули деб номланиши мумкин. Раҳбар ўрганилаётган парчани қўллаш, ҳаётнинг шу соҳалари бўйича ва Муқаддас Китобнинг матнига асосланиб саволлар беради. Шу саволлар бўйича баҳслашиш давомида, ўқувчилар шахсан ўзлари учун Муқаддас Китобнинг ҳақиқатларини тушуниб оладилар, натижада улар шу билимларни яхши ўзлаштирадилар.

**Кутилаётган натижалар:**

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир қатнашчи билиши зарур:

- Муқаддас Китобни индуктив ўрганиш бўйича кичик гуруҳда раҳбарлик қилишни тушуниши, (кузатиш, талқин қилиш, қўллаш) саволларини бериб, шунга тайёр бўлиши;
- Гуруҳга Муқаддас Китобни шахсий ўрганиш бўйича уйга топшириқлар беришдан ва тушунганларини бўлишишдан кўра, Муқаддас Китобни гуруҳда индуктив ўрганиш катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниши керак;
- Муқаддас Китобни ўрганишда очиқликнинг аҳамиятини билиши;
- Шу дарсда берилган қонун–қоидаларга амал қилган ҳолда, кичик гуруҳда Муқаддас Китобни индуктив ўрганишда қатнашиши керак ;

**Дарс режаси:**

I. Гуруҳнинг мақсади — очиқлик
II. Гуруҳ лидерининг роли – ўрганишни йўналтириш
III. Тайёрланиш — беш қадам
IV. Баҳсга раҳбарлик қилиш – саккизта асос асосида
V. Натижа – қўллаш

**Илова**

2А “Масиҳийлик имонининг асоси”

**Ўқитувчилар учун тавсияномалар:**

Мана шу дарслик жуда кўп ўқувчилар учун янгилик ҳисобланиши мумкин.
Агар баҳс давомида саккизта тамойил бўйича саволлар берилганда, норозиликлар пайдо бўлса, эслатинг булар қонунлар эмас, тавсияномалардир. Бу тавсияномаларнинг мазмуни шундан иборатки, раҳбар ўқувчиларга мустақил равишда саволларга жавоб топишга имконият бериши, уларга шахсий очиқликлар очишга ёрдам бериши кераклигини уқтириш лозим. Аммо ўқувчиларига ўзи бажариб бермаслиги керак. Яна, гап фақат кичик гуруҳлар ҳақида кетаётганига эътибор беринг. Шунинг учун бу ерда ваъз эмас, балки баҳс кўпроқ тўғри келади. Чунки ваъз айтиш кичик гуруҳда катта фойда келтирмайди. Бу усулни фақат амалда намойиш этиш фойдалироқ. Бу усулни амалда намойиш қилишни дарс материали ҳақидаги

баҳсдан олдин ўтказасизми ёки кейинми, бу сизга боғлиқ. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўқувчилар Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича олдин машғулотлар ўтказиш учун амалиёт қилиши зарур (шундай гуруҳларнинг раҳбарларидан). Улар усулни амалда иложи бўлса бир неча марта кўришлари керак.

Усулни намойиш қилгандан кейин, танаффус қилишингиз мумкин ва бир неча соат қуйида берилган тажрибани ўқувчилар амалда қўллашлари керак. Вақт етарли бўлса, бу жуда фойдали. 3, 4 дарслар Муқаддас Китобни индуктив ўрганиш бўйича намунали саволлардан иборат бўлиб, усулни намойиш қилишга ва ўқувчилар билан машғулотларда қўллашга қаратилган.

## СЎЗ БОШИ

Биринчи Қўлланмада сиз Муқаддас Китобни мустақил ўрганишни билиб олдингиз. Муқаддас Китобни ўрганиш шахсан сизнинг имонингиз ўсиши учун ва хизмат қилишингизга ёрдам беради. Жамоатларни ташкил қилиш бўйича хизмат пайтида, сизнинг асосий вазифангиз индуктив усул ёрдамида бошқаларга Муқаддас Китобни ўргатишда ёрдам беришдан иборат. Чунки Худонинг Сўзида ҳар бир кишига шахсан мурожаат қилинган. Шунинг учун бу дарс орқали, сиз Муқаддас Китобни индуктив усул билан ўрганиш бўйича, гуруҳга қандай раҳбарлик қилиш кераклигини билиб оласиз.

## I. ГУРУҲНИНГ МАҚСАДИ - ОЧИҚЛИК

Одам ўзи тушуниб, ўзи учун очилган нарсалар, ўқитувчининг сўзлаб берганига қараганда, кўпроқ ва яхшироқ ёдда сақланиб қолади. Раҳбар бераётган саволлар жуда муҳим, чунки улар ўқувчиларни бўлажак очиқлик йўлига олиб боради. Ўрганилаётган парчада ҳаётнинг шу соҳалари ва матн бўйича баҳсни олиб бораётган раҳбар саволлар беради. Шу саволлар бўйича ўйлаб ва ўзлари жавоб топиб, гуруҳ аъзоларининг марузалардан ҳам кўпроқ ҳақиқатни мустақил ўрганишлари каттароқ аҳамиятга эга.

"Саволлар ва жавоблар" усулини ўқитиш Муқаддас Китобнинг ўзида ҳам учрайди. Масалан, Матто 22:16–20 оятларда бу усулдан Исо Масиҳ фойдаланган. (*Уларга айтади: "Бу сурат ва ёзув кимники?"*) Ўзидан сўрайдиганларга, жавоб бераётганда У, уларнинг мустақил фикрлашлари ва тушунишларини хоҳларди ва шу тарзда ўргатарди. (Луқо. 9:18–20) Исо Масиҳ Ўзининг шогирдлари билан бирга ёлғиз бўлганда, улардан сўради: "*Халқ Мени ким деб ҳисоблайди?... – Сизлар–чи, Мени ким деб ҳисоблайсизлар?* "
Бу холда ҳам У яна ана шу самарали ўргатиш усулини қўллаган.

## II. ГУРУҲ РАҲБАРИНИНГ РОЛИ - ЎҚИШНИ ЙЎНАЛТИРИШ

Сизнинг раҳбар сифатида ролингиз фақат дарс ўтиш эмас, гуруҳ аъзоларини Худо Ўзининг Каломи орқали нима демоқчи бўлганини тушунтиришга йўналтиришдир. Худди шундай, Исо Масиҳ кейинги оятларни англамоқ учун шогирдларининг зеҳнларини очиб юборди. Шогирдлари билан йўлда Еммаусга бораётганда (Луқо 24:45), гуруҳ раҳбарларининг асосий мақсади маруза ўқиш эмас. Ҳар бир гуруҳ аъзосини Муқаддас Китоб уларнинг ҳар бирига бевосита гапириши мумкин деган тушунчага олиб боришдир.

Биз айтганимиздек, бу мақсадга саволлар ёрдамида эришиш мумкин, улар одамларга Муқаддас Китобнинг муҳимлигини кўрсатади. Уларнинг шароитида ҳам у ҳар доим жонли ва ҳаракатчан. Тайёр жавоблар кўпинча шахсий фикрларни чегаралайди. Бизнинча, одамлар кўпроқ Муқаддас Китобнинг мазмуни ҳақида ўйласа, уларнинг фикрлари теран бўлади. Тайёр жавоблар билан бунга эришиш мумкин эмас.

Муқаддас Руҳ бизнинг ҳақиқий ўқитувчимиз ҳисобланади. (Юҳанно 14:26) "*Ўша Юпатувчи, яъни Менинг номимдан Отам юборадиган Муқаддас Руҳнинг Ўзи сизларга ҳаммасини ўргатади. Менинг сизларга айтган ҳамма сўзларимни У ёдингизга туширади*". Раҳбар ҳамма саволларга жавобларни билмаслиги мумкин, лекин у ҳамма нарсани биладиган Муқаддас Руҳнинг овозини эшитишга интилиши керак. Эсда тутинг раҳбарга гапирадиган Муқаддас Руҳ, бошқа гуруҳ аъзоларига ҳам мурожаат қилади. Бу дегани гуруҳдаги ҳар бир аъзо айтган гап албатта тўғри дегани эмас, лекин Руҳга қулоқ солса, уларнинг гаплари ҳақиқий бўлиб чиқади.

## III. ТАЙЁРЛАШНИНГ БЕШ ЙЎЛИ

Муқаддас Китобдаги парчада мустақил равишда ҳақиқатларни оча олишлари учун

гуруҳ аъзоларини йўналтирадиган саволлар олдиндан тайёрланиши зарур. Муқаддас Китобни ўрганишнинг якуний мақсади, гуруҳ аъзоларининг ҳар бири олган билимларини ҳаётда қўллаши зарур. Саволларни тайёрлаш қуйидаги режа бўйича бажарилиши керак.

## 1. Парчани мустақил ўрганиш

Муҳими раҳбар ўрганаётган парчанинг асосий ҳақиқатларини ва уларни қўллаш соҳаларини тушуниши керак. Бунинг учун биринчи қўлланмадаги кўрсатмалар билан олдиндан мустақил тайёрланиб ўрганиши зарур (кузатиш, талқин қилиш ва қўллаш).

## 2. Ўрганишнинг мақсадини ёзиб олинг

Раҳбар ўзининг гуруҳи учун ўрганишнинг асосий йўналишини танлаб олиши зарур. Бу йўналиш жуда тор бўлмаслиги керак. Шуни эсда тутингки, Муқаддас Руҳ гуруҳ аъзоларини сизга кутилмаган йўллар билан олиб бориши мумкин. Гуруҳ аниқ натижаларга эришиши учун, ўрганиш соҳасини жуда кенг қилиши керак эмас! Сўранг, Худо сизга гуруҳ аъзоларининг ҳар бирига парчанинг қайси ҳақиқатларини билиши зарурлигини сизга кўрсатсин. Ибодат қилинг, токи Раббимиз сизга етакчи бўлишга ёрдам берсин.

## 3. Ўрганилаётган парчанинг уч қисми бўйича гуруҳ учун саволлар тайёрланг

Раҳбар **КУЗАТИШЛАРИГА** асосланиб, тўғри **ТАЛҚИН** қилишни **ҚЎЛЛАШ** учун гуруҳни етаклашга тайёр бўлиши керак. Шунинг учун раҳбар гуруҳга саволлар рўйхатидан, ҳар бир соха бўйича айрим ўзининг ўрганганларини натижаларини кўрсатиши керак. Савол – жавоб асосий мавзу атрофида ва парчани қўллаш билан боғлиқ бўлиши учун, ҳар бир савол мантиқий ва бошқа саволлар билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, раҳбар кузатиш даврида саволлар тузиб, шу саволлар асосида гуруҳга парчани ўргатишни олиб бориши керак.

Бу саволлар гуруҳни олдиндан хулоса чиқаришга шоширмаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда, саволлар шундай тузилиши керакки, уларда жавоблар бўлмаслиги керак. Парча мазмунида бўлган ҳақиқатларни мустақил очишига ва ҳаётда қўллашига гуруҳга имконият беринг. Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича яхши саволлар тузишни билиш, гуруҳ раҳбаридан маҳорат талаб қилади.

## 4. Саволларни текширинг

Саволларнинг рўйҳати тузилгандан кейин, раҳбар уларни усулублар бўйича текшириши керак:

- Менинг саволларим тушунарлими?
- Бир марта ўқигандан кейин, тушунарли бўлиши учун, уларнинг ҳар бири етарли даражада қисқами?
- Саволлар парчани тасдиқ қилиш учун ундайдими?
- Саволлар (жумладан – кузатиш бўйича) аниқ жавобларни тахмин қилади. Шу тахмин қилинган жавоблар, кейинги қадамлар – изоҳ қилиш ва қўллаш учун етарли даражада ахборот берадими?
- Саволлар бутун парчани ўрганишга ёрдам берадими ёки парчанинг бир қисмига қарашлими?

## 5. Гуруҳни Муқаддас Китобни ўрганишга қизиқтириш учун “Кириш” саволини тайёрланг

“Кириш” саволи ўрганишда энг муҳим саволга айланиши мумкин. “Кириш” саволи гуруҳ аъзоларининг ҳар бирига таниш бўлган, қуйидаги парча қандайдир воқеага қўлланишини кўрсатиши мумкин. Масалан, Бутруснинг 1-чи мактуби қувғинларга учраётган жамоатлар учун ёзилган эди. Бу китобни ўрганишни бошлаганингизда сиз шундай савол беришингиз мумкин: “Сиз Масиҳий бўлганингиз учун қувғинларга қандай муносабатда бўлардингиз? Бутрус ўзининг мактубини кимга йўллаган бўлса, шулар томонидан қувғинларга қандай муносабатда бўлган?

## IV. САВОЛ ЖАВОБГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШНИНГ САККИЗТА ТАМОЙИЛИ

Муқаддас Китоб бўйича савол–жавобга раҳбарлик қилишни тушуниш учун қуйидаги тамойилларни ўрганиш зарур:

## 1. Ўрганиш ибодат билан бошланиши ва тугаши керак

Муқаддас Китобдаги парча бўйича савол–жавоб бошлашдан олдин ва кейин дарров ибодат қилиш гуруҳга ҳақиқий ўқитувчи Муқаддас Руҳ эканини эслатади.

## 2. Раҳбар гуруҳдан ўрганишга тайёр бўлиши керак

Эсда тутинг, Муқаддас Руҳ фақат гуруҳ раҳбарига мурожаат қилмасдан, унинг бошқа аъзоларига ҳам мурожаат қилади. Агар раҳбар ўзи ўқишга тайёр бўлмаса, "мутахасис" ролида қатнашса, бундай одамнинг қатнашиши, умуман очиқ савол–жавобнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди. Кўпинча мутахасис қатнашганда, у жавобларнинг тўғрилиги ҳақида баҳо беради. Одамларнинг хатосини тўғирлаб, уларга танбеҳ берса, одамлар ўзларининг фикрларини айтишни хоҳламайдилар.

## 3. Раҳбар биринчи бўлиб саволларга жавоб бермаслиги керак

Раҳбар ўзининг саволларига тайёр жавоблар бермасликка ҳаракат қилиши керак. Гуруҳ аъзолари тайёр жавоблар олса, уларга фикрлашга имконият бўлмайди, раҳбар тайёр жавобларни тез–тез берса, саволларга жавоб бериш текшириш ишини бажаргандай таасурот қолдиради. Гуруҳ аъзоларининг кўплари нотўғри жавоб беришдан қўрқиб, жавоб берсакми, йўқми деб иккиланади. Агар саволни гуруҳ аъзолари эшитиб иккиланса ёки тушунмаса, раҳбар саволни яна қайтаришга тайёр бўлиши керак. Худди шундай, ўрганиш пайтида пайдо бўлган саволлар бутун гуруҳга савол–жавоб учун берилади.

## 4. Жимжитликдан қўрқманг

Раҳбар саволларга жавоб топиш учун фикрлашга етарлича вақт бериши керак. Саволларга жавоб қайтарилганда жимжитлик пайтлари бошланиши мумкин ва бу табиийдир. Одамларга жавобни ўйлаб топиш учун вақт керак.

## 5. Раҳбар ҳар доим битта жавоб билан қониқмаслиги керак

Агар раҳбар доимо биринчи жавобни қабул қилса, кейин дарров кейинги саволга ўтса, гуруҳ машғулотнинг шундай турига ўрганиб қолиши мумкин. "Савол–жавоб , савол–жавоб". Яхшиси гуруҳда дарсни сўраш эмас, савол–жавоб бўлса. Савол–жавобни табиийроқ бошлаш яхши, шунинг учун раҳбар гуруҳдаги бир неча қатнашчилар билан мулоқот ўтказиши мумкин. Ундан ташқари кўпинча биринчи айтилган жавоб жуда тўлиқ ёки чуқур бўлмайди. Агар савол–жавоб давомида бир неча фикр айтилса, бутун гуруҳ парчани тўлиқроқ тушунади.

## 6. Гуруҳ жавоб беролмаган саволлар бироз вақтга жавобсиз қолиши мумкин

Агар гуруҳ саволга жавоб беролмаса, ўзингизнинг жавобингизни беришга шошилманг, лекин одамларга мустақил жавоб бериш учун ўйлашга имкон беринг. Бу уларнинг қизиқишини қувватлаши мумкин ва келгуси ҳафтада келишга хоҳиш уйғотади.

## 7. Нотўғри ёки тўлиқсиз жавобларни раҳбар эмас, Муқаддас Китоб ёки гуруҳ тўғирлаши керак

Нотўғри жавоблар ва тасдиқларга сиз албатта дуч келасиз. Бундай шароитларни дарҳол тузатиш керак. Агар раҳбар буни тўғриласа — бу гуруҳ аъзоларининг эркин, очиқ мунозара қилишларига халақит беради. Нотўғри жавобни дарҳол тўғирламасдан, раҳбар қуйидагилардан бирини таклиф қилиши мумкин:

а) Жавоб бераётган гуруҳ аъзосига матинни ёки бошқа парчани ўқишни таклиф қилиши мумкин;

б) Гуруҳнинг бошқа аъзоларидан жавобга қўшилиши ёки қўшилмаслигини сўраши мумкин:

в) Гуруҳ аъзоларидан Муқаддас Китобдаги бошқа парчалардан мисол келтиришни илтимос қилиш, бу парчалар шу жавобни исботлайдиган, маъқуллайдиган ва тўлдирадиган бўлиши керак.

## 8. Ўрганишнинг охирида рахбар мунозаранинг хулосасини чиқариши мумкин

Раҳбар, хулоса чиқараётганда, гуруҳда муҳокама қилинмаган қўшимча маълумотни бермасликка эътибор бериши керак. Бу ҳам раҳбарни “мутахасис” даражасига кўтариши мумкин. Яхшиси гуруҳ мунозара давомида қандай хулосага келганини яна бир марта оддий, қисқа равишда такрорлаб, кейин давом эттириши мумкин.

## V. НАТИЖАНИ – АМАЛДА ҚЎЛЛАШ

Муқаддас Китобни ўрганишимиздан мақсад ҳаётимизни ўзгартиришдир. Бизнинг ҳаётимиз Унга асосланган бўлиши керак. Бизнинг истагимиз Худонинг Каломидан фақат билим олиш эмас, балки Унга бўйсуниш ва бажаришдан иборат бўлиши керак. Шунинг учун раҳбарлар одамларни ҳаракатга ундайдиган, тўғри саволларни беришдан қўрқмаслиги керак. Биз Ёқуб 1:22–24 оятлардаги одамга ўхшамаслигимиз керак, у Худонинг Каломини эшитади–ю, лекин бажармайди. Ўқиб ўрганган нарсаларига амал қилишни хоҳламайди. Қуйида бир неча саволлар берилган, улар “Қўллаш” бўлимидаги ҳар қандай парчани ўрганишда ишлатилади.

- Бу парчада сизга таниш бўлган ва сизга ёққан нарса нима?
- Худо ҳақида қандай янги нарсаларни билдингиз?
- Ўзингиз ҳақингизда нималарни билдингиз?
- Ўрганган нарсалардан қайси бири, фикрингизни ўзгартиришингизга таъсир қилди? Ҳаракатингизгачи?

Ўрганишнинг ярим вақти олинган билимларнинг амалда қўлланилишига қаратилиши керак. Олган билимларни кундалик ҳаётимизда қандай қўллашимиз керак? Ўрганилаётган парчани фақат шахсан қўллашга эмас, балки гуруҳ билан биргаликда қўллашга эътибор беринг. Раҳбар гуруҳнинг ҳар бир аъзосига билимларни шахсан ўрганиш ва қўллашга ёрдам бериши керак. Гуруҳ аъзолари олдинги ҳаётига нисбатан, Муқаддас Китобнинг ҳақиқатларини қўллаш туфайли ўзгарганлигини кўриши керак.

## САВОЛЛАР

- Муқаддас Китобни гуруҳда ўрганиш билан мустақил ўрганишнинг фарқи қандай?
- Раҳбар қандай саволларни тайёрламаслиги ва гуруҳ аъзоларига бермаслиги керак?
- Гуруҳ Муқаддас Китобни индуктив ўрганишнинг қарашларини тушуниб, уни тўлиқ эгаллаши учун қанча вақт кетади?
- Муқаддас Китобни индуктив ўрганиш жуда аниқ ва аъло баҳога сазовор ҳисобланмоқда. Муқаддас Китобни ўрганиш давомида қўлланиш учун қарор қилинган нарсаларни гуруҳ аъзоларига ўргатишга, раҳбар, қандай ёрдам қила олади?

## ТОПШИРИҚ

Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича, гуруҳда раҳбарлик усулини тажрибада қўлланг. Гуруҳ раҳбарлигининг ҳар хил аспектларига қараб, ўз изоҳ ва кузатишларингизни ёзиб қўйинг.

а) Улардан қайси бирини гуруҳ аъзолари яхши ёки ёмон қабул қилади;

б) Қайсилари сизда кўпроқ қийинчилик ёки енгиллик туғдиради;

в) Қайсилари шахсан сизга фойда келтирди;

**Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари**
*Илова*
***2А***

# Масиҳийлик имонининг асослари

Муқаддас Китоб масиҳийлар ҳаёти ва имонининг асосий нуқтаи назарлари ҳақида нима дейишини, қуйидаги парчалар орқали индуктив ўрганишда билиш мумкин. Булар уй гуруҳларида янги имонлига устозлик қилишни бошлаганлар учун манъба ҳисобланади.

**Каломнинг аҳамияти**
Ваҳий 1: 1–3
Луқо 24: 27–48
Забур 118: 94–118
Забур 118: 159–168
2 Бутрус 1: 19–21
1 Бутрус 1: 24–25
2 Тимотий 3: 14–17

**Ибодат**
Забур 54
Матто 26: 36–44
Матто 6: 5–13
Матто 5: 44–48
Ёқуб 5: 13–18
Марк 11: 20–26
Римлик.8: 26–28

**Каломни ўрганиш**
Забур 1
Луқо 4: 1–13
Луқо 4: 14–21
Ёшуа 1: 7–9
Ҳикмат.2: 1–5
Ҳикмат.4: 20–22

**Худонинг режасига муносиб ҳаёт**
Филиплик. 4: 6–7
Ҳикмат. 3: 5–6
Ҳикмат. 16
Еккл. 2: 1–26
Матто 4: 18–23
Луқо 22: 39–42
Ёқуб 4: 1–10

**Хушхабар айтиш**
Марк 5: 1–20
1Бутрус 3:15–16
2Кор. 3: 1–3
Ҳав. 22: 1–21
Ҳав. 4: 1–20
Ҳав. 18: 24–28
Марк 16: 9–20

**Қурбонлик қилиш**
2Коринф. 8: 1–5
2Коринф.9: 6–11
Марк 10: 17–23
1Юҳан.3: 16–18
Марк 4: 24–25
Матто 6: 1–4
1Коринф.16: 1–2

**Васваса**
Римлик. 6: 1–14
Луқо 4: 1–13
Ибронийлар. 2: 17–18
1Коринф.10: 13
Галат. 6: 1–11
Ваҳий 3: 7–11
Ёқуб 1: 12–15

**Тавба қилиш**
Луқо 5: 29–32
Луқо 13: 1–9
2Бутрус3: 8–9
Ишаё 1: 10–20
1Юҳанно 1: 8–10
Ҳаворийлар 26: 20
Юҳанно 3: 1–10

**Кечириш**
Ибтидо 45: 4–15
Забур 102: 2–18
Матто 6: 12–15
Луқо 15: 11–32
Эфе. 4: 31–32
Марк 11: 24–26
Матто 18: 21–35

**Масиҳ билан янги ҳаёт**
2Коринф.5: 16–21
Юҳан. 3: 16–18
Галат. 3: 26–28
Римлик. 8: 1–11
Филиплик.3: 7–11
Римлик. 6: 3–11
Колос. 3: 1–4

**Ўзини тарбиялаш**
Ҳикмат. 6: 6–11
1Бутрус 1: 13–16
Юҳанно 14: 21
Римлик. 12: 1–3
Колос. 3: 15–17
Ёқуб 1: 19–25
Луқо 6: 47–49

**Масиҳийлик муносабатлари**
1Салоника. 5: 11–15
Луқо 22: 24–27
Иброний. 10: 24–25
Эфеслик. 1: 15–23
Римлик. 12: 3–16
Ҳаворий.12: 5–19
Ҳаворий. 2: 38–47

**Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари**
**3,4** Дарс

# Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича раҳбарлик тажрибаси
*Амалий машғулот*

**Дарс мақсади:**

Мазкур дарснинг мақсади — гуруҳ раҳбари сифатида Муқаддас Китобни индуктив ўрганиш бўйича ўқувчиларга амалий машғулот ўтказишга имконият бериш.

**Кутилаётган натижалар:**

Дарс материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи билиши зарур:

- Кичик гуруҳда Муқаддас Китобни индуктив усул билан ўрганиш бўйича машғулотларни ўтказишни билиши;
- Муқаддас Китобни индуктив ўрганиш бўйича раҳбарлик қила олиш учун катта ишончга эга бўлиши;
- Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича машғулотларга қатнашиш натижасида кўпаяётган кичик гуруҳларни бирлаштириши зарур;

**Дарс режаси:**

I. Матто 20: 17–28 бўйича баҳс учун саволлар;
II. Луқо 15: 1–7 бўйича баҳс учун саволлар;
III. 1Коринф. 3: 1–23 бўйича баҳс учун саволлар;
IV. Иезек. 34: 1–10 бўйича баҳс учун саволлар;

**Ўқитувчиларга тавсияномалар:**

Дарс 2 соатга мўлжалланган ва семинар усулида ўтказилади. Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича машғулотларни олиб бораётган раҳбар ролини ҳар бир студент тажриба қилиб кўриш имкониятига эга бўлиши учун ҳаракат қилинг. Энг яхши усул, синфни кичик гуруҳларга бўлиб ва ҳар бир гуруҳ аъзосини навбат билан дарсда берилган тахминий саволларни ишлатиб баҳсга раҳбарлик қилишига илтимос қилиш. Дарсда Муқаддас Китобдан тўртта парчани ўрганиш учун саволларнинг намуналари берилган ўқувчилар, фақат мазкур воқеа учун тайёр саволлардан фойдаланиши мумкин. Уларнинг парчаларни ўрганишга ёки ўзлари саволлар тузишга вақти бўлмайди. Хизматни бошлаганларидан кейин, ҳамма саволларни мустаққил тузишга мажбур бўладилар. Дарснинг охирида ўқувчиларга ўрганишга раҳбарлик қилиш жараёнида тўқнаш келган муаммолар ҳақида баҳслашиш учун 15 минут қолдиринг. Муаммоларни ечиш усулларини қидириб, ўрганишга раҳбарлик қилиш даврида бир–бирини кузатиш билан боғлик бўлган таклифлар ҳақида баҳс қилинг.

## СЎЗ БОШИ

Мазкур машғулот семинар ҳисобланади. Ўқувчилар кичик гуруҳда Муқаддас Китобни индуктив ўрганиш бўйича раҳбарлик қилиш учун тажриба ўтказишлари керак. Пастроқда тахминан тузулган саволлар бор, бу саволларни сиз иккита бир–бирига қарашли парчаларни ўрганиш учун ишлатишингиз мумкин. (Парчаларни танлаб олишингиз мумкин.) Эътибор беринг, Муқаддас Китобни ҳақиқий ўрганиш бўйича раҳбарлик қилишда, сиз олдин парчани мустақил ўрганишингиз ва ўзингиз саволлар тайёрлашингиз керак.

Сизда бундай имконият бўлмагани учун, биз сизга тайёр саволлардан фойдаланишни таклиф қиламиз. Савол–жавобни бошлашдан олдин, гуруҳдан бирор кишидан парчани тўлиқ ўқишни илтимос қилинг.

# I. МАТТО 20:17-18 БЎЙИЧА МУЛОҲАЗА УЧУН САВОЛЛАР

## А. Кириш саволи:

Масиҳийча раҳбарлик қандай бўлади?

## Б. Кузатиш бўйича саволлар:

- Исо Масиҳ ва шогирдлари қаерга бораяптилар?
- Улар нима ҳақида савол–жавоб қилаяптилар?
- Улар нимани муҳокама қилаяптилар? (Нима ҳақида гаплашаяптилар?)
- Уларнинг муҳокамаси ҳақида қисқа хулоса чиқаринг.
- Исо Масиҳ бир неча марта шогирдларига эслатиб ўтган, Ўз ўлими ҳақидаги далилларни иложи борича кўпроқ санаб ўтинг.
- У Ўз ўлимининг вақти ҳақида нималар деган?
- Забадий ўғилларининг онаси нима ҳақида илтимос қиляпти?
- Унинг ўғиллари ким?
- Осмон Шоҳлигида ҳар бир кишининг жойини аниқлаш ҳуқуқи кимга берилган?
- Бу жойнинг аломатини аниқлаш учун нима хизмат қилади?
- Ер юзида ҳар бир кишининг жойини аниқлаш ҳуқуқи кимга берилган?
- Бу ердаги ўлчовлар қандай?

## В. Изоҳ бўйича саволлар:

- Нима сабабдан Забадийнинг ўғилларини онаси Исо Масиҳдан шу ҳақида айнан ўша пайтда илтимос қилди?
- Исо Масиҳнинг ўнг ёки чап томонида ўтиришнинг мазмуни нимада?
- Идиш деганда нимани тушунасиз? (22–оят)
- Сизнингча, Исо Масиҳ идиш ҳақида гапирганда, шогирдлари нима ҳақда ўйладилар?
- Забадий ўғилларининг онаси Осмон Шоҳлигини қандай тушунарди?
- Нима учун Исо Масиҳ уларга айнан шу пайтда Ўзининг ўлими ҳақида гапирди?
- Забадий ўғилларининг онаси кимнинг манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилаяпти?
- Шогирдлари кимнинг манфаати ҳақида ўйладилар? (24–оят)
- Исо Масиҳ Ўзининг ўнг ва чап томонларида Ёқуб ва Юҳаннонинг ўтиришини хоҳлармиди?
- Сизнингча Исо Масиҳнинг ўнг ва чап томонида ким ўтириши мумкин?
- Исо Масиҳ айтган сўзи ва қилган иши билан нимани ўргатди?
- Шогирдлар Исонинг қайси мисолига риоя қилмайдилар?

## Г. Қўлланмага оид саволлар:

- Осмон Шоҳлигида сиз қаерда бўлишни хоҳлар эдингиз?
- Осмон Шоҳлигида юқори жойга муносиблигингизни ҳис қилдингизми?
- Исо Масиҳдан нима сўраяпсиз?
- Буни кимнинг эҳтиёжини кўзлаб қилаяпсиз?
- Сизнинг раҳбарлигингиз қай тарзда хизматга айланиши мумкин?

## Д. Келажакда қўлланиладиган саволлар:

*Эслатма*: бу саволлар ҳар қандай парчани ўрганишда фойдали бўлади:

- Ўрганилган парчадан фикрингизнинг бир қисмига айланган ва сиз яхшироқ тушунган нарса нима?
- Худо ҳақида қандай янги нарса ўргандингиз?
- Ўзингиз ҳақингизда нима ўргандингиз?
- Ўрганилган нарсалардан қайси бири фикрингизнинг ва ҳаракатларингизнинг ўзгаришига таъсир қилади?

*Эслатма:* мулоҳазанинг охирларида сиз "Масиҳийча раҳбарлик қандай бўлади?" деган

якуний саволга қайтишингиз мумкин.

## II. ЛУКА 15:1–7 ОЯТЛАР БЎЙИЧА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

### А. Кириш саволлари:

- Қачондир биронта муҳим нарсани йўқотганмисиз? Ўша пайтда ўзингизни қандай хис қилдингиз?
- Йўқолган нарсани топиш учун нима қилдингиз?
- Йўқолган нарсани топганингизда ўзингизни қандай хис қилдингиз?

### Б. Кузатишга оид саволлар:

- Бу тарихнинг маъноси қандай?
- Фарзий ва уламолар ким?
- Исонинг қайси ҳаракатлари уларга ёқмасди?
- Масал нима?
- Масални қисқача сўзлаб беринг (4–6 оятлар).

### В. Талқин учун саволлар:

- Исо йўқолган қўзини кимга солиштираяпти?
- Йўқолган қўзи қандай топилди?
- Худо адашган гуноҳкорларни қандай топади?
- Тавба қилиш нимани англатади?
- Сиз қандай ўйлайсиз, Исо нима учун буларни фарзийлар ва уламоларга айтди?
- Йўқолган қўзисини топган чўпоннинг қувончи нимага тенглаштирилади?
- Худо адашган гуноҳкор «топилган»да ҳурсанд бўладими? Гуноҳкор тавба қилишни истамаса У ранжийдими?

### Г. Қўллаш учун саволлар:

- Сиз тавба қилганмисиз? Нима деб ўйлайсиз, сизнинг тавба қилишингизга Худонинг муносабати қандай?
- Биз имонда бўлганимизда бизга ёқмаган инсоннинг тавба қилишига қандай қарашимиз керак?

## III. 1КОР. 3:1–23 ОЯТЛАРИНИНГ МУҲОКАМАСИ УЧУН САВОЛЛАР

### А. Кириш саволлари:

- Сиз қайси бирини танлар эдингиз: ёш ва кучли бўлишними ёки кекса ва доно бўлишними?

### Б. Кузатиш учун саволлар:

- Сизнинг фикрингизча Коринфликларга нисбатан Павлуснинг ҳис–туйғулари қандай эди?
- Коринфда қандай баҳс бўлиб ўтди?
- Павлус жамоатнинг пойдевори ҳақида нима дейди?
- Ишимизнинг сифати қандай текширилади?
- 16–17 оятлардаги сўз билан тасвирланган сурат қандай ўзгаради?
- Худонинг маъбади ким?
- Худонинг маъбадини бузганлар билан нима юз беради?
- Дунёнинг донолигига Худо қандай қарайди?

### В. Талқин учун саволлар:

- Нима учун баҳслар ва рашк дунёвийликнинг белгиси ҳисобланади?

- Сизнингча Коринфликлар Павлуснинг мактубини ўқишганда, ўзларини қандай ҳис қилдилар?
- Одамлар Жамоат пойдеворини қандай қурадилар?
- Бугунги кунда Павлуснинг мактублари бизнинг ишимизни назорат қилиши сизга қандай таъсир қилади?
- «Ўзини ақлсиз деб билсин» деганда Павлус нимани назарда тутди? (18 оят).
- Павлуснинг жамоатлардаги бўлиниш ва доноликларга муносабати қандай?
- «ҳамма нарса ўзингизники» дегани нима маънони англатади (21 оят)?

## Г. Қўллаш учун саволлар:

- Сизнинг руҳий ҳаётингизда кимлар «уруғ экдилар» ва «суғордилар»?
- Сиз кимнинг ҳаётида уруғ экдингиз ва суғордингиз?
- Сиз қандай ўйлайсиз, сизнинг ишларингиз оловга бардош берармикин?
- Сиз Худонинг маъбади эканлигингизни эшитганингизда, ўзингизни қандай ҳис қиласиз?
  Шу китоблардан олинган: The Serendipity Bible Study Book. Coleman, L., Ryberg, D., Pease, R., ғ Christopherson, G. (1986. Grand Rapids, MI; Lamplighter Books, Zondervan Publishing House). p. 325.

### IV. ЕЗЕКИЛ 34: 1–10 ОЯТЛАРИНИНГ МУҲОКАМАСИ УЧУН САВОЛЛАР

## А. Кириш саволлари:

- Чўпонлар нима қиладилар?

## Б. Кузатиш учун саволлар:

- Чўпонлар нималар ҳақида ғамхўрлик қиладилар?
- Исроил чўпонларининг заифларга, касалларга, ярадорларга, йўқолган ва адашган қўзиларга муносабати қандай эди? (3 оят)
- Чўпонлар ғамхўрлик қилмаса, қўзиларнинг аҳволи қандай кечади?
- Сурувни нима еб кетади? (5–10 оятлар)
- Қўзилар йўқолганда, Худо кимни жазолади? (10 оят)
- Чўпонларнинг нотўғри ҳаракати учун Худо уларни қандай жазолади?
- Бу парчада Худо кимдан ғазабланди?

## В. Талқин қилиш учун саволлар:

- «Исроил чўпонлари» кимлар эди?
- «Йиртқич ҳайвонлар» нималар?
- Бу образлар Инжилдаги қайси парчаларда ишлатилган? (Заб 22; Луқо 15:1–7; Юҳан 10:7–18)
- Нима учун Худо уларни раҳбарликдан четлатди? (10–оят)
- Касал ва йўқолган қўзилар билан чўпонлар қандай ишлашлари керак эди?
- Ушбу парчага кўра, чўпон ўз қўзиларига қандай муносабатда бўлиши керак?

## Г. Қўллаш учун саволлар:

- Бугунги кунда чўпонлар кимлар? Сиз ким учун чўпонсиз?
- Сурувингиздаги заиф, касал, ярадор, йўқолган ёки адашган қўзилар кимлар?
- Сиз бундай одамларни севиш қийин деб ўйлайсизми? Сиз уларга хизмат қиласизми?
- Ушбу парчанинг қайси ғояси сизни ўйлантирди?
- Худо ҳақида қандай янги нарса ўргандингиз? Ўзингиз учун нима олдингиз? Сизнинг фикрингизни ўзгаришига мажбур қиладиган нима ўргандингиз? Амалда–чи?

# 5 – Қисм: Хушхабар тарқатиш

**Хушхабар тарқатиш**

**1 Дарс**

# Хушхабар тарқатиш ва жамоатлар ташкил қилиш

*Тутиб ва ушлаб қоладиган тўр*

**Дарс мақсади:**

Мазкур дарснинг мақсади — ўқувчиларни хушхабар тарқатиш ва жамоатларни ташкил топишида қўлланиладиган принциплар билан таништириш.

**Кутиладиган натижалар:**

Ҳар бир ўқувчи дарс материалларини ўрганиб, қуйидагиларни билиши зарур:

- Нима учун одамларнинг имонга келиши хушхабар тарқатишнинг табиий натижаси бўлиши кераклигини тушуниши?
- Жамоатларнинг ташкил топишида, хушхабар тарқатишнинг у ёки бу усулларини қўллашни қандай баҳолаш мақсадга мувофиқлигини билиши.
- Одамларга фақат хушхабарни етказиш эмас, балки уни амалда ўз ҳаётларида қўллашни кўрсатишлари керак.
- Жамоатларни ташкил қилиш ишларида бош хизматкорларнинг ролини муҳимлигини тушуниши.

**Дарс режаси:**

I. Янгича ёндошувга зарурат
II. Икки “кўприк”: Сўз ва иш
III. Хушхабар тарқатиш принциплари

**Илова:**

1А “Хушхабар тарқатиш усулларини баҳолаш”

**Ўқитувчилар учун тавсияномалар:**

Ўқувчиларга хушхабар тарқатишда ўзининг усуллари билан тажриба алмашиш учун, (“Янги Ҳаёт“ ва “Исо Масиҳ” филъми, “Болаларга Хушхабар тарқатиш жамияти”, “Навигаторлар”) турли ташкилотлар вакилларини таклиф қилинг. Ўқувчилардан янги жамоатлар асоси ва стратегияси назари билан кўрсатилган услубни баҳолашни сўранг. Бунинг учун талабаларга қуйидаги саволларга жавоб беришни таклиф қилинг:
Қандай қилиб таклиф қилинган усулларнинг ҳар бири имонга келмаган кишига хушхабарнинг мазмунини тушунишига ва одамлар билан ўзларининг муносабатларини тиклашга ёрдам беради? Уларнинг қайсилари одамни жамоатга олиб келиш учун ва унинг ўсиши учун кўпроқ фойдали?

Бунинг учун алоҳида вақт ажратинг ёки семинар ўртасида гуруҳларни йиғинг.

## СЎЗ БОШИ

Жамоатни хушхабар тарқатмасдан ташкил қилиш мумкин эмас. Лекин жамоатларни ташкил қилмасдан, бемалол хушхабар тарқатиш мумкин. Жамоатни ташкил қилишда кўпроқ тарқалган хатолардан бири, хушхабар тарқатишнинг нотўғри усулларини ишлатишдир.

Хушхабар тарқатиш учун ёндашувларнинг кенг йўлларини кўриб чиқиб, улардан қайсиларини танлашга қарор қилиб, хизматимизнинг якуний мақсадини эсда тутишимиз керак. Жамоатни ташкил қилар эканмиз, мақсадимиз фақат одамларга Хушхабар етказиш ва уларнинг Исони қабул қилишларига ёрдам беришгина эмаслигини эсдан чиқармаслигимиз

керак. Бизнинг асосий, якуний мақсадимиз Худонинг бошқа халқлари қатори, руҳий ўсаётган ва Исо Масиҳга сажда қиладиган шогирдларни тайёрлашдир.

## I. ЯНГИЧА ЁНДАШУВГА ЗАРУРАТ

Бизнинг давримиздаги хушхабар айтиш билан биринчи ҳаворийларнинг хушхабар айтиши кескин фарқ қилади. Биз имонсиз кишилар билан суҳбатлашиш учун кучли ва ишонувчан далилларни келтириб алоҳида тайёргарлик кўрамиз. Хушхабар тарқатишнинг усуллари қанчалик кўп бўлишига қарамай уларнинг ҳаммаси хушхабарга асосланган. Лекин улар кўпинча одам билан Масиҳ ўртасидаги муҳим муносабатнинг ролини ва яқин орадаги жамоатга боришини эътиборсиз қолдирадилар. СНГда хушхабар тарқатиш билан шуғилланаётган миссия, ўз меҳнати натижалари устидан текшириш олиб борди. Бу текшириш хушхабарлар айтиш пайтида Масиҳга имон келтирганларнинг фақатгина 5–10 фоизигина жамоатларда қолишини кўрсатди. Бундай натижа қониқарли деб тан олинмайди. Бизга фақат Хушхабарни шунчаки тарғиб қилиш эмас, балки Худо билан алоқа қиладиган шогирдларни кўпайтириш топширилган.

Жамоатларни ташкил қилишда, одамларни жамоатга келишига халақит бераётган тўсиқларни бартараф этадиган хушхабар тарқатиш усулларини танлашимиз керак. Янги имонга келганлар учун шу жараённи енгиллаштирадиган усуллардан фойдаланиш керак. Жамоат ташкил қилишда хушхабар тарқатиш билан бирга имонга келганларнинг руҳий ўсишига ғамхўрлик қилиш режаси ҳам киритилиши керак. Балиқни фақат тутадиган эмас, уни яхши ушлаб қоладиган даражадаги мустаҳкам тўр керак.

## II. ИККИ “КЎПРИК”: СЎЗ ВА ИШ

Ҳар бир киши нажотга эришишдан ва жамоатга қатнашидан олдин, баъзи тўсиқларни енгиб ўтиши керак. Биз улардан иккитасини кўриб чиқамиз: Хушхабарнинг мазмуни ва уни имонсиз одамга етказиш усули замонавий одам учун тўсиқ бўлади. Имонлилар орасидаги муносабатнинг бузилганлиги ана шу тўсиқлардан бири бўлиши мумкин. Бу имонсизлар билан алоқа боғлашга халақит беради. Бу тўсиқларни енгишда бизга икки кўприк ёрдам беради.

Биринчи кўприк бу – илоҳиётдир. У Хушхабарнинг асосий мазмунига боғлиқ (илоҳиётга оид ҳақиқатларига).

Иккинчи кўприк эса, одамларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ. Бу кўприк одамнинг бошқалар билан муомаласидаги барча томонларни ўз ичига олади. Агар биз одамларга фақат хушхабарнинг мазмунини айтиб берсагу (фақатгина эшитиши учун), лекин буни масиҳийларча муносабат ва ишлар билан мустаҳкамламасак (Юҳ. 13: 34–35) оятда ”*Агар орангизда муҳаббат ҳукмрон бўлса, сизлар Менинг шогирдларим эканлигнгизни ҳамма шундан билиб олади*” дейилганидек, одамлар имонлининг хатти–ҳаракатини кўрмаса, шогирд тайёрлаш жараёни тўхтаб қолади.

### 1.1–расм. Икки кўприк: Хушхабарнинг мазмуни ва ўзаро муносабатлар.

| 1 Кўприк | 2 Кўприк |
|---|---|
| Мазмун (Сўз) | Ўзаро муносабатлар (иш) |
| Хушхабарни эшитиш | Хушхабарнинг кўзга кўриниши (Юҳ 13:34–35) |
| Илоҳиёт | Социология |
| Қутқарилиш режаси | Жамоат |

Хушхабар тарқатишнинг кўп усулларида одатда биринчи кўприкка кўпроқ эътибор берилади. Хушхабар кўпинча ҳар хил тушунарли йўллар билан етказилади. Миссионерларга ҳар бир одамнинг фикрлашига эътибор бериш ўргатилади. Бундай усулларнинг борлиги яхши! Шунга қарамай, жамоатларни ташкил қилишда, ўша икки кўприкни қуриш зарур. Ҳар ҳолда, тингловчи Хушхабарни тушуниш билан бирга, у инсонларнинг ҳаётини қандай ўзгартираётганлигига ҳам гувоҳ бўлишлари керак.

Иккинчи кўприкни қуриш учун имонлилар ўртасида севги, ҳурсандчилик, тинчлик, сабр–тоқат ва меҳрибонлик бўлиши лозим (яъни Муқаддас Руҳ самаралари). Шундагина одамлар жонли Хушхабарни кўрадилар. Улар Худонинг фарзандлари «дунё одамлари»дан фарқ қилишини кўришлари керак. Имонсизлар «Мен олдин ҳеч қачон бундай одамларни кўрмаганман» ёки «Мен ҳеч қачон бундай севгини ҳис қилмаганман» дегандагина Хушхабарнинг Раббимиз ҳоҳлагандек етказилганлигини билиш мумкин (Юҳ 13:35).

Юқорида айтиб ўтилган миссия (кўпчиликка айтилган Хушхабар бўйича тавба қилган одамлардан иборат) жамоатда қолган 5–10 фоиз «ҳосил»га эга бўлиб, яна шундай қарорга келишди: «Бизнинг фикримизча, янги имонга келганлар билан ишлашнинг энг яхши йўли жамоатларда кичик уй гуруҳларини ташкил қилишдир». Уй гуруҳлари икки кўприкни қуришга жуда катта ёрдам беради. Хушхабарнинг мазмуни Муқаддас Китобни шахсан ўрганиш давомида кўпроқ тушунарли бўла бошлайди. Уй гуруҳлари аъзоларнинг бир–бирига яқин бўлиб, соғлом муносабатларни пайдо бўлишига ҳам ёрдам беради.

## III. ХУШХАБАР ТАРҚАТИШНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

Қуйидаги қарашлар бизга хушхабар тарқатишнинг ҳар қандай стандартларига жавоб берадиган принципларини таклиф қилади. Уларнинг янги жамоатлар қуришда қанчалик қўл келишлари кўрсатилган. Юқорида айтганимиздек, кўп одамлар биринчи Масиҳни қабул қилишади, чунки улар ҳали иккинчи кўприкдан юришни билишмайди. Агар Хушхабар тарқатиш принципларини яхши билсак, имонсизларга бирдан иккала кўприкни ҳам қуришга ёрдам берган бўламиз. Шунда улар нажотга ҳам эришади, имонда ҳам фаол бўлишади.

## А. Табиий мулоқот даврасини ташкил қилинг

Ҳар бир кишининг ўз мулоқот давраси бор. Бу даврага унинг ўртоқлари, қариндошлари, касбдошлари ва танишлари киради. Бундай табиий мулоқотлар эркин фикрлашга ёрдам беради. Нотаниш инсон билан мулоқот қилиш кўпинча тушунмовчилик ва тўсиқларга тўла бўлади. Кўпинча бир–бирига мурожаат қилиш шундай «шахсий» алоқалар ёрдамида содир бўлади.

Исо бундай муносабатларнинг борлигини билгани учун фақат танланган кишиларга эмас, балки уларнинг яқинларига ҳам хушхабар айта олган. Матто 9:9–10 оятларда Исо Маттони чақириб, унинг уйига боради. Унинг уйига барча солиқчи дўстлари ҳам йиғилиб келишади. Исони учратган Андрей тезда акасини топиб, Унинг олдига олиб келади (Юҳ 1:40–41), кейин Исонинг орқасидан биринчи ҳаворийларнинг алоқа даврасидан бўлган бир гуруҳ балиқчилар эргашади. Исо қудуқ ёнида Самариялик аёл билан гаплашади. У аёл ҳам шаҳридаги ҳамма одамларни Унинг ёнига олиб келади. (Юҳ 4:28–30) Баъзи вақтларда Исо ўзининг танишларига, алоқада бўлган одамларга, ўзининг атрофидагиларига гувоҳлик айтиб беришни илтимос қилар эди. (Луқо 8:38–39) Бир жойда бир кишида бўлган мўъжиза ёки тавба қилиш орқали "бутун уй аҳли" ва бутун қишлоқда яшовчи халқлар тавба қилганликлари ҳақида ҳаворийлар китобида жуда кўп воқеаларни учратиш мумкин. (Ҳав. 9:35, 16:14–15)

Одамларнинг кўпчилиги ким ҳақида яхши билса, ўша кишига хушхабар айтадилар. Баъзи масиҳийлар хушхабар айтишга жуда иштиёқманд бўладилар. Улар "эшикдан–эшикка" умуман нотаниш кишиларнинг уйларига борадилар, лекин ўзларининг оиласига, ўзларининг ўртоқларига ва танишларига Раббимиз ҳақида ҳалигача гапирмаганлар. Биз алоқа доирасини қўллашнинг асосий қонун қоидасини эсдан чиқармаслигимиз керак. Алоқа доирасига кирадиган одамлар Исо Масиҳга имон келтирсалар, уларга жамоатга иккинчи кўприк ёрдамида кириш осонроқ бўлади.

## Б. Яқинда имонга келган имонлиларга гувоҳлик беришларига рухсат беринг

Сиз қандай ҳисоблайсиз, кимнинг хушхабар тарқатиши кўпроқ фойдалироқ? Кўплар "чўпонлар" ёки "лидерлар" – деб ўйлайдилар. Бу ерда нотўғри жавоб бўлмаслиги керак. Муқаддас Руҳ таъсирида хушхабар айтган одамгина кўп ҳосил келтиради. Баъзи вақтларда **янги тавба қилган ёш имонлилар, кўпроқ мувоффақиятли ва фойдали хушхабар тарқатувчилар бўлишлари мумкинлигини биз кўпинча тушунмаймиз**. Нима учун? Қуйида икки сабаб келтирилган:

### *1. Имоннинг "софлиги"*

Янги имон юқумлидир. Янги имонга келган одам иштиёқ ва ёрқин туйғулар билан, ҳали илоҳиёт ҳақиқатларини чуқур тушунмасдан ўзи ҳақида гувоҳлик беради. Унинг имонга келгандан кейинги масиҳийлик ҳаётида ўзгаришлари анча яхши эканлигини инсонлар кўради. Имонга келгандан кейин дарров Эски Арбатда (Москва марказидаги кўча) въаз қилишни бошлаган, бошқаларга намуна бўла оладиган Шириной Дўстовани мисол қилиш мумкин.

### *2. Янги имонга келган Масиҳийларнинг имонсиз дўстлари кўп бўлади, улар ундаги*

***Ўзгаришларни кўрадилар***

Хушхабарни тарқатишда ўзаро дўстона муносабатлар ёрдам беради. Шуниси ажойибки, бирор киши имонли бўлгандан икки йил кейин, унинг яқинлари ичида имонсизлар қолмайди. Шуни эсда сақланг, нотаниш кишиларга хушхабар айтиш анча қийинроқ!

Юҳ:9 бобда янги имонга келган имонлининг самарали хушхабар айтиши ҳақида яхши намуна кўрсатилган. Исо Масиҳ кўр одамнинг кўзларига қўлини теккизгандан кейин, унинг гувоҳлиги жуда оддий, лекин буюк бўлганди: “Мен кўр эдим, энди эса кўраяпман”. У ўзи билан нима бўлганини одамларга айтиб берарди. Шундан кейин, ким у билан баҳслаша оларди? У ўзи билан нима бўлганини одамларга айтиб берарди ва шунинг ўзи одамларни Исога жалб қилиш учун етарли эди. Сизнингча, кўр бўлган одам ўзининг тарихини бир йилдан кейин айтиб берганда, унинг гувоҳлиги шундай самарали бўлардими?

Янги имонга келган одам яхши гувоҳ бўлиши мумкин. Янги жамоатга асос сола туриб, режа ишлаб чиқилса яхши бўларди, бу режа янги имонга келган кишига ўзининг оиласига ва ўртоқларига гувоҳлик беришга ёрдам беради. Агар янги имонлига гувоҳлик бериш қийин бўлса, шу одамнинг қариндошлари ва ўртоқлари билан сизни таништиришга илтимос қилинг ва улар билан ўзаро муносабатлар қуриб, Исо ҳақида айтиб беринг. Бу янги имонга келган кишига яхши намуна, ёрдам ва далда бўлади.

## B. “Муҳим одамларни” изланг

Гуруҳ аъзолари орасида ҳурматга сазовор ва обрў–эътиборли бўлган одамлар ҳам бўлади. Агар гуруҳда ўзгаришлар бўлса, уларнинг ташаббусчилари одатда шу “обрў–эътиборлилар”бўлади. Агар шундай одамлар Исога келса, уларнинг орқасидан бошқалар ҳам эргашади. Баъзи вақтларда шундай раҳбарларни “Муҳим одамлар” — деб атайдилар, уларнинг гуруҳдаги бошқа аъзоларга таъсир кўрсатиши сабабдан ва яна улар орқали бошқалар билан алоқа боғланиши мумкин бўлади.

<u>Муҳим одамлар ким? Улар:</u>

- Гуруҳ аъзолари орасида яхши обрў–эътиборга эга бўлган одам.
- Сиз билан дўстлашишга тайёр бўлган одам.
- Раббимизга қалби очиқ одамлардир.

Жамоатларга асос солишда муваффақиятга эришган Павлус, буни яхши тушунарди. У бошқаларга таъсир кўрсата оладиган одамларга хушхабар айтиш учун аниқ қадамлар босарди. Подшоҳларнинг катта таъсирини тушуниб, уларга жасурлик билан гувоҳлик берарди (Ҳав.9:15). У хушхабарни давлат бошлиқларига Феликс, Фест ва подшоҳ Агриппа олдида ваъз қилди. Жамоатга асос солишда Павлуснинг стратегияси қуйидагича эди – шаҳарга келиб, у маъбадда ва “Муҳим одамларнинг” уйида таълим берарди. Масалан, Филиппида шундай, “муҳим одамлар”, Лидия (Ҳав. 16:11–15), Салоникада Ясон (Ҳав.17:1–9) Коринфда — Юстус (Ҳав.18:7) эдилар. Павлус бирор кишини имонга олиб келса, шундан кейин бошқалар ҳам имонга келишни бошлардилар.

“Муҳим одамларнинг” бошқа мисоллари.

<u>Филиппидаги зиндон қоровули: </u>“*Кейин унга ва бутун уй аҳлига Худонинг Каломини сўзлаб беришди. Зиндонбон кечанинг ўша соатида Павлус билан Силани бир четга олиб, яраларини ювди. Дарҳол ўзи билан бутун хонадони сувга чўмиб имон келтирди. Уларни ўз уйига келтириб, дастурхонга таклиф қилди. Худога имон топдим деб, бутун хонадони билан бирга жуда хуррам бўлаётган эди*”. (Ҳав.16:32–34)

<u>Крисп:</u> “*Шундай қилиб, жамоатнинг жамоабошиси бўлган Крисп бутун хонадони билан, Исони Раббим деб имон келтирди. Буни эшитган Коринфликлардан кўплари ҳам ишониб, сувда имон келтирдилар*“. (Ҳав. 18:8)

<u>Стефан</u>: “*Биродарлар Стефаннинг хонадонини биласизлар: Ахаяда биринчи имон келтирганлар улар бўлиб, азизларга хизмат учун ўзларини топширардилар. Энди сизлардан илтимос қиламан: Бундайларга ва улар билан сафдошу–меҳнатдош бўлган ҳар–бир кишига эҳтиром қилинглар*“ (1Кор.16:15–16).

Унчалик аниқ эмас, лекин кўринг: Онисифор (2Тим.1:16, 4:19) ,
<u>Нимфан </u>(Кол. 4:15), <u>Корнилий </u>(Ҳав.10:7–24), <u>Акила ва Прискилла</u> (1Кор.16:19, Рим. 16:3–5), <u>Гай</u> (1Кор.1:14, Рим.16:23).

Ҳаммасида бўлмаса ҳам, кўп халқларнинг маданиятида, “Муҳим одамлар”, яъни оила бошлиқлари эркаклар ҳисобланади. Агар улар имонга келса, оилалари ҳам уларга эргашади. Ҳар қандай вазиятда, “Муҳим одам”, имонга келса, орқасидан бошқаларини етаклайди.

Кўпинча, “Муҳим одамлар” катта балиққа ўхшайди. Одатда у қирғоқдан узоқда, чуқурликда сузади. Тўрга кичкина балиқ илинса, сиз сезмаслигингиз мумкин. Катта балиқни

фақат силтаб тортиб олмасдан, уни секинлик билан сувдан тортиб чиқариш керак. Балиқ қарашилик кўрсатади! Сиз у балиқ билан кун бўйи жанг қилишингиз мумкин, лекин бундай тутилган балиқ сарфланган ҳаракатларга арзийди.

## Г. Маданий тўсиқларни ҳисобга олинг

Одамлар жамоатларга бориш учун, маданий тўсиқларни енгишга камдан–кам ҳаракат қиладилар. Улар Исо Масиҳга келишга қарор қилиши мумкин, лекин жамоатга бориши учун иккиланадилар. Уларга маданий ва ижтимоий тўсиқлар халақит беради. Одам ижтимоий тирик жон ва кўп сабабларга кўра, ўз муҳитининг одамлари билан алоқа қилишга интилади. Янги имонга келганларга, иккинчи кўприк — ўзаро муносабатлар кўприги ёрдамида шу қийинчиликларни енгишга ёрдам беринг.

*Мисол:*

Камбоджалик муҳожир Афа олдин чўпон боласи бўлган, ўзини Бойзе шаҳрида ноқулай ҳис қилди. У АҚШнинг Айдахо штатида эди. Камбоджада унинг ўртоқлари бўлса ҳам, лекин жамоатлардаги имонлиларнинг кўпчилиги ингилизча гапирадиганлар бўлиб Камбоджаликлар эмас эди. Афа ингилизчани унча яхши гапира олмас эди, шунинг учун доимо “Ишонч” номли жамоатга бориб ваъзнинг озроқ қисмини тушунар эди. Унга жамоатга қарашли эканини кўпроқ даражада сезишга ёрдам бериш учун раҳбарлари икки ҳафтада бир марта йиғилиш пайтида ўзининг она тилида овозини чиқариб ибодат қилишга таклиф қилдилар. Кейин бирданига Афага жамоат биносидан хона ажратиб бериш, кейин эса у ўзи Камбоджа тилида йиғилиш олиб бориш учун тайёрланиши ҳақида кимнингдир бошига ажойиб бир фикр келиб қолди. Шундан кейин, тез орада жамоат раҳбарлари унга яна кўпроқ эркинлик бердилар ва алоҳида жамоага раҳбарлик қилишга рухсат берди. Афа янги жамоатга асос солиб, Бойзе шаҳридаги Камбоджаликларга жадал равишда хушхабар айта бошлади. (Соддалаштирилган Zunkel, C. W. (1986). Strategies for Growing Your Church. Elgin, IL. David C. Cook Publishing Co. P. 18)

Афа жамоатга бориш учун маданий тўсиқларни енгишга қарор қилган, кўп бўлмаганларнинг бири эди. Лекин Бойза шаҳридаги кўп бошқа камбоджаликлар шундай иш қилишга тайёрмиди?

Сизнингча, Афа жамоатга асос солишда яхши натижаларга эришдими? У “Ишонч” номли жамоатга ҳеч қачон келмаслиги мумкин бўлган одамларни Исога ва жамоатга олиб кела оладими?

*Ўқитувчилар учун эслатма:* Сиз ўзингизнинг шахсий мисолларингизни келтиришингиз мумкин. Агар улар маданият томонидан кўп нарсадан воз кечишга тўғри келмаса, янги имонга келганлар, иккинчи кўприкдан анча осонроқ фойдаланадилар. Сиз хушхабар айтмоқчи бўлган одамларнинг ижтимоий ва маданий фазилатларини ҳисобга олган ҳолда ва Муқаддас Китоб таълимотидан узоқлашмаган ҳолда жамоатингизни қандай ташкил қилиш кераклиги ҳақида ўйлаб кўринг.

## Д. “Яқинлашиш соҳаларини” изланг

Баъзи вақтларда ўзаро муносабатларни ва хушхабар тарқатишни ривожлантириш учун ҳаммасидан яхшироқ “Яқинлашиш соҳалари” усули тўғри келади. Бу термин билан масиҳийларга ҳам, имонсизларга ҳам хос фаолият турларини англаймиз. Павлус шу усулни қандай қўллаганини тушунтиради: *“... Яҳудийларни эргаштирай деб, яҳудийларга яҳудий каби бўлдим. Ўзим Таврот Қонунига қарам бўлмасам–да, қарам бўлганларни эргаштирай деб, улар учун Қонунга қарамдай бўлдим. Мен Худо олдида қонунсиз ҳам эмасман, аксинча Масиҳнинг қонунига бўйсунаман. Аммо Қонунни билмаганларни эргаштирай деб, улар учун Қонундан бехабардай бўлдим. Заифларни эргаштирай деб, улар учун заиф бўлдим. Ҳеч бўлмаса баъзиларни қутқарай деб, ҳаммага ҳамма нарса бўлдим. Буларнинг ҳаммасини Инжил учун қилаяпман, токи Унинг қут баракасида менинг ҳам ҳиссам бўлсин”* (1Кор.9:20–23)

Бир неча минут вақт ажратиб, сизнинг масиҳийлик ҳаётингиз билан боғлиқ бўлган, сиз учун одатдаги бир нечта фаолиятингиз турларини ёзинг. Уларни “А” ҳарфи ёзилган пастроқда чизилган диаграммада ёзинг. Фаолиятнинг сиз учун, масиҳийлик учун тўғри келмайдиган, лекин одамлар гуруҳига хос бўлган турларини ёзинг. Улар ўртасида сиз жамоатга асос солаяпсиз. Уларни “В” ҳарфи тагидан ёзинг. Ниҳоят “Б” ҳарфи тагидан ўзингиз орасида яшаётган одамларнинг имонсизларга ҳам ва сизга ҳам тўғри келадиган, одат бўлиб қолган, фаолият турларини ёзинг.

*1.2. Расм. Яқинлашиш соҳаси.*




Чап томондаги (А) — айланаси имонлининг дунёсини ифодалайди.
Ўнг томондаги (В) — имонсизлар дунёсини ифодалайди. Диаграмманинг ўртадаги қисми айланалар кесиб ўтилган жой яқинлашиш соҳасини ифодалайди.

Одамлар кўпинча ўзаро муносабати қизиқарли бўлган ва фикри умумий бўлганлар билан осон боғланадилар. Ўйлаб кўринг: қандай йўл билан хушхабар тарқатишда сиз айтган яқинлашув соҳаларини қўллай оласиз?

## САВОЛЛАР

- Сизнинг танишларингиз орасида икки киши бўлса ҳам имонга келиб, лекин жамоатга бормайдиганлар борми? Нима учун улар имонлилар жамоасига қўшилмаганлар? Сабабларини аниқроқ айтинг.
- Ўзингизнинг гуруҳингиздан "Муҳим одам", деб аниқлаш мумкин бўлган бирон кишини тасвирлаб ёзинг. Сиз шундай одамларга қандай йўллар билан хушхабар айтасиз?
- Сизнинг маданиятингизда ким "Муҳим одам" деб ҳисобланади? Булар кўпинча эркакларми, оила бошлиқларими ёки бошқа одамларми? Бу саволни муҳокама қилинг.
- Сизнинг жамоатингизга қатнаш учун одамларга қандай маданий тўсиқлар халақит бериши мумкин?
- Қандай усуллар билан хушхабар айтиш учун яқинлашиш соҳасида сиз айтилганларни қўллай оласиз?

## ТОПШИРИҚ

1А иловани ўқинг ва унда ифодаланган хушхабар айтиш усулларини кўриб чиқинг. Шу дарсда берилган хушхабар айтишнинг асосий қонун қоидалари нуқтаи назаридан шу усулларни баҳоланг. Янги жамоатлар ташкил қилинганда шу усуллар ижобий натижалар берадими? Жамоатлар ташкил қилинганда яхшироқ қўллаш учун шу усулларнинг ҳар бири қандай ўзгартирилиши мумкин?

**Хушхабар тарқатиш**

***Илова* 1А**

# Хушхабар тарқатиш усулларини баҳолаш

*Хушхабар тарқатиш бўйича ҳар хил усулларни қўллаш учун қуйида ёзилган мисолларни ўқинг. Уларни, биринчи дарсда ўрганган хушхабар айтишнинг асосий қонун қоидалари асосида баҳоланг. Бу усулларни қўллаш жамоатларга асос солишга олиб келадими? Уларнинг ҳар бири қандай яхшиланиши мумкин?*

1. Саша ва Таня, Бердск шаҳрида яшайдилар (аҳолиси 100 минг киши), бу шаҳарда биронта хушхабар айтадиган жамоат йўқ. Жамоатга асос солишни истаб, улар ўзларининг уйида Муқаддас Китобни ўрганиш учун бир гуруҳ имонсизларни йиғишга қарор қилдилар. Бир йил ўтди, гуруҳ йиғилишига доимо 15 киши қатнайди. Уларнинг 9 таси Саша айтгандай имонлилар. Гуруҳ жуда каттариб кетади, унда олдингидай яқин алоқа сақланиши учун Саша ва Таня бошқа кунлари Анатолий ва Наташанинг уйида йиғилиш учун яна битта гуруҳ ташкил қилмоқчи бўлдилар. Бу гуруҳларда етарли одам бўлса, улар катта хонани ижарага олиб, дам олиш кунлари жамоатда ўтказгандай йиғилишлар ўтказилишига Саша ишонади.

2. Александрда, Новгородда жамоатга асос солиш бўйича режалари катта эди. У яқинда Санк–Петербургдаги Инжил мактабини тугатди. Инжил мактабида ўқиган пайтида, Александр америкалик ғайратли миссионер ташкилоти билан алоқа боғлади, бу ташкилот унга янги жамоатга асос солишга ёрдам беришни таклиф қилди. Александр америкаликлар билан ҳамкорликда июнъ ойида лойиҳани амалга оширишга ишонади. Хушхабар тарқатишда ёрдам бериш учун шаҳарга америкадан бир ҳафтага 20 та талаба келиши кўзда тутилади. Александр бу ҳафта ўта туриб, янги жамоат очилишига етарли одамлар йиғилади деб умид қилади.

3. Андрей ва Люба анчадан буён имонда. Уларнинг мақсади – янги гуруҳ одамларидан ташкил топган янги жамоат қуриш. Улар навбатдаги стратегияни ишлаб чиқди. Уларнинг райони Волгоградда кўпчилик китоб ўқишни севишини эътиборга олиб, масиҳийча адабиёт тўплаяпти. Яқинда жойлашган савдо майдонида улар масиҳийлик адабиётидан иборат бўлган растага эга. Андрей ва Люба китобларга жуда арзон нарх қўйиб ҳар куни савдо қилади. Китоб томоша қилишга тўхтаганларга хушхабар қоғозларини таклиф қилади. Бундан ташқари уларда Муқаддас Китобни уйда ўргана олишлари учун қўлланма ҳам бор. Улар шундай тузилганки, ҳар бир одам ҳар бир бўлимни Андрей ва Люба ёрдамида ойдинлик киритиб муҳокама қилиб, тушунсинлар, кейин эса яна навбатдаги қўлланмани олсинлар. Бу қўлланманинг асосий қисми хушхабар етказишдир. Андрей ва Люба одамлар Масиҳга келиб ва шу тарзда жамоат қурилиши учун ибодат қилаяпти.

4. Владимир Киевда жамоатлар қуриш бўйича хизмат олиб боради. Владимир хушхабар етказиш усулининг видеофилъмлар кўрсатиш туридан фойдаланади. У ўзининг қўшниларини ва заводда бирга ишлайдиганларни таклиф қилади. Ҳар сешанба унинг уйига бир гуруҳ ёш одамлар йиғилади. Йиғилиш одатда бир ярим соатга чўзилади: 30–45 мин. йиғилганлар видео кўрадилар, кейин Владимир раҳбарлигида кўрган эшитганларини муҳокама қиладилар. Владимир уларга видеофилъмларга қўшилган қўлланмалар ҳам беради. Бу усулни қўллаб, Владимир жамоатга асос солиш учун етарли одамларни тўплашга ишонади.

**Хушхабар тарқатиш**
**2 Дарс**

# Хушхабар тарқатиш йўлидаги тўсиқлар
## *Деворларни яксон қилиб*

Дарс мақсади:

Қатнашчилар билан хушхабар тарқатишга халақит берадиган умумий ва шахсий тўсиқларни муҳокама қилиб, шу тўсиқларни бартараф қилиш йўлларини кўриб чиқишдир.

Кутиладиган натижалар:

Дарснинг мавзусини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Хушхабарнинг кўпроқ фойдали бўлиши учун, маданий, тил, диний ва руҳий томонидаги умумий тўсиқларни енгиш учун кўприкларнинг муҳимлигини англаши шарт.
- Хушхабарнинг кўпроқ фойдали бўлиши учун, анъаналарни, бидъатларни, қўрқувларни, нопокликни бартараф этиш учун кўприкларни қуришнинг муҳимлигини англаши шарт.
- Хушхабар етказиш йўлида барча умумий ва шахсий тўсиқларни енгиш бўйича режа тузиш ва рўёбга чиқариши керак.

Дарс режаси:

I. "Деворлар" муаммоси ва "кўприк"ларнинг зарурлиги.
II. Хушхабар тарқатиш йўлида тўсиқларни тушиниш.
III. Хушхабарнинг самарали бўлишига тўсиқ бўладиган умумий тўсиқлар
IV. Фойдали хушхабар тарқатиш йўлидаги шахсий тўсиқлар.
V. Тўсиқларни енгиш стратегияси.

Илова:

2А "Жамоат барча халқлар учун"
2Б "Кўп учрайдиган саволларга жавоблар"

Ўқитувчиларга тавсияномалар:

Тингловчиларни кичикроқ гуруҳларга бўлинг ва уларга дарснинг охирида берилган саволларни муҳокама қилишга имконият беринг.

Дарс пайтида Исо Масиҳнинг самариялик аёл билан бўлган суҳбатини муҳокама қилиш учун имконият топинг. (Юҳ 4.) Хушхабар етказишда ҳар хил тўсиқларни енгиш учун, шунга ўхшаган мисоллардан фойдаланинг.

Илованинг 2А мақоласини ўқувчилардан дарсдан олдин ўқиб чиқишини сўранг. Муҳокама қилишга тайёр туринг.

## I. ДЕВОРЛАР МУАММОСИ ВА "КЎПРИКЛАР"НИНГ ЗАРУРЛИГИ

Бир неча ўн йилликлар давомида бизнинг мамлакатимизда яшаётган имонлиларнинг кўпчилиги, қонун асослари билан имон ҳақида очиқча гапириш ва ўзлари яшайдиган жойларда воизхонлик қилиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Хушхабарнинг қонуний ваъз қилинадиган ягона жойи бу жамоат биноси бўлган. Бунда имонлилар сиқув натижасида ўзларини дунёдан четга олганлар. Ўтган ўн йиллик давомида жамоатнинг яккалаганлиги сабабли, Масиҳни севувчи одамларнинг фикри бир йўналишда ўзгармас бўлиб қолди. Ман қилинишлар йўқ бўлди, лекин йиллар давомида қурилган "деворлар" ўз ҳолича қолди. Биз шу деворларни тезроқ яксон қилишимиз учун, уларни фарқлай олишни билишимиз керак.

Масалан, кўпинча шундай бўлади, ҳали имонга келмаган одамнинг ўрнини жамоат нотўғри аниқлайди. Шайтон масиҳийларни васвасага солиш учун, имонсизларни ишлатиш мумкинлигини билиб, уларни ҳали имонга келмаган ўрток ва қўшнилардан узоқроқ юришга ишонтиради. Лекин адашган одамлар масиҳийларга умуман душман эмас. Улар фақат бу

руҳий жангда асирликка тушган одамлар холос. Биз Исони билмаган вақтда қандай бўлган бўлсак, улар ҳам худди шундайдирлар. Биз кўр, руҳан ўлик ва маънавий қашшоқ эдик. Агар жамоат уларга бепарво бўлса, уларни озод қилиш ва имонга келтириш учун жадал ҳаракатлар билан шуғиллана бошламаса имонсизлар ўлимга маҳкум бўладилар.

Имонсизларни озод қилиш вазифасини бажариш учун, имонлилар имонсизлар олдига "Кўприклар" ўтказиши керак. Кўпинча бизнинг масиҳийча одатларимиз ва қилиқларимиз атрофдаги одамларга шунчалик бегона ва ғалати туюладики, улар умуман бизга қўшилишга интилмайдилар. Шунинг учун уларнинг юрагига фақат битта усул билан кириш мумкин: Ўзимиз кўнгли очиқлик, меҳр–мурувват, ҳамдардлик, ўртоқлик муносабатлари, ҳақиқат ва севги кўприкларини ўтказишимиз керак.

Биз албатта тушунмовчилик билан тўқнашишимизни вақти келганда бошламоқчи бўлган ҳаракатларимиз биз учун қайғуга айланиши мумкинлигини, бу ишда кўпинча жисмоний ва руҳий чарчашимизни билишимиз шарт. Хушхабарни ҳозир ўз авлодимизга етказишимиз зарур, тиришқоқликни яна ва яна янгилашимиз керак. Бу ҳар биримизнинг вазифамиз, бурчимиз ва шахсий мажбуриятимиздир. Масиҳийларнинг келажакдаги авлодлари биз қилган хатоларни тўғирлай олмайди, келажак авлодга хушхабар етказиш учун, ўша вақтда биз ҳам бўлмаймиз. Деворларни яксон қилишни ҳозирдан бошлашимиз керак.

## II. ХУШХАБАР ТАРҚАТИШ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАРНИ ТУШУНИШ

Таниқли америкалик миссиолог Ралъф Винтер Хушхабар айтиш бўйича бир нечта муҳим кузатишлар олиб борди! Ҳав. 1:8.га асосланиб у Исонинг буюк топшириқ Сўзи дунёни биз учун фақат географик қонун–қоидалар бўйича эмас (менинг шаҳрим, менинг вилоятим, менинг мамлакатим ва дунём), балки яна одамлар гуруҳининг маданий фарқларига мувофиқлигини айтди. Бу парчада Исо Қуддус, Яҳудия, Самария ва дунёнинг чеккаси ҳақида гапирди. Шогирдлари учун Қуддусда ва Яҳудияда хушхабар айтиш табиий ва осон бўларди, у ерда ҳамма уларнинг тилида гаплашардилар ва бир хил маданиятда тарбияланганлар. Бутрус ёки Юҳанно учун маданий фарқлар борлиги сабабли, Самарияда ваъз қилиш ва ўқитиш бир мунча оғир кечган бўлар эди. Чунки, айниқса топиниш борасидаги жиддий турлича фикрларни енгиб ўтиш керак эди. Ниҳоят дунёнинг чеккасига қадар саёҳат ҳаворийлардан катта тайёргарликни (тил ўрганиш ва ҳ.) шубҳасиз талаб қиларди. Ралъф Винтернинг кўрсатишича, агар биз дунёга маданий нуқтаи–назар билан қарайдиган бўлсак, *дунёнинг чеккаси сиздан 100 км. узоқда эмас, балки айнан сизнинг шаҳар ёки қишлоғингизга яқин бўлиб чиқади.* Чунки сизнинг атрофингизда ҳам алоҳида ёки шахсий маданиятни ташкил қиладиган ҳар хил гуруҳдаги одамлар бор. Баъзи ҳолларда масиҳийлар ўз жамоатига шунчалик чегараланиб оладики, ҳатто ўзлари супкультурага кириб қоладилар. Ҳатто эркин гаплаша олмайдилар ёки ўзининг дўстини, уйдагиларини, қўшниларини тушуна олмайдилар.

Маданий тўсиқларни енгиш ва хушхабарнинг фойдали бўлиши учун хизматнинг махсус турлари фойдали бўлиши мумкин. Исонинг қудуқ ёнида самариялик аёл билан гаплашишига эътибор беринг. Яҳудийларга (Ҳав.9:20–22) ёки мажусийларга (Ҳав.17:16–31), фойдалироқ хизмат қилиш учун, Исода бўлгани каби, Павлусга ҳам шу маданий тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келарди.

Донолъд Макгавран ёзган (илова 2А) "Жамоат барча халқлар учун", "мураккаб нарса ҳақида оддий суҳбат" номли мақолани ўқинг. Бу мақолани ўқиб, Макгавран маданий фарқлар хушхабар тарқатиш учун сўзсиз тўсиқ бўлишига ишонишига эътибор беринг. Сиз ишлаётган ҳолатлар ҳақида ўйланг. Баҳоланг, сиз шу одамларнинг маданиятини қанчалик яхши биласиз, улар орасида жамоат қуришга тайёрланаяпсиз ва йўлингиздаги бўлиши мумкин бўлган тўсиқларни тушунаяпсиз.

Сизга қанча кам "деворлар"ни яксон қилишга тўғри келса, хушхабар етказиш шунчалар самаралироқ бўлади. Агар сиз ўзингизга ўхшаган одам билан гаплашсангиз, у одам ҳам сиздай нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий белги ва боғланишларини ифодаловчи тушунча билан фикрлайдиган бўлса, қизиқишлари ва манфаатлари сизникидай бўлса, сизнинг қувонч ва қайғуларнингизни тушунадиган бўлса, у одамга хушхабар айтиш энг яхши самаралар беради.

Лекин маданиятлар ва одамларнинг гуруҳлари кўп, у гуруҳларда умуман ёки деярли имонлилар йўқ. Бу одамлар ўз гуруҳларининг ичига бекиниб олган одамлар, худди ер юзининг чеккасига бориб қолгандай, улар ҳам хушхабар эшитишга муҳтож. Биз бор "деворлар"ни енгиш учун, қўшимча ҳаракатлар қилишга тайёр бўлишимиз шарт. Одамнинг ёши ҳам, касби ҳам, ақлий қобилиятлари ҳам субъкултуранинг негизи бўлиши мумкин. Бу тўсиқлар қандай бўлишидан қатъий назар, хушхабар эшитилиши учун, биз тўсиқларни енгишимиз шарт.

Қуйида ёзилган тўсиқларни кўриб, ўз хизматингизни таҳлил қилинг.

# III. САМАРАЛИ ХУШХАБАР ТАРҚАТИШ ЙЎЛИДАГИ КИШИНИНГ ОНГИГА БОҒЛАНМАГАН ҲОЛДА МАВЖУД БЎЛГАН УМУМИЙ ТЎСИҚЛАР

## А. Маданий тўсиқлар

Бошқа мамлакатлардан, қитъалардан ёки мамлакатнннинг вилоятларидан келган масиҳий раҳбарлар, кимга Хушхабар етказмоқчи бўлса, шу кишиларга яқинлашиш учун, шу жойдаги ўзига хос маданий хусухиятларга мослашиш ва уларни тушунишни билишлари керак. Павлус бу ҳақда шундай деган: "*Заифларни эргаштирай деб, улар учун заиф бўлдим. Ҳеч бўлмаса баъзиларни қутқарай деб, ҳаммага ҳамма нарса бўлдим.* (1Кор.9:22) Бошқача қилиб айтганда ҳаворий Павлус ўзининг шахсий одатларини ва афзал кўрадиган ишларидан юксак мақсад сари, адашганларни Исога олиб келиш учун, кечишга тайёр эди. Лекин маданият соҳасидаги муаммолар фақат миссионерларга қарашли эмас.

Ҳар бир маданиятда жамоат шундай анъана ва одатларни ўрнатишга ёрдам беради, шу даврларда улар балки керакли ва мақсадга мувофиқ деб тан олингандирлар, лекин бугун улар ўтмишнинг қолдиғидай ва беъманидай кўринади. Ўз аҳамиятини йўқотган, худди шундай маданий анъаналар, ҳалигача бизнинг кўп жамоатларимизда мавжуд. Мусиқада, кийинишда, жамоатларнинг архитектурасида баъзи мисолларни кўриш мумкин. Агар биз, 20–асрда яшаётган имонсизлар билан ишлашга жиддий киришган бўлсак, уларнинг орасида хушхабарни эълон қилиш учун ўзимизни янгитдан текшириб, урф–одатларимизни қайтадан кўриб чиқишимиз керак.

## Б. Тил тўсиқлари

Бошқа маданиятга қарашли одамларга самарали хушхабар айтиш йўлида жиддий тўсиқ бу тилни билмаслик ҳисобланади. Тўғри, масиҳий ва имонсизнинг алоқасида, агар улар бир тилда гаплашсалар ҳам, бари-бир ҳар хил қийинчиликлар пайдо бўлиши муммкин. Гап шундаки, бизнинг биродарлигимизда одатда ўзига хос луғат тўплами пайдо бўлади, бу луғат тўплами бошқаларга тушунарли бўлмайди. Биз эса бунга одатий ҳол деб кўникиб қоламиз, лекин кимлардир буни тушуна оламслиги ҳақида умуман ўйламаймиз ҳам.

Масалан: Югославияда жамоатда хайирлашиш пайтида: "Худо сиз билан", дейдилар, бу сўзлар бизнинг "Худо сизга ёр бўлсин" деган оқ йўл тилашимиз билан тенг. Бир куни миссионер хушхабар етказиш йиғилишига биринчи марта келган киши билан хайрлашаётганда бу истакни билдирганда, у соддалик билан жавоб берди: "Йўқ Милан мен билан боради!" Унга иборанинг ҳақиқий мазмуни тушунарли бўлмади, хайирлашган одамнинг яхши истаги ҳам тушунарсиз бўлди ва натижада иккаласи ҳам хижолат бўлиб, ўзларини ноқулай сеза бошладилар.

Бизнинг муҳитимизга келиб қолган бегона одам, бизнинг сўзларимиз, бошқача саломлашишлар, терминлардан шошиб қолиши мумкин. Худонинг адашган инсониятга бўлган севгиси ҳақидаги ўзгармайдиган ҳақиқатни етказиш учун ва У дунёга ҳаммани: эркакларни, аёлларни ва болаларни қутқариш учун келгани ҳақидаги Хушхабарни етказишнинг янги усулларини қидиришимиз шарт.

## В. Диний тўсиқлар

Ўзимизнинг хизматимизда биз ҳар хил одамлар билан алоқада бўламиз. Булар (баъзи пайтларда соф номинал) католиклар мазҳабидаги кишилар, православ мазҳабидаги кишилар, мусулмонлар, агностицизм тарафдорлари ёки атеистлар ва ҳар хил секталарнинг аъзолари, чет ёки узоқ мамлакатларнинг диний маросимларининг тарафдорлари бўлиши мумкин. Улар сўзларга ва бошқа ҳаракатларни умуман бошқа маънода тушунишлари мумкин, лекин биз учун уларнинг маъноси тушунарли. "Имон", "Қутқарилиш" деган сўзларни баъзи вақтларда, одамлар уларнинг ҳақиқий мазмунини тўла тушуна олишлари учун яхшилаб тушунтириб беришимиз керак. Биз одамлар билан суҳбатлар ва ваъз ўтказиш пайтида ишлатадиган терминларни улар қандай тушунганликларини билишимиз учун, алоқада бўлган одамларга саволлар беришимиз фойдали. Бизнинг ҳаракатларимиз, имо–ишораларимиз баъзи пайтларда кўринишимиз атрофимиздаги одамларни биздан узоқлаштириши мумкин. Баъзи одамларга уй шароитида руҳий мавзулар бўйича гаплашиш қийин бўлади. Яқиндагина омбор бўлган бинонинг жамоатга айланганини одамлар қабул қилишлари қийинроқ бўлади. Диний ҳис–туйғуларни ифодалаш учун бундай одамларга иззат–ҳурматли, титрашга ундайдиган ҳайкаллари, шамлари, меҳроби бўлган жамоат биноси зарур.

Бизнинг Худога хизмат қилиш усулларимизнинг оддийлиги ва Худо билан шахсий алоқамизнинг яқинлиги, уларни биздан узоқлаштириши мумкин. Бу ерда ҳам биз шу одамлар

учун кўприк ўтказиш усулини топишимиз керак. Инсонларни қутқариш бизнинг вазифамиз.

### Г. Руҳий тўсиқлар

Охирги тўсиқ руҳий тўсиқдир. У ўзининг сифати томонидан, юқорида айтилганлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Самарали хушхабар етказиш йўлида бу тўсиқ энг жиддий, чунки у руҳий ўликлардан руҳий тирикларни ажратади. Биз хушхабар етказаяпмиз, лекин фақат Муқаддас Руҳ хушхабар орқали ҳаёт бериши мумкин. Фақат У янги ҳаёт учун тирилтириши ва гуноҳкорларни кечириши мумкин. Биз руҳий тўсиқни ибодатнинг қуроли ёрдамида, Худонинг Сўзи ва шахсий гувоҳлигимиз орқали енгамиз.

Раббимиз шайтонни шарманда қилиш ва унинг асирларини озод қилиш учун айнан шуни қўллаяпти. Биз дуч келаётган қаршиликлар шайтоннинг иши эканлигини билишимиз керак. Раббимиз номи, Унинг жамоати ва биз Худога олиб келишга интилаётган адашганлар учун, бундай қаршиликларга бардош беришимиз керак.

## IV. САМАРАЛИ ХУШХАБАР ТАРҚАТИШ ЙЎЛИДАГИ СУБЪЕКТИВ (ШАХСИЙ) ТЎСИҚЛАР

### А. Бизнинг шахсий анъаналаримизнинг тўсиғи

“Аввал ҳеч қачон бундай қилмас эдилар”. Янгича ёндашувлар эскилари нотўғри бўлгани учун эмас, балки улар энди унчалик самара бермаётгани учун зарур. Бу ерда эски ва янги мешлар ҳақида масални эслаш ўринли. Биз Хушхабарнинг моҳиятини ўзгартиришимиз керак эмас, виждонимиз билан битим тузишимиз керак эмас, лекин унга эътиборни кўпроқ жалб қилдириш ва тингловчиларни кўпайтириш учун Хушхабар етказиш услубини ўзгартиришимиз мумкин.

### Б. Бизнинг шахсий хурофотимизнинг тўсиғи

Ҳар бир халқнинг маданиятида одамлар назар–писанд қилмайдиган, меҳр–мурувват кўрсатишни муносиб кўрмайдиган одамлар гуруҳи бор. Масиҳийлар шундай ва шунга ўхшаш хурофотлар билан курашиши керак. Бизнинг ақидаларимиз бирор халққа ва унинг маданиятига оид характерда бўлиши мумкин (Юҳ 4 бобдаги самариялик аёлни эсланг). Биз бахтсиз воқеа натижасида ёки туғма ногирон бўлган одамларга нисбатан хурофотларни хис қилишимиз мумкин (Юҳ. 9 бобда кўр бўлиб туғилган одамни эсланг).

Баъзи вақтларда ташқи кўриниши ёқимли, соғ–саломат, омадли одамлар билан алоқада бўлиб, улар учун вақтимизни ва кучимизни сарфлаймиз. Ҳақиқата муҳтож одамларни эса сезмасдан ўтиб кетамиз. Ўша муҳтож одамлар кўпинча Исонинг Хушхабарига зеҳнлироқ бўлишади. Павлуснинг Коринфликларга таъна қилганини ва Ёқубнинг шафқатсизлик билан айтган сўзларини эсланг. (1Кор.1:18–31), (Ёқуб 2:1–13).

Одамларга бўлган янглиш муносабатдан юракларингизни тозалашни, ким кўпроқ Қутқарувчига муҳтож эканлигини ва уларнинг юраги очилишини Раббимиздан сўранг.

### В. Бизнинг шахсий қўрқувларимиз тўсиғи

Хушхабар етказиш хизмати – имон хизматидир. У жасорат талаб қилади. Вақти келганда ўзининг ҳаётини хавф остига қўйишга ва обрўдан воз кечишга ҳам тўғри келади. Шунинг учун биз ўзимизни етарлича маълумотли эмасман, тажрибасизман, ишга яроқсизман деб ҳисоблаб қийналиб юрамиз. Бунга нима дейиш мумкин? Билим—бу муҳим нарса, лекин энг муҳимроғи Раббимиз бизга топширганларини бажариб, Унга имон билан бўйсунишдир.

Хушхабар етказишда қўрқувни хис қилаётган бўлсангиз, билингки бу Худодан эмас.(2Тим1:7). Агар Раббимиз биз учун нималар қилганини эсласак, қўрқув бўлмайди. У бизни қудратли қурол билан таъминлади: бизга Ўзининг Руҳини, Ўзининг Сўзини ва ибодатини берди. Ундан ҳам кўпроқ Раббимиз биз билан бирга бўлиш учун ваъда берди. Ҳаворий Павлус шундай ёзади: «*Мени қўллаб–қувватлаётган Исо Масиҳнинг мадади билан ҳар нарсани қила оламан*». (Фил 4:13), Кор 4:7 оятда айтадики:«*Бу улуғвор хазинани эса биз сопол идишларда олиб юрибмиз, токи бу олий қудрат бизга эмас, Худога мансуб эканлиги кўриниб турсин*». Биз қўрқмасдан имонимизда турибмиз, у Раббимизнинг шон–шуҳратига хизмат қилади ва одамларни Унинг олдига келишга ундайди.

### Г. Бизнинг шахсий устунликларимизнинг тўсиғи

Биз ҳаммамиз ўз кучимиз ва имкониятларимиз билан чегараланганмиз: бизга ғайрат–шижоат, вақт, пул, қобилият ва руҳий инъомлар етишмайди. Ҳар биримиз Худо олдида ўз

бойликларимизни тўғри бошқаришимиз ва Раббимиз бизни нимага чақирган бўлса, шунга мувофиқ ишлатишимиз шарт. Агар бизнинг фаолиятимиз натижасида жамоаларга янги одамлар келмаса жамоатларнинг ўсиши ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳар биримиз ибодат ёрдамида ва Муқаддас Китобга тўлиқ муносиблик билан ўз ҳаётимизда хушхабар етказишга қандай ўринни ажратаётганимизни, вақтнинг ва пулнинг қандай қисмини унга бағишлашимизни аниқлашимиз керак. Биз истаган нарсаларга эришишга имконият ҳар доим етмайди, шунинг учун: биринчи ўринда ҳалок бўлаётганларни қутқариш керак.

## V. ТЎСИҚЛАРНИ ЕНГИШ СТРАТЕГИЯСИ

Умумий ва шахснинг ўзигагина хос бўлган шахсий тўсиқларни енгиш, биз томондан онгли тиришқоқликни талаб қилади. Биз бунга ижодий ёндашишимиз шарт. Маданий ва диний тўсиқларни енгиш учун масиҳийнинг дунёқарашини ва дунёвий одамнинг дунёқарашининг асосий фарқларини топиб, тушуниш учун сизга аввало анча кўп вақт талаб қилинади. Бундай фарқларни тушуниш имонсизлар билан тўғри алоқада бўлишга ёрдам беради, улардан бири “тил” (тил ўша бўлса ҳам) тўсиқларини енгиш. Диний муҳитдаги фарқларни ҳисобга олиб, биз ибодатда тўпланиб, Исога кимни олиб келишимиз керак бўлса, Муқаддас Руҳдан шу кишиларнинг юрагини очишини сўрашимиз керак. Баъзи ҳолларда муаммоларни ҳал қила туриб, ўз жамоатимизда хушхабар учун “оқимга қарши боришга” тўғри келиб қолиши мумкин. Муаммо ва тўсиқларни енгиш учун бир марта уриниш етарли бўлмайди, бунга ибодат ва ўзини қўлга олиш талаб қилинади.

Шахсий тўсиқларни ҳам енгиш лозим. Рим. 12: 2 оятда дунёга уйғунлашманглар, лекин фикрингизни “янгилаш” билан тубдан ўзгаринглар, дейилганини ўқиймиз. Агар биз бу дунёнинг ўзгаришини кўришни хоҳласак, ундан олдин жамоат ўзгариши керак. Агар жамоатимизнинг ўзгаришини хоҳласак, унда биз биринчи юрагимизни ўзгартиришимиз керак. Юракнинг ўзгариши эса, фикрни поклайдиган Худо Каломининг иштирокисиз амалга ошмайди. Муқаддас Руҳ бизнинг ақлимизни равшан қилиши учун Худонинг Каломини ишлатади, токи биз нурда Худо билан бўладиган мулоқотни кўра олайлик. У бизнинг ўй–фикр ва хатоларимизни кўрсатиб, ундан халос бўлишимизни хоҳлайди. Хушхабар етказиш борасида ўз мақсадини бажаришимиз учун бизга керак бўлган кучни беради. Унинг Каломига бўйсуниб, ўсишимизга қараб, қўрқувни енгишимиз учун имон беради.

2Б Иловада махсус танланган оятларни топасиз. Бу оятлар сизнинг юрагингиз ва ақлингизни тайёрлайди. Шу орқали одамларни Масиҳга келишга қизиқтира оласиз.

## САВОЛЛАР

- Нималар сизни нотаниш шароитда ўзингизни ноқулай сезишингизга мажбур қилаяпти?
- Имонсизлар бизнинг жамоатимизда ёки уйимизда бўлганда ўзларини ноқулай ҳис қилмаслиги учун нима қилишимиз мумкин?
- Шахсан сиз хушхабар етказаётганингизда қандай қийинчиликларга дуч келгансиз? Уларни енга олганмисиз? Қай тарзда?
- Сизнинг юртингизда қайси гуруҳ аҳли тарихда хурофот қурбонлари бўлишган? Сизнинг шу хурофотга бўлган қарашингизнинг қайси томонлари Худога маъқул?
- Айнан сиз, келаётган ҳафтада ҳар хил тўсиқларни енгиш учун ва хушхабар етказаётганингизда фойдали бўлиши учун нимани ўзгартирасиз?

## ТОПШИРИҚ

Турмуш ўртоғингиз, чўпонингиз, маслаҳатчингиз, яқин имонли дўстингиз билан гаплашинг ва саволларни муҳокама қилиб, жавобларни бўлишинг.

**Хушхабар тарқатиш**

*Илова* **2А**

# ”Ҳар бир халқ учун – Жамоат“

*Мураккаб нарса ҳақида оддий суҳбат*

**Доналъд Макгавран**
**Ралъф Уинтер — Сўз боши**

*Ҳар томонлама жуда ажойиб ҳисобланган бу мактуб, 20–асрнинг энг кўзга кўринган миссионерлик фаолияти бўйича стратег томонидан ёзилган. Кимдир тарихда Доналъд Макгавран каби, жуда кўп жойларда бўлиб, Масиҳийлик оқимининг ўсишини аниқ миқдорини аниқлаган ва бу ҳақда у каби чуқур тасаввур қила олганига ишониш қийин. У илмсизлик авж олган жойларда хизмат қилиб, улар ҳақида жудаям чуқур тасаввурга эга бўлган. Ҳиндистондаги миссионерларнинг учинчи авлоди вакили, айнан ўша ерда ўз фаолиятини бошлаган.*

Ҳиндистон – бу, ҳаётининг кўп қисми хизматда ўтган жой. Унинг ранг–баранг қизиқишлари толиқтирмасдан узоқ–узоққа чорлайди. Унинг миссионерлик хизмати, шу хизматга оид кенг ўй–фикрлари, унинг ҳаммаси, уни жудаям юқори даражадаги билимга етаклади. Бу хизмат мантиғини чуқур тушуниш унга жудаям кенг ўрин бўшатиб берди. Бу кичик мақола, унинг ўрнига бораётган янги хизматчиларга қайсидир томондан огоҳлантиришни ва енгил ёндашиш йўлини намойиш қилади. Бу мактубда, у деярли кутилмаганда Масиҳийлик хизматининг моҳиятини чуқур, энг муҳим асосларини тушунтирадиган еттита услуб беради. Бошқа миссионерларга балки бунинг учун бир умр меҳнат талаб қилиши мумкин.

## Доналъд Макгавраннинг мактуби

Биз Масиҳийлик хизмати хушхабарни етказишимиздан иборат эканлигини англаб етишимиз керак. Худонинг хоҳиши билан планетамизнинг аҳолиси ташкил қиладиган ҳар бир тил, маданият, ёши ва қандайдир бошқа одамлардан жамоат ёки “ўз–ўзидан кўпаювчи гуруҳлар” га асос солиш лозим. Бизнинг мақсадимиз – элдан айрилиб қолган, ўзи билан ўзи машғул бўлган Конгломерат жамоатларини қуришдан иборат эмас. Бизнинг узоқ муддатли мақсадимиз (агар эга бўлишга эрта бўлса ҳам, ҳар доим назарда бўлиш керак) *жамиятдаги ҳаётнинг ҳар бир қисмида ўзидан кўпаювчи гуруҳлар яратишдир.*

Масалан, Конгломерат жамоати — жамиятининг (ёки гуруҳ) бир неча ҳар хил вакилларидан ташкил топган жамоат. Бу вакиллар Масиҳийликни қабул қилиш билан биргаликда бошқа шартларни ҳам қабул қиладилар. Яни у жамоатнинг аъзоси бўлганларидан кейин, таниш билишларидан узоқлашиб, уларга бошқа қўшилмай қўядилар. Бундай жамоатларда хушхабар етказиш учун имконият йўқолади ва улар ўз-ўзлари билан бўлиб қоладилар.

## “Кетма–кетлик” усули

Юқорида қавс ичидаги сўзларга қараб, Масиҳийликдан узоқ бўлган одамларни янги жамоатга бошлаш осонроқ бўлишини ёдда тутишимиз керак. Миссионер келади. У ва оиласи якшанба кунлари йиғилиш ўтказадилар. Улар янги жамоатнинг биринчи аъзолари ҳисобланади. У одамларга Исо Масиҳ ҳақида сўзлаб беради ва уларнинг муаммосини ҳал қилишда ёрдам беради. У Масиҳийликка оид китоб ва Инжил сотади ёки бепул тарқатади. Шу йўл билан бир неча йил давомида бир нечта одам имонга келади. Баъзи пайтларда улар ақилли ва руҳиятлилиги сабабли, баъзида эса ҳар хил сабаблар билан гуруҳга келадилар. Миссиянинг бир неча ишчилари имонга келади. Булар балки бино қурилиши учун ёлланган усталар, уй ёрдамчилари, ахмоқона ҳаётига якун ясамоқчи бўлганлар ва етимлар бўлиши мумкин. Африкадаги миссионерлар хизматида бундай воқеалар кўп бўлган. Жамоат қулларни сотиб олишдан бошланиб, уларни озод қилган, қабиласига қайтишни хоҳламаганларни эса

ёллаб олган. Улар Исо Масиҳни қабул қилишни хоҳлаганлар. Бир юз эллик йил аввал жамоат шу тарзда бошланган. Қулликнинг ўзгариши бу тажрибага якун ясади.

Юқорида кўрсатилган йўл билан пайдо бўлган жамоат деярли ҳар доим конгломерат (жамиятнинг ҳар хил вакилларидан ташкил топган жамоат) жамоати ҳисобланади. Қари, ёш, етимлар, собиқ қонунбузарлар, уйдаги ёрдамчилар ва ҳакозо. Уларни ростдан ҳам Исо Масиҳни қабул қилишни ҳоҳлашларини билиш учун диққат билан текшириб чиққанлар. Маълум вақтга келиб жамоатнинг биноси пайдо бўлади ва мана сизга — “бу халқ учун жамоат”. Ана шу конгломерат жамоати. **Улар ана шу жой аҳолисидан ажралганлар. Аҳолининг хеч бир вакили:”бу имонлилар гуруҳи бизга тегишли“ демайдилар. Улар ҳақ. Улар энди хеч кимга тегишли эмаслар. Жамиятда энди улар бутунлай бошқа вакил ҳисобланадилар.**

Бу Хушхабар етказишнинг бошланиш жараёнидаги одатий (кўпчиликни битта рол орқали кўрсатиш, тасвирлаш) намуна – дунё халқларини ўқитишнинг жудаям секин йўли (дунё халқларининг кўплик маъносига эътибор беринг). Шундай жамоат йиғилганда, дарҳақиқат нима содир бўлишини кўриб чиқамиз. Ҳар бир Масиҳий бўлган янги имонлини, қариндошлари “биздан кетиб уларга” ўтган одам деб қабул қилади. У “бизнинг Худойимиз”ни қолдириб, “бошқа Худога” сиғиниб кетди. Натижада қариндошлари уни ҳайдаб юборади. Баъзи ҳолларда уни ва оиласини шунчаки ҳайдамасдан, балки уларга зарар ҳам етказади. Юзлаб янги имонга келган биродарлар заҳарланган ёки ўлдирилган. Баъзан одамлар уларни сотқинлар деб ҳисоблаганлар. Бундай жараённи бошидан ўтказаётган жамоат, бу жойдаги одамлар томонидан сотқинлар йиғини деб қабул қилинади. **Бу кангломерат туридаги йиғин ҳисобланади. Унинг аъзолари кетма–кет ҳар хил умумий табақадан, тузум ёки қабиладан чиққан алоҳида шахслардан ташкил топган.**

Шундай қилиб кимдир имонга келгач, аниқ бир жамиятдан ҳайдаладиган бўлса, Масиҳийликка эга бўлади, лекин оиласини йўқотиши мумкин. Унинг оиласи, халқи, қўшнилари ғазабланади. У айнан шуларга Масиҳ ҳақида гапиролмайди. “Унга — сен бизнинг одаммассан. Сен бизни сотдинг, сен биздан кўра уларни яхши кўрасан. Сен бизнинг эмас, уларнинг Худосига ибодат қиласан” деб тана қиладилар. **Натижада бундай имонлилардан ташкил топган кангломерат йиғинлари жудаям секин ўсади.** Дарҳақиқат, шунга ўхшаган йиғинлар пайдо бўлган жойларда, этник гуруҳлар орасида масиҳийликни қабул қилиш икки баробар қийин бўлади. Масиҳийлар орамиздан биттамизни ўзлари томонга оғдирдилар деб ўйлайдилар. Бундан кейин ҳеч қачон, ҳеч кимни йўлдан оздиришига йўл қўймаймиз деб ҳаракат қиладилар.

“Кетма–кетлик” услуби энг осон йўллардан биридир. Балки жамоат қурмоқчи бўлган юзта миссионердан тўқсонтаси кангломерат жамоатига эга бўлади. Бундай миссионерлар хушхабарни етказади, Исо ҳақида гапиради, Муқаддас Китоб ва бошқа китоблар сотади, ҳар хил йўл билан Хушхабар тарқатади. Биттаси бу, биттаси у ерда, ўсмир, қиз бола яна бошқа жойда, кимдир ҳар хил сабаблар билан Масиҳий бўлишга тайёр ва қабиладошининг қўпол муомаласига юмшоқлик билан сабр қилади.

Биз жамоатлар қандай қилиб ташкил бўлишини тушунганимизда ва нима учун имонсизлар орасида жамоатлар шаклланмаслигини англаганимиздан кейин, мен тасвирлаб берган жараён кўп миссионерлар учун иложсиздек кўринади. Улар : ”Имонсизларга ваъз қилишдан ва улардан бир нечтасини имонга киритишдан яхшироқ нима бор? Сиз тасвирлаб берган жараёндан кўра, жамиятдан узилиб қолган жамоат қуриш ростдан ҳам, янги имонга келган имонли чиққан ҳамма жамият вакиллари орасига киришимизга имкон беради. Бу бизнингча яхшироқ усул“ деб ҳитоб қиладилар.

Худди шундай фикрлайдиганлар, имонга келган одамни сотқин деб эмас, балки тўғри йўл танлаган деб ҳисоблайдиган масиҳий давлатлардаги жамоатнинг ўсиш усули билан яхши таниш. Бундай жамиятда янги келган имонли, унинг оиласи, қариндошлари, дўстлари учун кўприк ҳисобланади. Бунда ҳаммаси равшан. Китобимга ”Худонинг кўприклари“ деб ном берганимда айнан шу нарсани назарда тутган эдим. Лекин ҳар турли жамият вакилларидан ташкил топган, Масиҳийликни ёлғон дин, бошқаларни йўлдан урувчилар гуруҳи деб айтиладиган давлатларда бу жуда қийин. Бундай жамиятда ҳар хил аҳоли вакилларини имонга келтириш умумий кўприклар қуришга алоқаси йўқ, аксинча бу кўплаб тўсиқлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

## ХАЛҚ ҲАРАКАТИ УСУЛИ

### Етти қоида

Келинг энди бошқа йўлни солиштирамиз, бу йўлни Раббимиз Ер сайёрасининг халқларини ўргатиш учун қўллайди. Гап назария ҳақида бораётгани йўқ, аниқ асосларни

хушёрлик билан ифодалаш ҳақида бораяпти. Агар биз атрофимиздаги дунёга қарасак кўрамизки, миссионерларнинг кўп қисми фақат кангломератга оид жамоатларга "бирин–кетин" усули билан асос солади. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда халқ ҳаракати усули ёрдамида ўсаётган жамоатларнинг гуруҳлари пайдо бўлади. Улар Худо олдига бораётган қабила ва табақаларнинг ҳаракати натижасида пайдо бўладилар. Кўп томондан бу тартиблар яхшироқ. Бу тартибни фойдали қўллаш учун, миссионерлар еттита асос қоидани қўллаши керак.

### *Биринчи қоида*

Энг аввал ўзининг мақсадини яхши тушуниши керак. Мақсад бу шаҳарда ёки жойда битта кангломератга оид жамоатга асос солиш эмас, балки уларда худди шундай бўлар, лекин бу ҳеч қачон уларнинг мақсади бўлиши керак эмас. Унинг ўрнига ҳар бир аъзоси ўз уруғи ва оиласи, танишлари билан муносабатларини сақлаб қоладиган уй гуруҳи бўлиши керак. Бу гуруҳ бир халқ, бир табақа, бир авлод, жамиятнинг бир бўғини орасида яратилса, у яхшироқ ривожланади. Масалан, агар сиз Хушхабар етказишни Тайбей таксичилари орасида ўтказсангиз, сизнинг мақсадингиз фақат озроқ таксист, озроқ унверситет профессорларини, озроқ фермер ёки балиқчиларни жалб қилишдан иборат бўлмасдан, шундай жамоатлар яратиш керакки уларнинг кўп қисми таксичилардан, уларнинг рафиқаларидан, болаларидан ва механикларидан иборат бўлиши керак. Агар сиз янги имонга келганларни шу аниқ уюшмадан йиға олсангиз, йиғин ижтимоий муносабатда бир хил бўлади. Ҳар бир киши ўзини уйдагидай ҳис қилади. Ҳа, сизнинг мақсадингиз аниқ бўлиши керак.

### *Иккинчи қоида*

Иккинчи қоида бу миллий раҳбар ёки миссионер ва унинг ёрдамчилари ўзларининг эътиборларини бир халққа жалб қилиши керак. Агар сиз Ҳиндистоннинг жанубий–ғарбий қисмида жойлашган Керали штатининг Наир халқи орасида ўсиб борадиган жамоатлар гуруҳларини яратмоқчи бўлсангиз, сиз ўзингизнинг миссионерларингизни ва уларнинг ёрдамчиларини Наир аҳолиси орасига хизматга юборишингиз керак. Улар Хушхабарни ваъз қилиб, очиқчасига: "Сизнинг халқингиз орасида тез орада минглаб Исо Масиҳнинг издошлари пайдо бўлади ва улар сизлар билан қолишига биз ишонамиз" дейишлари керак.

Раббимиз чақираётган Наирликлар, ким Исо Масиҳга ишонса, ўзларининг қўшниларини олдингидан кўпроқ яхши кўради ва Унинг нурида юради. Улар қутқарилади ва ажойиб одамлар бўлади. Улар Наирликлар бўлиб, Масиҳий бўладилар. Яна бир марта такрорлайман, бир халқ вакилларидан иборат бўлган гуруҳга эътибор беринг. Агар сизларда учта миссионер бўлса, уларнинг биттаси бир гуруҳда, иккинчиси бошқа гуруҳда, учинчиси икки юз мил бўлган масофада Хушхабар етказишга йўл қўйманг. Бу "бирин–кетин" усулда, самарасиз бўлган жамоатлар яратишдир. Улардаги одамларнинг ижтимоий фарқи умум халқ масиҳийлик ҳаракатининг келиб чиқишига тўсқинлик қилади.

### *Учинчи қоида*

Учинчи қоида, янги **имонга келганларни ўзининг халқи(оиласи, дўстлари, қариндошлари) билан иложи борича алоқани яхшилашга ундаш керак.** Уларнинг халқи қандай овқат еяётган бўлса, улар ҳам олдингидай шундай овқат ейиши керак. Улар: "Менинг халқим вегетарян (гўш емайди), лекин мен Масиҳий бўлдим, энди гўшт ейишим мумкин" демасликлари керак. Аксинча, Масиҳий бўлиб улар олдингидан ҳам кўпроқ одатларга риоя қилиши керак. Кийиниш бўйича ҳам, улар ўз халқининг урф–одатларига мувофиқ кийинишни давом эттириши керак. Одатда оила қуришда одамларнинг кўпчилиги шундай қоидага риоя қиладилар — "Бизнинг одамларимиз, фақат бизнинг одамларимиз билан никоҳдан ўтишади". Бошқа миллат вакиллари билан бўлган никоҳни улар мақулламайдилар. Агар Масиҳийликка "Бирин–кетин" усули билан келсалар, бу одамлар ўзиникилар билан оила қура олмайдилар. Чунки унинг уруғида ҳеч ким Масиҳийликни қабул қилмаган. Масиҳийликни унинг уруғини бир қисми қабул қилса, вақт келганда улар учун ва уларнинг болалари никоҳдан ўтиши керак бўлса, улар бошқа гуруҳ жамоаларидан уйланишлари ёки эрга тегишлари керак. Шунинг учун, уларнинг халқи уларга айтади: "Масиҳий бўлиб сиз болаларингизга бегона қонни қўшаяпсиз. Сизлар бизларни ташлаб, уларнинг олдига кетдингизлар".

Ўзларининг халқидан бегоналашиб кетиш, тана ва маломатларга чидашга тўғри келишини ҳамма имонлилар билиши керак. Бирон киши ҳаётнинг янги йўлига кирса, одатда унинг бу ишини туққанлари ёқтирмайди. Бу "ёқтирмаслик" юмшоқлик билан ёки ғазабланиш билан намоён бўлиши мумкин. У шундай муносабатни сабр билан қабул қилиши керак. Шундай воқеалар пайтида у ўзига ва атрофидаги одамларга қуйидаги гапларни гапирса яхши

бўлади:

*"Ҳозир мен олдингидан яхши ўғил бўлдим, мен олдингидан яхши отаман; мен олдингидан яхши эрман ва мен сизларни олдингидан кўпроқ яхши кўраман. Сизлар мени жуда ҳам ёмон кўришларингиз мумкин, лекин мен сизларни ёмон кўрмайман. Сизлар мени қувиб юборишларингиз мумкин, лекин мен сизларни қабул қиламан. Сиз мени отамнинг уйидан қувишингиз мумкин, лекин мен айвонда яшайман. Ёки мен рўпарадаги уйни ижарага олиб яшайман. Мен олдингидай сизларнинг бирингизман, мен олдингидан кўпроқ сизларга қарашлиман."*

Янги имонга келганларни ҳар доим ўзининг одамлари билан алоқасини мустаҳкамлашга унданг. Илтимос, "ҳар доим" сўзига эътибор беринг: бу дегани бутпараслик, ичкиликбозлик, беҳаёлик ва шу каби гуноҳларни ўз ичига олмайди. Агар улар жамиятнинг шундай гуруҳига қарашли бўлса, яшаш учун ўғирлик билан пул топса, кейин улар "бошқа ўғирламасликлари керак". Лекин кўп ҳолларда (муносабатларда, кийим, овқат, улар қаерга борадилар, қандай уйларда яшайдилар) улар ўзларининг халқига ўхшаш бўлиб, шунга ҳаракат қилишлари керак.

## *Тўртинчи қоида*

Тўртинчи қоида, Худонинг олдига бир гуруҳ одамни олиб келиш керак. Агар бир киши имонга келса, уни дарров сувга чўмдирмасалик керак. Унга шундай дейиш яхшироқ бўлади: "Биз сен билан бирга меҳнат қиламиз, яна беш, ёки ўн ёки Худо берса эллик киши Исо Масиҳни ўзининг Қутқарувчиси сифатида қабул қилса. Кейин сен улар билан бирга сувга чўмдириласан." Бир кишига яқинларининг, қариндошларининг хўрлашига ва қувғинларига чидаш жуда қийин. Янги имонли билан бир гуруҳ таниш имонлилар, ҳамфикр одамлар бўлса анча осонроқ бўлади. Агар сен билан икки юз киши бўлса, сенга ҳеч қандай дўқ қилишлар қўрқинчли бўлмайди.

## *Бешинчи қоида*

Бешинчи қоида шундай: Масиҳийлар қаторига доимо янги одамлар келиши тўхтамаслиги керак. Жанубда ҳам, шарқда ҳам, бутун дунёда миссионерлар йўл қўяётган хатолардан бири шу, агар бир неча киши Масиҳийликни қабул қилса (100, 200 ёки 1000 киши) миссионерлар уларни ўқитиш учун вақтларини кўп сарфлайдилар. Миссионерлар улардан яхши Масиҳийлар чиқишини хоҳлайдилар ва ўзларича айтадилар: "Агар шу одамлар яхши Масиҳийлар бўлса, Хушхабар тарқалади". Бир неча йиллар давомида улар бир неча жамоатларда хизмат қиладилар. 10–20 йилдан кейин, улар шу гуруҳдан ташқари бошқа одамларга Хушхабар етказса, ана шу халқнинг қолган вакиллари Масиҳийликни қабул қилишни хоҳламайдилар. Бундай воқеалар доимо бўлиб туради. Бу қоиданинг таклиф қилишича, бошидан миссионер янги гуруҳлар билан ишлашга интилиши керак. "Лекин, — дейсиз, сиз — бу Муқаддас Китобни билмайдиган ёмон Масиҳийларга эга бўлиш учун йўл эмасми? Агар биз шундай қоидани танласак, бизда тезда "хом" Масиҳийлар кўпайиб кетади. Кейин, балки 5000 кишидан иборат бўлган жамоа пайдо бўлиб, улар юзаки Масиҳийлардан иборат бўлади дейишингиз мумкин.

Албатта бу ерда хавф–хатар бор. Бундай воқеада биз Янги Аҳдга мурожаат этишимиз керак, Павлус янги жамоатларга бир неча ҳафта ёки ойлар давомида берган қисқа панд–насиҳатларини эслаб, биз Муқаддас Руҳга ишонишимиз керак ва шу нарса яни Раббимиз бу одамларни қоронғуликдан Ўзининг ёруғлик Шоҳлигига чақиради. Янги имонга келганларни ўз халқидан ажралиб қолишга йўл бермаслигимиз керак. Доимо ўсувчан гуруҳларга эса янги имонлиларни келиб туришини назардан қочирмайлик.

## *Олтинчи қоида*

Олтинчи қоида қуйидагилардан иборат: Янги имонга келганлар, 5 киши ёки 5000 киши, қуйидагиларни гапириши ёки ҳис қилиш зарур:*"Биз Масиҳийлар — халқимизнинг , жамиятимизнинг илғор қисмимиз. Қариндошларимизга ва қўшниларимизга тўғри ҳаёт тарзининг намунасини кўрсатаяпмиз. Бу ҳаёт тарзи бизга яхшилик, эзгулик, эсон–омонлик, бахт–саодат олиб келаяпти, лекин бу ҳаёт тарзи имонга келган бошқа минглаб кишиларга ҳам фаравонликни олиб келади. Илтимос, бизларни хоин деб ҳисобламанг. Биз яхшироқ ўғиллар, ака–укалар, эрлар ва рафиқалар, авлодимизнинг энг яхши аъзолари, аввалгидан ҳам ишчилар иттифоқининг энг яхши аъзолари бўлдик. Биз сизга қандай қилиб жамоатда қолиб, яхшироқ яшаш кераклигини кўрсатаяпмиз. Илтимос, бизни халқимиз орасида, ажойиб, бориб кўриш ёки яшашни орзу қилинган жаннатга биринчи бўлиб бораётган одамлар деб ҳисобланглар".*

## *Еттинчи қоида*

Мен айтмоқчи бўлган охирги қоида: доимо биродарлик, бирликнинг аҳамиятига алоҳида эътибор беринг. Исо Масиҳда Яҳудо ҳам, қул ҳам, озод ҳам эмасмиз. Биз Масиҳда бирмиз. Лекин келинг чидамли бўлайлик, Павлус ҳамма мукаммал бўла олмаган жамоларни танқид қилмаганини эслайлик. Масалан, у қулликка қараши эътироз билдирмасди. Павлус қулларга “Яхши қул бўл” дейди. У қулнинг хўжайинига “Яхши хўжайин бўл” деб айтади.
Павлус яна машҳур парчада бирликнинг ғоясига алоҳида эътибор бериб шундай деган: “Эркак ҳам йўқ, аёл ҳам йўқ”. Бари бир Масиҳийлар ўзларининг мактабларида ва болалар уйларида қизларни ва ўғилларни ҳар хил ётоқхоналарга ажратиб ётқизишни давом эттиряптилар. Исода жинсий томонидан фарқлаш йўқ. Раббимизнинг кўзлари олдида ўғиллар ва қизлар бир хил қимматлидир. Раббимизнинг кўзлари олдида бир авлоднинг эркаклари билан бошқа авлоднинг эркаклари бир хил баҳога эга. Биз Худонинг марҳамати билан қутқарилган бир хил даражадаги гуноҳкорларимиз. Буларнинг ҳаммаси тўғри, лекин қандайдир жамоа нозикликлари бор, уларни Масиҳийларда ҳозирги пайтда ҳам кузатиш мумкин.

Бирликнинг муҳимлигига алоҳида эътибор беришни давом этиб, бирликка эришишнинг энг фойдали йўли шундан иборатки Исога имон келтириш учун ҳар хил уруғ ва ҳар хил авлодлардан, ҳар хил жамоа гуруҳларидан кўпроқ эркак ва аёлларни жалб қилиш энг муҳими эканлигини тушунишимиз керак. Ҳар бир жамоа гуруҳда масиҳийларнинг сони кўпайиши билан асл биродарлик, адолат ва меҳрибонлик аҳамиятли даражада ошиб боради. Албатта адолатга эришишнинг энг яхши усули — бу ҳар бир жамоа гуруҳида жуда кўп содиқ масиҳийларнинг пайдо бўлишидир.

## ХУЛОСА

Ҳар бир миллат орасида Масиҳ Хушхабарини ёяр эканмиз, шошилиб, ”бирин кетин“ усули бу хато экан деб хулоса қилмаслигимиз керак. Бир қимматбаҳо юрак хўрланишга, тушунмасликка, нафратга чидашга тайёр бўлган, Исонинг издоши бўлиши учун, ўзича бораётган қимматбаҳо юрак бу йўл, Раббимиз бу йўлни марҳаматлаган ва инонятини қутқариш учун марҳаматлаяпти, лекин бу секинлик билан амалга ошадиган йўл. Бу йўл, унинг янги имонга келганларнинг қабиладошлари кўпинча Хушхабар етказишдан йироқда.

Баъзи вақтларда “Бирин–кетинлик” усули ёлғиз мумкин бўлган усул ҳисобланади. Бу усулнинг ҳамма чекланишларига қарамасдан, шунинг учун Раббимиздан миннатдормиз. Келинг кузатишларга ва қувғинларга чидаётган шу ҳамма ажойиб Масиҳийларимизни чақирамиз, улар ўзларининг яқинлари учун ибодат қилсин ва уларнинг юртдошлари имон келтириб, қутқарилиши учун Масиҳийлар доимо хизмат қилсинлар.

“Бирин–кетинлик” усули — бу Раббимиз Ўз жамоатининг ўсиши учун марҳаматлаган бир йўлдир. Одамларнинг ҳаракатлари, бу иккинчи йўл. Жамоатнинг аҳамиятга эга бўлган муваффақиятлари, Масиҳий бўлмаган динлардан одамларни жалб қилиш фақат одамлар ҳаракати ёрдами билан эришиларди. Ҳеч қачон “бирин–кетинлик” йўли билан эришилмаган. Ўша вақтда, бошида кўпинча “бирин–кетин” усули қўлланар эди. Худонинг кўприклари ҳақидаги китобимда, уларни Раббимиз жамоатни ривожлантириш ҳаракатининг бошланиши учун ишлатади. Мен ўхшатиш келтирдим. Миссиялар Исо Масиҳ ҳақида текис чўлга ўхшаган жойда ҳаммага хабар бераяпти. У ерда ҳаёт оғир, Масиҳийлар сони кам. Жуда кўп миссионерлар керак. Лекин миссионерлар ёки янги имонга келганлар, бу қуруқ текисликдан қочиш йўлини излаяптилар ва баландга яшил тоғларга боришга ҳаракат қилаяптилар. У ерда кўп одамлар яшайди, у ерда ҳақиқий жамоатларга эришиш мумкин, у ерда кучли жамоат пайдо бўлади, бу “одамлар ҳаракатининг” ери.

Мен сизга бу ўхшатишни тушунтираман. Келинг Раббимиз бераётган нарсани қабул қиламиз. Агар бу “Бирин–кетин” усули бўлса, буни қабул қиламиз ва Исо Масиҳга ишонган одамларни тўлиқ имонга келиши учун эргаштириб борамиз. Лекин ҳар доим ибодат қиламиз бундай бошланишдан кейин, баландроққа яшилроқ яйловлар ёнига, серҳосил ерларга, у ерда бир жамоа гуруҳига қарашли эркак ва аёлларнинг катта гуруҳлари Масиҳийликни қабул қиладилар ва шу билан ер юзидаги ҳар бир халқ орасидан Исога бораётган ҳаракатлар учун йўл очамиз. Бизнинг мақсадимиз ҳар бир жамоа ичида Исога бўлган интилиш бўлиши керак. Кейин ижтимоий бирликнинг ўсиш сурати Хушхабар етказишни олдинга силжитади ва кўпларни қоронғуликдан ажойиб ҳаётнинг ёруғлигига олиб боради. Келинг буни самаралироқ усуллар билан рўёбга чиқаришга ҳаракат қиламиз.

**Хушхабар тарқатиш**
*Илова* 2Б

# Кенг тарқалган саволларга жавоблар

*Муқаддас Китобни охирги босқичдаги ҳақиқат сифатида қўлланг*

Биз ўз ҳаётимизда дунёқарашлари ва фикрлари ҳар хил бўлган одамларни учратамиз. Улар берган самимий саволларнинг жавоблари бор. Сиз уларга шу жавобларни Муқаддас Китобдан топишга ёрдам берасиз. Унинг учун аввал ўзингиз қуйидаги кўп бериладиган саволлар бўйича Муқаддас Китоб нима дейишини билишингиз керак.

**“Агар Худо ҳақиқатдан ҳам севувчи ва қудратли бўлса, нима учун У ер юзидаги ёвузликка йўл қўяди? Нима учун У ёвузликни тўхтатмайди?”**

Муқаддас Китоб айтадики, Худо оламни мукаммал қилиб яратган, гуноҳ эса шайтон билан одамнинг бўйсунмаслиги ва исённинг натижасидир. Худо эмас гуноҳ ёвузлик ва қайғуларни келтиради. Ундан ташқари Худо Исо Масиҳни бизнинг гуноҳларимиз учун азоб чекишга ва ўлимга юбориб, ёвузлик муаммосини енгиш учун, ҳамма зарур ишларни бажарди. Лекин Худо бизнинг танлаш эркинлигимизни ҳурмат қилади. Биз Исони ва У таклиф қилган янги ҳаётни қабул қилишимиз ёки ёвузликни экаётган, Худога қараши бўлган исёнимизни давом эттиришимиз мумкин.

*Рим. 1:28 оятни ёдланг.*

**“Масиҳийлар Исо Масиҳ — Осмон Шоҳлигига ягона йўл деб, ҳаддан ташқари ўзларига ишонмаяптиларми? Бошқа динлардаги ҳақиқий ишонувчлар-чи?“**

Савол очиқ кўнгилда эмас, ҳақиқатда. Бир–бирига қарама–қараши бўлган таълимотлар бир вақтда ҳақиқий бўла олмайди. Ҳеч қандай самимийлик ёлғонни ҳақиқатга айлантира олмайди. Одам қалбдан адашиши мумкин. Бу ерда Масиҳийнинг нуқтаи–назари муҳим эмас. Исо Масиҳ бу ҳақда нима деган бўлса, шу аҳамиятга эгадир.

*Юҳан.14:6 оятни ёдланг.*

**“Исо Масиҳ ҳақида ҳеч қачон эшитмаганларга нима бўлади? Улар дўзахда азоб чекадими?“**

Исо Масиҳ аниқ айтган, Осмон Шоҳлигига ким кирадиган бўлса, фақат Мен орқали киради. Лекин Рим. 2:12–15 оятлар айтадики, ҳеч кимга Исо ҳақида кам маълумотга эга бўлганлиги сабабли жазо берилмайди. Одам меҳрибонлик ва ёвузлик ҳақида нимани билган ва шунга асосланиб қандай ишлар бажарган бўлса, шунга мувофиқ жазоланади. Ҳақиқатдан дунёда одам билмаслиги мумкин бўлган, Худонинг талаблари ҳақида гапирмасдан ҳеч ким 100 фоиз ўзининг шахсий талабига жавоб бера олмайди.

*Рим 1:19–20 оятларни ёдланг.*

**“Муқаддас Китоб одамлар ёзган диний афсоналар тўплами ҳисобланмайдими? У хатоларга тўла эмасми?**

Муқаддас Китобни ўрганганлар билади, бу айблашлар — асоссиз ва ёлғон эканлигини ва ўша айблаётган одамларнинг ўзлари Муқаддас Китобни билмаслигини билдиради. Муқаддас Китобни ёзган одамлар Худодан пайғамбарларнинг сўзларини ёзиб олардилар. Муқаддас Руҳ Худо одамларга нимани айтиш керак деб ҳисоблаган бўлса, шу нарсаларни уларни фикрига жойлаган ва раҳбарлик қилган. 100 йиллар ичида айтилган ўнлаб башоратлар майда деталларигача амалга ошди. Бошқа башоратлар бажарилишини кутаяптилар. Бундай башоратлар фақат Худодан келиши мумкин.

*2Пётр1:16 оятни ёдланг.*

Хушхабар тарқатиш

3,4 Дарслар

# Имонга келиш жараёни

## *Одамларнинг Исога келишига ёрдам бериш*

**Дарс мақсади:**

Қуйидаги дарснинг мақсади имонга келиш жараёни ҳақида тушунча бериш.

**Кутиладиган натижалар:**

Дарс мавзусини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Маслоунинг "Муҳтожликлар эрархияси" номли чизма равишдаги содда тасвири бўйича тушунчага эга бўлиши керак.
- Одамнинг имонга келиш жараёни ҳақида тушунчага эга бўлиши ва Исога келишига ёрдам бериши керак.
- Хушхабар тарқатишнинг тўрт даври билан танишиши ва ҳозирги пайтда иш олиб борилаётган одам қайси даврда эканини аниқлашни билиши керак.
- Хушхабарни нимадан бошлаш зарурлигини бизларга эмас, тингловчиларга нима яқин ва тушунарли бўлишини тушуниши керак.

**Дарс режаси:**

I. Одамларнинг муҳтожликларини аниқлаш.
II. Одамнинг Хушхабарни тушунишига баҳо бериш.
III. Одамларни Исога жалб қилишнинг тўрт босқичини тушуниш.
IV. Хушхабар етказиш старатегиясини ишлаб чиқиш.

**Илова**

3А "Одамнинг руҳий ҳолатини аниқлаш ва унинг Хушхабарни қабул қилишга тайёрлиги"
3Б "Муваффақиятли Хушхабар етказишнинг уч асосий қонун–қоидаси".
3В "Исонинг баъзи одамларга ёндашувини текшириш".

**Ўқитувчиларга тавсияномалар:**

Қуйидаги дарс 2 соатга берилган. Дарснинг мавзусини баён қилишни бошлашдан олдин, ўқувчилардан уруғ сепувчи ҳақидаги масалдан нималарни тушунганликларини айтиб беришларини илтимос қилинг. Мат. 13:3–9, 18–23. "Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари" 5– дарс (Биринчи қўлланма)

## СЎЗ БОШИ

Биринчи қўлланмада уруғ сепувчи ҳақидаги масални ўрганиб, (Мат 13:3–9, 18–23) 5 дарсда ("Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари") кўрганимиздек уруғ тушган тупроқ холати билан ҳосил аниқланарди. Яхши тупроққа тушган уруғ кўп ҳосил беради. Исо айтганки: *"Яхши ерга сепилган уруғлар эса, Каломни эшитиб, уқиб оладиган одамни билдиради".* Хушхабар етказишдан олдин, тупроқнинг турини синчиклаб текшириб, кейин уруғ ташлашимиз керак. Бошқа сўз билан айтганда, Хушхабар етказмоқчи бўлган одамларни яхшилаб ўрганиб, уларга Хушхабарни тушуниш учун қандай ёрдам беришни ўйлаб кўриш керак. Шу дарсда биз баъзи воситаларни кўриб чиқамиз, улар бизга тингловчиларимизнинг муҳтожликларини аниқлашга ва одамларнинг Худога бўлган муносабатини баҳолашга ёрдам беради. Бу уларнинг тушуниши ва Хушхабарни қабул қилишлари учун биринчи қадамимиз бўлади.

# I. ОДАМЛАРНИНГ МУҲТОЖЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Абраам Маслоу (1908–70й)—америкалик психолог. У ҳар қандай кишининг муҳтожликлари даражасини кўрсатиб берадиган чизма ишлаб чиққан. Шу иши натижасидан олган хулоса шундан иборатки, одамларнинг оддий муҳтожликлари қондирилмасдан туриб, катталарини сезиб бўлмас экан. Агар одам оч бўлса, у шуҳратга эмас, қорин тўйдиришга интилади. 3.1. суратда Маслоу ишлаб чиққан "Инсон муҳтожликларининг иерархияси" чизма равишда берилган. Бу чизмага ҳар хил муҳтожликлар ва муаммолар киритилган, агар айтилган талаблар қондирилмаса, муаммолар шундай пайтда пайдо бўлади.

*3.1 Расм. Инсон муҳтожликлари: Маслоунинг "Инсон муҳтожликлари иерархиясидан" келтирилган.*

ИНСОН МУҲТОЖЛИКЛАРИ




Инсоннинг муҳтожликларини ва уларни қониқтирмаслик оқибатларини диққат билан ўрганиб, ўйланг, Худо шу муҳтожликларнинг ҳар бирига қандай жавоб бераяпти ва у одамга нима бераяпти. (3.1. расм) Сиз ўзингизнинг жавобларингизни ўнг томонда бўш қолдирилган махсус жойга ёзишингиз мумкин. (3.2. расм)

*Ўқитувчилар учун эслатма:* Бу ишни ўқувчилар дарс пайтида ҳам, дарсдан кейин ҳам бажаришлари мумкин.

*3.2 расам. Инсон муҳтожликларини Худо томонидан таъминланиши.*

ИНСОН МУҲТОЖЛИКЛАРИ




*Иерхиядан юқорида жойлашганлар:*

- ўзларига тўқ яшайдиганлар
- мустақил
- нисбатан кучли

*Иерархиядан пастда жойлашганлар:*

кўпроқ қарам
нисбатан нимжон.

*Хушхабар етказишга ёндашув*

- Уларни ишга солинг

*Хушхабар етказишга ёндашув:*

Улар ҳақида ғамхўрлик қилинг.

Исо Масиҳ ҳар бир кишининг муҳтожликларига жавоб беради ва бу ишларни жамоат орқали ва Ўзининг Танаси орқали бажаради. Агар биз бу Тананинг қисми бўлсак, инсоннинг муҳтожлигини тушунмасак, биз унга бу муаммони енгишга ёрдам беролмаймиз. Бу схемани яна бир марта ўрганинг. Сиз Хушхабар етказаётган одамларнинг савияси қандай?

## II. ОДАМЛАРНИ ХУШХАБАРНИНГ МАЪНОСИНИ ТУШУНИШИНИ БАҲОЛАШ

Одамнинг муҳтожликларини тушуниш самарали Хушхабар етказишга фақат биринчи қадам ҳисобланади. Биз ҳам одамнинг Худога бўлган муносабатини тўғри баҳолашимиз керак: У атеистми, ёки умуман Худонинг борлигини инкор қиладиган одамми? Ёки у Худони қидираяптими? Балки у Худодан жаҳли чиқаётгандир. Бу босқичлар Худони тушуниш ва Унга бўлган муносабатнинг ҳар хил савиясига мувофиқ 3.3. расмда кўрсатилган. Шу жадвални диққат билан ўрганинг, кейин ўзингиздан сўранг:

Мен бирга ишлаётган одамлар қандай даражада?

Хушхабарнинг қайси усуллари ва мавжуд бўлган мавзулари энг яхши тарзда ҳар қанси босқичда ишлатилиши мумкин?

Бирор аниқ босқичда ишлаш учун менга қайси материаллар етишмайди?

**3.3 расм. Имонга келиш босқичлари.**

**Жавоб даврлари**

| | |
|---|---|
| Ерга ишлов бериш | – 12 Ўз йўли билан бораяпти.<br>– 11 Хушхабарчининг борлигини англайди.<br>– 10 Унинг Хушхабарчига муносабати — ижобий.<br>– 9 Хушхабарчининг ҳаёт тарзида фарқларни кўради.<br>– 8 Ҳаётга Муқаддас Китоб назари билан қарашни бошлайди. |
| Экин. | – 7 Муқаддас Китобга ижобий муносабат.<br>– 6 Хушхабарнинг асосларини қабул қилиш.<br>– 5 Хушхабарнинг мазмунини ва аҳамиятини тушуниш.<br>– 4 Хушхабарга ижобий муносабат. |
| Ўрим йиғим вақти. | – 3 Қутқарилишга шахсий муҳтожликни тан олиш.<br>– 2 Ҳаракат қилишга қарор.<br>– 1 Исога тавба қилиш ва имонга келиш.<br>* Исода янгитдан яралиш! |
| Ҳосилни сақлаш. | + 1 Имонни тасдиғи ва унинг исботи.<br>+ 2 Исонинг танасига (жамоатга) қўшилиш.<br>+ 3 Руҳий ўсиш ва Исога ўхшаш учун ўсиш.<br>+ 4 Исода бўлиш ва бошқаларга гувоҳлик бериш. |

## III. ИСОГА ОДАМЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ТЎРТ ДАВРИНИ ТУШУНИШ

Экувчи ҳақидаги масалда (Мат. 13), Исо экувчининг образини йиғим–терим вақтидаги суратини ишлатди, унда асосан дон сепишни ва ҳосилни йиғишни кўрдик. Бу парчада Исо шу жараёнга кирадиган фаолиятларнинг бошқа турлари ҳақида гапирмаган, деҳқончилик билан боғлиқ бўлган образлар кўпинча Муқаддас Китобда учрайди. (Мат. 9:37; Луқо 10:2; Юҳан. 4:35; 1Кор. 3:6–9; Гал. 6:9). Исонинг олдига бораётган йўлда одамга нималар бўлаётганини ўйлаб, Хушхабар айтиш жараёнини ҳисобга олиб, уни тўрт даврга ажратиш мумкин. (3.4. Расм)

**3.4. Расм. Одамларни Исога жалб қилишнинг тўрт даври.**

| | **Ерга ишлов бериш** | **Экиш** | **Йиғим терим вақти** | **Ҳосилни сақлаш** |
|---|---|---|---|---|
| **Ҳаракат** | Инсон юрагига мурожаат этиш. (Ўртоқлик, ғамхўрлик) | Инсоннинг ақлига мурожаат этиш. (Муносабатда бўлиб, фактларни келтириш, тушунтириш) | Инсонннг иродасига мурожаат этмоқ. (Таклиф қилмоқ, имон билан жавоб бериш – тавба қилиш) | Одамга тўлиқлигича муносабатда бўлиш. (Унинг руҳий ўсиши билан шуғулланиш) |

| **Алоҳида эътибор берилади** | Хушхабарчининг қатнашиши | Хушхабар ҳақиқатларини тантанали суратда билдириш. | Қарорни қабул қилиш зарурлигида одамни ишонтириш. | Инсонни жамоатга қатнаши ва боғланиши учун рағбатлантири ш |
|---|---|---|---|---|
| **Муқаддас Китобдан мисоллар** | Юҳан. 3 ва 4 | Юҳан. 4<br>Ҳаво. 16 | Юҳан. 4<br>Ҳаво.16 | Ҳаво. 2:40–47<br>Ҳаво. 8 |
| **Имон (қадамлар) даражалари** | – 12 – 8 | – 7 – 4 | — 3 дан 0 | +1 +3 |

## IV. ХУШХАБАР ТАРҚАТИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Сиз шу дарсда танишган маълумотга асосланиб, пастроқда Хушхабар тарқатиш стратегиясининг қандай ишлаб чиқиш мумкинлиги ҳақида мисол келтирилган. 3А илова ҳам сиз Хушхабар айтмоқчи бўлган кишини яхши тушуниш учун, фойдали қўлланма ҳисобланади.

### А. Асосий муҳтожликлар

Марина – ёш аёл, онасининг ёлғиз фарзанди. Маринанинг кичкиналигида, унинг ота–онаси ажралишган эди. Марина отасиз ўсди (У улардан узоққа кетган эди), онаси қизига етарли эътибор бера олмас, ишда жуда ҳам банд бўларди. Энди Марина катта бўлиб, севгининг етишмаслигини сезяпти. Сиз унинг аҳволини муҳтожликлар иерархиясида аниқлаяпсиз, кўриниб турибдики Марина севгида ва имонга келишда муҳтожлик сезаяпти. (3.1. расм. Маслоу. “Инсон муҳтожликларининг иерархияси”.)

### Б. Хушхабарга идроклилиги

(3.3 расм) Хушхабар қабул қилишга муносабати Маринада – 12 даражада. Уларнинг оиласи диндор бўлмаган, унинг Масиҳий танишлари йўқ. Маринада жамоат нима эканлиги ҳақида умумий тушунча бор, лекин Исо Масиҳ ким эканлиги ҳақида заррача маълумот йўқ.

### В. Хушхабар етказиш бўйича сизнинг стратегиянгизни аниқлаш

Марина ҳали “экиш” учун тайёр эмас. Агар сиз унга хушхабар ёзилган кичкина китобчани ёки Инжилни берсангиз, бу унга катта натижа бермайди. У кўпроқ унга илиқ, дўстона муҳитда Исо Масиҳнинг севгисини кўрсатишга муҳтож. (3.4.расм) жадвалда ерга ишлов бериш номли даврга мос келади. Сиз уни одамлар бир–бирига илиқ муносабатда бўлган ва бир–бирига ғамхўрлик қилаётган кичик гуруҳнинг йиғилишига таклиф қилишга қарор қиласиз. Шундан кейин, сиз уни Муқаддас Китобни ўрганаётган Хушхабар етказиш гуруҳининг машғулотларига таклиф қилишингиз мумкин.

Хушхабар етказиш стратегиясини аниқлаб, сиз ким билан ишлаётган бўлсангиз, “Муҳим одамлар” ҳақида ҳам ибодат қилишни бошланг. Эсда тутинг, агар улар Хушхабарни қабул қилсалар, улар хизматингизда катта рол ўйнаши мумкин ва сизнинг режалаштирган жойингизда Хушхабар тарқатишда сизга катта ёрдам берадилар. (Илова 3Б ни кўринг.)

### САВОЛЛАР

- Нима учун одамларнинг муҳтожликларини тушуниш муҳим? Хушхабар етказишда одамларнинг жисмоний ва ижтимоий муҳтожликларнини қондириш қандай рол ўйнаши мумкин?
- Сиз Хушхабар айтиш учун ҳамма одамга бир хил усул ёки восита орқали гапирасизми? Сиз ўзингизнинг хизматингизни кўп қиррали қила оласизми?

### ТОПШИРИҚ

Нима учун Муқаддас Китоб ҳар хил муҳтожликлари бўлган одамларга ҳар хил ёндашувлар қўллаш керак деб айтади, шуни яхшироқ тушуниш учун, 3В иловани кўриб чиқинг. Бу қўлланмада янги аҳддан ҳар хил воқеалар кўриб чиқилади. Исо Ўзини ҳар хил гуруҳдаги одамларнинг вакилларига таништиради.

3А иловани қўлланма сифатида ишлатиб, уни бирга ибодат қиладиган, сизнинг уч кишидан иборат бўлган гуруҳингиздаги икки киши билан бирга ишлаб чиқинг. Сиз ибодат қилаётган кишиларнинг исмини ёзиб, рўйҳат тузинг. Уларнинг Маслоунинг муҳтожликлар иерархиясидан аҳволини, кейин уларнинг Хушхабарга муносабати бўйича аҳволи қандайлигини аниқланг. Уларга Хушхабарнинг энг яхши тарзда етказиш учун нима қиласиз?

3Б иловадаги "Муваффақиятли Хушхабар етказишнинг "уч қоидасини" ўрганинг. Сизнинг туманингизда қандай одамлар "Муҳим" ҳисобланади? Сиз уларга Хушхабарни қандай етказишингиз мумкин?

Хушхабар тарқатиш
*Илова* 3А

# Одамнинг руҳий ҳолати ва унинг Хушхабарни қабул қилишга тайёрлигини аниқлаш

МИСОЛ

| Исми | Асосий муҳтожликлари. (тасвирлаш) (3.1. расм) | Исога имон келтиришга тайёрлиги. (3.3. расм) |
|---|---|---|
| Марина | Севги / Боғланиш<br>– ёлғиз фарзанд<br>– ота–онаси ажралишган<br>– Отаси ажралгандан кейин қизи билан учрашмаган.<br>– онаси қизига севги беролмаган, чунки ҳаддан ташқари банд бўлган. | “Имонга келиш даражасида” Марина тахминан (–12) да туради. У фақат ўзига ишониб яшаяпти.<br>“Православга тегишли” мамлакатда яшаб, у анъанавий жамоат борлигини билади, лекин бу унга қанчалик таъсир қилиш ҳақида заррача тасаввур қилолмайди. У Масиҳийлар имонининг асл маъноси ҳақида ва Исо Масиҳнинг қутқарувчи вазифаси ҳақида ҳеч нарса билмайди. |

ХУЛОСА:

Марина “Ерга ишлов бериш” даражасида турибди. Марина ғамхўрликка ва мустаҳкам, ўзаро муносабатларга муҳтож, фақат шу воқеада “экиш”сўзи фойдали бўлади.

## Дарс топшириғини бажариш учун жадвалларнинг намуналари.

| Исми | Асосий муҳтожликлар (Тасвирлаш) (3.1 расм) | Исога имон келтиришга тайёрлиги. (3.3 расм) |
|---|---|---|
| | | |

ХУЛОСА:

| **Исми** | **Асосий муҳтожликлар (таъриф) (3.1 расм)** | **Масиҳга ишонишга тайёр бўлиш (3.3 расм)** |
| --- | --- | --- |
| | | |

## Хулосалар:

| **Исми** | **Асосий муҳтожликлари (таъриф) (3.1 расм)** | **Масиҳга ишонишга тайёр бўлиш (3.3 расм)** |
| --- | --- | --- |
| | | |

## Хулосалар:

**Хушхабар тарқатиш**

*Илова* **3Б**

# Хушхабар тарқатишнинг учта самарали усули

Қуйида ҳар хил қабул қилишга ўрганган одамларга Хушхабар етказишда ёрдам берадиган учта усул кўрсатилган.

**I. САМАРАЛИ ЭКИШ**

## А. Ҳақиқатни яхши тушунадиган, одамлар, Масиҳга тезроқ келадилар

Ҳаворийлар китобини ўқиб чиқар экансиз, қуйидаги саволларни беринг: "Ҳаворий Павлус шаҳарга келганида, биринчи бўлиб қаерга борди? Ким билан биринчи бўлиб гаплашди? Нима учун у ҳар доим айнан ана шу тоифадаги одамларга биринчи бўлиб борарди?" Биринчи икки саволни сизнинг муҳокамангизга қолдириб, биз учинчи саволга жавоб берамиз. Нима учун у ҳар доим айнан ана шу тоифадаги одамлар олдига биринчи бўлиб борарди?

Павлус ана шу одамлар, Хушхабарни қабул қилиб, тез орада имонга келиб, жамоатда ҳизмат қилиш учун тайёр деб қатъий ишонар эди. У Хушхабар билан иложи борича кўпроқ одамларни эгаллаб олишга ҳаракат қиларди. Ҳаворий баъзилар, бошқаларга қараганда Хушхабарни қабул қилишга, руҳий ҳақиқатни эшитиб, унга имон келтиришга очиқроқ эканлигини тушунарди ва уларнинг олдига борарди. У ҳар доим ҳам илиқ қабул қилинмаганлигини кўрсатувчи далилларга қарамасдан, унинг стратегиясини нотўғри дея олмаймиз.

Келинглар эслаб олайлик, бизнинг мақсадимиз жамоатлар ташкил қилиш. Бу ишга қанчалик кўп одамларни жалб қила олсак, шунчалик яхши. Ахир "ҳосил" бўлмай қолган одамлар, "бажарувчилар"га айланишади. Кимки эшитишни ҳоҳласа, уларга Хушхабарни етказинг, лекин Худонинг армиясида хизмат қилишни истовчиларга алоҳида эътибор қаратинг.

## Б. Бошқаларга таъсир ўтказадиган одамлар, "муҳим одамлар", Масиҳ томон секинлик билан яқинлашишлари мумкин, аммо уларни Масиҳ учун эгаллаш келажакда кўплаб ҳосиллар келтириши мумкин

Павлуснинг ўзидан кўра, "муҳим одам"нинг намунасидан яхшироқ намуна йўқ. У Худога хизмат қилишнинг ҳамма маълумотларига эга эди. Унинг хизматга бўлган рашки бошқача эди. Аммо Унга имон келтириш кераклигини тушуниши учун вақт ва улуғланган Масиҳ билан учрашиши керак бўлди. Агар Худо юрагингизга яшаётган жойингиздаги мансабдор одамларга Хушхабар етказишни солган бўлса, сабрли бўлинг. У одамлар билан муносабатни сақлаб, мустаҳкамлаб боринг. Сизда у муҳтож бўлган нарса бор! Худодан сизга янги, янги имкониятлар беришини сўранг ва улардан фойдаланинг. Эсингизда бўлсин, Савл, имонлиларнинг қувғинчиси, мажусийлар ҳаворийси Павлусга айланди.

**II. САМАРАЛИ МУНОСАБАТ: Одамларни ўрганиб чиқиш ва ўзимизга мос келадиган тарзда эмас, уларга мос келадиган тарзда Хушхабар етказиш**

## А. Шахсий ёндашиш: Юҳ.3,4,9.

Бу боблардаги учта одам билан Исонинг суҳбатига қарайдиган бўлсак, У уларни ҳар бирининг руҳий муҳтожликларини тушунишлари учун алоҳида йўл тутганлигини кўрамиз. Юқори билимга эга бўлган фарзийга Исо руҳий дунё ҳақида хеч қандай тушунчага эга эмаслигини тушунишида ёрдам берди. Қудуқ ёнида, Самариялик аёлни тинчлантирда ва унда Худога бўлган руҳий чанқоқликни уйғотди. Бошқа ҳолда эса, Исо билан шахсий муносабатда бўлиш чанқоқлигини уйғотиш учун, аввал жисмоний муҳтожлигини қондириб, туғма кўр бўлган кўрнинг кўзларини очиб даволади. Уччала ҳолда ҳам Исо амал қилган битта усул кўриниб турибди: У суҳбатдошларида фақатгина ” тинглаётган қалбни“ эмас, балки ростдан ҳам муҳтожликка эга одамларни кўрди ва уларга улар муҳтож бўлган муносабатни кўрсатди.

## Б. Одамларга яқинлашиш 1Кор.9:19-23

Доно балиқчи овламоқчи бўлган балиқларини қаерда, қанчалик чуқурликда яшашини ўрганиб чиқади. Иложи борича балиқ учун табиий бўлган озиқни ҳўрак сифатида ишлатади. Тажрибали балиқчи қармоққа қўғирилган тухумни, ўзи яхши кўргани учун илиб қўймайди! Биз Хушхабарчилар, ”одам овчилари“, имонсизларнинг фикрлашларини ўрганиб чиқишимиз керак, у нимани қадрлашини, кўриниб турган муҳтожликларидан олиб чиқиб, Худо Каломи ва Муқаддас Руҳ томонидан очиб берилган руҳий муҳтожлигига келтиришимиз керак.

## III. САМАРАЛИ ТУШУНИШ - ҲАММА НАРСАДАН МАМНУН, РОЗИ БЎЛГАН КИШИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ИЗЛАМАЙДИ

Матто 9:12

Балиқ овчи ”таклиф“ қилган емишга, балиқ оч бўлганда ҳаракат қилади, тўқ бўлганда эмас. Биз Хушхабарчиларнинг вазифаси ҳам, одамларга руҳий муҳтожликларини кўришларида ёрдам бериш ва уларда Масиҳни излаш истагини пайдо қила билишдир. Одам қанчалик тезроқ муҳтожлигини тушунса, шунчалик тезроқ унинг ҳал бўлишини Масиҳда ишлашини тушунишимиз керак. Агар одамда руҳий очлик, Хушхабарга ”чанқоқлик“ йўқ бўлса, Муқаддас Руҳдан унда буни уйғотишини сўранг.

- Шундай қилиб, самарали Хушхабар етказиш учун қуйидагилар зарур: Муқаддас Руҳ кучи ва севгиси билан, у одамга Масиҳга яқинлашишида ёрдам берадиган қадамни босишида далда берадиган ҳаракатни бошлаш;
- Унинг ёнида бўлиб, қўллаб-қувватлаб, ана шу қарорни қабул қилишига йўналтириб туриш;
- У тўлиқ тавба қилиши учун, Исога имон келтириши ва шу имон орқали нажот топиши учун ибодат қилиш;
- Маҳаллий жамоатга ва хизматга уни қўшиш;

**Хушхабар тарқатиш**
*Илова*
**3В**

# Исонинг алоҳида одамларга яқинлашувини ўрганиб чиқиш

## *Таққослаш жадвали*

Хушхабарда Исонинг бошқа одамлар билан қилган ажойиб суҳбатлари кўп учрайди. Улардан бир нечтасини ўхшаш ва ўхшамас томонларини ўрганиб чиқамиз. Каломдан берилган ҳар бир парчани жадвалдаги ҳамма саволлар бўйича ишлаб чиқинг.

| **Каломдан парча** | **Юҳ. 3:1-21** | **Юҳ. 4:5-26** | **Юҳ. 9:5-7,35-39** | **Марк 10:17-22** |
|---|---|---|---|---|
| Исо ким билан гаплашяпти? | | | | |
| Бу парчадан у одам ҳақида нимани биламиз? | | | | |
| Қайси оятда суҳбат йўналиши (мавзу) ўзгаряпти? | | | | |
| Исо нимани талаб қиляпти? | | | | |
| Масиҳ нима таклиф қиляпти? | | | | |
| У одамнинг муносабати (реакцияси) қандай? | | | | |

# 6 Қисм: Уй гуруҳлари

**Уй гуруҳлари 1 Дарс**

# Уй гуруҳларининг вазифаси ва афзалликлари

**Дарс мақсади:**

Қуйидаги дарснинг мақсади – жамоат хизматида Уй гуруҳларининг афзалликларини кўрсатиб бериш.

**Кутилган натижалар :**

Материални ўрганиб чиққандан кейин, ҳар бир қатнашчи:

- Кичик гуруҳдан хушхабарчилар гуруҳининг фарқини таърифлаб беришни билиши;
- Уй гуруҳларининг асосий тўртта вазифасини билиши;
- Уй гуруҳларини Хушхабар етказишда, муносабатлар ўрнатишда, устозлик қилишда ва жамоатлар ташкил қилишдаги афзалликларини тушунтириб бера олишни билиши;

**Дарс режаси:**

I. Уй гуруҳларининг фарқли тарафлари
II. Уй гуруҳларининг вазифалари
III. Уй гуруҳларининг афзалликлари

## I. УЙ ГУРУҲЛАРИНИНГ ФАРҚЛИ ТАРАФЛАРИ

Дарснинг бошидаёқ уй гуруҳларига маълум бир таърифни бериш ўрнига, бу мавзу бўйича берилган ушбу дарс давомида у ҳақда ”аста- секинлик“ билан тушунчаларга эга бўлиб борамиз. Аммо Буюк Топшириқни бажарилишига олиб борадиган, кейинги мақсадни пайдо қилишда ёрдам берадиган, уй гуруҳларининг асосий фарқларини билиш жуда муҳим:

1. Хушхабар етказиш
2. Имонлиларнинг ибрати
3. Лидерларни тарбиялаш
4. Кўпайиш

Нима учун биз ”уй гуруҳи“ деган сўз бирлигини ишлатамиз? Нима учун уни ”кичкина гуруҳ“ деб атамаймиз? Кўплаб жамоатларда ”кичик гурҳлар“ мавжуд ва улар Каломни ўрганиш учун, ҳар хил хизматларни амалга ошириш учун йиғилиб турадилар. ”Уй“ ва ”кичкина“ гуруҳлар орасидаги фарқни яхшироқ тушуниб олиш учун фан оламидан мисол келтирамиз. Мактаб давриданоқ биология фанидан биламиз, ҳамма ўсувчи организмлар кичик ҳужайралардан ташкил топган ва бу ҳужайралар кўпаядилар ва янги ҳужайраларни пайдо қиладилар. Ҳар бир ҳужайра доимий равишда – иккига бўлиниб, бу иккитаси тўртта ҳужайрага бўлиниб, улар эса яна бўлиниб шу тарзда кўпайиб борадилар. Худди шу ҳужайралар каби ”уй гуруҳлари“ ҳам кўпайиб борадилар ва бу жараён ”кичкина“ гуруҳларга мансуб эмас. Бу жуда муҳим. Гуруҳда ҳар турли хизматлар пайдо бўлиши мумкин, аммо у ўсишни, кўпайишни мақсад қилиб қўймаса (янги гуруҳлар пайдо қилмаса), уни ”уй гуруҳи“ деб атаб бўлмайди.

Уй гуруҳлари жамоатда қандайдир янгича йўналиш ёки янгича русумми? Албатта йўқ. Уй гуруҳларининг аломатларини бошланғич жамоатларда кўришимиз мумкин ва буни ҳаворийлар китоби тасдиқлайди. Бир жамоатнинг аъзолари бўлганлар, кичик-кичик уй

гуруҳларида имонда ўсиш, у ҳақда кўпроқ билиш, қўшниларига ва дўстларига Хушхабар етказиш учун уйларда йиғилиб турганлар. Бу гуруҳлар катта умумий йиғилишларни ўтказиш учун, биргаликда сажда қилиш, шогирд орттириш ва Хушхабар етказиш учун ҳам йиғилиб турганлар.

## II. УЙ ГУРУҲЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Жамоатлар ташкил қилингандан кейин, гуруҳларнинг роли ҳар хил бўлиши мумкин, лекин уй гуруҳларининг вазифаси умумий сажда қилиш, устозлик ва Хушхабар етказиш. Ана шу сифатларни ҳам бошланғич жамоатларда кўрсак бўлади, албатта улар бошланғич жамоатларнинг тўлиқ фаолияти эмас, фақатгина улардан баъзилари уй гуруҳларининг вазифаларига мос келади.

***1.1. Расм. Янги Аҳд Жамоатлари ва уй гуруҳлари вазифаларини таққослаш.***

| **Янги Аҳд Жамоати** | **Уй гуруҳи** |
|---|---|
| **Муносабат** | |
| Имонлиларнинг муносабатлари бошланғич Жамоатларнинг фарқ қиладиган томонлари эди(Ҳав. 2:42;1Юҳ. 1:3,7). Улар ибрат кўрсатардилар ва бир-бирларига панд-насиҳат қилардилар (Ибр.10:25;1Сол.5:11) ва тез-тез биргаликда нон синдириш маросимини ўтказиб турардилар(Ҳав.2:42,26;20:7,11). | Уй гуруҳларида муносабат ҳар бир аъзони муҳтожлигини севгида, биргаликда, бирликда ва қўллаш орқали ҳал қилишга олиб келади. У муносабатларни очиқ бўлишини мустаҳкамлайди.<br><br>*Мумкин бўлган фаолият турлари:*<br>Муаммоларни бир-бири билан бўлишиш.<br>Бир-бирининг ”юкини олиб юриш“.<br>Ибодатда бир-бири учун ўтинч.<br>Биргаликда овқатланиш.<br>Байрамларни нишонлаш, оилавий байрамларни ҳам.<br>Бир-бирини қўллаш, ибрат кўрсатиш ва панд – насиҳат. |
| **Сажда қилиш** | |
| Имонлиларнинг сажда қилиши бахтиёр, хурсанд ва самимий юракдан чиққан. У улар Масиҳда топган ва бир-бирлари билан бўлган муносабатдан келадиган табиий хурсандчилик эди. (Ҳав. 2:47; 1:14; 6:4; Кол. 4:2). | Уй гуруҳларида сажда қилиш Худони хурсанд қилишни мақсад қилиб олган, Унинг ишлари ва Каломига асосланган олқишлар ва мақтовларда кўринади.<br><br>*Мумкин бўлган фаолият турлари:*<br>Масиҳий қўшиқларни куйлаш.<br>Худога Унинг Қудрати учун олқишлар.<br>Ҳамма нарса учун Худога шукрона.<br>Худонинг Борлиғи учун миннатдорчилик.<br>Овоз чиқариб, ёки ичида ибодат.<br>Худони олқишловчи текстларни ўқиш (мисол учун Забур санолари).<br>Масиҳий шеърларни ўқиш. |
| **Панд-насиҳат** | |
| Бошланғич жамоатларда кўп эътибор ”калом ёйиш хизматига“ қаратилган эди (Ҳав.6:4). Биринчи имонлилар ”ҳаворийларнинг таълимотини олгандилар“ (Ҳав.2:42), Жамоатлар тарқалиб боргани сари эса, бу ҳаворийларнинг жамоатларга мактубларини ўқишга айланиб борди (Кол.4:16; Фил.1:1; Гал.1:2). | Уй гуруҳларида панд-насиҳат амалий муаммоларни ҳал қилишда, Масиҳга яқинлашиш, руҳий ўсиш мақсадида Худонинг Каломидан таълим ва устозлик орқали берилади.<br><br>*Мумкин бўлган фаолият турлари:*<br>Каломни ёдлаш<br>Каломдан парчани ўқиб ўрганиш.<br>Ҳар кунлик ҳаётда Каломга асосланган |

| | |
|---|---|
| | принципларни қўллаш.<br>Тажрибалироқ имонлилар билан муносабатда бўлиш.<br>Руҳий инъонларни ўрганиш ва уларни қўллаш. |
| **Хушхабар етказиш** | |
| Бошланғич жамоатларда Исо Масиҳ ҳақидаги Хушхабарни етказиш табиий равишда содир бўлган. Хушхабар етказиш ишлаб чиқилиши ва ўргатилиши керак бўлган дастур эмасди: Масиҳнинг севгиси атрофдагиларга уларнинг муомалаларидан ва сўзларидан кўриниб турарди (Ҳав. 5:42;4:20). Улар Масиҳ ҳақида ”барчага ва уйма-уй юриб“ сўзлаб берардилар (Ҳав.20:20) Муқаддас Руҳ бошчилигида (Ҳав.4:31). Натижада одамлар Исо Масиҳ исмига ишона бошладилар ва нажот топдилар (Ҳав. 8:12; 16:31-34). | Уй гуруҳларида Хушхабар етказиш, Исо Масиҳнинг севгиси ҳақидаги Хушхабарни муҳтожларга етказишда, уларга Худони Ота сифатида ва Масиҳни Нажоткор сифатида билишларида ёрдам беришда содир бўлади. Бу гуруҳ йиғинларида ҳам, ундан ташқарида ҳам содир бўлиши мумкин.<br><br>*Мумкин бўлган фаолият усуллари:*<br>Бошқа иккита ибодат гуруҳи аъзолари билан учликда нажот топмаган дўстлари учун ибодат қилиш.<br>Йиғилишга имонсизларни таклиф қилиш.<br>Уй гуруҳларидан ташқарида бўлган одамларга ёрдам бериш.<br>Имонсизлар билан дўстона муносабатлар ўрнатиш.<br>Имонсизларга Масиҳ ҳақида гапириш. |

## III. УЙ ГУРУҲЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

### А. Хушхабар етказишдаги афзалликлар

Жуда кўп ҳолларда жамоатимизга янги одамларнинг келишига халақит берадиган кўринадиган ва кўринмайдиган тўсиқлар бўлади. Бу бизнинг урф-одатларимиз, кийинишимиз, ҳаракатларимиз, яна янги келганлар учун қўядиган талабларимиз бўлиши мумкин. Урф-одатлар ижобий ролъ ўйнаши мумкин, лекин ”ташқаридан“ келадиганлар учун у жамоатга қатнашда жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Тажриба шуни кўрсатадики имонсиз одамлар жамоатга қатнаш учун урф-одатларни енгиб ўтишга қодир эмаслар. Агар у жамоатга қатнаш учун бирор одатидан, ёки кийиниш стилидан воз кечишига тўғри келишини сезса, у ўз одатларидан эмас, балки шу жамоатдан юз ўгиради қўяди. Унга жамоат дунёси билан ўзининг дунёси ўртасида ўтиб бўлмас чуқурлик бордек туюлади.

Уй гуруҳлари имонсизлар томон анча табиий бўлган ”кўприкка“ эга. Гуруҳ аъзоларининг имонсиз дўстлари билан муносабатларини мустаҳкамлаб бориши, уларни йиғилишларга таклиф қилиши ривожланиб борар экан, бундай гуруҳдаги йиғилишлар табиий бўлиб қолади. Имонсизлар учун катта, кўпчилик нотаниш бўлган ва у ерда ўзини қандай тутишни билмаган жойга боришдан кўра, оддийгина, кичкина, расмий бўлмаган йиғилишларга бориши, у ерда дўстлари билан учрашиши осонроқ.

Юҳ.13:35да Исо шундай деган: ”*Агар орангизда муҳаббат ҳукмрон бўлса, сизлар Менинг шогирдларим эканингизни ҳамма шундан билиб олади.*“ Гуруҳга янги одамлар келганида, уларда энг катта таасурот қолдирадиган нарса, бу гуруҳ аъзоларининг бир-бирига бўлган илиқ муносабатидир. Янгилар ҳам гуруҳ ғамхўрлигини ўзларида ҳис қилганларидан кейин эса, улар ҳам кўпроқ ана шу севгининг манъбаи бўлган Исога қараб юра бошлайдилар.

### Б. Хизматда муносабатларни қуришнинг афзаликллари

Исонинг ер юзидаги хизматини кўриб чиқаётганда, Унинг шогирдлари билан жуда яқинликда яшаганини, биргаликда ибодат қилганини, биргаликда Худога сажда қилиб, Исонинг Ўзидан намуна олиб, нажот ҳақидаги хабарни биргаликда етказишганига эътибор бериш керак. Катта организмнинг бир бўлаги бўлган, Жамоатларнинг бошланиши бўлиб хизмат қилган, кичкина ”уй гуруҳи“, Худо томонидан шунчаки тасодифан ташкил қилинган бўлиши мумкинми? Масиҳ шундай шаклни (гуруҳ қилиб таълим бериш) хизматчиларни

тайёрлаш учун танлаши мумкинми?

Уй гуруҳларида хизматнинг кўплаб афзалликлари бор, улардан бири гуруҳ аъзоларининг табиий ва содда бўлган муносабатларини ривожланиб боришидир. Гуруҳнинг ҳар бир вазифаси (муносабат, сажда қилиш, панд-насиҳат ва Хушхабар етказиш) битта турдаги муносабатни ривожланишига имкон беради:

Муносабат: одам->одам
Сажда қилиш: одам->Худо
Панд-насиҳат: Худо->одам
Хушхабар етказиш: Худонинг болалари->дунёдаги одамлар

Уй гуруҳларида имонлилар биргаликда вақт ўтказадилар, *биргаликда хизматда қатнашадилар*, бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар ва бир-бирлари учун ибодат қиладилар, шахсий муаммоларида ёрдам берадилар. Бу уларга севгини мустаҳкамлашда, Худога ва бир-бирларига хизмат қилишда куч беради. Улар ўзларининг кичкинагина йиғилишларида ўзларини керакли ва қадрли деб ҳис қиладилар. Бу эса сажда қилганларида ва Худога севгиларини изҳор қилганларида алоҳида ўрин тутади.

Уй гуруҳлари – устозлик муносабатлари учун ажойиб жой. Руҳан анча ўсган биродарлар ёш биродарлар ва сингиллар билан уларга далда бериб, ибрат кўрсатиб, биргаликда хизмат қилишлари мумкин.

Уй гуруҳларининг мақсадларидан биттаси ўсиш ва кўпайиш бўлгани учун, унинг аъзолари доимо имонсизларни ўз гуруҳларига жалб қилиш, оилалари ва танишларига Хушхабар етказиш йўлларини қидирадилар. *Улар имонсизлар билан муносабатларга катта эътибор берадилар ва уларга гувоҳлик бериш учун ҳаракат қиладилар.*

## B. Хизматда жамоатлар қуриш афзаллиги

Уй гуруҳларидан фойдаланиш жамоатлар ташкил қилишда кўплаб афзалликларга эга. Жамоат ташкил бўлиши учун, Хушхабар етказилиши зарур, янги имонга келганларга устозлик қилиш, лидерларни тарбиялаш ва қолган ҳамма жамоат вазифаларини амалга ошириш зарур. Уй гуруҳлари – бу мақсадларга етишиш учун ажойиб имконият, бундан ташқари у битта жамоатга тегишли бўлганларга мос бирдамлик ҳиссини беради.

Жамоат ташкил қилишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Баъзилари мавжуд бўлган жамоалардан ташкил топади. Бошқалари бошқа жойлардан келган миссионерлар ёрдамида пайдо бўлади. Яна бирлари хеч қандай жамоатнинг ёрдамисиз дунёга келади. Баъзи жамоалар бошланишиданоқ биноларда, бошқалари – имонлиларнинг уйларида йиғилишлар ўтказадилар. Уй гуруҳларининг афзаллиги шундаки, улардан ҳар қандай жамоат қуриш услубида фойдаланиш мумкин.

Уй гуруҳларининг яна бир афзаллиги, у ерда хизматчилар фақатгина бир неча одамнинг руҳий ривожланишига жавобгар, бир неча ўн ёки юз эмас. Бу йиқилиб қолгунча ишлайдиган хизматчиларни пайдо бўлишини олдини олади. Роберт Логан ўзининг ”уй гуруҳларини кўпайтириш“ мақоласида шундай дейди:

*”Биргина, Руҳга тўлган одам қанча одамга гамҳўрлик қилиши, қанча одамга устозлик қилиши мумкин? Шунда ҳам биз чўпонлар, жамоат хизматчилари, жамоатга янада кўпроқ одамни жалб қилишга ҳаракат қиламиз, яна бир ўзимиз 50, 100, 250, 500 ҳатто 1000 лаб одамларга гамҳўрлик қилишга ҳаракат қиламиз! Наҳотки биз Раббимиздан каттароқмиз? Бир одам бошқара оладиган ажойиб гуруҳдаги одамлар сони – ўнта”.*

Уй гуруҳларидаги ишлаш принципи янада кўпроқ одамларга хизматни бошқаришда ишонч билдириш имконини беради ва бу билан уларга ўзларидаги бошқариш инъомини ривожлантиришларига йўл очади. ”Тажрибали хизматчилардан“ фарқ қилиб, уй гуруҳлари хизматчилари руҳий вояга етган ва қобилиятли ҳисобланадилар.

Барча жойда жамоат ташкил қилишнинг стратегияси ҳар бир одам – ўз жойи, вилояти, ноҳиясида кўпайиб борувчи жамоатлар қуришдир. Бу йўлдаги одатий тўсиқлар: натижасиз Хушхабар етказиш, устозлик, маблағ, тайёрланган лидерларнинг етишмаслиги ва кўпинча учрайдиган тури имонсизлар орасида Хушхабар етказиш мақсадининг йўқлиги. Уй гуруҳи аъзолари, Худога имонсизларга У ҳақда гувоҳлик бериб, янги ва янги одамларга нажот топишларида ёрдам бериб хизмат қилиш имкониятига эгалар. Улар бошланишданоқ (кичик гуруҳ аъзоларидан фарқ қилиб) хизмат қилишга, ўзлари эга бўлган нарсаларни бошқалар билан бўлишишга йўналтирилганлар. *Уй гуруҳлари Хушхабар етказиш учун, янги имонлиларга устозлик қилиш учун ва лидерларни тарбиялаш учун табиий имконият ҳисобланади.*

Агар гуруҳ уйларда йиғиладиган бўлса, жамоат учун уй ёки зал излашга муҳтожлик

бўлмайди. Бу муҳтожлик ҳал қилиниб, уй гуруҳларининг тайёргарлигига эътибор берган жамоат ташкил қилиш мумкин, маблағнинг ҳажмига эмас. Бошқача қилиб айтганда уй гуруҳи асосида жамоатлар қуришда маблағ масаласи тўсиқ бўла олмай қолади.

Уй гуруҳлари вилоят, ноҳия, шаҳар учун самарали гувоҳлик бериш стратегиясини ишлаб чиқишга имкон беради. Одатий тўсиқлар ҳал қилинса уй гуруҳлари гуллаб яшнаши мумкин. Бошқача сўз билан, *уй гуруҳларидан фойдаланиш жамоат ташкил қилишни анча соддалаштиради.*

## Г. Устозликдаги афзалликлар

Рим. 14:19 да айтилган: ”*Шунинг учун ўзаро тинч-тотув яшайлик, бир-биримизни руҳан ривожлантириш учун жон куйдирайлик!*“ Уй гуруҳлари имонлилар учун бошқалар ҳосилидан фойдаланиш ва ўзлари ҳам хизмат қилиш жойи бўла олади. Калом имонлиларнинг бир-бирига нисбатан жавобгарлиги ҳақида аниқ белгилаб берган. Бунинг учун табиий шароит бор жой эса уй гуруҳларидир – унда ҳар бир имонли бошқалар учун ўз инъоми билан хизмат қилади.

Имонлиларнинг бир-бирларига хизмат қилиши уй гуруҳларининг муҳим қисми ҳисобланади. Масиҳий инъомлари билан жамот яшнаши(1Кор. 14:12), Масиҳ Танасининг обод бўлиши учун хизмат қилиши зарур (Эф.4:12). Биз бир-биримизга таскин беришимиз (1Сал.4:18) ва панд-насиҳат қилишимиз керак (Эф.4:29). Бу дегани бир-биримизга ёрдам бера олишимиз учун, ўзаро юкимизни бўлишишимиз (Гал.6:2) даркор. Энг улуғ истагимиз бийодарларни (Рим.12:10) ва бир-биримизни чин юракдан севиш бўлсин(1Бутрус 1:22). Уй гуруҳи тузилиши имонлиларга Калом амрларини бажариш учун табиий жой бўлиб хизмат қила олади.

Бундан ташқари у ер ҳар бир имонлидаги руҳий инъомлар очиладиган жой ҳамдир. Бир гуруҳ имонлилар руҳий инъомларини ишлатишга, шогирд орттиришга, руҳий қатъиятга, тажрибалироқ имонлилардан ўрганиш имконига эга бўладилар. Вақт ўтиши билан у жараён такрорланади, аммо бу даврда энди унинг ўзи янги келган имонлилар учун устоз бўлади.

Кўплаб янги келган имонлилар гуруҳ ёрдами билангина ҳал қилиш мумкин бўлган муаммоларга эга бўладилар. Уй гуруҳларида иштирок этиш одамни жисмоний, руҳий, ижтимоий муҳтожликларини самарали йўл билан қондириши мумкин. Гуруҳ аъзолари ўзаро муаммоларини очиб, уларни биргаликда ҳал қилиб, биродарлик севгисини тушуниб борадилар ва ўсадилар. У жой кўплар учун Каломнинг ҳақиқатларини ҳар кунлик ҳаётда қўллаш нима эканлигини кўришнинг биринчи имконияти бўлиши мумкин. Улар қандай қилиб мустақил Каломни ўқишни, билганларини ҳаётда учрайдиган муаммоларни ҳал қилишда, улардан қандай қилиб фойдаланишни ўрганиб оладилар.

## САВОЛЛАР

- ”Уй гуруҳлари“ ва ”кичик гуруҳлар“нинг асосий фарқлари қандай?
- ”Бир-бирига“ хизмат қилиш якшанба кунлик эрталабки одат бўлиб қолган жамоат йиғинида самарали амалга оширилиши мумкинми? Бу йиғилишда муҳтожлиги қондирилмаган Масиҳийга оҳир оқибат нима бўлади? Янги имонга келган, ана шу муҳтожликлари қондирилмасдан туриб, ўсиб, руҳий вояга етадими?
- Имонсизларга жамоатингизнинг йиғилишига келиши учун бирорта тўсиқ борми? Қандай қилиб уй гуруҳлари имонсизлар учун ”кўприк“ бўлиб хизмат қилиши мумкин?
- Уй гуруҳларидан қандай қилиб барча жойда жамоат ташкил қилиш стратегиясида фойдаланиш мумкин?

## ТОПШИРИҚ

Уй гуруҳи ҳақида билмайдиган имонли танишингиз ёки дўстингизни топинг. Унга бу усулнинг самаралилиги ҳақида сўзлаб беринг ва ундан у сизнинг гапларингизга қўшиладими, қўшилса нимага деб сўранг. Иложи бўлса унинг жавобларини мана шу курсни тугатган қатнашчилар билан муҳокама қилинг.

Уй Гуруҳлари

2 Дарс

# Уй гуруҳларини бошқариш принциплари

**Дарс мақсади:**

Бу дарснинг мақсади - уй гуруҳидаги Раҳбарга унинг вазифалари ва мажбуриятлари тўғрисида тушунча беришдир.

**Кутиладиган натижалар:**

Материални ўрганиб чиққандан сўнг, ҳар бир ўқувчи билиши керак:

- Уй гуруҳларидаги Раҳбар ролини тушуниши.
- Ҳар қандай уй гуруҳи Раҳбарининг мажбуриятларини тушуниши.
- Уй гуруҳининг кўпайишини мақсад қилиб, унга самарали режалар тузиши.
- Ўз уй гуруҳининг биринчи йиғилишини режалаштириши.

**Дарс режаси:**

I. Раҳбарнинг асосий мажбуриятлари
II. Уй гуруҳи йиғилишини ўтказиш
III. Уй гуруҳидаги режалаштиришлар

**Иловалар:**

2А. Уй гуруҳида одамларни “ бир-бирига яқинлаштириш”
2Б. Уй гуруҳидаги йиғилиш режаси
2В. ”Уй гуруҳи йиғилиши режасининг намунасини тузиши“

**Ўқитувчига кўрсатмалар:**

Бу дарсда биз фақат уй гуруҳини бошқарув принциплари тўғрисида гаплашамиз. Лидернинг сифатларини эса, “Лидер” қисмидаги “ Лидернинг сифатлари” дарсида батафсилроқ кўриб чиқамиз.

## I. РАҲБАРНИНГ АСОСИЙ МАЖБУРИЯТЛАРИ

### А. Масиҳийликдаги намунали хаёт

Уй гуруҳлариниг асосий вазифаларидан бири бу Хушхабар тарқатишдир. Шу сабабдан ҳам гуруҳнинг ҳар бир йиғилишида, гуруҳга энди имонга келган ва имонли бўлганига унча кўп вақт бўлмаган одамлар қўшилади. Уларнинг кўпчилигига Масиҳийнинг хаётидаги принциплар ва Худо хизматни яхши тушунмайдилар. Шу сабабдан гуруҳнинг лидери ўзининг сўзларида ва амалда уларга ҳаммасини кўрсатиб бериши керак бўлади. Бунинг учун гуруҳ лидери бошқалар билан жуда очиқ ва самимий бўлиши керак. Гуруҳ билан Худонинг ишида эришилган ютуқлар хақида, қийинчиликлар хақида бўлишиши керак. Бундай самимийлик уларга далда бўлади ва ўз навбатида улар ҳам бу нарсани ўз хаётларида ишлата бошлайдилар.

Ўз лидерининг намунали хизматини кўриб ўқувчилар ҳам худди шундай ўзларининг келажак гуруҳларида ҳам бошқалар учун намуна бўлишади. Бундай йўлни шахсан Исо Масиҳ ўз шогирдларига нисбатан ишлатган. Шогирдлар Исо билан бирга бўлган пайтларида Уни кузатиш ва эшитиш орқали кўп нарсани ўрганишган. 1Солоникаликларга мактубида 6-7 оятларида Павлус, Силван ва Тимўтий Солоникаликлар учун “ўрнак” бўлишганларини ва ўша Солоникаликлар кейинчалик Македония ва Ахая имонлилари учун намуна бўлишганлиги

ёзилган. Павлус 1Кор. 11:1 мактубида имонлиларга:- “ *Мен Масиҳга қандай эргашсам, сизлар ҳам худди шундай эргашинглар*” дейди. Ўз навбатида Уй гуруҳи Раҳбари ҳам гуруҳдагиларга намуна бўлиши керак.

## Б. Лидерларни тарбиялаш

Уй гуруҳидаги асосий мақсадлардан бири кўпайишдир. Гуруҳ катта бўлиб кетганидан сўнг, уни иккига бўлишга тўғри келади. Ва бўлинган гуруҳга янги тайёрланган Раҳбар керак бўлади.

Уй гуруҳининг устун томони шундаки, у ерда Масиҳий лидерларни таёрлашга яхши имконият бор. Гуруҳ лидерини биринчи ўринларда турадиган вазифаларидан бири, бу ўзини Муқаддас Руҳга тўлган ўринбосарини таёрлашдир. Бундай ўринбосар яхши лидерни хусусиятларига эга бўлиши керак. Гуруҳ Раҳбари ўзининг ўринбосарига ҳамма йўл-йўриқни ўргатиши керак. Ўринбосар эса “ устозининг” нима қилаётганини ва нима гапираётганини ўрганиши керак ва “устозининг” ишларида актив қатнашиши керак бўлади. Учинчи қўлланмада биз Уй гуруҳи лидерини таёрлаш жараёнига алоҳида тўхталиб ўтамиз. Уй гуруҳини ташкил қилаётганда, Худо бир-неча лидерларни келажак учун тарбия қилмоқчи эканини эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

## В. Тайёрлаб хизматга жўнатиш

Ҳар бир имонли ўзини Муқаддас Руҳ ато этган қобилиятини билиши ва уни ишлатишни билиши керак. Афсуски имонлилар ўзини Худодан келган қобилятини билишмайди ва билишса ҳам уни ишлатишмайди. Уй гуруҳининг тузилиши нафақат Муқаддас Руҳдан келган қобилиятни билиш, балки уни хаётда ишлатишга ҳам ўргатади.

Уй гуруҳи лидери гуруҳ аъзоларига ўзининг қобилиятини топишга имконият туғдириб бериши керак бўлади, бунинг учун гуруҳ Раҳбари ҳар бир ўқувчига яраша алоҳида ва махсус йўл билан муомала қилиши учун яхши психологнинг сифатларига эга бўлиши керак бўлади (кейинги учинчи ва тўртинчи қўлланмаларда бунарса тўғрисида кўпроқ гапириб ўтамиз). Шундай тест принципига асосланган материаллар борки , улар имонлининг қобилиятини ва қобилият имкониятлари қарашларини очишга ёрдам беради. Бундай материаллар гуруҳ Раҳбарларига жуда катта ёрдам бериши мумкин. Бундан ташқари имонлининг қобилиятини билмоқчи бўлсангиз, уни ҳар-хил турдаги хизматларда иштирок этишига имконият яратиб бериш керак бўлади.

Шунинг учун, ҳам гуруҳ Раҳбарининг роли хизматдагиларнинг қобилиятларини билишга ва уни моҳирлик билан хаётда ишлатишда ёрдам беришдир. Бу нарса гуруҳ аъзоларининг ваколатларини аста секин кўтарилиши билан амалга ошади. Бошида гуруҳ Раҳбари ўзининг шогирдларига катта ва қийин бўлмаган вазифаларни бериши керак бўлади. Ва кейинчалик улар руҳан улғайиб ва ўзларини қобилиятларини билиб, ишлатишни ўрганганларидан сўнг, уларни гуруҳдаги хизматларга кўпроқ қатнашишларига имконият яратиб бериш керак бўлади.

# II. УЙ ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ

Уй гуруҳи йиғилишини аниқ бир йўл билан олиб бориш усули мавжуд эмас. Чунки гуруҳни ташкил қилиш ва олиб бориш гуруҳнинг Раҳбарига тегишли. Унинг устига Уй гуруҳини ҳар бир йиғилишида тўртта вазифаниниг ҳар бирига етарлича эътибор берилиши ва етарли вақт ажратиши керак бўлади(вазифалар: муносабат ўрнатиш, сажда қилиш, ўргатиш, Хушхабар айтиш).

Уй гуруҳининг “оддий” йиғилиши бундай тарзда ўтиши керак бўлади: Бошланиш қисмини мулоқатга, саломлашишга, янгиликлар билан алмашишга ажратиш лозим. Ундан кейин сажда , ибодат, Худога ҳамду сано айтиш келади. Сажда вақтидан кейин Инжилни ўрганиш вақти келади. Кейин эса гуруҳ аъзолари хизмат хақида гап олиб боришади. Шу вақтда улар дўстларига, қўни - қўшниларига ва ҳар хил гуруҳларга Хушхабарни тарқатиш режаларини тузишади. Бундан ташқари, улар баъзи сабаблар туфайли қўшилмаган ва қўшилиши керак бўлган одамлар учун ибодат қилишлари мумкин бўлади.

Йиғилишнинг қисимларига қанчадан вақт ажратиш, гуруҳнинг қанча вақтдан бери бирга эканлигига боғлиқ ( чунки янги ташкил қилинган гуруҳга бир-бирларига яқин муносабат ўрнатишига кўпроқ вақт кетади, шу тариқа Инжил ўрганишга камроқ вақт қолади). Лекин йиғилишга кетадиган вақт тахминан 90 минутни ташкил қилиши керак. Масалан, муносабат ўрнатиш учун гуруҳ 20 дақиқа кетказса, 20 дақиқани саждага, 30 дақиқани Инжилни ўрганишга ва қолган 20 дақиқани хизмат тўғрисида мулохазалар олиб

боришга ишлатилиши керак бўлади.

Гуруҳ Раҳбари йиғилишни бошланишига ва тугашига, бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга ўтишга жавоб беради. Гуруҳнинг ҳар бир вазифаси унинг ўсиши ва мустахкамланишида жуда муҳим ролъ ўйнайди. Шунинг учун гуруҳ Раҳбари ҳар бир вазифага етарли даражада вақт ажратиши керак бўлади.

Гуруҳ Раҳбари ҳар бир йиғилишнинг мақсади ва унинг режалари учун жавобгар. Гуруҳ аъзолари руҳан мустаҳкамланиб, ўсиб боргани сайин гуруҳ Раҳбари баъзиларга йиғилишнинг баъзи қисимларини олиб бориш имкониятини бериши лозим. Буларни ҳаммасини бажариш учун қуйидаги саволларни ечиш лозим:

## А. Йиғилиш учун жой

Гуруҳ Раҳбари йиғилишни олиб бориш учун жой топиб ва унга жавобгар одамни қўйиб қўйиши керак. Кўпинча бу ролни гуруҳ Раҳбарининг ўзи бажаради. Жойга жавобгар бўлган шахс хонани тайёрлаб, у ерга жой тайёрлаши керак бўлади (қатнашчилар бир-бирини яхши кўриши учун энг яхшиси жойни доира шаклида қилган маъқул). Агар йиғилиш пайтида ҳар турли пишириқлар ёки овқат кўзда тутилган бўлса, буларга ҳам хонага жавобгар бўлган шахс жавоб беради.

Йиғилишнинг жойи гуруҳ Раҳбарига боғлиқ, агар гуруҳга янги аъзолар ёки меҳмонлар келган бўлса, гуруҳ Раҳбари одамларни яқинлаштириши ва даврани илиқлаштириш учун баъзи чораларни кўриши керак. Муомала қилиш вақти, гуруҳ аъзолари бир-бирини кўпроқ билиши учун, ҳар бирининг хаётида қандай воқеалар бўлганини бўлишиш учун, ўзларини хурсандчиликлар билан ва бир-бирини қўллаб қуватлаш учун сарфланади.

Одамларни бир-бирига қандай яқинлаштириш ва ораларидаги уялишни бартараф этиш тўғрисида 2А Иловада тўхталиб ўтамиз.

## Б. Сажда қилиш

Сажда қилиш, иштирок этувчиларга йиғлишнинг қолган икки қисмини хушчақчақликда ўтишига ёрдам беради. Худо Инжил ўрганиш пайтида уларга кўп марта мурожаат қилади. Бордию гуруҳ Раҳбари ёки гуруҳ аъзоларининг баъзилари чолғу-асбобларини чалишни билсалар, улар сажда вақтини мусиқа билан ўтказишлари мумкин. Агар мусиқа бўлмаса, эсингизда бўлсин, Худога тоза юраклардан чиққан ҳамду-санолар қўшиқ каби хуш келади.

## В. Ибодат

Ибодат гуруҳнинг ҳар қандай ҳаракатини бир қисми бўлиши мумкин. Гуруҳ Раҳбари йиғилишнинг бошини ҳам ва тугашини ҳам ибодат билан бошлаши керак. Лекин гуруҳ Раҳбари гуруҳдаги янги аъзоларни уятчанлигини инобатга олиб, уларга ибодат фақат ҳоҳловчилар учунлигини тушунтириб бериши керак. Янги аъзолар бошқа гуруҳдагиларни кузатиб, кейинчалик ўзлари ибодат қилишни бошлашади.

Ибодат йиғилишларнинг табиий қисми бўлиши керак. Ва гуруҳ Раҳбари ибодатни йиғилишнинг ҳар бир қисмига режалаштириб қўйиши керак бўлади.

Ибодат учликлари - бу учта-учтадан бўлган гуруҳларни учта дўстлари ёки танишлари учун ибодат қилиш учун тузилган кичик гуруҳлар. Бу дегани ҳар бир учлик тўққиз киши учун ибодат қилишади дегани. Бошқа вариантлардан бири бу , ибодатни иккита - иккита бўлган гуруҳларда олиб бориш. Бундай вариантлар гуруҳга энди келган ва уятчан, ибодатни бошқалар олдида овоз билан айта олмайдиганлар учун маъқул келади.

## Г. Инжилни ўрганиш

Инжилни ўрганиш дарси гуруҳ Раҳбарининг жавобгарлиги ҳисобланади, аммо бу вазифани дарс бериш қобилиятига эга бўлган бирон кишига топшириб қўйиш мумкин. Уй гуруҳлари Инжилни ўрганиши учун индуктив усул жудаям маъқул келади. Чунки индуктив усул ўқувчиларни мустақил равишда Инжилни ўрганишига ёрдам беради. Лекин Инжилни ўрганиш учун жуда кўп усуллар мавжуд.

Эслатма: кўп гуруҳлар Инжилни ўрганиш учун жудаям кўп вақт ажратишади. Бунга сабаб, гуруҳлар жамоатлардаги Инжил ўрганиш принципини қўллайдилар. Инжил ўрганишга хаддан ташқари кўп вақт ажратиш, йиғилишнинг қолган қисмиларига камроқ вақт ажратишга олиб келади. Шунинг учун ҳам гуруҳ раҳбари йиғилишнинг тўртта қисмига ажратилган вақт мувозанатини ушлаб туриши жудаям муҳим.

## Д. Устозлик

Устозлик - биз кимгадир уни хаётида Исо Масиҳга яқинлашишига ёрдам бериб ва хаётда кўпроқ хосил келтиришига ўз хиссамизни қўшганимизда амалга ошади. Янги имонга келган одамда ҳар доим ўзига яраша муҳтожликлар бўлади. Буларга руҳий мавзуга тегишли етарли маълумотга эга бўлмаслиги, ҳар хил шубҳалар, кўнглини совуши, ўзини худди ёлғиздек, ўзиникилар орасида эмасдек хис қилиш каби туйғулар сабаб бўлади. Бундай одам тўғрима тўғри ва чин юракдан ёрдам берадиган устозга муҳтож бўлади. Бундай устоз учун ўша одамга ёрдам бериш энг муҳим вазифа бўлиши керак. Янги имонга келган одамнинг ёнида унинг саволларига жавоб берадиган ва унга бефарқ бўлмаган устоз бўлиши керак.

*Устозлик пайтидаги одамларнинг бир-бирига очиқ, яқин, дўстона муносабатда бўлишини инобатга олган холда аёл-қизлар учун аёл устоз бўлиши керак ва эркаклар учун эркаклар.*

Гуруҳ Раҳбари ҳар доим янги қўшилган одамга устозни, яъни йўл-йўриқ кўрсатиб турадиган одамни бириктириб қўйиши керак.

Хеч қачон янги келган одам йўл-йўриқ кўрсатиб турадиган одамсиз қолмаслиги керак. Бутун гуруҳ билан бўлган муомала руҳан ўсишга олиб келади, лекин Исо Масиҳ ўз шогирдлари билан бирма-бир гаплашиб ўргатганидек биз ҳам янги келган одамлар билан бирма-бир гаплашиб, ёрдам берадиган устозни қўйиб қўйишимиз керак. Гуруҳ Раҳбари Муқаддас Руҳга ишонган холда ўзига “ўринбосар” тайинлаши керак бўлади ва ўринбосар кейинчали Раҳбарнинг ишини олиб боришига тўри келади. “Ўринбосар” гуруҳ Раҳбарини ҳамма олиб бораётган ишларида иштирок этиши керак, чунки бу билан у ўз тажрибасини ошириши мумкин.

## Е. Хушхабар айтиш

Гуруҳ аъзоларига Хушхабар тарқатиш ниятини бериш гуруҳ раҳбарининг вазифаси ҳисобланади. Бу ниятни тушунтириб бериш, гуруҳ аъзоларида Хушхабар етказиш ва имонсизлар билан табиий ҳолатда имонлари ҳақида гувоҳлик бериш муносабатларини ўрнатиш заруратини кўрсатиб бериши керак. Гуруҳ раҳбари ҳар бир аъзонинг умумий хизматдаги ўз ўрнини топишларида ёрдам бериши муҳим. Буни эса Каломдан, имонлилар Хушхабарни етказишлари ҳақида ва Калом принципларини ўз ҳаётларида қўллашлари ҳақида ўқиб-ўрганиш орқали эришиш мумкин.

Уй гуруҳлари йиғилишларида Хушхабарни етказиш ҳақида сўзлашиш, гуруҳ аъзоларининг хаётида Худонинг қилаётган ишларини ва Масиҳнинг севгисини воизлик қилиш ҳақида суҳбатлашиш учун ажойиб имконият ҳисобланади. Яна йиғилишнинг мана шу қисмида раҳбар янги гуруҳлар ташкил қилиш зарурлиги ҳақида эслатиб ўтиши мумкин.

## III. УЙ ГУРУҲИДАГИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Кўпчилик одамлар ёзув - чизув ишларини хуш кўрмайди, лекин бунга қарамасдан гуруҳ Раҳбари албатта режалар ва мақсадлар тузиши керак бўлади:

**Худонинг олдидаги жавобгарлик:** Биз Масиҳийлар Худо бизларга берган манбаларни, яъни вақтимизни, кучимизни унумли ишлатишимиз керак. Шунинг учун режалар тузиш чекланган манбаларимиздан самарали фойдаланишимизга имкон яратади.

**Кўпайиш:** Агар Уй гуруҳини очиқ денгизда сузиб юрган кема билан солиштирсак, аниқ мақсадга ва имкониятга эга бўлган Уй гуруҳи мақсадсиз ва келажаги бўлмаган гуруҳдан анча фарқи борлигини тушинамиз. Худо ҳаммани бирга Буюк Топшириқни бажариб, жамоатлардаги “Уйларни” кўпайишини ҳоҳлайди. Фақат аниқ режалар бўлганда Уй гуруҳи кўзда тутулган йўл билан ўзининг мақсадига етиб, кўпайишга олиб келади.

Режалаштириш ўз ичига оддий бўлган уч поғонали жараённи олади.

- Ибодат қилинг ва Худодан режа тузиш учун доноликни сўранг.(Ёқуб 1:5)
- Гуруҳ учун аниқ режалар ва мақсадлар тузинг. Ва шу режалар ва мақсадлар учун муддат белгиланг.
- Жадвалга, ўз мақсадингиз қай даражада амалга ошганини текшириш учун аниқ санани белгиланг.

Мана шу ибодат режалаштириши ва баҳо бериш поғоналаридан юриб сиз гуруҳни ва ундаги бўшроқ жойларини кўриб, уларни тўғирлашга ҳаракат қиласиз. Ва мақсадга эришиш учун эътиборингиз ва имкониятларингиз кўпаяди. Баъзан Уй гуруҳидаги режаларга озгина ўзгартиришлар киритилиши мумкин, лекин бу режалаштириш жараёни учун табий холат.

## САВОЛЛАР

- Уй гуруҳининг Раҳбари ўзининг баъзи бир мажбуриятларини фақатгина "ўринбосарига" эмас, балки гуруҳнинг ҳамма аъзоларига топшириб қўйиши керакми? Ҳа/Йўқ. Нима учун?
- Нима учун янги келган гуруҳ аъзосига "устозни" бириктириб қўйиш муҳим ҳисобланади?
- Гуруҳ ўз фаолиятини бошлаганидан сўнг, гуруҳ Раҳбари қанча вақт ўтгандан кейин ўзига "ўринбосар" тайёрлаши керак бўлади? Гуруҳ Раҳбари ўзининг "ўринбосарини" ўргатиши ва у ўзининг янги гуруҳини бошқариши учун қайси иш фаолиятларини биргаликда бажариши керак?
- Нима учун гуруҳ раҳбари ҳар йиғилиш учун ва гуруҳнинг келажаги учун режалар тузуши керак? Гуруҳ учун режа тузушдан кўра, уни табий равишда ўз йўлида кетишига ижозат бериб қўйган яхшироқ эмасми?

## ТОПШИРИҚ

Фараз қилайлик, сизда бир хафтадан кейин, Уй гуруҳингизнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтиши керак. 2В Иловасини ишлатган холда гуруҳ йиғилиши учун режа тузинг. Иложи борича батафсилроқ бўлинг. Йиғилиш учун яна қандай жиҳатларни қўшган бўлар эдингиз? Вазифани тугатгандан сўнг бирон ўқувчини тузган режангизни ўқиб эшиттиришини сўранг. Ва ўз навватида сиз ҳам унинг тузган режасини ўқиб эшиттиринг.

Уй гуруҳлари

*Илова*

2А

# Қандай қилиб Уй гуруҳларида ”музни эритиш“

*”Музни эритиш“ деганини қисқача тушунтирадиган бўлсак, йиғилишдаги одамларнинг бир-бирларига нотанишликлари сабабли келиб чиқадиган совуқ муҳитга иliқлик киритишдир. Қуйида гуруҳингиздаги муҳитни яхшилаш учун фойдаланишингиз мумкин бўлган бир неча мисоллар берилган. Лекин сиз фақатгина ўзингизга, яъни гуруҳингизга энг мос келадиган мисолдан фойдаланинг.*

Иложи борича гуруҳдаги одамларни уларнинг ёшларига, мазҳабига ва гуруҳ аъзоларининг урф-одатларига қараб, уларни бир-бири билан яқинлаштирадиган йўлни танлашингиз керак бўлади. Бу масалага алоҳида эътибор қаратинг, чунки, борди-ю одамларга таклиф қилинган йўл нотўғри чиқиб қолса ( яни бу йўл худди болаларникидек ёки жуда ошкора кўринадиган бўлса) одамлар ўзларини ноқулай сезиб, саросимага тушиб қолишлари мумкин.

Ҳар бир одамни қиладиган ишингизга жалб қилишга ҳаракат қилинг.

Гуруҳ билан иш қилаётганда хеч кимни шахсий туйғуларига тегиб кетмасликка ҳаракат қилинг.

Ҳар бир янги дарс ўтган сайин одамлар бир-бирини кўпроқ билишни бошлашади ва шу тариқа бир-бирини танитиш учун сарфланадиган вақт ҳам камайиб боради. Масалан, биринчи дарсда танишиш учун дарсни ярим вақти кетадиган бўлса, бир неча ойдан кейин бу нарса 10-15 дақиқани олади.

## ”Музни эритиш“ учун бир неча таклифлар

### Мен кимман?

Машҳур одамларни ёки Инжилдаги қаҳрамонлар исмини варақларга ёзиб чиқинг. Ва шу варақларни ҳар бир одамнинг орқасига ёпиштириб, ўз ўзини орқасида қайси исм ёзилганини ўқиш мумкин эмаслигини айтиб қўйинг. Ўшанда иштирокчилар хонада юрган пайтида бир-бирига у ёки бу қаҳрамон кимлигини эмас, балки, қандай эканлиги хақида савол беришлари керак.( масалан, яшаган вақти, касби, ижоди ва ҳаказо). Ўзини кимлигини биринчи бўлиб топган одам ютган хисобланади.

### Ишонтириб айтаманки сиз буни билмайсизлар

Гуруҳдаги хар бир одам бошқалар бу нарсани билмайди деган холда бир вараққа ўзи тўғрисида ёзади. Бундай варақларни ҳаммадан териб олиниб ва яхшилаб аралаштирилгандан сўнг рақамланади. Кейин маълум бир одам варақни рақамини айтиб ўқишни бошлайди. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси одамларнинг Рўйҳатини тузишни бошлайди, яъни ўқилаётган варақ унинг фикрича қайси одам тўғрисида ёзилган. Ҳамма варақлар ўқиб бўлинганидан кейин, кимнинг тузган Рўйҳатида кўпроқ аниқлик бўлса ўша одам ютган хисобланади.

### Қийин савол

Гуруҳдаги ҳар бир одамга: - “ Сен озгина вақт ичида савол ўйлаб топиб уни бошқаларга беришинг керак” деб тушунтирилади.

Ҳар бир одам савол ўйлаб топганидан сўнг, улар бир-бирига шу саволларни беришлари керак бўлади. Ҳар бир одамни ва уни саволга бўлган жавобини ёзиб олиш керак бўлади. Таҳминан ўн дақиқадан сўнг гуруҳ доира шаклида йиғилиб, ҳар бир одам тўғрисида нима билганларини гапириб беришади. Эсингизда бўлсин, савол қанчалик қизиқ бўлса, ўшанга яраша жавоби ҳам қизиқ бўлади.

## Об-ҳаво хабарлари

Лидердан бошлаб, ўзингизни қандай хис қилаётганингизни об - хаво терминлари билан ифодалаб беринг , яъни очиқ хаво, ёмғир ва хоказо. Иштирокчилар нима учун у ёки бу холатни танлаганларини тушунтириб беришлари мумкин. Гуруҳ Раҳбари ўзини очиқ диллиги билан бошқалар учун намуна бўлиши керак.

## Танга ўйини

Агар гуруҳга янги-янги одамлар келишни бошласа, сизда ҳар эҳтимолга қарши “танга ўйини” бўлиши мумкин. Хамма ўйин иштирокчисига 10 тадан танга беринг. Сўнг ҳар бир одам ўзини бошқалардан фарқ қиладиган томонини айтиши керак бўлади. Масалан гуруҳ аъзоларидан бири саргузашт ишқибози бўлса: - “ Мен Помир тоғини учига чиққанман” деб битта тангани ўртага ташлайди. Бордию гуруҳ ичида Помирни учига чиққан бошқа кимдир бўлса, у ҳам ўртага битта танга ташлаши мумкин бўлади. Агар шу ўйинда кимнинг тангаси биринчи тугаса ўша ютган хисобланади.

## Гуруҳ бўлиб Пантомима (имо-ишора) ўйини

Бу ўйинни ўйнаш учун сизларга иккита гуруҳ ва иккита хона керак бўлади. “А” гуруҳи “Б” гуруҳи учун қандайдир саҳнани ёки сюжетни (масалан нонушта саҳнасини) ўйлаб топиши керак бўлади, лекин хеч қандай гап ишлатмаган холда. “А” гуруҳи “Б” гуруҳидаги фақат бир одамга (масалан Лобарга) саҳнани нима тўғрисида эканини гапириб беради. Лекин Лобар ўзининг гуруҳидаги хеч кимга бу нарсани айтмайди. Лобар ўзининг гуруҳига бориб бир кишини (масалан Махмудга пантомима ёрдамида (эсингизда бўлсин хеч қандай сўзсиз) Лобарга берилган саҳнани тушинтириб беришга ҳаракат қилади. Кейин Лобар ўзини “Б” гуруҳига қайтиб бирон кимни “А” гуруҳига юборади. У ерда Махмуд унга ўзи Лобардан тушинган сахнани кўрсатиб беради. Бу нарса “Б” гуруҳидаги охирги иштирокчигача давом этади. Охирги иштирокчи саҳнани топганидан сўнг, гал “А” гуруҳига ўтади. Кейин эса “Б” гуруҳини сюжетини ёки саҳнасини “А” гуруҳи топиши керак бўлади.

## Жавоблар ва муаллифлар

Бир парча қоғозга тўртта ёки бешта одамни шахсини белгилашга ёрдам берадиган оддий саволларни ёзинг . Масалан : Сизни яхши кўрган нарсангиз нима? Қўлингиздан келмайдиган ишни ўрганишни ҳоҳлайсизми(масалан рубоб чалиш, велосипед ҳайдаш, сувда сузиш ва ҳоказо). Сиз учун яхши дам олиш бу нима дегани? Бундай ва шунга ўхшаган саволларни ҳаммасига ёки учтасига жавоб бергандан сўнг, вароққа ўзининг исмини ёзмаган ҳолда ўйин бошловчисига топширилади. Ўйин бошловчиси ан шу қоғозларни аралаштириб ҳаммага ўқиб беради, қолганлар эса ким қандай жавоб берганини топиши керак бўлади.

## Ҳамма менинг қўшниларим

Бу ўйинни ўйнаш учун стулларни доира шаклида териб чиқиш керак бўлади. Стуллар сони иштирокчилардан биттага кам бўлиши керак бўлади. Стул етмаган ўйин олиб борувчиси доир ўртасига туриб маълум бир нарсани айтади. Бу ўзининг “қўшниларига” ҳам тегишли бўлади(масалан, “Менинг қўшниларим жинси шим кийишган, ёки пианино чалишни билади, ёки сочи қора). Ҳар-бир одам агар унга айнан айтилган нарса тўғри келса, ўрнидан туриб бошқа стулга ўтириши керак бўлади. Ўйин олиб борувчи биринчи бўлиб бўш стулга ўтириши керак бўлади. Шундай қилиб ҳар сафар битта одам стулсиз қолади. Ва ўша стулсиз қолган одам ўйин бошловчисига айланади.

## Гуруҳдаги музокаралар

Бу саволларни катта тўплами гуруҳдаги музокаралар учун ишлатилиши мумкин. Ёдингизда бўлсин бу саволларни баъзилари янги гуруҳлар учун ишлатилиши мумкин. Баъзилари эса аъзолари бир-бирига яхши таниш ва яқин бўлган гуруҳларда ишлатилиши мумкин. Сиз бу саволларни ичидан ўзингизнинг гуруҳингизга энг мақул келадиганларини танланг. (Эсингизда бўлсин, музокарани йўналтириб бориш ва уни самимийлигини гуруҳнинг Раҳбари белгилайди. Саволларни баъзилари мустаҳкам гуруҳлардаги баъзи мавузлар бўйича чуқур музокараларни ривожлатириши мумкин).

- Хаётингиздаги энг бахтли он қайси бўлган?
- Ўзингизнинг биринчи учрашувингиз хақида гапириб беринг.
- Хаётингиздаги энг катта қайғу қандай эди?

- Умримда қилган энг қийин нарса ...
- Менга хаётимда қилинган энг катта хушомад ...
- Сизларга бу дунёдаги энг яқин дўстим хақида гапириб беришга ижозат беринг ...
- Кейинги хафтада сиз қандай энг аҳамиятли иш қилмоқчисиз?
- Болаликда сиз ўзингизни қаерда қулайроқ ва ҳафсизроқ ҳис қилгансиз?
- Бордию сизда фақат бир марта ишлайдиган вақт машинаси бўлганида сиз тарихни ёки келажакнинг қайси пайтига сафар қилган бўлар эдингиз?
- Сиз хаётингизда биринчи марта қилган ишни қачон қилдингиз?
- Нонушта вақтида дўстларингиз ҳамма учун яқин бўлган дўстни ерга уришяпти. Сиз нима қиласиз?
- Бордию сизнинг қўлингизда 1000 ёшгача яшатадиган таблетка бўлса, сиз шу таблеткани ичган бўлармидингиз? Нима учун?
- Сизни энг яхши кўрган қариндошингиз ким? Нима учун?
- Хаётингизда Исо кераклигини ким сизга тушунтириб берган?
- Бордию сизда Инжил қахромонларидан бирининг ўрнига бўлиб қолиш имконияти туғилса, кимни танлаган бўлар эдингиз? Нима учун?
- Инжилдаги сизга кўпроқ ёққан китоб қайси? Нима учун?
- Бордию дунёнинг ҳоҳлаган жойига бориш имконияти туғилса, қаерга борган бўлар эдингиз? Нима учун?
- Фараз қилинг , сизнинг уйингиз ёняпти, вақтингиз фақат уйдан бир нарсани олишга етади халос. Нимани олиб чиққан бўлар эдингиз?(ота-онангиз хавсизликда бўлган холда). Нима учун?
- Сизнинг энг яхши кўрган филъмиз ёки телешоуингиз қайси?
- Бизнинг гуруҳимизни охирги йиғилишидан бери ким сизга таъсир этди?
- Шу хафтада сизда бўлган воқеалардан қайси бири энг яхшиси?
- Охирги марта сизнинг қўлингиздан келмай қолган нарса нима?
- Хаётида кўп қийинчиликни бошидан ўтказган ва сизни қойил қолдирган инсон борми?
- Одамларнинг муносабатида сиз нимани юқорироқ кўрасиз? Исо биланчи? Ота- онангиз биланчи?
- Бордию кимгадир яхшилик қилганингиздан кейин, хеч қандай миннатдорчилик эшитмасангиз сиз ўзингизни қандай хис қиласиз?
- Кунни қайси вақти сизга кўпрок ёқади?
- Қандай қизга/йигитга уйланган ёки турмушга чиққан бўлар эдингиз? Нима учун айнан шу одам билан?
- Хаётимда энг катта умидсизликка олиб келган нарса ...
- Хаётимдаги унутилмас совға(Нажотдан ташқари)?
- Охирги хафтада сизда қандай муҳим воқеа содир бўлди?
- Агар сизда уч кунга ( икки хафтага ва хоказо) дунёнинг ҳоҳлаган жойига бориш имконияти туғилиб қолса қаерга борган бўлар эдингиз? Нима учун?
- Агар мамлакатингизда қачонлардир яшаб ўтган бирон кимса билан учрашиш имкони бўлса, ким билан учрашган бўлар эдингиз? Нима учун?
- Агар дунёнинг ҳоҳлаган жойида яшаш имконияти туғилиб қолса қаерда яшаган бўлар эдингиз? Нима учун?
- Бу йиғилишга сиз қандай ҳисса қўшяпсиз?( Бошқа сўз билан айтадиган бўлсак: Сиз бошқаларга далда берадиган бирон нарса қиляпсизми?)
- Хаётингизда сизнинг дунёқарашингизни бутунлай ўзгартириб юборган воқеа ҳақида сўзлаб беринг.
- Бир йил олдинга бўлган мақсадларингиз қандай?
- Сизнинг ота-онангиз ким ва улар нима билан шуғулланишади?
- Агар менда даражамни (мартаба) бошқатдан танлаш имкони бўлганида, мен ...
- Бордию сизда бирон давлатни бошқаришга имконияти туғилса қайси давлатни танлаган бўлар эдингиз? Нима учун?
- Шу хафтанинг яхши ва ёмон таасуротлари билан бўлишинг.
- Бордию сизда дунёдаги ҳоҳлаган одамингиз билан гаплашиш имконияти бўлиб қолса, ким билан гаплашган бўлар эдингиз?

- Ҳаммага бир варақдан қоғоз бериб , уларга ўзларининг одатий кундалик ишлари ҳақида ёзишларини сўранг. Ва ёзганларини тушунтириб беришни сўранг.
- Нима учун бугун кичкина гуруҳда эканликларини гуруҳ аъзоларидан сўранг.
- Қисқача ота-она , фарзанд ёки турмуш ўртоғингиз билан бўлган муносабатларингизнинг яхши ва ёмон бўлган онларини тасвирлаб беринг.
- Бордию сизнинг қўлингизга 1000000$ тушиб қолди. Шундай бойлик билан нима қилган бўлар эдингиз?
- Сиз яшашни ҳоҳлаган эра(давр) борми? Бор бўлса, нима учун?
- Кичкина гуруҳни сизга фойдали томони борми? Озгина вақтни мана шу мавзуга қаратинг ва бир-бириларингга миннатдорчилик билдиринг.
- Гуруҳдагиларга ўзингизнинг оилангиздаги хусусиятларидан учтасини ва қийинчиликларни учтасини гапириб беринг.
- Оилангизда , жамоатингизда , гуруҳда ва бутун дунёда кўрмоқчи бўлган нарсангиз нима?
- Хозирги вақтда сизни энг яқин дўстингиз ким?
- Агар ибодатингизга жавоб олган бўлсангиз, уни гуруҳдагилар билан бўлишинг.
- Сиз қандай ишда ишлайсиз? Ва ана шу ишда сизга ёқадиган нарсалар борми?
- Сизнинг Масиҳий хаётингизга таъсир кўрсатган кимса борми?
- Охирги сафар ўқиган китоб, кино ёки видеофилмингиз борми? Бор бўлса сиз уни бошқаларга тавсия этган бўлар эдингизми?
- Худо сизнинг хаётингиздаги бошқа нарсаларга қараганда нимани кўпроқ яхши кўради?
- Шу хафтада сизга айтилган қайси гап сизни руҳлантиради?
- Шу хафтада сиз бирор кишини қувватлантирдингизми?
- Жамоатга қатнашингизга нима сабаб бўлган?
- Хаётда яна нимага эришмоқчисиз?
- Хаётингизда нима учун ўз миннатдорчилигингизни билдирган бўлар эдингиз?
- Хаётингизда бўлиб ўтган воқеалардан қайси бири яхши таъсуротлар қолдирган ? Нима учун?
- Каломни қайси жойи сизга кўпроқ таъсир этади?Нима учун Каломдаги айнан шу жой сиз учун муҳим?
- Агар Исо кейинги хафтада қайтиб келадиган бўлса, сизнинг хаётингиз қандай ўзгарган бўлар эди?
- Хаётингизда учратган энг қизиқ одам ким?
- Татилни ўтказадиган жойингиз хақида гапириб беринг.
- Сиз қандай қилиб дам оласиз?
- Ўзингизнинг руҳий ва хаётий тажрибангиз билан бўлишинг.
- Мусиқани ёки қўшиқни қайси тури сизга кўпроқ ёқади?
- Шу хафтада сиз билан содир бўлган нарсаларни бошқаларга гапириб беринг.
- Агар муваффақиятсизликдан кафолатланган бўлганингизда нима билан шуғулланган бўлар эдингиз?
- Агар хаётингизни бошидан бошлашга имконият туғилса хаётингизга қандай ўзгартиришлар киритган бўлар эдингиз?
- Ўзингизни қабр тошингизга нима деб ёзган бўлар эдингиз?
- Ўзингизни жаназангизда қандай нутқни эшитишни ҳоҳлаган бўлар эдингиз?
- Ўзингизни жаназангизда нимани эшитишни ҳоҳламаган бўлар эдингиз?
- Бордию Ойда яшашиз керак бўлиб қолса, сиз ўзингиз билан фақат бир нарсани олиб кетишингиз мумкин. Нимани олиб кетган бўлар эдингиз?
- Сиз агар, бир вақтнинг ўзида бир одамни талашаётганини, бир одам сувда чўкаётганини ва бир уй ёнаётганини кўрсангиз нима қилган бўлар эдингиз?
- Сизни шу хафтада асабийлаштирган нарса борми?
- Сиз аёлларда/эркакларда нимани тушунмайсиз?
- Агар шу хафтани бошидан бошлаш имконияти туғилса унга қандай ўзгартиришлар киритган бўлар эдингиз?
- Сизга совға қилинган Инжиллардан энг ёққани ҳақида гапириб беринг.(туғилган кунда, тўйда, имонга келганда ва хоказо). Нима учун айнан шу Инжил сиз учун жуда азиз?
- Худони ўйлаётганингизда сизни биринчи хаёлингизга келадиган нарса нима?

- Сизни Худо билан бўлган муносабатларингизда муҳим бўлган саволларингиз борми?
- Қандай вазиятларда сиз ўзингизни ёлғиз сезасиз? Нима учун?
- Хаётингизнинг қайси жойларида Худога, бошқа одамларга, ўзингизга ишониш қийин бўлади?
- Нима учун сиз эрталаб уйғонасиз?(Хаётингизда сабабчи бўлган асослар борми?) Бу савол кўринишидан жуда енгилга ўхшайди, лекин бу саволга чин кўнгилдан жавоб бериш учун яхшилаб ўйлаб кўринг?
- Охирги марта ўзингизни ноҳақлигингизни қачон  тан олгансиз? Бу жуда қийин бўлганми?
- Яқинда  орада бошқа имонлидан нимани ўргандингиз?

**Уй гуруҳлари**

*Илова* **2Б**

# Уй гуруҳи йиғилишининг режа - жадвали

| | |
|---|---|
| Учрашув санаси ва вақти: | |
| Жой ва уйнинг эгаси: | |
| Муносабат: | |
| Мустаҳкамлаш: | Бир пиёла чой устида одамлар анча бир-бирига яқинроқ бўлиши мумкин. |
| Машғулотлар, ўйинлар: | |
| Сажда қилиш вақти: | |
| Ашула айтиш Раҳбари: | |
| Ибодат: | |
| Ибодат тадбирлари: | |
| Инжил ўрганиш: | |
| Инжилни тахлил қилувчи: | |
| Каломдан парча: | |
| Хизмат хақида сўз: | |
| Фикрлар билан алишиш вақти: | |
| Гуруҳнинг фаолияти: | |
| Шаҳсий фаолияти: | |
| Қолган(бошқа) саволлар: | |

## Ўйлаш учун саволлар:

- Гуруҳдаги лидер ким?
- Гуруҳдаги ҳар бир аъзони "устози" ким? (Сиз кимнинг устозисиз?).
- Сиз гуруҳ лидерига уни Раҳбарлик сифатларини ошириш учун қандай ёрдам беряпсиз? У билан хизматни қандай ташкил этяпсиз?
- Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири учун ибодат қиляпсизми?

**Уй гуруҳлари**

*Илова*

**2В**

# Уй гуруҳи йиғилиши режасининг намунаси

| Муносабат | Сажда | Ўргатиш | Хушхабар айтиш |
|---|---|---|---|
| Одам одамга | Одам Худога | Худо одамга | Худо фарзандлари дунёга |
| “Ичкарига” | “Юқорига” | “Пастга” | “Ташқарига” |
| 20 минут | 20 минут | 30 минут | 20 минут |
|  |  |  |  |
| • Бирга ўйинлар ўйнанглар.<br>• Бирга овқатланинг<br>• Бир-бирингизни яхшироқ билишга ҳаракат қилинг.<br>• Бир-бирингизни кўнгилларингни кўтаринглар.<br>• Муаммолар билан бўлишинглар<br>• Бир-бирингиз учун ибодат қилинг | • Қўшиқлар айтинг<br>• Худонинг қудратлилигига шукурлар айтинг<br>• Ҳамма нарса учун Худога шукур айтинг<br>• Худога сажда қилинг<br>• Овоз билан ёки ичингизда ибодат қилинг<br>• Сажда тўғрисидаги парчаларни ўқинг (масалан Санолар)<br>• Масиҳий шеърларни ўқинг | • Бутун гуруҳ билан Инжил парчаларини ўрганиб чиқинг<br>• Инжини кундалик хаётингизда ишлатинг<br>• Гуруҳнинг хизматларида иштирок этинг<br>• Ўзингизни руҳий қобилиятлар ингизни топиб уларни ишлатинг<br>• Инжилдаги баъзи оятларни қалбингизга ёзиб қўйинг | • Ибодат учликларида ҳали имонга келмаганлар учун ибодат қилинг<br>• Имонга келмаганларни гуруҳга таклиф қилинг<br>• Гуруҳда бўлмаганларни муҳтожликларини қондиринг<br>• Имонга келмаганлар билан дўстлик ўрнатинг<br>• Исо Масиҳ тўғрисида имонсизга сўзлаб беринг |

**Уй Гуруҳлари**

**3 Дарс**

# Уй гуруҳларини ташкил қилиш

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади янги уй гуруҳини ташкил этиш босқичларини кўз олдига келтириш.

Кутилган натижалар:

Материални ўрганиб чиққандан сўнг, ҳар бир қатнашчи билиши зарур:

- Уй гуруҳини ташкил қилиш учун нималар кераклигини
- Янги уй гуруҳини ташкил қилиш учун режа тузишни

Дарс режаси:

I. Янги уй гуруҳини ташкил қилиш учун тайёргарлик
II. Алоқалар излаш
III. Жой танлаш
IV. Биринчи йиғилишга тайёргарлик
V. Уй гуруҳини ташкил қилаётганда келиб чиқадиган баъзи қийинчиликлар

Ўқитувчилар учун кўрсатма:

Бу дарс иккинчи дарс – ”Уй гуруҳини бошқариш принциплари“билан боғлиқ. Қатнашчилар ўз гуруҳларини бошлашдан олдин, албатта бу икки дарсни ўрганиб чиқишлари керак.

## I. ЯНГИ УЙ ГУРУҲИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК

### А. Ибодат гуруҳини тузинг

Уй гуруҳини ташкил қилишда энг муҳим қадамлардан бири ибодатдир. Гуруҳ Раҳбари алоҳида бир гуруҳ тузиши керак ва бу гуруҳ ўз ўрнида янги ташкил қилинаётган гуруҳ учун ибодат қилиши керак. Бундай гуруҳ ўша ердаги жамоатдаги имонлилардан, дўстлардан, оила аъзоларидан ва бошқа жамоатдаги имонлилардан ташкил топган бўлиши мумкин.

Худога сизларга доноликни ато этиши учун ибодат қилинг. Ҳар бир янги ташкил қилинаётган гуруҳ учун ибодат қилинг. Шайтон сизни қилаётган ишларингизга тўсқинлик қилишга ҳаракат қилади. Павлус янги жамоатларни ташкил қилаётган пайтларида Худодан ҳимоя сўрар эди.(Еф.6:19; 1Сол 5:25; Рим 15:30). Хизматчи ҳар доим ибодат билан “қамраб олинган “ бўлиши керак.

### Б. Лидерларнинг гуруҳини тузинг

Уй гуруҳини шахсан ўзингиз ташкил қилишингиз мумкин, лекин ёнингизда 2-4 одамдан ташкил топган лидерлар гуруҳи билан иш анча енгиллашади. Бундай гуруҳ самаралироқ изланишлар олиб боради, Хушхабар айтиш анча самарали бўлади ва албатта янги гуруҳни ташкил қилишда ҳам ўз самарасини кўрсатади. Исони ўзи ҳам бизларга

гуруҳлар хизматининг намунасини кўрсатган, масалан (Луқо 10:1) Исо етмишта одамни иккитадан хизматга жўнатади. Лекин лидерлар гуруҳида асосий лидер бўлиши шарт бўлади.

## B. Мақсад қилиб қўйилган жойни текширинг

Келажакда жамоатга айланиб кетадиган Уй гуруҳини ташкил қилиш учун биринчи навбатда мақсад қилиб қўйилган жойни ўрганиб чиқинг. Биринчи қўлланмада “Тадқиқот принциплари” деган дарс бор эди, агар лидерлар шу дарсни охиригача етказишмаган бўлишса, уни охирига етказиб, ҳамма бор тадқиқотларни тугатишлари керак бўлади. Тадқиқот принциплари дарслигида жуда муҳим бўлган факторлар мавжуд. Ана ўша факторлар изланишларда ўз ёрдамини кўрсатади.

## II. АЛОҚАЛАРНИ ИЗЛАШ

Ўзингизни мақсад қилиб қўйган тингловчиларингизни , у ердаги одамларни ҳоҳиши нима эканини ўйлаб кўринг.(1чи қўлланмада бўлиб ўтган топшириқ). Шу одамларни ҳоҳишларини қониқтириш учун ибодат қилинглар. Худодан маъқул келган обрўга эга ва тиришқоқ одамни танлаб беришини сўранг. Кўпинча шундай одамлар дунёда катта мансабларни эгаллаган бўлади, бордию шундай одам имонга келиб қолса, у атрофидагиларга кучли таъсир кўрсатади ва у орқали кўплар имонга келиши мумкин.

Агар сиз мақсад қилиб қўйган жойингиз ўзингиз яшайдиган жой бўлса, гуруҳга оилангиз аъзоларини, дўстларингизни ва танишларингизни жалб қилиш анча осонроқ бўлади. Чунки сизда шу одамлар билан муносабатлар бор. Шу муносабатларингизни ишлатган ҳолда одамларни гуруҳга таклиф қилиш учун Худога ибодат қилинг. Сиз тез-тез ёки баъзан учрашиб турадиган одамларнинг рўйҳатини тузинг. Рўйҳатдаги ҳар бир одам учун, уларга Исо тўғрисида гапириб, уларни гуруҳга таклиф қилиш учун ибодат қилинг.

Агар сиз мақсад қилиб қўйган жойингиз, сиз яшайдиган жойдан анча узоқ бўлса, муносабатлар ўрнатиш анча секинлашади. Нотаниш бўлган одам билан муносабат ўрнатиш анча вақт олади. Ундай одамларга яқинроқ бўлишга, уларга хизмат қилишга ва ишларида ёрдам беришга ҳаракат қилинг. Гуруҳ тузмасингиздан олдин, уларга “туз ва нур” бўлинг. Бўлажак гуруҳ аъзолари тезроқ нажот топишлари учун ибодат қилинг. Бордию ўша жойда ҳар хил этник ва социал гуруҳлар бўлса, улар учун алоҳида гуруҳлар тузганингиз маъқул. Лекин бошқа гуруҳлар тўғрисида унитиб қўйманг.

Сиз мақсад қилиб қўйган жойингизда Уй гуруҳи орқали жамоат қурмоқчи эканингизни ўша жойдаги жамоатлар билан алоқа ўрнатиб, уларга қилмоқчи бўлган ишларингизни тушунтиринг. Агар иложи бўлса, ўша жамоатлар Раҳбарлари билан алоқа ўрнатиб, уларни сиз учун дуо қилишларини сўранг. Уларга сиз уларни жамоатларидан хеч кимни олиб кетмоқчи эмаслигингизни тушунтиринг.

Агар сиз мақсад қилиб қўйган жойда хеч қандай жамоатлар бўлмаса, хеч қиси йўқ, жой ўшалигича қолаверади. Ўзингиз кўзда тутган одамлар билан муносабатлар ўрнатинг, уларга иложи борича яқинроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Уларга шундай хизмат қилингки, улар сизда Худони муҳаббатини кўришсин. Сиз шундай режаларни амалга оширар экансиз кўпроқ вақтни ибодатга қаратинг, чунки Шайтон ўз жойини қўлдан бой беришни ҳоҳламайди.

## III. ЖОЙ ТАНЛАШ

Биринчи учрашувлар учун энг қулай жой бу сизни квартирангиз ёки уйингиз. Агар буни иложи бўлмаса, лидерлар гуруҳидаги бошқа лидернинг уйида қилиш мумкин. Яна битта йўл бу, муносабат ўрнатаётган одамнинг уйида йиғилишни олиб бориш. Лекин бундай одамнинг уйида учрашиш учун унинг розилигини олишдан олдин ибодат қилинг.

Иложи борича ҳаражати бўлмаган жойни топишга ҳаракат қилинг. Чунки гуруҳда бу нарса ортиқча муаммо туғдириши мумкин. Гуруҳ учрашувларида ҳар сафар пул ёки ҳаражат масаласи кўрилганда, гуруҳдагиларнинг асосий мақсаддан чалғитиши мумкин. Янги келган иштирокчилар пул масаласини кўриб ўзларини ноқулай хис қилишлари мумкин.

Жой масаласи бартараф этилганидан кейин, йиғилишнинг вақтини белгилаш керак бўлади. Вақтни белгилаётганда гуруҳга келадиганларнинг вақтини инобатга олинг. Иложи борича бу вақт кўпчиликка маъқул келсин.

## IV. БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Сиз биринчи йиғилиш учун яхши тайёргарлик қилиб астойдил ибодат қилишингиз керак. Бошқа лидерлар билан йиғилиш давомида бажариладиганларни яхшилаб такрорлаш керак бўлади. Жойни қай даражада тайёрлигини текшириб, у ерда овқатларни ҳам

тайёрлигини кўриб қўйинг. Айтиладиган ашулаларни тайёрлаб, варақларни ҳаммага етадиган даражада нусхаларини кўпайтиринг. Ҳар эҳтимолга қарши ортиқча Инжил китобларини ҳам тайёрлаб қўйинг.

Келадиган одамларни бир-бирига нотаниш эканлигини инобатга олиб, уларни бир-бирига яқинлаштириш учун ҳар хил тадбирлар таёрланг.(2А Иловасини қаранг). Бундай йўллар билан одамлар бир-бирига кўникишлари осон бўлади.

Йиғилишни расмий равишда эмас, балки уни табий равишда кетишига йўл беринг. Уларга битта ёки иккита қўшиқни ўргатинг. Гуруҳ билан Инжилни биринчи дарсларини ўтинг. Агар иштирокчилар унчалик актив бўлишмаса, хеч хавотир олманг чунки бошида ҳамма ҳам бир-биридан уялади. Иложи борича ўқилаётган Инжил парчаларини хаётда қандай ишлатишни ўргатинг.

Гуруҳдагилар билан йиғилишнинг мақсадларини кўриб чиқинг. Улардан йиғилиш вақти ҳаммага қулайми ёки уни ўзгартириш керакми. Уларда ибодат қилиш учун муҳтожликлар бўлса, уларни ҳаммасини ёзиб олинг. Ва албатта кейинги учрашувларда ибодатга олган жавоблари хақида гаплашинг. Йиғилишни ибодат билан тугатинг. Йиғилиш тугаганидан сўнг, гуруҳдагиларни кетишга шоштирманг! Чунки йиғилиш тугаганидан кейин, одамлар ўзларини эркинроқ хис қилишади. Шу пайтда сиз яхши муносабатлар ўрнатишингиз мумкин.

Меҳмонлар кетганидан сўнг, лидерларнинг ҳаммаси бўлиб ўтган учрашув хақида хулосалар қилишлари керак бўлади. Нима яхши ўтганини, нимани кейинги сафар яхшироқ қилиш мумкинлигини кўриб чиқинг. Бу нарсаларни иложи борича учрашув тугаши биланоқ қилган маъқул, чунки бўлиб ўтган нарсалар ҳали эсда қолган бўлади. Ҳар қандай ўзгаришларни ёзиб олинг.

## V. УЙ ГУРУҲИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАЁТГАНДА БАЪЗАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Баъзан янги Уй гуруҳини ташкил қилаётганда ўзига яраша қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин. Қийинчиликлар хизматни секинлаштириб қўйиши мумкин ва хаттоки уни тўхтатиб қўйиши ҳам мумкин. Тўртинчи қўлланмада бу нарсаларга алоҳида тўхталиб ўтамиз. Ҳозирги ўтаётган дарслигимизда эса, биз фақат янги гуруҳни ташкил қилаётганда келиб чиқадиган қийинчиликларни кўриб чиқамиз.

Гуруҳни ташкил қилаётганда хизматчи *эркак лидерни йўқлигига* дуч келиши мумкин. Бундай вазиятда аёл кишини лидер бўлиши табиий хол. Кейинчалик гуруҳда эркакларни сони кўпайса, лидерликни эркак бажаради. Бундай ва бунга ўхшаган муаммолар хизматни тўхтатиши мумкин эмас.

Хизматчининг ўзи гуруҳга умидсизлик билан қараб қолиши ҳам мумкин. Агар ташкилотчи ўзини ташкил қилаётган нарсасига умидсизлик билан қараса, унинг мақсадлари пучга чиқади. Агар хизматчи шундай хаёлга борса, у ўзини Худонинг ишига бутунлай бағишламаганини билса бўлади. Ундан ташқари баъзи хизматчилар ўзини ҳамма ишни қила оладиган ёки кўп функционал деб билади. Ундай одамлар бир вақтни ичида кўп ва ҳар хил ишларни амалга оширмоқчи бўлади. Лекин қилаётган ишлари хеч қандай самарасини бермайди. Чунки бундайлар аниқ бир ишга ўзини бағишламайди.

Баъзан самарали хизмат қилаётган хизматчи, мустаҳкам Уй гуруҳини ташкил қилолмайди ёки бу жудаям қуйин бўлади. Бунга сабаб, мақсад қилиб қўйилган жойни яхши ўрганиб чиқмаганликда бўлиши мумкин. Бошқача сўз билан айтадиган бўлсак, бошида яхши асос қўйилмагани учун гуруҳ қулаб тушади. Баъзан дангаса лидерлар ишни фақат ҳисобот учун қоғозда қилишади, аммо гуруҳни холати жуда ачинарли бўлади.

Бордию хизматчи қийинчиликка дуч келса, у биринчи навбатда муаммони қаердан келаётганини, ундан олдинги йиғилишларга назар ташлаб қийинчиликларни бартараф этиши керак.

Гуруҳ ташкил топишни бошлайди, лекин жуда секин ва ўзига яраша бўлган муаммолар билан. Бунинг сабаби нима? Биринчи сабаблардан бири бу *ибодатларни тўхтаб қолгани, рўза тутишлар тўхтаганлиги, бошқа жамоатлар томонидан қилинадиган ибодатлар тўхтаб қолгани бўлиши мумкин.* Бундай вазиятда биз Уй гуруҳлари учун ибодат нима эканини эслашимиз керак. Ибодат - бу бизларни бўлаётган ишларни Худонинг қўлига топшириб қўйганимизни билдиради! Хизматчи Художўй , Худодан қўрқувчи, ҳамма нарсаларни кўзда тутадиган, ишга бутунлай ўзини жалб қилиб қўйган бўлса, бари-бир вақт ўтган сайин, у ибодатни иккинчи ўринга қўйиб қўяди. Ибодат қилмай қўйганидан сўнг, у худди Худонинг ёрдамига бошқа муҳтож эмаслигини кўрсатади. Бундан кейин, Буюк

Топшириқ Худонинг хизматчи орқали қилимоқчи бўлган иши эмас, балки хизматчини Худога бўлган иши бўлиб қолиши мумкин. Бу энди хизматчини иши бўлиб қолади, ундай хизматчи Худони фақат муҳтож бўлган пайтдагина эслайди. Ваҳоланки, Худо "бегона " ларнинг ишида иштирок этишни бас қилади. Шундай қилиб, ***ибодат бизни қилаётган ҳамма ишларимизда биринчи ўринда туриши керак.!***

Баъзан эса, тажрибали ваъзхон бўлган хизматчи, семинардаги ўқитувчилар берган усулларни ва дарсларни унчлик эътиборга олмайди. Ва ўз тажрибаси асосида эга бўлган усуллардан фойдалана бошлайди. Бундай йўл билан у гуруҳлар ташкил қилади , жамоатлар очади. Лекин у очган жамоатлар хизматчининг усулларига ўхшаб миллий бўлиб қолаверади. Бундай йўлда қурилган жамоатларда ўсиш, кўпайиш бўлмайди. Ҳар бир хизматчига тавсия этадиган нарсамиз бу:

*Олдинги материалларни яхшлаб ўрганиб чиқиш - "Биринчи йиғилишга тайёргарлик" ва у ердаги ҳамма маслаҳатларга риоя қилишдир.* Ва ўз навбатида йиғилишни таҳлил қилишни унутманг.

## САВОЛЛАР

- Янги Уй гуруҳини ташкил қилиш учун режага қандай пунктлар қўшган бўлар эдингиз?
- Имонлилар бўлмаган жойда жамоат қуришда, қандай кутилмаган муаммолар келиб чиқиши мумкин? Муаммолар бўлса уларни қандай бартараф этиш мумкин?
- Сизнинг Уй гуруҳингиздаги бир одам, уйига нотаниш одамлар келганда эшикни очишдан қўрқса, сиз унга нима деган бўлар эдингиз?

## ТОПШИРИҚ

Агар сиз мақсад қилиб қўйган жойни ўрганишни тугатмаган бўлсангиз, уни охирига етказинг. Охирига етказгандан сўнг, ҳамма принципларни инобатга олган холда, янги Уй гуруҳини ташкил қилиш режасини тузинг. Лидерлар гуруҳидагиларнинг руйхатини тузинг. Қандай қилиб алоқалар ўрнатмоқчи эканингизни режалаштиринг. Кўзлаган одамларингизнинг муҳтожликларини қандай қондирмоқчи эканингизни олдиндан режалаштиринг. Қачон ва қаерда гуруҳ учрашувлари ўтказилиши кутилмоқда ва иложи борича ҳамма нарсани режасини тузинг. Режани тузиб бўлганингиздан кейин, уни Раҳбарга ёки "устозга" беринг. Улар ўз навбатида уни таҳлил қилиб, сизга камчиликларини айтишсин.

**Уй гуруҳлари**

**4 Дарс**

# Уй гуруҳларида Хушхабар айтиш

Дарс мақсади:

Уш бу дарснинг мақсади - уй гуруҳларида Хушхабарни тарқатиш принципларини тушунтириш.

Кутиладиган натижалар:

Материални ўрганиб чиққандан сўнг, ҳар бир қатнашчи билиши зарур:

- Хар хил одамларга Хушхабарни айтиш учун хар хил йўлни ишлатишни
- “Ойкос” концепциясини тушуниш (ойкос , муомала доираси дегани), ва уни Хушхабар айтишда муҳимлигини тушуниши
- Ўз ойкосига кирадиган одамларнинг рўйҳатини тузишни

Дарс режаси:

I. Имонсизларнинг икки тури мавжуд
II. ”Ойкос“ концепцияси
III. Муносабат гуруҳи
IV. Уй гуруҳларида хушхабар етказиш жараёни

Ўқитувчиларга тавсиялар:

Дарс мобайнида ўқувчиларга уларнинг муносабатлари доирасига (ойкос) кирадиган одамларнинг руйхатини тузиш машғулотлари учун албатта вақт ажратинг.

## I. ИМОНСИЗЛАРНИНГ ИККИ ТУРИ МАВЖУД

Имонли ўзининг атрофидаги имонсизларга Хушхабарни тарқатиш билан бирга, уларга қандай қилиб хизмат қилишни ҳам билиши керак. Эфесликларга иккинчи мактубида Павлус Исо мажусийларни ва яхудийларни ўртасидаги тўсиқни бузиб ташлаганини ва нажот ҳамма учун эканини айтган. Исо яқиндагиларни ҳам, узоқдагиларни ҳам нажот топишини ҳоҳлайди яъни яхудийларни ҳам мажусийларни ҳам.

Ҳали имонга келмаганлар учун ҳам шундай мисолни келтиришимиз мумкин. Баъзи одамлар имонга келишига жудаям яқин, баъзилари эса узоқ. Бу фақат мисол тариқасида бериляпти халос, лекин бу мавзу билан яхшилаб танишиб чиқиш яхши бўлади.

### А. Қизиқиши бор имонсизлар

Баъзи бир имонсизлар Худони борлигини ва Исонинг нажоткорлигини билишади ёки қаердандир эшитишган. Улар Инжил тўғрисида қандайдир билимга эгалар, ҳатто баъзан жамоатга ҳам қатнашишган.

Бундайларнинг юраги очиқ бўлиб, кўп саволларга жавоб излаётган одамлар бўлиши мумкин. Улар гуруҳга ташриф буюришдан ва Худо тўғрисида кўпроқ билишдан кўпинча бош тортишмайди. Кўпинча бундай одамлар Исони қабул қилишга жуда яқин бўлишади, уларга фақат Хушхабарни тушунтириб берилса бас.

### Б. Билишни ҳоҳламайдиган одамлар

Баъзи бир одамлар хеч қачон жамоатга боришмайди ва умуман Худони борлигига ишонишмайди. Улар учун Инжил хеч қандай обрўга эга эмас ва шу тариқа улар Инжил

тўғрисида хеч нарса эшитишмаган. Исо улар учун фақатгина тарихий бир қаҳрамон халос.

Бундай одамлар тўқ яшайдиганлар ва хаётида Худони изламайдиганлардир. Бундайлар Хушхабарни эшитишни ҳоҳламайдилар ва жамоат ишларида иштирок этмайдилар. "Дин" уларнинг хаётида хеч қандай ролъ ўйнамайди деган фикр билан, улар хеч қандай Инжил ўрганиш машғулотларига ҳам келмайдилар.

## II. "ОЙКОС" КОНЦЕПЦИЯСИ

"Ойкос" сўзи юнон тилидан олинган ва у кўп мартта Янги Ахдда учрайди. Бу сўз, сиз муносабатда бўлган одамлар доирасини биладиради. Стронг тузган " Юнон тилидаги Янги Аҳд луғатида" қуйидаги маънони билдиради: " уйдагилар, оиладагилар, оилага тегишли бўлган одамлар".




Ҳар биримизда ўзимизга яраша "ойикосимиз" бор, яъни бизларда ҳар доим ёки баъзан муомала қилиб турадиган атрофимизда одамлар бор. Бундай муносабатларга бизни оила аъзоларимизни, дўстларимизни, танишларимизни, ишдагиларни, қўшниларни ва ҳар қандай муносабатда бўладиган одамларни киритишимиз мумкин. Ким биландир муносабатда бўлмаган одамни учратиш жудаям қийин, ҳамма ким биландир албатта муносабатта бўлади. Ралф Нейборнинг изланишлари туфайли маълум бўлдики, Масиҳийлар ўртача тўққизта одам билан муносабатта бўлишар экан ва шуниси қизиққи, шу Масиҳийларнинг кўп қисми ўзининг муомала доирасига охирги ярим йил ичида хеч кимни киритишмаган! Бу жуда ачинарли хол, чунки биз имонсизлар билан Хушхабарни бўлишиш учун тайинланганмиз ва бу дунёда Исонинг шоҳидлари бўлишимиз керак.

Ралф Нейбор айтади: "... жамоат ўзига хос (ойкосга яқин) бўлган одамларни жалб этади ва уларни жамоат аъзоларига айлантиради. Ваҳолангки Янги Аҳд одамлар билан муносабат ўрнатишни умуман бошқа йўлини бизга кўрсатади. "Биз биринчи вариантни Эски Аҳддаги яхудийлар ишлатган десак бўлади, лекин Исони бизга берган Буюк Топшириғи ундан озгина фарқ қилади (бу тўғрисида биринчи қўлланманинг "Жамоат" деган бўлимида батафсиллроқ гапириб ўтган эдик). Исо ҳар доим Ўзининг хизматини одамларга яқин бўлган шароитларда, яъни уларнинг уйларида ва йиғиладиган жойларида амалга оширган.

Луқо 19:2-5 да биз Исонинг Зақайга " *Бугун сенинг уйингда бўлишим керак..."* деб айтган гапларини кўришимиз мумкин. Луқо 7:36-38 да биз Исони Фарзий томонидан Уни уйига таклиф қилинганини кўрамиз. Матто 8:14 да Исо Бутруснинг уйига келиб, у ердаги оила аъзосини даволаганини кўрамиз. Матто 9:10 да Исонинг шогирдлари ва гуноҳкорлар орасида, Маттонинг уйида кечки овқатни баҳам кўргани ёзилган.

Худди шу йўлни ҳаворийлар ҳам ишлатишган. Ҳаворийлар фаолиятидаги 10 бобда Муқаддас Руҳ Бутрусга Симоннинг уйидан чиқиб, Корнилийнинг уйига боришини айтади. У ерда Бутрус Хушхабарни айтганидан кейин, нафақат Корнийлининг ўзи, балки унинг уйида йиғилганларнинг ҳаммаси имонга келади. Ҳаворийларнинг 16 бобида Лидия ва соқчидан ташқари, улар билан муносабатда бўлган одамлар ҳам имонга келишган.

Бизнинг дунёда ҳаммамиз ҳоҳласак ҳам, ҳоҳламасак ҳам бари-бир, ким биландир муносабатта бўламиз. Онаси ёки дадаси ичкиликка берилган одамларни ва хаётда қандайдир руҳан қийналган одамлар жамоатнинг ёрдамига, гуруҳ лидерининг ва гуруҳ аъзоларининг ёрдамига ва муҳаббатига муҳтож бўлади. Эсимиздан чиқармайлик, баъзи одамлар бизнинг хаётимизга ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, хаётингизда кимнингдир ҳукмидан қўрқасиз. Кимнидур қўллаб-қувватлашига муҳтожсиз. Агар сиз муомала доирангизни синчиклаб ўрганиб чиқсангиз, атрофингиздаги одамлар тўғрисида кўп фикрларга эга бўласиз. Чунки сизни муомала доирангиздагиларда ҳам ўзига яраша муомала доираси мавжуд.

Исо Матто 10::26 да, бизга Уни кетидан эргашиш осон бўлмаслигини эслатади: "*Одамнинг душманлари ўз уйидагилари бўлади."* Исонинг кетидан эргашиш, одамнинг яқинлари билан бўлган муносабатини бузиши мумкин. Базан бу нарса жуда оғир оқибатларга олиб келади, хаттоки ўлимга ҳам. Ралф Нейбор айтади: " Сингапурда мен билан муносабатта бўладиган бир Чўпон бор. У ҳиндустлар оиласига тегишли. Исонинг кетидан эргашишни бошлаганда, унинг атрофидаги, унга яқин бўлган одамлар унга қаттиқ қарши чиқишади. У одамни амакиси, ўзининг отаси олдида отасига: -"Нега сен ўғлингга бизни оилани мана шундай шарманда қилишига йўл қўйяпсан?" деган. Бошқа замонавий мисоллардан бири, шарқий Осиёда содир бўлган. Исога эргашган ёш врач ўз оиласи томонидан лаънатланиб, сен биз учун энди йўқсан деган гапларни эшитади. Базъан бизни

“Ойкос” бошқа йўлга кирганимизда, бизга жудаям бешафқат бўлади. Балки сизни хаётингизда бундай нарсалар бўлмаса ҳам, Хушхабар айтаётганда у ёки бу одамни Исони қабул қилиши қандай оқибатларга олиб келишини ҳисобга олишингиз керак бўлади. Унинг муаммоларига ёрдам беришга ҳар доим тайёр бўлинг. Сиз унга муҳаббатни, энди у ёлғиз эмаслигини кўрсатишингиз керак бўлади.

Эфесликларга 2:19 да-”*...сиз энди бегона эмассизлар, келгинди ҳам эмассизлар, балки Худонинг муқаддас халқига ватандош ва ҳамхонасизлар.”* дейилган. Масиҳийнинг хаёти ( яқинда имонга келган) атрофдагиларга (ойкосда) жуда кучли шоҳидлик бўлиши мумкин. Бизларни ютуқларимиз ва омадсизликларимиз орқали, Муқаддас Руҳ бизларга Исо хаёт тарзимизни ўзгартириб туришини кўрсатиб туради ва ўз навбатида Инжил бизнинг хаётимиздаги саволларимизга кўп жавоблар бериб, бу дунёда ёруғ ва қоронғи кунларни борлигини эслатади.

## Машқ: ўзингизнинг муносабат доирангизга (ойкос) кирадиган одамларнинг рўйҳатини тузинг

Бир неча дақиқа мобайнида сиз билан бир хафта ёки бир ой давомида муносабатда бўладиган одамларнинг исмларини ёзинг. Ҳар қаторга биттадан исм ёзинг ва исмлар сонини йигирматадан оширмасликка ҳаракат қилинг. Бордию исмлар сони йигирматадан ошиб кетса, улардан кўпроқ ва яқин муносабатта бўладиган одамларнинг исмини танлаб олинг.

Тузган Рўйҳатингизни ўрганиб чиқинг. Рўйҳатда имонга келган одамнинг исми бўлса, исм рўпарасида хоч белгисини қўйинг. Бундан кейин, ҳали имонга келмаган, лекин келишга яқин бўлган одамларнинг исми тўғрисига “А” ҳарифини қўйинг.

Рўйҳатдаги қолган исмларни қаранг. Агар, у одамлар ҳали Худо кимлигини билишмаса ва умуман бу мавзудан узоқ бўлсалар, уларни исимлари тўғрисига “Б” ҳарифини қўйинг.

Бу варақни сақлаб қўйинг. Исми тўғрисида хоч белгиси бўлган одамлар сизнинг Уй гуруҳизни очиб берадиган одамлар. Тўғрисида “А” ҳарифи бўлган одамлар учун, уларни гуруҳга таклиф қилиш учун ибодат қилинг. Тўғрисида “Б” ҳарифи турган одамлар учун улар билан муносабат ўрнатиш учун ибодат қиласиз.

Рўйҳатингизда имонлиларнинг сони кам бўлгани, сизни бироз ҳайрон қилиши мумкин. Кўп Масиҳийларнинг ҳали имонга келмаган танишлари кам бўлади. Имонга келмаган танишлар, кўпинча энди Масиҳ йўлига кирган одамларда бўлади. Кўпинча имонга келган одамлар, Масиҳий одамлар билан муносабатда бўлгани учун ҳали имонга келмаган одамлар тўғрисида камроқ ўйлашни бошлашади.

## III. МУНОСАБАТ ГУРУҲЛАРИ

Уй гуруҳининг фаолиятини ва вазифасини инобатга олган холда, биз бу нарса ҳамма одамларга ҳам тўри келаверади дея олмаймиз. Қандайдир динда бўлган одамлар ибодатга бемалол қарай оладилар, лекин умуман хеч қандай динда бўлмаган одам ибодат пайтида ва Инжил ўрганиш пайтида ўзини ноқулай хис қилиши мумкин ва ҳаттоки гуруҳ йиғилишига умуман келмасликлари ва ҳатто бир марта келишса ҳам, бошқа қайтиб келмасликлари мумкин.

Бундай одамларни Худога яқинлаштириш учун Ралф Нейбор айтган “муносабат гуруҳларини” ишлатиш мумкин. Бу нарсани ҳоҳлаган ном билан аташингиз мумкин, бу гуруҳнинг асосида “ биринчи дўстлик муносабатини ўрнат, кейин эса Хушхабарни тавсия эт” деган асос бўлиши керак. Муносабат ўрнатиш қийин иш ва кўп вақтни талаб қилади, лекин Хушхабар айтиш учун бу энг самарали йўл.

Муносабат гуруҳлари - бу атига иккита-учта Масиҳийни доимий равишда ўзларини ойкосларидаги одамлар билан муносабат ўрнатиб, кейинчалик уларни гуруҳга таклиф қиладиган гуруҳ. Бошланишида улар гуруҳда Худо ҳақида, ибодат ёки Инжил хақида хеч қандай гап очишмайди. Бошқачароқ айтадиган бўлсак, бу нарса одамларга яқинроқ бўлиш учун, уларни хаёт - турмушига ва уларни муаммоларига бефарқ эмаслигимизни намоён этадиган вақт. Кейинчалик Муқаддас Руҳ орқали уларга, Худони уларнинг хаётида бўлган ролини тушунтириб, Инжилда уларнинг саволларига кўп жавоблар борлигини тушунтиришга ҳаракат қилинади.

Одамларга ва уларни ҳарактерларига қараб, ҳар-хил йўллар ишлатишимиз мумкин. Муқаддас Руҳ агар бизга нотаниш одамларга Нажот хақида гапиришимизга имконият яратиб берса, биз бу имкониятдан тўла фойдаланишга ҳаракат қилишимиз керак. Лекин энг самарали бўлган Хушхабар бу, бизга яқин ва биз билан қандайдир муносабатда бўлган одамлар билан Худонинг муҳаббати билан бўлашишдир. Бу усул фақат “дастур” сифатида

эмас, балки бу билан одамларга бизнинг уларга бўлган севгимизни кўрсата олиши керак.

# IV. УЙ ГУРУҲЛАРИДА ХУШХАБАР АЙТИШ ЖОЙИ

## А. Сизнинг Уй гуруҳингизни муносабат доираси орқали айтиладиган Хушхабар

Кўпинча янги Уй гуруҳи лидерлар гуруҳидан ва ибодат қилиш орқали жалб этилган бир-иккита қизиқиши бор одамлардан ташкил топади. Бундай гуруҳда Инжил ўрганишни биринчи машғулотлари Хушхабар айтишга ва янги аъзоларни Исо тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлишига қаратилган бўлади. Муқаддас Руҳнинг кучи орқали, улар Исога ўз хаётларини топшириб руҳан ўсишни бошлашади. Биринчи вақтларда энди имонга келганларда кўп имонсиз танишлари бўлади. Руҳан ўсиб ва улғайган сайин, улар ҳам ўзларининг оила-аъзолари билан, қўни-қўшнилари учун, дўстлари учун ва муносабатта бўлган бошқа одамлар учун ибодат қилиб, уларни гуруҳга таклиф қилишни бошлашади. Шундай қилиб, бу жараён, ибодат қилиш, Хушхабар айтиш, Исога келиш ва руҳан ўсиш гуруҳда такрорланаверади.

Юқорида айтилган табиий Хушхабар етказишга қўшимча равишда руҳий ўсган имонлилар ҳали гуруҳ йиғилишларига қатнашмаётган танишлари, дўстлари учун ибодат қилишни бошлашлари мумкин. Бунинг учун улар бир-неча одамни танлайдилар, чунки бу ишда кўп куч талаб қилинади. Бунинг учун камида иккита ёки учта одам улар учун ибодат қилишни бошлайдилар ва улар билан муносабатда бўладилар. Бу уй гуруҳи эмас, улар муносабат гуруҳи ҳисобланадилар.

Одамларнинг муносабатлари кучайиб боргани сайин, Муқаддас Руҳ уларнинг хаётида Худо қилаётган ишларни, бошқалар билан бўлишишга чорлайди. Улар ҳали имонга келмаганлар учун ибодат қилишиб ва ибодатларига жавоб олганлари учун Худога шукур айтишади. Вақт ўтган сайин улар орасида оддий ва тушунишга осон бўлган Инжил дарсликларини бошласангиз бўлади. Муқаддас Руҳ вақт ўтгани сайин улар билан руҳий мавзуда жиддийроқ гаплашишга ва кейинчалик уларни Уй гуруҳига таклиф қилиш имкониятини туғдириши мумкин. Бунда одамлар ўзларини ноқулай хис қилишмайди, чунки улар Уй гуруҳида ўзига яхши таниш одамларни учратади. Кейинчалик у бизга таниш бўлган ўз шахсий руҳий иномини аниқлаш, нажотга етишиш, руҳий ўсиш жараёнидан ўтади. Ундан сўнг эса, ўша янги Масиҳий ўзининг ойкосида, Исонинг муҳаббатига муҳтож бўлган одамларга Хушхабар айтишни бошлайди.

## Б. Мақсадли Хушхабар айтиш

Уй гуруҳидаги муносабат доираси орқали Хушхабар айтиш самарали ва асосий йўллардан бири. Хушхабар айтиш кенг қўлланишни бошлаганидан кейин, гуруҳ аъзолари иккинчи усулни ҳам қўллашлари мумкин, Ралф Нейбор бу усулни "мақсадли" деб айтади. Мақсадли гуруҳлар асосан бир-бирига таниш бўлмаган, лекин муҳтожликлари, қизиқишлари ва муаммолари бир-бирига ўхшаган одамларни ўз ичига олган. *Мақсадли гуруҳларда Хушхабар ишларида иштирок этиш учун Уй гуруҳининг азолари ўзларининг ойкоси билан иш олиб бораётган бўлиши керак.*

Одамлар ўзларининг муҳтожликларини, ҳоҳишларини ва қизиқишларини хал этиш учун йиғилиши, аслида бу ҳам муносабат гуруҳига киради. Бундай гуруҳларни музокара мавзулари ҳар хил бўлиши мумкин. Мавзуни белгилашнинг энг яхши йўли бу гуруҳ азоларини уларнинг атрофидаги одамларни нималар қизиқтиришини сўрашдадир. Мавзулар ҳар хил бўлиши мумкин масалан: мусиқа, уй ҳайвонлари, машина созлаш, болаларни тарбияси, турмушдаги саволлар ва ажрашишлардан кейинги психологик тикланиш ва ҳ.к.

Шундай қилиб бу гуруҳда одамлар ўзларига муҳим бўлган муаммоларни музокара қилиб чиқишади. Шу пайт Масиҳийларда, Худо Инжил орқали уларнинг саволларига жавоб бериши мумкинлигини тушунтириш имконияти туғилади. Қизиқиши бўлган одамларни эса, аста секин Уй гуруҳи йиғилишларига таклиф қилса ҳам бўлади.

## В. Гуруҳнинг катта - кичиклиги ва уни кўпайиши

Гуруҳдаги одамларнинг сони 8-12 тани ташкил қилиши мумкин, лекин ўн бештадан ошмаслиги керак. Чунки одам қанча кўп бўлса, муносабат яқинлиги ҳам шунча камроқ бўлади.

Ойкос орқали мақсадли гуруҳлардагиларни Муқаддас Руҳ Уй гуруҳига чақиради. Гуруҳ ўсган сайин ўзингизнинг "ўринбосарингизни" руҳий ўсишига ҳам аҳамият беринг. Гуруҳни бўлинишигача сиз ўзингизга "ўринбосар" тайинлаб қўйишингиз керак. Гуруҳдаги одамларнинг сони ўн бештадан ошишни бошласа, сиз бошқаларга "ўринбосарсиз"

кўпайишни давом эттиришни иложи йўқлигини тушунтиринг.

Гуруҳ кўпайишни бошласа, гуруҳларнинг ҳар бир лидери ўзига янги ўринбосарни тайёрлашни бошлайди ва Худонинг ишлари икки гуруҳда ҳам давом этади.

## САВОЛЛАР

- Луқо 5:32 да Исо "*Мен тақводорларни эмас, гуноҳкорларни тавбага чақиргани келганман*" дейди. Исо (Ўзини ерда бўлган хаёти давомида ) қанча вақт гуноҳкорлар билан вақт ўтказган? Исо биз имонсизларни бўлган "А" ёки "Б" турига тўғри келадиган одамлар билан учрашганлиги ҳақида иккита ёки учта мисолларни келтиринг.
- Муносабатларнинг қайси турлари "Б" турига мансуб бўлган одамлар(ойкосдаги) билан алоқа ўрнатиши мумкин? Муносабатларингизда яна қайси Масиҳий иштирок этиши мумкин?
- Сиз нима деб ўйлайсиз , имонга келмаган одам билан муносабат бошлаш учун қанча вақт кетади? У билан кўпроқ вақтни бирга ўтказиш учун ўзингизнинг хаётингизни ўзгартиришингиз мумкин бўлиб қолсачи? Ва ўзгартириш керак бўлиб қолса нимани ўзгартирган бўлар эдингиз?

## ТОПШИРИҚ

Ўзингизнинг Уй гуруҳингиз аъзолари ўзларини шахсий муносабатлари орқали Хушхабар айтиш стратегиясини ишлаб чиқаринг. Агар гуруҳ аъзолари ойкосдаги одамларининг рўйҳатини тузишни тугатишмаган бўлишса, уларни кейинги дарсга тугатишни сўранг. Гуруҳ бир хулосага келиши керак, кимни "А" турига мансуб одамларни гуруҳга таклиф қилиш мумкин ва "Б" гуруҳидаги одамларни қайси бири учун ибодат қилиб, улар билан муносабат ўрнатишни бошлаш кераклигини кўриб чиқиши керак. Гуруҳ Раҳбарида шу одамларнинг Хушхабар эшитиши қай даражада эканини ва кейинчалик уни гуруҳга билдириш учун рўйҳати бўлиши керак.

**Уй гуруҳлари**

**5 Дарс**

# Уй гуруҳи йиғилишининг намунасини яратиш

Дарс мақсади:

Бу дарс амалиёт сифатида берилган. Дарснинг мақсади қатнашчиларга раҳбарлик малакасини ошириш билан бирга уларга уй гуруҳи йиғилишининг намунасини яратишни ўргаштиш.

Кутиладиган натижалар:

Дарсни ўрганиб чиққандан сўнг хар бир қатнашчи билиши зарур:

- Уй гуруҳининг йиғилишларини кузатишни ва унда иштирок этишни
- Гуруҳни фаолиятига лидер сифатида ва мажлис иштирокчиси сифатида баҳо беришни

Дарснинг режаси:

I. Одатий уй гуруҳи йиғилишининг намунасини яратиш
II. Бўлиб ўтган йиғилишга баҳо бериш

Ўқитувчига тавсиялар:

Ушбу дарснинг яхши ўтиши учун яхши режалаштириш билан яхши тайёргарлик керак бўлади. Ўқитувчи олдиндан йиғилишга қандай фаолиятларни қўшишни режалаштириши ва дарсни ана шу режа асосида ўтказиши керак бўлади.

Гуруҳ йиғилишида бизга маълум бўлган тўртта фаолият мавжуд, яъни муносабат, сажда қилиш, ўргатиш ва хушхабар айтиш. Агар йиғилиш бир соатга режалаштирилган бўлса, йиғилиш давомида тўртала фаолиятни тўлиқ ўтказиш қийин албатта. Ўқитувчи уни ўрнига гуруҳни катта - кичиклигига қараб битта ёки иккита фаолиятни танлаши мумкин.

Дарсликдаги мисоллар маслаҳат сифатида берилган, агар ўқитувчи аъзоларга қийин бўлган саволларнинг жавобини билса, у дарс давомида уларга жавоб беришга харакат қилиши керак бўлади.

Агар гуруҳдагиларни сони жудаям кўп бўлса, уларни кичкина гуруҳчаларга бўлган маъқул, лекин гуруҳчадагиларни сони 8-10 дан ошмаслиги керак. Хар бир гуруҳча учун раҳбар “лидерни” белгилаб қўйиши керак бўлади. Дарс давомида раҳбар гуруҳларнинг фаолиятига қараб лидерларни ўзгартириб туриши керак бўлади. *Йиғилиш мобайнида хар хил паузаларни четлаб ўтиш учун раҳбар олдиндан лидер ким бўлишини белгилаб, уларга йиғилишни қандай ўтказишни ўргатиши керак бўлади.*

Эсингизда бўлсин, бу дарснинг мақсади ўқувчиларни уй гуруҳини бошқариш учун тажрибасини оширишдир.

## I. ОДАТИЙ УЙ ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИНИНГ НАМУНАСИНИ ЯРАТИШ

Дарснинг мақсади қатнашчиларга йиғилишда иштирок этиш учун имконият яратиб беришдир. Эсингизда бўлсин, йиғилиш тўртта бўлимдан иборат, булар муносабат, сажда қилиш, ўргатиш ва Хушхабар айтиш. Дарс шундай тузилганки Раҳбарга иложи борича гуруҳнинг вазифасини танлашга имконият бериши мумкин бўлади. Агар қатнашчилар муносабат ва сажда қилиш вазифасидан кўпроқ ютуққа эга бўлишаётган бўлишса ўқитувчи шу вазифаларга кўпроқ эътибор бериши мумкин бўлади. Агар қатнашчиларни кўпроқ ўргатиш қизиқтирса ўқитувчи кўпроқ вақтни уй гуруҳида қандай қилиб Инжил ўрганиш дарсларини ўтказишни ўргатишга қаратиши мумкин. (Бу қўлланманинг иккита дарси ана шу

мавзуга аталган, "Каломни ўрганиш усуллари", 3-4 дарслар "Каломни ўргатишда амалий машғулот"). Бу дарснинг амалий машғулотлари гуруҳни катта кичиклигига ва уни белгиланган вақтининг чекланганлиги билан чегараланиши мумкин.

Қуйида гуруҳ йиғилишининг ана шу тўртта қисмининг ҳар бирига таклифлар берилган. Ўқитувчи қайси таклифни дарсга киритишини ўзи белгилайди.

## А. Муносабат

<u>Саҳна</u>: Уй гуруҳининг биринчи йиғилиши бўляпти. Имонлиларни дўстлари ва танишлари таклиф этилган, лекин хеч ким бир-бирини танимайди. Раҳбар йиғилишни кўпроқ вақтини муносабатлар ўрнатишга қаратмоқчи.

<u>Таклифлар</u>: " Гуруҳда қандай қилиб "Музни эритиш"" 2А иловасидан фойдаланиш мумкин. Лекин гуруҳ ўқитувчи одамларни янада яқинроқ танишиб олишлари учун ўзи маъқул кўрган усулни ишлатиши мумкин.

## Б. Сажда қилиш

<u>Саҳна</u>: Уй гуруҳи бир-икки хафта давомида учрашяпти. Шу пайтгача гуруҳ фақат ёдлаб олинган қўшиқларни айтиш билан чекланаётган эди. Гуруҳ Раҳбари сажда қилиш учун бошқа йўлларни таклиф қилиши мумкин.

<u>Таклифлар</u>: гуруҳга Забурдаги санолар асосида ибодат қилишни таклиф қилиш мумкин, (ҳар бир одам ўзига ёққан санони кетма-кет ҳолда ўқиб чиқиши мумкин). Ёки нотаниш бўлган қўшиқларни куйлаш, сажда қилиш, икки-учтадан одам бўлган гуруҳчаларда ибодат қилиш ва ҳ.к.

## В. Ўргатиш

Гуруҳдаги ўргатишларни бир неча йўллар билан олиб бориш мумкин.

### *1. Инжилни ўрганиш.*

<u>Саҳна</u>: Уй гуруҳи Каломни бир иккита парчаларини индуктив усулда қараб чиқади(лекин гуруҳдагилар ёки янги имонга келганлар ҳали Инжил билан яхши таниш бўлишмаса, уларга индуктив усулни таъкидлаб ўтиришни ҳожати йўқ.)

<u>Таклиф</u>: гуруҳ Раҳбари қатнашчиларни (агар ўқитувчи уларнинг ҳар бирини лидер ролида иштирок этишга имконият бермоқчи бўлса) ёки тайинланган "лидерларларга " олдиндан Инжилни ўрганиладиган жойини тайёрлаб қўйишини сўранг (2 дарсдаги "Каломни индуктив усулда ўрганишни бошқариш" принциплари асосида). Вақтга қараб ҳар бир одам ўзини тайёрлаб келган Инжил парчасини ҳамма билан бирга кўриб чиқиб озгина бўлса ҳам Раҳбар вазифасини бажариши мумкин.

### *2. Гуруҳдагиларни шахсан чиқиши.*

<u>Саҳна</u>: Уй гуруҳи Раҳбари баъзи бир гуруҳ аъзоларига Инжилнинг у ёки бу парчаси билан бўлишишга имконият яратиб бериши. Бу Каломни фақат ўқиши эмас, балки уларни кейинги дарсга бошқалар билан Каломда нима тўғрисида ёзилганини бўлишишдир. Шунга ўхшаган ҳар бир чиқиш 4-5 минутни ташкил қилиши мумкин. Иштирокчилар кўпроқ вақт кетқазиб қўймаслиги учун гуруҳ Раҳбари жавоб беради. Агар ҳаммаси режа бўйича кетса ва сиз саволлар ва жавоблар туркумига ҳам вақт ажратмоқчи бўлсангиз бошқа иштирокчилар ўзлари нималарни тушунмаганларини сўрашлари мумкин.

<u>Таклифлар</u>: ўқитувчи баъзиларни кимлар " иштирокчи" бўлишини олдиндан белгилаши керак бўлади.

### 3. *Якка ҳолда ўргатиш.*

<u>Саҳна</u>: гуруҳ Луқо 14::26чи "*Агар ким Менинг хузуримга келсаю, ўзининг ота-онаси, хотини, бола-чақаси, ака-укаси, опа-сингиллари ва хатто ўз жонидан кўнгил узмаса, у Менинг шогирдим бўлолмайди*" деган оятини ўрганиб чиқишган. Янги имонга келганлар тушунишмади ва гуруҳ Раҳбари тажрибага эга бўлган Масиҳийни, улар билан бирга ўтириб Инжилнинг шу жойини тшунтириб беришини сўрайди. Бу нарса қисқа тушунтириш билан ўтиб кетиши мумкин ёки бу тўғрисида кўпроқ гаплашиш мумкин( масалан чой ичиш вақтида), ёки йўлда бирга кетаётганда балки телефон орқали ва хоказо.

<u>Таклифлар:</u> Гуруҳ Раҳбари гуруҳни иккига бўлиши керак бўлади, биринчиси бу янги имонлилар иккинчиси эса тажрибага эга имонлилар.

## Г. Хушхабар айтиш

Хушхабар айтиш бир неча усуллар билан ўтиши мумкин.

### 1. *Шахсий шоҳидлик.*

Саҳна: Уй гуруҳи ҳали имонга келмаган одамларни мехмонга таклиф қилишди. Гуруҳ Раҳбари гуруҳдаги баъзиларни 2-3 минут ўз тўғриларида шоҳидлик беришларини сўради(мехмонларга тушунарли бўлган тилда).

Таклифлар: ўқитувчи бир неча иштирокчиларга ўзини имонга келгани (шахсий шоҳидлик) ни бошқаларга гапириб беришини сўраши керак ва ўз навбатида баъзиларни "имонсизлар",( худди бундай нарсаларни хеч қачон эшитмагандек) ролини бажаришга чорлаши керак бўлади. Агар "мехмонлар" бир нимани тушунмай қолса, улар гапни бўлиб гуруҳдан шуни сўрашлари керак бўлади.

### 2.*Уй гуруҳининг келажак хизматини режалаштириш.*

Саҳна: Уй гуруҳи шаҳарнинг одами кўп жойига чиқишди. Хозиргача гуруҳ чоршанба куни одамларни гуруҳга мехмонга чақиришга хеч йўл тополмади, топган бўлса ҳам кўчадаги одамлар келишдан бош тортти. Жойдаги одамларни кўпчилиги якшанба куни дам олишади. Жойда болалар кўп. Гуруҳ мана шундай вазиятда одамларга Хушхабар айтишни муҳокама қилиши керак.

Таклифлар: ўқитувчи гуруҳдаги бир кишини Раҳбар қилиб қўйиши керак бўлади.

### 3.*Муносабат гуруҳини ташкил қилишга тайёргарлик.*

Саҳна: Уй гуруҳи ўзларини жойларидаги эркакларга Хушхабар айтиш иштиёқида. Унга қарамасдан кўпчилик Худо тўғрисида хеч қандай билимга эга эмас ва гуруҳга мехмонга келишдан бош тортишяпти. Уй гуруҳи шу одамлар билан муносабат гуруҳларини ташкил қилишмоқчи ва улар билан кейинчали Худонинг муҳаббати билан бўлишиш мақсадида. Айнан шу жойда эркаклар кўпинча дам олиш кунларини футбол ўйини билан ёки машинани ремонти билан ўтказишади. Уй гуруҳи айнан шу вазиятда эркакларга Хушхабар айтиш учун аниқ режалар тузишлари керак бўлади.

Таклифлар: ўқитувчи гуруҳдаги бир кишини Раҳбар сифатида қўйиб қўйиши керак бўлади.

## II. БЎЛИБ ЎТГАН ЙИҒИЛИШГА БАҲО БЕРИШ

Қатнашчилар олиб борилган гуруҳлар намуналарига баҳо беришлари керак бўлади. Қайси томонлари яхши ва қайси томонлари устидан яна ишлаш кераклигини кўриб чиқиши керак. "Гуруҳ Раҳбари " саволларга ва муаммоларга қандай ечимлар топганини кўриб чиқиши керак бўлади. Нималарни бошқача қилса яхшироқ бўлар эди деган саволларни ўзларига беришлари керак бўлади.

## САВОЛЛАР

- Нима учун йиғилишни ҳар бир қисмини режалаштириш муҳим?
- Машқларни бажараётганда "Уй гуруҳи" Раҳбарлари қандай қийинчиликларга дуч келишди? Шунга ўхшаган қийинчиликлар ҳақиқий хизматда ҳам бўлиши мумкинми?

## ТОПШИРИҚ

Ўзингизнинг Уй гуруҳингизда иш олиб бораётганингизда шу дарсда ўтган ҳамма нарсаларни ёдингизда тутинг.

**Уй гуруҳлари**

**6 Дарс**

# Уй гуруҳларининг хизмат қарашлари

Дарс мақсади:

Бу дарснинг мақсади уй гуруҳларини умумий барча жойда жамоат ташкил қилиш стратегиясидаги ўрнини ўрганиб чиқиш.

Кутиладиган натижалар:

Дарсни ўрганиб чиққандан сўнг хар бир қатнашчи билиши зарур:

- Уй гуруҳлари худди ”ғиштлар“ каби хизматнинг катта стратегиялари учун асос бўлиши мумкин;
- Уй гуруҳини ривожланиш даврини билиш керак;
- Барча жойда жамоат ташкил қилишда уй гуруҳининг ролини тушуниш
- Уй гуруҳларида хизмат қилишнинг шахсий стратегиясини ишлаб чиқаришни билиши керак;

Дарс режаси:

I. Уй гуруҳларининг хизмат қарашлари

II.Уй гуруҳларининг хизмат стратегиясини ишлаб чиқиш

Ўқитувчиларга кўрсатмалар:

Бу дарснинг иккинчи қисми миссионерлар учун жуда мухим- яъни жамоат қурувчиларига. Сиз уларни кўпроқ шу масалага қаратинг.

## I. УЙ ГУРУҲЛАРИНИНГ ХИЗМАТ ҚАРАШЛАРИ (КОНЦЕПЦИЯСИ)

Ҳар бир Уй гуруҳи Масиҳийлардан ташкил топган битта “уюшма” сифатида ишлаши керак, улар бир-бирлари билан ака-укадек бўлишлари, бирга Худога сажда қилиб, бир-бирини муҳаббат билан қўллаб қувватлаши, бир-бирига ҳар доим ёрдам қўлини чўзиб ва Худо тўғрисида Хушхабар айтиши дегани. Шуларни ҳаммаси амалга ошиши учун ҳамма нарсани режалаштириш керак бўлади. Гуруҳ Раҳбари кўпроқ вақтни гуруҳ аъзоларини саволларига, уларни муҳтожликларига жавоб бериш учун вақт ажратиши керак ва уларни мақсадига етадиган самарали хизматга жўнатиши керак бўлади.

Унга қарамасдан, Уй гуруҳини кўп ишларини инобатга олган холда гуруҳни умумий концепциясини муҳимлигини тушуниш керак. Уй гуруҳи катта хизматнинг стратегиясини “ғиштчаларига” ўхшайди. Жамоат қурилаётганда Уй гуруҳи “асос” ролини бажаради.

## А. Уй гуруҳининг ривожланиш даври

Ташкил топган Уй гуруҳи ўзининг ривожланиш пайтида ҳар хил вазиятларни бошидан ўтказади. Бутунлай бу нарса одамнинг хаётига ўхшайди, одам ҳам катта бўлади ва улғаяди. Бу нарсани ҳар бир Уй гуруҳида кузатса бўлади. Ҳар бир йиғилишни режалаштираётганда гуруҳ лидери гуруҳ фаолиятнинг қайси фазасига келганини инобатга олиши керак. Гуруҳни кетаётган фазасини тушуниш лидерга гуруҳни кўпайиш сари олиб боришида ёрдам беради.

Кўпинча кичкина гурухда кўпайиш содир бўлмайди. Одатда бундай гуруҳдаги хаёт ўзгариши ташкил топган вақтининг иккинчи йилларининг охирига келиб тўхтайди. Бошқа сўз билан айтадиган бўлсак, гуруҳ икки йил давомида доимий равишда учрашиб турган, бу билан ўз одатларини пайдо қилган, унда ўзгача ҳолат ҳукм суради, қайта келганлар эса бу

ерда ўзларини ноқулай сеза бошлайдилар. Агар биз Уй гуруҳига ўзи табий холда иш олиб боришига йўл қўйсак гуруҳ хеч қачон кўпаймайди. Бунинг олдини олиш учун хизматчи келажакни кўзда тутган холда ҳамма нарсани режалаштириши керак бўлади. Уй гуруҳи ўзини қайси хаётий даврида эканини ва ўзини ривожланиши учун нима керак эканини билган холда, у жамоат қуришнинг катта стратегиясининг бир қисми бўлиши мумкин.

| Давр | Давомийлик (Муддатлар тахминан) | Тасвир |
|---|---|---|
| Йўналиш | Хафталар 1-4 | Одамлар бир-бири билан танишиб, бир-бирларини кузатиб борадилар. Бир-бирига ишонч кам. Ҳамма хизматлар лидер орқали амалга ошади. |
| Ўтиш даври | Хафталар 5-10 | Гуруҳ аъзолари бир-бирини тушунишни ўрганади. Улар гуруҳдаги ”одатий“ аҳлоқ ҳисобланган кўринишга кўникиб қолишади. Бир-бирига ишониш тобора ошиб, хақиқий муносабатлар ўрнатилиши бошланади. |
| Муносабат | Хафталар 11-15 | Одамлар ўзларини гуруҳни талабларига жавоб берадиган холда хис қилишади. Самимийлик, очиқлик ва мақсадларга эришиш ошиб боради. Гуруҳ аъзолари ўзларини гуруҳга тегишли эканликларини сезади. Лидерга гуруҳ аъзоларига баъзи ишларни топшириб қўйишга имкониятлар туғилиши кутилади. |
| Ҳаракат | Хафталар 16-35 | Гуруҳ юқори интилишга эга бўлиб, Инжил оятларини хаётда ишлатишни бошлашади. Тез-тез гуруҳ биргаликда хизматларда иштирок этишади. Бир-бирига ишониш кучайиб боради. |
| Кўпайиш | Хафталар 36-40 | Гуруҳ иккига бўлиниш вақтига яқинлашиб қолади. Гуруҳ кўпайиш даврини такрорлаш вақтида Раҳбар ўринбосари(-лар) ўзларини гуруҳларини олиб боришни бошлашади. |

## Б. Уй гуруҳи умумий мақсадга эришишда ёрдам беради

Уй гуруҳи ҳам бизнинг танамиздаги ҳужайраларга ўхшаб ўз вазифаларига эга. Қайсидир шаҳарда бир Уй гуруҳи аниқ бир жойда иш олиб борса, иккинчиси эса бошқа жойнинг аҳолиси билан иш олиб бориши мумкин. Иккала гуруҳ ҳам ўзининг мақсадига эга ва уларга эришишга ҳаркат қилишади, лекин униси ҳам, буниси ҳам Худонинг Шоҳлигини ерда ўрнатишда иштирок этишади. Социялогия соҳасидаги изланишлар ва хаётий тажриба шуни кўрсатадики, одамларни гуруҳи якка иш олиб борадиганларга нисбатан кўпроқ ютуқларга эга бўлишади. Шуни инобатга олган холда биргаликда ҳаракат қиладиган Уй гуруҳлари ҳам кўп муваффақиятларга эришишади.

Биринчи гуруҳ ташкил топишидан олдин, ҳамма гуруҳлар учун бўлган мақсадни белгилаб олиш муҳим. Биз сизларга охирида нимага эришишмоқчи эканингизни ўзларинг учун белгилаб олишни маслаҳат қиламиз. Буни белгилаб олганингиздан сўнг, сиз қолган нарсаларни режалаштиришингиз мумкин бўлади, масалан: қандай гуруҳлар керак ва қаерда? Мақсадга эришиш учун нечта гуруҳ кераклигини ? Шундан кейин ҳар бир гуруҳ бир-биридан фарқ қилган холда, мақсади бир бўлган битта Уй гуруҳини “танасига” тегишли бўлиб қолади.

## В. Уй гуруҳлари барча жойда жамоатлар ташкил қилиш стратегиясининг асосий қисми

Жамоат қуриш стратегияси оддий ва табий ҳаракатлардан иборат, бу нарса Жамоатнинг табиатига бошланишиданоқ киритилган. Жамоат ташкил қилиш оддий , содда ва самарали усулларни талаб қилади. Бунга ўхшаган ҳаракатлар сифатисиз жамоат на бошланиши мумкин на кўпайиши. ”Юқори малакали“ Чўпонларни ва жуда ҳам ҳашаматли жамоат биноларини талаб қиладиган янги жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини умуман самарали ҳаракат деб атаб бўлмайди.

Уй гуруҳи ишлатилишда қулай ва оддий. Уй гуруҳи хеч қандай пул масаласига муҳтож эмас, муҳтож бўлса ҳам бу кўрсатма жуда кам бўлади. Муносабат ва муомала ўрнатиш учун имонлиларга яхши имконият туғдириб беради. Уй гуруҳининг диққат марказида программа ёки система эмас, балки одамларнинг муҳтожликлари туради. Уй гуруҳлари одамларнинг асосий муҳтожликларини қондиришга қаратилган: муҳаббатга ва қабул қилишга.

Ундан ташқари Уй гуруҳининг фазилатларидан бири бу хушхабар тарқатишни ва кўпайишни олдиндан кўришдир, бу фактор жамоатларни ташкил қилишда асосий роллардан биридир.

Буюк Топшириқни амалга оширишнинг энг самарали йўлларидан бири жамоат қуришни Уй гуруҳидан бошлашдир.

## II. УЙ ГУРУҲЛАРИНИНГ ХИЗМАТ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Уй гуруҳлари хизмат катта стратегиясининг “ғиштчалардан” ташкил топганлигини инобатга олган холда, биз ўзимизни жамоат қуриш  стратегиямизни ўйлаб, Уй гуруҳи сиз қўйган мақсадларга қандай қилиб эришиши мумкинлигини ўйлаб кўришингиз керак бўлади.

## А. Машғулот: гуруҳларнинг намунаси

Жамоат қуриш учун керак бўлган хизмат гуруҳлари намуналари кўп.Чўпон (хизматчи) бу намуналарни жамоат ташкил қилиш учун ҳар хил йўллар билан ишлатиши мумкин. Қуйида баъзи намуналар берилган. Бошқа иштирокчилар билан бирга уларни қулай ва ноқулай томонларини кўриб чиқинг. Асосий нарса ёдингизда турсин: кичик гуруҳ билан Уй гуруҳининг фарқи, бу Уй гуруҳи *кўпайишга интилади.*

### *Намуна 1: Бир неча кичкина гуруҳлардан жамоат ташкил қилиш учун фойдаланиш*

Каломга асосланган жамоатлар Инжил ўрганиш учун кўплаб кичик гуруҳларга эга. Одамлар кўп  йиллар давомида учрашиб турсалар ҳам жамоат хеч кўпаймайди. Жамоат аъзолари бир-бирига яқин туришса ҳам, лекин улар жамоатдан узоқда туришади. Улар жамоатни ўзлари турадиган яқинроқ жойга қуришни маъқул кўришади.

### *Намуна 2: Катта жамоатда кичик гуруҳларни ташкил қилиш*

Жамоат 1000 одамга эга. Жамоат йиғилишларини якшанба куни ўтказади ва чоршанба куни қўшимча йиғилишини ўтказишади. Катта чўпон жамоат аъзоларини хафтада бир мартда кичик гуруҳларда учрашишлари керак деб қарор қилади.  Раҳбарият одамларни ўзлари истагандек кичик гуруҳларга бўлиб тахминан ўн кишидан ва кейин ҳар бир аъзога қайси гуруҳда эканини айтишади.

### *Намуна 3: Кўпайиб борадиган ва ҳар бири жамоат даражасигача ўсиб борадиган Уй гуруҳларини тузиш*

Жамоат бошламоқчи бўлган хизматчи янги шаҳарга кўчиб, у ерда одамларга Хушхабарни айтишни бошлайди. Одамлар очиқ ва тез орада Хушхабар айтишга ва кўпайишга интиладиган учта Уй гуруҳи ташкил топади. Уларга тахминан элликтача одам келиши мумкин(ҳамма гуруҳларга). Хизматчи ўз навбатида бу гуруҳларни катта жамоатга айланиб кетишини кутиб туради.

### *Намуна 4: Бор бўлган маҳаллий жамоат асосида Уй гуруҳини ташкил қилиш*

“Қайта тирилиш” жамоати ёрдамга муҳтож. Бу жамоатга эллик йил бўлганига қарамасдан, жамоат йиғилиши кунида атига йигирма беш киши мажлисга келади. Учта хизматчи чўпоннинг олдига бориб, жамоатга келадиганларни Уй гуруҳларига ўзгартиришни

таклиф қилишади. Уй гуруҳлари билан ҳалиги учта хизматчи шуғулланишни бошлашади. Ва гуруҳларнинг диққат марказида Хушхабар айтиш, ўргатиш, ўсиш ва кўпайиш бўлади.

### *Намуна 5: Битта катта жамоат қуриш учун Уй гуруҳларини ташкил қилиш*

Хизматчи умуман жамоати бўлмаган шаҳарга кўчиб кетади ва у ерда бир-иккита Уй гуруҳларини ташкил қилади. Улар ривожланиб, яхши ўсиб, кўпайишни бошлашади. Гуруҳлардаги одамларнинг бир-бирига муносабатлари жуда яхши ва бир-бирига жуда яқин. Улар гуруҳлар асосида битта катта жамоат ташкил қилишмоқчи эканини билдиришади. Ҳар бир янги тузилган Уй гуруҳи ўша бир катта жамоатнинг бир қисми бўлиб қолади.

### *Намуна 6: Хеч қандай жамоатга тегишли бўлмаган кичик гуруҳлар*

Бир неча йиллар олдин ғарбдан шаҳарга хизматчилар юборилган. Улар ўз навбатида ўша шаҳардаги жамоатлардан ташқари кичик гуруҳларни ташкил қилишди. Бу гуруҳлар хафтада бир марта Инжил ўрганиш учун йиғилишади.

### *Намуна 7: Маҳаллий жамоатларни "тўлғазиб" туриш учун Уй гуруҳларини ташкил қилиш*

Бир неча хизматчилар Уй гуруҳларини ташкил қилишни бошлашган. Гуруҳлар келажакни кўрадиган, Хушхабар айтишга ва кўпайишга интиладиган гуруҳлар, лекин янги жамоатлар ташкил қилиш иштиёқида эмас. Унинг ўрнига улар гуруҳдагиларни яқинда жойлашган жамоатга юборишяпти.

Уй гуруҳининг асосий фазилатларидан бири бу имкониятларнинг ранг-баранглигидадир, айниқса жамоатлар ташкил қилишда. Уй гуруҳини жамоат ташкил қилиш учун у ёки бу йўлни ишлатиш шарт дейиш қийин. Лекин гуруҳнинг қайси сохада иш олиб бораётганига қарамасдан айтишимиз мумкинки - Уй гуруҳининг асосий мақсади бу *кўпайишдир.*

## Б. Уй гуруҳининг хизмат стратегияси

Уй гуруҳининг хизмат стратегиясини ташкил қилишни бошлаётганда, сиз хизматнинг умумий кўринишини ва уй гуруҳининг ундаги ўрнини кўз олдингизга келтиришингиз керак. Қуйида бир- неча сиз эсингизда тутишингиз керак бўлганлар берилган.

Хизматнинг умумий мақсадларини белгиланг яъни: ҳамма ерда бўладиган жамоатлар ташкил қилмоқчимисиз, битта жамоатми ёки кўп жамоатларми, жойни, шаҳарними ёки вилоятни "тўйғизадиган" жамоатларми? Сизнинг мақсадингиз Уй гуруҳининг сонини ва йўналишини белгилайди.

Қайси вазиятларда Уй гуруҳлари бирга ишлашади, қачон алоҳида-алоҳида? Уларнинг иш фаолияти қай тарзда баҳоланади?

Мўлжал қилинган жой ёки аҳоли қайси? Гуруҳнинг иш турларини яхшироқ билиш учун гуруҳ изланишлар олиб бориши керак бўлади.(1 қўлланма)

Хушхабар айтишнинг қайси турлари мақсад қилиб қўйилган аҳолига ёки жойга маъқул келади ва амалда қандай ишлатасиз?

Сизнинг мўлжалдаги жойингизда асосий лидер ким? Одамларнинг битта гуруҳ билан ёки бир неча гуруҳ билан учрашиш йўллари борми?

Мақсадга етиш учун сиз қайси "Намунадан" фойдаланган бўлар эдингиз? Ўзингизнинг мақсадларингизга эришиш учун сиз бир неча Намуналардан фойдаланишингиз мумкин бўлиб қолиши ҳам мумкин.

## САВОЛЛАР

- Сизнинг гуруҳингиз ҳар доим ривожланиш даврини қайсидур даврида бўлади (йўналиш, муносабат, амал ёки кўпайиш). Нима учун Уй гуруҳи йиғилишини режалаштираётганда даврни инобатга олиш жуда муҳим? Нима учун Уй гуруҳи стратегияси нуқтаи назаридан бу жуда муҳим?
- Нима учун Уй гуруҳлари ҳамма ерда жамоат ташкил қилиш стратегиясида муҳим ролни ўйнайди?
- Намуналарни қайси бири сизнинг мўлжалдаги жойингизга тўғри келади?

## ТОПШИРИҚ

- Қисқача Уй гуруҳи тўғрисида тушунча беринг. Ва ёзганингизни Раҳбарга кўрсатинг.
- Мақсадингизга ва хизмат учун мўлжал қилиб қўйилган жой тўғрисидаги билимга

асосланган ҳолда Уй гуруҳининг хизмат стратегияси асосларини ёзинг. Ёзган режага “Уй гуруҳларининг хизмат стратегияси” туркумидан пунктларни ҳам киритинг. Ва тузган режаларингизни бошқа қатнашчилар билан баҳолаш учун бўлишинг.

# 7 қисм: Раҳбарлик

**Раҳбарлик**

**1 Дарс**

# Каломга асосланган Раҳбарлик принциплари

## *Бошланишидан тўғри эди!*

**Дарс мақсади:**

Мазкур дарснинг мақсади – раҳбарлик тушунчасини аниқлаш ва раҳбарликнинг Каломга асосланган бешта принципларини тафсия этиш. Бизнинг муҳокамамиз шахсий тахминларга эмас, мутлақо ҳақиқат бўлган Каломга асосланган бўлиши жуда зарур.

**Кутилган натижалар:**

Материални ўрганиб чиққандан кейин ҳар бир қатнашчи билиши зарур:

- ”Раҳбарлик“ сўзини ифодаловчи тушунчани бир сўз билан тушуниши;
- Раҳбарликнинг бешта асосий принципларини билиши;
- Худога эргашувчи Раҳбарнинг ҳаракатлари кўпроқ Каломга асосланишини билиши;

**Дарс режаси:**

I. Раҳбарлик тушунчаси
II. Раҳбарликнинг Каломга асосланган принциплари

**Илова:**

1А””Раҳбарлик“ мавзусини ўрганиш бўйича мисоллар“

**Ўқитувчилар учун кўрсатмалар:**

Бу дарс 3 та топшириқни ўз ичига олади. Ҳар бирига ўз ихтиёрингиз бўйича вақт ажратинг. 1А Иловада берилган ””Раҳбарлик“ мавзусини ўрганиш бўйича мисоллар“ дарсида берилган принципларни амалда қўллашни таҳлил қилишда ёрдам беради. Агар иложи бўлса, буни кичик гуруҳларда ёки мунозара пайдо қилиш имконини берадиган ҳолатда дарсни ўтказинг.

## СЎЗ БОШИ

Жамоатнинг энг аҳамиятли муҳтожликларидан бири бу яхши тайёрланган раҳбарлардир деган гапни кўп эшитамиз. Лекин раҳбарларни излаш ёки уларни тайёрлашдан олдин, раҳбар деган сўзни тушуниб олишимиз керак. Раҳбарлик деган сўзни биз қандай тушунамиз? Бу сўз кўп маънога эга. Жамоатдаги раҳбар ҳақида гапирганимизда бу сўзни тушуниш янада қийинлигини тасаввур қиламиз. Кўпларимиз ўз урф-одатимиз, маданиятимиздан келиб чиққан ҳолда, раҳбарлик сўзи ҳақида қандайдир тасаввурга эгамиз. Аммо, бундан ташқари раҳбарлик принциплари ҳақидаги мутлоқ ҳақиқатни Каломдан кўришимиз мумкин. Каломга асосланган раҳбарлик принципларини ўрганар эканмиз, кўрамизки Худога манзур келадиган раҳбарлик, дунёвий раҳбарликдан фарқ қилади. Бу дарсда Каломда раҳбарлик ҳақида нима дейилганини ўрганиб чиқамиз.

## I. РАҲБАРЛИКНИ АНИҚЛАБ ОЛИШ

<u>Топшириқ:</u> ”раҳбар“ сўзини иложи борича кўпроқ сўзлар билан тасвирланг. Уни бошқалар билан бўлишинг.

<u>Қуйидаги тасвирлашларни ўқиб чиқинг:</u>

”Раҳбарлик – бу қилиш; яни бир одамнинг бошқа одамга таъсир қила олиши“ (Sanders, Sprіritual Leadership p.31).

”Раҳбарлик – бу шундай жараёнки, унда эркак ёки аёл, Худо томонидан берилган қобилият билан, Худонинг халқига, Худо томонидан қўйилган мақсад сари интилишга ундовчи таъсир қилади“. ( Clinton, Making of a Leader, p.14) cf.p.127.

Иккала тасвирлашда ҳам муҳим сўз ”таъсир қилиш“ дир. Шундай қилиб ”раҳбарлик“ сўзининг маъноси, қисқача қилиб айтганда: ”раҳбарлик – бу таъсир қилиш“. Одамлар ҳар хил йўллар билан таъсирга (раҳбар бўлиб қоладилар) эга бўладилар. Баъзан одамнинг таъсири унинг мансабига асосланади. Бошқалар ўз билимлари билан таъсир қила оладилар. Кимдир эса шахсий характери туфайли таъсир қила олади. Аниқ нима одамни раҳбар қилишини бир сўз билан тасвирлаб бериш қийин, аммо орқасидан кимларнидир эргаштирган одам, албатта уларга таъсир қилмасдан туриб, бунга эриша олмайди.

Бу дарсларда раҳбарлик ҳақида гапираётиб, лавозим сўзининг расмий тутган ўрнини назарда тутмаймиз. Кўпроқ биз раҳбарлик вазифасини назарда тутамиз, яни гуруҳда энг кўп таъсирга эга инсонга, унинг лавозимига қарамасдан раҳбар сифатида қаралади. Бундай муносабатни тушуниш инсоннинг ўзининг хизмат қилиш тўғрисидаги тасаввурларини анча ўзгартириши мумкин (бошқарув лавозимидаги одамни). Жамоатнинг буюк раҳбарларидан бири шундай деганди: ”қачонки раҳбарлик лавозим эмас, балки таъсир кўрсатиш эканлигини тушунсак, бу ҳамма нарсани ўзгартиради. Раҳбар бўлишга бошқа интилмайсан, лекин одамлар ўз қадрларини кўришларига харакат қиласан ва шунда улар сени раҳбар қиладилар“. (“The Potenrial Around You” by John Maxwell. Leadership, Fall, 1996 (p.25)).

## II. РАҲБАРЛИКНИНГ КАЛОМГА АСОСЛАНГАН ПРИНЦИПЛАРИ

Бизнинг кўплаб инсон табиати, истаклари ва раҳбарлик хақидаги тасаввурларимиз дунёдан келади. Аммо дунёвий раҳбарлик ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди, хатто у алдамчи ҳам. Баъзан бизнес олами, ”раҳбар ўз хизматчиларига ишона олмайди“, ёки ” агар сен одамларга жуда ҳам ишонсанг, улар сени ўз йўлларида ишлатадилар“ деган тушунчаларга асосланиб фаолият кўрсатади. Бундан ташқари, дунёвий раҳбарлар, одамлар фақатгина мукофот учун, ёки тазйиқ (қўрқитиш) ўтказиш орқали ишлайдилар деган фикрда бўладилар. Бундай қарашлар дунёвий раҳбарларни, уларнинг ҳамма таъсир қилиш кучи лавозимга ёки шахсий сифатларга асосланган деган фикрга олиб келади.

Топшириқ: бир неча дақиқа давомида юқоридагидек фикрга эга бўлган раҳбарлар туфайли хис-туйғуларингизга етказилган зарар ҳақида муҳокама ўтказинг.

Юқоридаги фикрлар кенг тарқалган, бу мукаммал бўлмаган дунёда яшаётганимиз туфайли, улар биз учун оқилона бўлиб кўринади. Лекин, биз бошқача фикрлаш учун чақирилганмиз. Каломга асосланган раҳбарлик принципларини кўриб чиқамиз.

## А. Ўз орқасидан одамларни эргаштириш ҳуқуқи Худо томонидан берилади

Лука 7:1-10да тасвирланган юзбоши бошланишида 100та рим аскарига эга эди. Шунга қарамасдан унинг ўзи тўғрисида айтган биринчи гапи, ”буйруққа тобе одамман“ эмас, балки ”менинг ихтиёримда ҳам аскарлар бор“ эди. Эҳтимол, у ўзининг лавозими ва ҳокимятига қарамасдан одамларни ўзи ҳоҳлаган, калласи келган жойга бошлаб кета олмаслигини тушунгандир. Чунки у юқоридаги раҳбарлар олдида жавобгар эди.

Худо ҳокимятга эгалик қилишнинг қонуний ҳуқуқини давлат (Рим.13:1-7; Бутрус 2:13-17), оила (Чиқ.20:12;Эф.5:22-23; 6:1-4) ва жамоат (Ибр.13:17) кабилар орқали белгилади. Юзбоши вақеасидаги каби, хеч бир бошлиққа унинг мавқеи унга тўлиқ ҳокимятни бермайди. Ҳокимяти тўлиқ бўлган, фақатгина битта Бошлиқ бор ва ҳар қандай раҳбар Унга итоат этиши керак. Оҳир оқибат ҳамма ҳокимят Худодан келади ва У Ўз мақсадини амалга ошириш учун одамларни раҳбар қилиб тайинлайди ва улар орқали амал қилади (Масаллар 21:11). Исо Ўзининг ер юзидаги хизмати ҳақида гапирганида, буни алоҳида таъкидлаб ўтган (Юҳ. 8:28-29).

Юқодида айтилган фикрлардан биламизки, ўз Раббиси Исо Масиҳга тўғри эргаша оладиган раҳбар энг яхши раҳбар бўла олади. Хеч ким одамларни ўз ҳоҳишига асосланга ҳолда бошқара олмайди. Лекин ҳар бир ҳокимят Худодандир. Айниқса, фақатгина ўз ихтиёри билан Масиҳий раҳбар бўлиш мумкин эмас, у Худо томонидан сайланган ва рағбатлантирилган бўлиши керак (Юҳ.15:16). Буюк Масиҳий раҳбарлар – улар олдида одамларни Худо чақирган йўлга бошлаш каби шарафли масулият турганини тушунадилар, шунинг учун улар ҳамма ҳаракатларини Худо йўлидан боришга сарфлайдилар. Улар одамларга таъсир ўтказганда, лавозимга, шахсий фазилатларига ёки шахсий ҳокимятига эмас,

балки барча ҳокимлик манбаи бўлмиш – Худога мурожаат қиладилар.

## Б. Камтарлик ва бошқаларга хизмат қилиш – Масиҳий раҳбарларнинг фарқ қиладиган фазилатларидир

Раҳбар, биринчи навабатда хизматчи хисобланади, шунинг учун у нима гапирса ҳам, нима қилса ҳам, худди хизмат қилгандек қилиши керак. Эҳтимол, раҳбар учун камтарликнинг тескариси бўлган – мағрурлик каби, энг ҳавфли нарса бўлмаса керак. Мағрурлик фақатгина, раҳбар ва эргашувчилар орасида тўсиқ ҳосил қилмасдан, Каломда айтилган Худога ёқмайдиган нарсалар рўйҳатига ҳам киради(Матталлар 6:16-17).

"Бошқариш" сўзи хеч қачон Янги Аҳдда Масиҳийлар орасидаги муносабатларни тасвирлаб бериш учун ишлатилмаган. Масиҳий раҳбар "ҳоким" эмас. Аксинча – у хизматчи. Ўз истакларини ёки бошқалар устидан буйруқлар бериш ҳоҳишини қондириш учун раҳбар бўлиш, Каломга асосланган раҳбарликка тескари ҳисобланади(Фил.2:1-8).

Масиҳ Ўзига эргашувчиларга аниқ қилиб айтган, ўз фойдаси учун раҳбар бўлмаслик керак (Матто 20:20-28; Юҳ.13:1-16). У сўзда ва ишда уларни бошқа нарсага ўргатди. Исо камтарлик билан шогирдларининг оёғини ювганида – бу билан уларга ўрнак бўлиб хизмат қилди (Юҳ.13:15). Кўпчилик дунёвий бошлиқлар одамларни тобе қилиш учун, улардан устунликларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар, лекин жамоат раҳбарлари бундай бўлмасликлари керак (Мат.20:25-28; 1Бутрус 5:1-7).

Баъзи Масиҳий раҳбарлар камтарлик билан бошлайдилар, аммо баъзи натижаларга эришганларидан кейин, озгина мағрурликка, ўз-ўзини юқорироқ баҳолашга ўтиб қоладилар. Аммо ҳаворий Павлус бутун хизмати давомида камтарликда ўсиб борган. Эътибор беринг, ўзининг хизматини бошларида, ўзини *ҳаворийларнинг энг арзимасиман* деб атаяпти (1Кор.15:9). Кейинроқ, Эфесликларга мактубида у ўзи ҳақида *барча азизлар орасида энг арзимасиман* деяпти(Эф.3:8). Ундан ҳам кейинроқ, умрининг охирларида, ўзи ҳақида *гуноҳкорларнинг биринчиси менман* деб эслатяпти (1Тим.1:15).

## В. Масиҳий раҳбарнинг сифатлари таълим ва амалий йўлда ҳосил бўлиб боради

Одам раҳбар бўлиб туғиладими ёки тайинланадими буни кўпинча билмаймиз. Баъзиларда туғилишданоқ бошқаларни бошқариш қобилиятига эга бўлишига хеч шубҳа йўқ, лекин ҳатто шундай одамлар ҳам Масиҳий раҳбар бўла олмайдилар. Хуллас, бизлардан қай биримиз Масиҳий раҳбарга қўйилган талабларнинг ҳаммасини бажара оладиган қобилият билан туғиламиз, мисол учун:

- Жамоатга Худонинг Сўзи билан таълим бера оладиган.
- Бошқаларга руҳий инъом, қобилият, истедодини билиш ва улардан фойдаланишларида ёрдам бериш.
- Бошқаларни яхши ишлар қилишга ундай олиш.
- Худонинг халқини хаёт фаолиятини режалаштириш ва ташкил қила билиш.
- Ҳолдан тойганларни қўллаб қувватлай олиш.
- Кучсизларни имонга бошлай олиш.

Бу фазилардан кўпчилиги биз учун нотаниш, чунки бу фазилатлар инсон табиатиатига мойил эмас. Бундан ташқари бизнинг душманларча, гуноҳкор ниятларимиз Масиҳий раҳбарнинг хислатларига қарама-қаршидир. Раҳбарликнинг дунёвий ва руҳий фарқини ўзида акс эттирган қуйидаги жадвални кўриб чиқамиз.

| Дунёвий раҳбар | Руҳий раҳбар |
|---|---|
| Ўзига ишонган | Худога ишонган |
| Одамларнинг истакларини тушунади | Худонинг ва одамларнинг истакларини тушунади |
| Ўзи қарорлар қабул қилади | Худонинг иродасини излайди |
| Иззат фарас | Хизматчи |
| Ўзининг усулларини ишлаб чиқаради | Худонинг усулларини излайди ва уларга амал қилади |
| Бошқалар устидан ҳокимлик қилишдан роҳатланади | Худога итоат қилишдан завқ олади |
| Фаолиятининг асосий сабаби – шахсий мулоҳазалар | Фаолиятининг асосий сабаби – Худога ва одамларга бўлган севги |
| Мустақил | Худога қарам (боғлиқ) |

Эсингизда бўлсин, раҳбарлик учун чақирилган одам ўз инъомини ғайрат билан ишлатиши керак(Рим.12:8). Бу дегани раҳбарлик инъом бўлса ҳам, ундан эҳтиётсизлик билан фойдаланмаслик керак. Павлус Тимофейни ”руҳий қобилиятни алангалатиб туриш“га чақирган (2Тим.1:6). Руҳдан олинган инъомни тушуниб олиш (1Тим.4:16), тўғри таълим бера олиши учун (2Тим.2:15). Тимофей туғма раҳбарми йўқми билмаймиз. Лекин Павлус уни хар доим ўқиб-ўрганишни, хар доим Худонинг янада яхши хизматчиси бўлишга интилишини ҳоҳларди. Шунга ўхшаб биз ҳам ўзимизнинг табиий, туғма раҳбарликка бўлган қобилиятимизга суяна олмаймиз.

## Г. Каломда тасвирланган раҳбарликнинг усуллари

Муқаддас Китобни батафсил ўрганиш, ўзининг хизмат қилишида мутлақо бир хил бўлган иккита раҳбар йўқлигини кўрсатади. Улар қуйидагиларда фарқ қиладилар: ҳаворийликда (Павлус каби), одамларни Худога мурожаат қилишга ундай олишда, хар бир янги вазиятга янгича ёндаша олиш, – Чўпонлик давригача (Барнаба), кўриниб турадиган сифатларидан бири, имонлиларни тарбиялаш ва ташкилотчилик қобулиятига эга бўлишда. Раҳбарлик усулига, унинг характери ҳам, у бўлган ҳолат ҳам таъсри қилади. Шубҳасиз Исо Навин йўбошчилик чақириғига Довуддан кўра бошқачароқ жавоб берди. Раҳбарликнинг ҳар хил усулларининг борлигини тушунтириш мумкин, буни раҳбарнинг шахсий сифатлари ва у бўлган ҳолатларни фарқ қилишида кўрса бўлади.

Эф.4:11-12да Муқаддас Руҳнинг раҳбарнинг турли доираларига таъсир қиладиган, ҳар хил инъомлари тасвирланади(жадвалга қаранг). Агар раҳбарнинг вазифаси Худо халқини бошқариш бўлганига эътибор берадиган бўлсак, бу инъомларнинг ҳар бири ростдан ҳам раҳбарликка алоқадор эканлигини кўрамиз.

| Чақириқ | Ҳаракат доираси | Вазифаси |
|---|---|---|
| *Ҳаворий* | Ният (ваҳий, мақсад) | Бошловчи (биринчилардан) |
| *Пайғамбар* | Айбни, гуноҳни ошкор қилиш, насиҳат | Ваъз қилиш |
| *Хушхабар тарғиботчиси* | Нажот | Дунёга Хушхабар етказиш |
| *Чўпон* | Тарбия | Жамоатнинг ибрати |
| *Устоз* | Ҳақиқат | Таълим бериш |

Бу дегани бир раҳбарлик усули бошқасидан устинроқ дегани эмас, лекин аниқ одамлар гуруҳи учун муайян бир вақтда раҳбарликнинг бир тури бошқаларига нисбатан афзалроқ бўлиши мумкин. Ўзингизнинг хизмат қилиш жараёнингизда сиз баъзан ўзингизнинг раҳбарлик услубингизни вужудга келаётган эҳтиёжларга мувофиқ ўзгартириш заруриятига дуч келишингиз мумкин.

Топшириқ: бир неча дақиқани ”Жамоат ташкили қилиш жараёни“ диаграммасини (1 қўлланма, ”Ният“ 3 дарсга қаранг) ўрганиб чиқишга сарфланг. Кичик гуруҳларга бўлиниб, ёки бутун синф билан ҳар бир жараён учун қайси раҳбарлик усули тўғри келишини муҳокама қилинг.

## Д. Жамоатда раҳбарнинг асосий вазифаси – Масиҳийларни хизматга тайёрлаш

Одатда жамоатда фақатгина чўпонлар ва бошқа раҳбарлар ”хизмат қиладилар“ деб ҳисобланарди. Аммо Эф.4:11-12да шундай дейилади, раҳбарнинг асосий вазифаси ”Масиҳ умматини обод бўла боришидир“. Унинг шиори: ”Ўн киши учун ишлагандан кўра, ўн

кишини хизматга жалб қилган яхширoқ" бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, жамоат раҳбарлари, бошқа имонлиларни хизмат йўлига бошлай оладиган устозлар бўлишлари керак. Улар одамларга шу йўлда олдинга юра олишларида ёрдам беришлари зарур.

**Раҳбарларни шартли равишда иккига бўлиш мумикин:**

| **Раҳбар – бошлиқ** | **Раҳбар – таъсир қилувчи (катализатор)** |
|---|---|
| Ишга эътибори қаратилган:"қўйилган мақсадга эришиш" | Одамларга эътибори қаратилган: "одамларни хизматга жалб қилиш" |
| Бажарувчи | Тарбиячи |
| Мақсад:"хизматни амалга ошириш" | Мақсад:"бошқаларни хизматга тайёрлаш" |
| Тажрибали(профессионал) | Устоз, ўқитувчи, ўргатувчи |

"Раҳбар – устоз"га бошқача тарифни, Лао-цзынинг сўзларидан тасаввур қилиш мумкин: "*Зўр раҳбар ўз ишини тамомлаганида, топшириқ бажарилганидан кейин, одамлар шундай дейдилар: биз ўзимиз буни амалга оширдик".*

## САВОЛЛАР

- Агар раҳбарликка бир ибора "таъсир қилиш" билан тариф берсак, қандай амалий натижаларга эга бўламиз? Жамоатингизда, ёки хизматингизда айнан шундай тушунчага эга бўлган ва шу тушунча асосида амал қиладиган раҳбарлар борми?
- Сизнинг маданиятингизда одамлар қандай қилиб раҳбар бўладилар?
- Нима учун, ҳар бир раҳбар Масиҳга эргашувчи бўлиши муҳим?
- Одамларни ортидан эргаштириш ҳокимияти Худо томонидан берилади, деган тушунча, сизни раҳбарликка бўлган фикрингизни қанчалик ўзгартиради?
- Жамоатга табиий раҳбарлик сифатларига эга бўлган, янги имонга келган одамни раҳбар қилиб тайинлаш, қандай оқибатларга олиб келади?
- Сизнингча, Эф.4:11да санаб ўтилган бешта раҳбарлик инъомларидан қайси бирига сиз эгасиз?
- Каломга асосланга раҳбарлик принципларини айнан қайси жиҳатлари дунёвий раҳбарликдан фарқ қилади?

## ТОПШИРИҚ

1А иловадаги "раҳбарлик" мавзусини ўрганишга доир мисолларни ўқинг. Хар бир мисолда, қандай Каломга асосланган принциплар қўлланилганини, қайсилари эса қўлланилмаганлигини ёзиб чиқинг. Ҳар бир шароитда, агар сиздан сўрашганида, сиз раҳбарга қандай маслаҳат берган бўлардингиз, ўйлаб кўринг.

**Раҳбарлик**
*Илова*
**1А**

# "Раҳбарлик" мавзусини ўрганиш учун мисоллар

Юнус Тошкентда жамоат ташкил қилиш лойиҳасини бошқаради. Малик ва Малика уч ойдан бери гуруҳнинг аъзолари эдилар. Яқинда Малика ва Малик ўз хизматларидан кўнгиллари совий бошлади. Чунки уларда Хушхабар етказиш учун баъзи фикрлар бор эди, лекин хатто уларни айтиш учун ҳам ўзларини унчалик эркин ҳис қилмасдилар. Юнус, уларнинг раҳбари уларни эшитишни истамайдиганга ўхшарди. Унинг ўрнига у уларга қандай қилишни ўргатарди. Натижада эса Малик ва Малика бу гуруҳда хизматни тўхтатиб, ўзлари мустақил хизмат бошлашни режалаштирардилар.

Эркин – олий маълумотли, Университет профессори, ўртоғи Ник берган Муқаддас Китоб орқали Масиҳни топган. У жамоатга қатнашни бошлади, у ерда кечки пайт Каломни ўрганиш учун йиғиладиган катта ёшлиларни кўриб ҳайрон қолди. Тез орада кимдир ажойиб ўқитувчи бўлган Эркинга бу гуруҳни бошқаришни таклиф қилди. Эркиннинг раҳбарлари, у жуда машҳур бўлгани, кўплаб танишлари борлиги ва ажойиб ўқитувчи бўлгани учун, бу гуруҳга яна кўплаб одамларни жалб қила олишлари мумкин эди.

Салимжон Марҳаматда ўзлари бошлаган учта оиладан иборат гуруҳга раҳбарлик қиларди. У якшанба кунги эрталабки хизматда, 20 кишигача кўпайган гуруҳ хизматида ажойиб ваъз қиларди. Салимжоннинг Каломдан қилган ваъзини, унинг ташкилотчилигини кўплар ёқтирардилар. Аммо, Салимжон ишнинг кўплигидан жуда чарчар эди. Шунинг учун у Аҳмаджондан бу гуруҳдан чиқадиган кичкина гуруҳни бошлашни илтимос қилди. Лекин гуруҳдан хеч кимни кетишни ҳоҳламаслиги Аҳмаджоннинг ҳафсаласини пир қиларди.

Сурхандарёдаги янги жамоат жуда тез ўсмоқда. Кўплар бу ўсишни сабабчилари деб, раҳбарлик қилаётган Ўлмас ва Лола демоқдалар. Ўлмас қўшни давлатда Масиҳийлик семинарини тугатиб келгандан кейин, бу гуруҳни бошлаган эдилар. Гуруҳ аъзоларининг кўплари авваллари хеч бир жамоатга қатнамаган имонлилар эдилар. Ўлмас асосан ваъзхонлик қилади, Лола эса якшанба кунлик хизматларни ташкил қиларди. Ўсишга қараб, Ўлмас унга хизматда ёрдам берадиган янги раҳбарларни излаб топди. Лекин хеч ким унга етарли тажрибага эга эмасдек туюларди. У хизматга тайёрлаш мумкин бўлган учта ёш йигитни излаб топганидан хурсанд. Яна у улардан иккитаси қўшни давлатдаги семинарияда ўқий олиши учун маблағ ҳам топди. Улар кузда уч йиллик ўқишни бошлаш учун жўнаб кетадилар.

Ботир хеч қандай жамоат йўқ бўлган кичкинагина қишлоқда яшайди. Яқинда у 30 километрга жамоатга қатнаш учун бориб юрган имонлилар ҳақида эшитди. Ботирнинг бошчилигида имонлилар янги жамоат ташкил қилдилар. Улар биргаликда йиғилганларида, ҳар бири аввалги жамоатдаги тажрибаларига таяниб, янги жамоатни қандай ташкил қилиш кераклиги ҳақидаги фикрларини айтдилар. Аммо, Ботир бу жамоатни ташкил қилгани учун, ва ҳамма жавобгарлик унда бўлгани учун, уларнинг ҳаммасига ўзлари эга бўлган ўша урф-одатларни, эски жамоат ҳақидаги фикрларини бас қилишга ишора қилди.

Жаҳонгир ака турли қишлоқларда учта жамоатни ташкил қилди. У – туғма жамоат ташкил қилувчи. У жуда ҳаракатчан, Хушхабар етказиш инъомига эга. У гитара чалишни, куйлашни билади ва одамларни соатлаб завқлантира олади. У ниманидир бошлашни ёқтиради, кейин эса яна бошқа нарсага ўтиб кетади. У ташкил қилган жамоатлар ҳам, худди унга ўхшаб кетади. Улар бир хизматдан бошқасига, бир фикрдан яна бошқасига "сакраб

юрадилар". Жаҳонгир ака унинг характери шунақалигини, буни у хеч ҳам ўзгартира олмаслигини таъкидлайди. У бунга қарамасдан, Худо уни ишлатаётганига ишонади.

Дониёр ака ўзлари ташкил қилган жамоатда бир неча йил чин дилдан меҳнат қилди. Жамоатда ишлар зўр кетяпти. Уч йил ичида тахминан 200 кишига кўпайди. Унинг хотини ва учта боласи баъзан уни бир неча кунлаб кўрмайдилар, чунки эрта тонгда кетади ва кеч қайтади. Хотини бундай яшашни истамайди, лекин жамоатдагилар учун у жуда зарур. Кўплар касал, уларни бориб кўриши, етимлар учун ошхонага ҳам эътибор бериши керак. Хотини билади, агар у буни қилмай қўйса нима бўлади, одамлар нажотга етишмайдилар, жамоат ўсмайди, хизмат бўлмай қолади.

**Раҳбарлик**

**2 Дарс**

# Раҳбарнинг сифатлари

**Дарс мақсади:**

Мазкур дарснинг мақсади – қатнашчиларга жамоат ташкил қилишда раҳбарларнинг роли ҳақида тушунтириш.

**Кутилган натижалар:**

Материални ўрганиб чиққандан кейин, ҳар бир қатнашчи зарур:

- Жамоат ташкил қилиш жараёнида раҳбарнинг ролини билиши.
- Ўзидаги кучли раҳбарлик сифатларини билиши.
- Ҳали ривожлантириши керак бўлган, ўзидаги раҳбарлик қобилятининг аниқ иккита сифати устида ишлашга қарор қилиши.

**Дарс режаси:**

I. Масиҳга тақлид қилиш
II. Гуруҳда ишлай олиш
III. Бошқаларнинг инъонларини ва қобилиятларини ривожлантириш
IV. Жавобгарликни қандай қилиб тақсимлай билиш
V. Мақсад, режа ва топшириқ қўйиш ва уларни амалга ошириш
VI. Бошқаларни руҳлантириб, жамоат ташкил қилиш ниятини улаша олиш (бера олиш)
VII. Пассив эмас, аксинча ташаббускор бўлиш
VIII. Хушхабар етказишда шахсий ўрнак кўрсатиш

**Илова:**

2А ”Раҳбарлик ва раҳбарлик сифатларини аниқлаш учун синов“

**Ўқитувчилар учун тавсиялар:**

Эсингизда бўлсин, бу дарснинг ҳар бир қарашлари аввалги дарсларда батафсил тушунтирилган.

## СЎЗ БОШИ

Ҳар бир раҳбар ўзига хос бўлган услубга эга, лекин бир нарса борки, ҳар бир раҳбарга мос бўлиши керак, айниқса тузилаётган жамоат гуруҳи раҳбарларига . Биринчи навбатда уларнинг вазифаси бошқаларга уларнинг қобилиятлари ва истедодларидан фойдаланишларига ёрдам бериш. Бундай раҳбар ерда ишлайдиган ва уруғ экадиган, бўлажак ҳосилни кутган ҳолда ўз даласини парвариш қиладиган деҳқонга ўхшайди, лекин хеч қайси деҳқон ҳаттоки энг тажрибалиси ҳам уруғларни ўсишга мажбур қила олмайди. Деҳқоннинг вазифаси экинларни парвариш қилиш, уларни ўсиши ва ривожланиши учун шарт-шароитларни яратишдан иборат. Шунга ўхшаб жамоат ташкил қилаётган раҳбар ҳам ”яратувчи“ ҳисобланади, лекин кўп нарсада уни аниқроқ қилиб ” ҳаракат қилишга ундайдиган“ деб аташ мумкин. Каломда уларни ”Худонинг олдидаги ишчилари“ деб атайдилар (1Кор.3:6-9). Қуйида, инсонга янги жамоатлар ташкил қилишнинг самарали бошқариш ҳуқуқини берувчи баъзи бир фазилатлар кўрсатилган.

## I. МАСИҲГА ТАҚЛИД ҚИЛИШ

Тузилаётган жамоатнинг раҳбари биринчи навбатда Масиҳнинг фазилатларига эга бўлиши керак. ”Шаҳсий ғалаба оммавий ғалабадан олдинда туради“. Шу жумла тўғрисида ўйлаб кўринг. Агар миссионернинг ўзи Масиҳда ўзгармаган бўлса, унда қандай қилиб Худо у орқали бошқаларни ўзгартириши мумкин?

Масиҳга ўҳшашликка Худонинг севгиси ва Худо бизнинг хаётимизни бошқаришга бўлган мутожлигимиз орқали эришилади. Хизмат қилиш Худонинг хаётимиздаги марҳаматининг натижаси бўлиши керак; бошқа асослар Худо томонидан инобатга олинмайди ва синовдан ўтолмайди. Хаётимизда амал қилаётган Худонинг иноятини, Унинг Каломи ҳақида фикрлаш, Унинг вадаларига ишониш, ибодат ва сажда қилиш орқали тушуниш мумкин.

Хар куни Унинг берган вадалари ҳақида, сизнинг хизматингиз учун берган ният, мақсади ҳақида фикрланг. Олдингизга У қўйган мақсадларга эришишда Унга муҳтож эканлигингизни тан олинг. Худо хаётингизда амалга оширганлар учун миннатдорчилик билдиринг.

## II. ГУРУҲДА ИШЛАЙ ОЛИШ

Жамоат ташкил қиладиган яхши миссионерлар камдан-кам ҳолларда бир ўзи ишлайдилар. Аксинча улар Худо дават қилган ишни амалга ошиши учун бошқалар билан мустаҳкам ҳамкорлик қиладилар. Кўпинча бошқалар билан биргаликдаги иш бизнинг хулқ-атворимиз намоён бўладиган ва мустаҳкамланадиган қийин синов ҳисобланади. <u>Атрофда эргашувчилари бўлмаган раҳбардан эҳтиёт бўлинг.</u> Агар инсон гуруҳда ишлай олмаса у қандай қилиб жамоатни бошқариши мумкин? Биргаликда хизмат қилиш Янги Аҳднинг оддий намунаси ҳисобланади. Муқаддас Руҳ Павлус ва Барнавани миссионерлар гуруҳи сифатида дават қилди(Ҳав.13:2). Кечроқ ҳамма ўз йўлидан кетган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бири ўз гуруҳларини туздилар (Ҳав.15:36-41). Павлус учун гуруҳ жуда муҳим эди ва у кўп вақти ва кучини янги раҳбарларни тарбиялашга сарфларди. Унинг мактубларида кўплаб исмларни учратамиз, уларнинг ҳаммаси битта катта гуруҳ эдилар.

“Гуруҳ“ни <u>умумий мақсадни биргаликда амалга ошириш учун йиғилган одамларнинг йиғини</u> сифатида тасвирлаш мумкин. Яхши гуруҳ хизмат қилишнинг умумий қадриятлари ва қарашларига риоя қилади. Гуруҳ аъзоларининг қобилиятлари турлича бўлиши мумкин, лекин уларнинг оддий ва амалий муносабатларида ўзаро хурмат, таянч, биродарлик, барқарорлик кўриниб туриши керак. Раҳбарлар гуруҳи раҳбарнинг вазифаси бошқариш ёки буйруқ бериш эмас, балки ўз гуруҳи аъзоларига уларнинг инъомлари ва қобилиятларини қўллашга ёрдам бериш. Гуруҳ аъзолари унга тобе эмас, балки хизмат қилишда ходим, хамкасб бўлиши керак. Гуруҳдаги ишлар ва тарбиявий ишлар ҳаддан ташқари қийин, баъзан эса, жуда кўп меҳнат талаб қилиши мумкин, лекин натижаси шунга аризийди ишонаверинг.

Кўп жамоатларни ташкил қилиш, раҳбарлар гуруҳидан бошланади. Бошқа ҳолларда миссионер бир ўзи хизмат қилишни бошлайди ва ўсишга қараб, иложи борича гуруҳига қўшилган одамларни тарбиялайди. Сизнинг вазиятингиз қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар доим гуруҳни – бошқа хизматлар учун тузилган гуруҳларни ҳам, худди раҳбарлар гуруҳи каби тузишга интилинг. Бундай харакат жараёни сизинг хизматингизда ҳамда, ташкил бўлаётган жамоатингизда ҳам мажбурий бўлиб қолсин.

## III. БОШҚАЛАРНИНГ ИНЪОМЛАРИ ВА ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Жамоат раҳбарлари бошқаларни топиб, уларни тарбиялар эканлар, бу билан худди ўзларини давом эттиргандек бўладилар. Кўпгина раҳбарлар ўзини хизмат қилишда асосий деб билишади ва хамма нарсани ўз кучи билан қилишга интиладилар. Лекин Худо бошқаларни ўргатиш ва дават қилишга чақиради (2Тим.2:2). Хар доим 10 кишини ишини қилгунча, 10 кишини ишга жалб қилган яхши.

Жамоат раҳбарининг асосий вазифаларидан бири бошқаларни руҳий қобилиятларини аниқлаш ва уларга лойиқ хизмат қилишга ёрдам бериш. Бу жамоатнинг етилган аъзоларини хизматга тайёрлаш, ҳамда имонга энди келганларни тарбиялашни талаб қилади. Бу энди раҳбар биринчи навбатда устоз эканлигини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, у бирор нарсани ўргатиб ўтирмаслиги мумкин, лекин хизмат қилишдаги маҳорати билан бошқаларга намуна бўлиши мумкин. Одамлар бундай одам билан бирга юрган ҳолда, ўз қобилиятларини мустаҳкамлаши, ривожлантиришлари мумкин.

Янги имонга келганларнинг руҳий инъомларини аниқлаш ва улардан фойдаланишни бошлаш шогирдлик жараёнининг бир қисми ҳисобланади. Уларни хизматга жалб қилиш

бунинг учун ажойиб восита ҳисобланади. Ўзингиз билан шогирдингизни касални кўргани борганингизда, ёки Хушхабар етказишга кетаётганингизда бирга олиб боришга ҳаракат қилиб кўринг. Бу – хизматга тайёрлашнинг жуда самарали йўли.

## IV. ЖАВОБГАРЛИКНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТАҚСИМЛАЙ БИЛИШ

Доно раҳбар, иложи бўлганида, ўз жавобгарлигининг бир қисмини бошқага беришдан доим мамнун бўлади(Чиқиш 18). Инсонга билдирилган ишонч, уни ҳамда жамоатнинг бошқа аъзоларини хизматга жалб қилишда ажойиб натижаларга олиб келиши мумкин. Жавобгарликни бошқалар билан бўлишиш зарурлигининг бир неча сабаблари бор. Раҳбар ўзи унчалик кучли бўлмаган жойларда, ўзидан кучлироқ бўлган имонлиларнинг хизматларидан фойдаланиши мумкин. Яна шундай хизматни бошқа аъзолар ҳам худди ўзимнинг хизматим деб хис қилишлари учун уларга бериши мумкин. Одамлар ўзлари иштирок этган нарсаларга содиқ бўлишади. Раҳбар ўз жавобгарликларини бошқалар билан бўлишиши, уларга хизматларни бериши, бошқаларни ўзидан кўра кўпроқ иш қилишга мажбур қиляпти дегани эмас. Албатта у ҳам бошқаларни ҳаддан ташқари мажбур қилмаслиги керак. У одамларга хизмат қилиш мажбуруятларини топширар экан, уларда вазифани бажариш учун барча керакли нарсалар борлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Керак бўлганда эса, доно раҳбар у ёки бошқа холларда нима қилиш кераклигини ўзининг шахсий мисолларида ўргатади.

## V. МАҚСАД, РЕЖА ВА ТОПШИРИҚ ҚЎЙИШ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Мақсад ва режалаштириш Каломда маъқулланган одатий ҳолдир. Масалларда шунай дейилган:” *Жамоа йиғин орқали мустаҳкамланиб боради ва йиғинда жанг қилгин“* (Масаллар.20:18). Исо минорада қураётган киши ва жангга кетаётган шоҳ ҳақида мисол келтириб, ўз ишига жавобгарликни хис қилган ҳолда ёндашиш, одамнинг ўз олдига қўйган мақсадига етишиш нима эканлигини аниқ тушуна олиши зарурлигини ва у мана шу нарса учун қанчалик тўлов тўлашга тайёрлигини кўрсатмоқчи бўлган(Лук.14:28-33). Агар биз ҳам ўз хизматимизга жавобгарлик билан қарайдиган бўлсак, унда ўз олдимизга ва одамлар олдига мақсад қўйишимиз, бу мақсадга етишишнинг баҳоси қандай эканлигини кўрсатишимиз ва шундан келиб чиқиб, ҳаракатларимизни олдиндан тайёрлашимиз зарур.

Яхши раҳбар Худо билан муносабатда бўлиб, ҳамда ўз гуруҳи аъзоларининг фикрларини инобатга олган ҳолда мақсад, вазифаларни белгилайди ва ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқади. Унинг режалари амалий бўлади. У хаёлий ва эришиб бўлмайдиган мақсадлардан ўзини олиб қочади. Унинг режалари ўзгариши мумкин бўлган ва ҳозирча номаълум шароитларни эътиборга олган ҳолда иложи борича ихчам қилиб тузилган бўлади. Бундай раҳбар ўз режаларини аниқ вазиятларга мувофиқ равишда ўзгартира олади. Агар керак бўлса, у хатто, жамоатнинг ташкил этилиши ва ривожланиши даврларини назарда тутган ҳолда, ўз хизматининг йўналиши ва маълум томонларини ўзгартишга тайёр бўлади.

## VI. БОШҚАЛАРНИ РУҲЛАНТИРИБ, ЖАМОАТ ТАШКИЛ ҚИЛИШ РЕЖАСИНИ УЛАША ОЛИШ (БЕРА ОЛИШ)

Раҳбар – мақсад, ниятли одам. Бундай одам орзу ва умидлар билан яшайди, унинг қарашлари ҳозирги замонда эмас, балки Худо унга кўрсатадиган келажакка қаратилган. Ташкил қилинаётган жамоат раҳбари хизмат нияти, мақсадини аниқ кўрстиб турадиган шиор ишлаб чиқариш муҳимлигини билади. У жамоати ана шу мақсадга тўлиқлигича мос келишини ва унга эришишини истайди. У – жамоати янги жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини тушуниши ва билиши қанчалик муҳимлигини тушунади. Фақат шундагина жамоат бу хизматни қўллб-қувватлайди ва аниқ ёрдам кўрсата олади. Бундай раҳбар одамларга ўз нияти, мақсадини бера олади, уларга ўзларини жамоат хизматида қатнашчи, хизматнинг ўсиши ва муваффақияти учун жавобгарликни хис қилишларига ёрдам бера олади.

## VII. ПАССИВ ЭМАС, АКСИНЧА ТАШАББУСКОР БЎЛИШ

Кўпларнинг пассив эканлигига қарамасдан, жамоат раҳбари ташббускор бўлиши ва ҳар қандай шароитда ҳам мақсадни амалга оширишга интилиши керак. Пассив одам агар нимадир содир бўлса, нимадир қила бошлайди. У доим – шароитнинг қурбони. Ташаббускорга эса ҳаракат қилиши учун ташқи омилларнинг таъсири шарт эмас. У – изланувчан, интилувчан, ижодкор инсон. Ҳар қандай шароитга қарамасдан олдига қўйган мақсадига эриша олади.

| Пассив инсон | Ташаббускор инсон |
|---|---|
| ”хеч нарса қилиб бўлмайди“ дейди | ”келинглар ҳаракат қилиб кўрамиз“ дейди |
| Эътибор марказида – муаммолар | Эътибор марказида – имкониятлар |
| Ўтмиш билан яшайди | Келажак билан яшайди |
| Умидсиз (руҳи тушган) | Умидли (оптимист) |
| Бошқалар ҳаракат қилишни бошлагунча кутади | Ташаббусни ўз қўлига олади |

Ташаббускор инсон матонатли бўлади. У кўп ва ғайрат билан, таълим бўлмасдан ишлашга тайёр. У биринчи қадамни қўяди, муносабатларида мулойим бўлиб, матонат билан мақсадга эришиш сари интилади. Фаол инсон уни мажбур қилишларини кутиб ўтирмайди, у худди Масаллар 6:6-8 даги чумоли каби ўз ташаббуси билан ҳаракат қилади. У қурилмаган жойда қура олади. Унинг учун қийинчиликлар ”тўсиқ“ эмас,”имконият“ бўлади. У Каломга асосланмаган урф-одатлар ёки имон етишмаслигидан, хизмат учун суний чегаралар қўймайди. У Худо Ўз Улуғворлиги учун, буюк ишларни амалга ошира олишига ишонади.

Янги жамоат ташкил қилинар экан, уни нўлдан бошлашга тўғри келади. Бу дегани, пайдо бўлаётган янги жамоатга раҳбарлик қилаётган одам ташаббускор бўлиши керак.

## VIII. ХУШХАБАР ЕТКАЗИШДА ШАХСИЙ ЎРНАК КЎРСАТИШ

Хушхабар етказмасдан туриб, янги жамоат ташкил қилиб бўлмайди. Модомики воизлик қилиш янги жамоат ташкил қилишда жуда муҳим экан, у раҳбарнинг хаётида ҳам жуда муҳимлиги аниқ. Кўплаб жамоатнинг аъзолари, у билан янги жамоат ташкил қилишда иштирок этаётганлар, воизлик қилишда у билан тенглашадилар. Агар раҳбарнинг ўзи Хушхабар етказмаса, бошқалар ҳам шундай қиладилар. Фақатгина ”шунчаки“ воизлик қилса, улар ҳам ундан ибрат оладилар. Агар воизлик унинг ҳаётига айланса, унинг жамоати аъзолари учун ҳам шундай бўлиб қолади.

Воизлик қилиш яни хушхабар етказиш жамоатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолган, бу ҳақда Янги Аҳдда кўп марта эслатиб ўтилган(Мат.28:19-20). Исо, Унинг ўрнини эгаллашлари учун 12 кишини тайёрлади. Уларни тайёрлашга бутун эътиборини қаратди, аммо уларни нима учун тайёрлаётганини хеч қачон эсидан чиқармади. Исонинг таълимоти ҳам, ибрати ҳам, нажотга муҳтож бўлган одамларга ғамхўрлигини кўрсатади, ҳаворийлар ҳам ўз Устозларининг таълимотига содиқ қолиб, Унинг изидан бордилар. Павлус ҳам Тимофейга воизлик қилишни тайинлаган (2Тим.4:5). Балки воизлик қилиш Тимофейнинг инъоми эмас эди, лекин Павлус, у бунга кўпроқ эътибор бериши кераклигини сезганди.

Воизлик қилиш ва имонлиларни хизматга тайёрлаш жамоат ташкил қилишда иштирок этаётган миссионерлар учун жуда муҳим ҳисобланади. Кимдир сўраши мумкин: қандай қилиб жамоат раҳбари иккала йўналишга ҳам бир вақтда ўзини бағишлай олади деб? Бу яхши савол. Унга жавоблардан бири сиз тайёрлаган раҳбарларни воизликка жалб қилишда бўлиши мумкин. Ҳар доим ёрдамчи билан ишланг, чунки у доим ўрганиб боради.

## ХУЛОСА

Юқорида келтирилган сифатлар ва тажрибалар ташкил қилинаётган жамоат раҳбарига ўз хизматида юқори натижаларга эришишига олиб кеалди. Доно раҳбар хар доим бу сифат ва билимларни ишлаб чиқади ва кенгайтиради. Аммо ҳамма жамоат раҳбарлари бир хил бўлишлари мажбур эмаслигини унутмаслик керак. Шахсий фазилат ва бошқарувнинг шахсий услублари хизмат қилишнинг бошқа ҳоҳлаган қобилиятлари каби ажралиб туради. Юқорида келтирилган сохаларнинг қайси бирида сиз жамоат раҳбари сифатида қобилиятлироқсиз? Сизнингча қайсиларида кучсизроқсиз?

Раҳбарнинг фазилатлари ҳақида гапирилганда, бу билан бир қаторда раҳбар мард, қатъий, Худога содиқ ва вафодор бўлиши кераклигини ҳам эсда тутишимиз зарур. Худо томонидан қўйилган раҳбар таналарга, зулмларга, хаттоки қувғинларга ҳам тайёр бўлиши керак. Бу уни маюсликка солмаслиги, руҳий азобланиш ва умидсизликка олиб келмаслиги керак. Имон қаҳрамонларини эслайлик: Иброҳим, Юсуф, Мусо, Наомия, Эски Аҳднинг пайғамбарлари, Яҳё Чўмдирувчи, Стефан, Исо Масиҳнинг ҳаворийлари ва Масиҳ. Ҳозирги кунларда ҳам Худога содиқлик билан хизмат қилаётганларни ва бу билан ҳар қандай тўсиқни енгишда ёрдам бераётганларни кўрсак бўлади. Мисол учун Владимир исмли Чўпон Грозний шаҳрида чечен жангарилари томонидан, Исо Масиҳ ҳақида воизлик қилгани учун қўлга олинади ва ўлимга ҳукм қилинади. У улардан ”охирги сўзни“ айтишга рухсат сўрайди ва олти соат давомида Исо Масиҳ Нажоткор ҳақида жангариларга воизлик қилади. Шундан

кейин, унчалик хурсанд бўлмасалар ҳам жангарилар уни қўйиб юборадилар. Ҳозирги даврда у соғ-саломат яшамоқда. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Албатта бундай ҳолатларда, хаётимизни бошқараётган, ҳар турли синовларга йўл берадиган, аммо шунда ҳам бизни ҳимоя қила оладиган, синовларда тура олишимиз учун куч берадиган Худога ишонишимиз керак.

## САВОЛЛАР

- Нима учун раҳбар ўз вазифасини бошқалар билан бўлишиши керак?
- Ўз вазифангиздан қайси бирини бошқа бировга ишониб топширишингиз мумкин?
- ”Бошқаларни ҳаракатга руҳлантира (ундай)оладиган одам“ дегани нимани билдиради?
- Жамоат раҳбарининг қайси жиҳати деҳқонга ўхшайди?
- Қандай қилиб раҳбар бошқаларни мақсад қўйишга жалб қила олади?
- Қайси бири муҳимроқ раҳбарларни тайёрлашми ёки воизлик қилишми?
- Ташаббускорлик нимани билдиради, нима учун жамоат ташкил қилишда иштирок этаётган раҳбарнинг сифатларидан бири шундай бўлиши керак?
- Сиз гуруҳ билан ишлаяпсизми? Ҳа/Йўқ, нима учун?
- Сиз ёки гуруҳингиз хизмат учун мақсад қўйганмисизлар?

## ТОПШИРИҚ

2А Иловани ўқиб чиқинг. Жадвални тўлдириб чиққанингиздан кейин, кейинги семинаргача иловада келтирилган сифатлардан иккитасини ўзингизда яхшилаш учун мақсад қўйинг. Бу мақсадингизни сиз унга етиша олишингизда ёрдам бериши учун устозингизга айтинг.

**Раҳбарлик**
*Илова*
**2А**

# Раҳбар ва раҳбарлик сифатлари миқдорига оид синов

*Қуйидаги жадвалда берилганлар бўйича ўзингиздаги раҳбарлик ва раҳбарлик сифатларини баҳоланг(улар 1дан 5 гача баҳоланади). Яна сизни яхши биладиган ва хаққоний баҳолайдиган, сиз ишонадиган одам, хотинингиз ёки дўстингиз ҳам сиз учун белгилаб чиқиши мумкин. Кейин олинган натижаларни мос келган ва мос келмаган жойларини таққослаб чиқинг. Балки жамоатни ташкил қилишда янада самаралироқ бўлиш учун ана шу натижалар хулосаси бўйича, хизмат усулингизни ўзгартиришни истарсиз.*

| | | *ёмон* | | *яхши* | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Бу иш хатарли кўринса ҳам мен доим Худога бўйсинаман | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 2. | Менда Худо берган ният, мақсадни тайёрлаш ва бошқаларга бериш қобилияти бор. Одамларнинг ҳақиқий муҳтожлигини кўришда ёрдам бериш қобилиятига эгаман. | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 3. | Мен воизлик қилишга, жамоат ташкил этишга ва кичик гуруҳлар тузиш тарафдориман. | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 4. | Ташаббус кўрсатишни яхши кўраман. | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 5. | Хамкорлик қилишга интиламан ва кишилар ўртасидаги келишмовчиликларни хал қила оламан. | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 6. | Бошқаларда хизмат қилиш ҳоҳишини уйғота оламан | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 7. | Бошқаларнинг инъомларидан фойдалана оламан | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 8. | Масиҳ билан бирга юраман | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 9. | Мен – хизмат қиладиган раҳбарман | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 10. | Мени оилам тўлиқ қўлаб-қувватлайди ва мен билан ҳамкорлик қилади | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 11. | Жамоатга келмайдиган Масиҳийлар ва имонсизлар билан яхши муносабатда бўламан | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 12. | ”Чақириқ“ мен учун ”муаммо“ эмас, балки ”имконият“. | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 13. | Бошқалар билан биргаликда қўйиган мақсадга амал қиламан | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 14. | Оғир вақтлар келганидан нолимайман | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 15. | Мен учун жамоатлар ташкил қилиш билан шуғулланиш ”Худо томонидан чақириқ“. | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 16. | Масулият ва жавобгарлигимни бошқалар билан қандай қилиб бўлишишни биламан | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 17. | Мен – устоз ва ўқитувчиман, бошқаларга инъомларини аниқлашларида ва жамоатда ишлатишларида ёрдам бераман | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |

# 8 Қисм: Ибодат

**Ибодат**

**1 Дарс**

# Ибодат йиғилиши
*94 Забур*

**Дарс мақсади:**

Қуйидаги дарснинг мақсади – биргаликда сажда қилиш ва Масиҳда бир-биримизга намуна кўрсатиш.

**Кутилаётган натижалар:**

Бу – дарс эмас, балки амалий машғулот. Қатнашчилар қўшимча ибодат тажрибаларига эга бўлишлари ва ибодат йиғилишларини қандай қилиб олиб бориш кераклиги ҳақида тушунчага эга бўлишлари керак.

**Дарс режаси:**

I. Худони олқишлаш
II. Худога сажда қилиш
III. Тавба қилиш

**Ўқитувчилар учун кўрсатмалар:**

Бу вақт – маруза учун эмас; машғулот давомида қатнашчиларни ибодатга бошлашингиз керак. 94 забурни нима учун дарсларга шундай бўлинганлигини тушунишингиз учун олдиндан ўрганиб чиқишингиз керак бўлади.

Машғулотни ўтказаётганингизда, агар сизнинг тингловчиларингиз II-чи ва III-чи режалар ўрнини алмаштирилган ҳол ўтказмоқчи бўлишса, шундай қилишингиз мумкин.

## СЎЗ БОШИ

Забур санолари фақатгина ўқиш учун эмас, балки Худонинг халқини Худони олқишлашга, Унга сажда қилишга ва Унга итоат қилишга руҳлантириш учун ёзилган. Бу ибодат йиғилиши давомида 94-чи Забурдан берилган схемага амал қилинг: олқишлаш, сажда қилиш, тавба қилиш.

*Ўқитувчи учун эслатма:* бу ибодат йиғилишини ўтказиш учун мисол; балки сиз учун бундай муносабатнинг ўзгартирилган тузулиши мос келар.

### I. ХУДОНИ ОЛҚИШЛАШ (Заб.94:1-5)

***Келинглар, Худовандни куйлайлик!...***

Қувноқ қўшиқларни (!) куйлашдан бошланг.

***...Нажотимиз қоясини олқишлаб хитоб қилайлик!***

Баланд овозда, биргаликда Заб.17:2-4,31-37ни ўқинглар.

***Унинг ҳузурига шукрона айтиб яқинлашайлик...***

Бир оз вақт Худо ибодатлар орқали нималар қилиши ҳақида сўзланг ва айниқса Унга янги жамоатлар ташкил қилишда бераётган ёрдами учун миннатдорчилик билдиринг.

***...Унга севинчли қўшиқлар-ла хитоб қилайлик!***

Яна бир қанча вақтни Худони олқишлайдиган қўшиқларни куйлашга ажратинг.

Биргаликда 3-5 оятларни ўқинг ва бутун борлиқ устидан ҳокимлиги учун Унга миннатдорчилик билдиринг.

## II. ХУДОГА САЖДА ҚИЛИШ (Забур 94:6-7)

***Келинглар, Унга юз тубан сажда қилайлик,***
***Парвардигоримиз олдида тиз чўкайлик!***

Қатнашчиларни камтарлик руҳида ибодат қилишга чорланг. Агар улар учун қулай бўлса, тиз чўкинг ва уларни ҳам шундай қилишларини сўранг.

***...У бизнинг Худойимиздир,***
***Бизлар эса –... Унинг қўли остидаги қўйлармиз.***

Сиз учун У шахсий Чўпонингиз эканлигини тан олинг. У сизга ғамхўрлик қилаётгани учун, Унга миннатдорчиликлар билдиринг.

## III. ТАВБА ҚИЛИШ (Забур 94:8-11)

***Яна юрагингизни тош қилманглар!***

Агар ҳаётингизда тан олишингиз керак бўлган гуноҳ бўлса, ҳозир тавба қилинг. 1Юҳанно 1:9ни ўқинг. Бир қанча вақтни, Худо сизнинг юрагингизга гапира олиши ва сиз Унинг овозини эшита олишингиз учун сукут сақланг.

Ибронийларга 3:7-19 ни ўқинг. 13 оятда айтилганидек:”*...бир-бирингизга ҳар куни насиҳат қилиб туринглар”.*

Икки киши бўлиб кичик гуруҳларга бўлининглар ва бир-бирларингга далда бериб, руҳлантириш учун ибодат қилинглар.

# Бу қўлланма бўйича топшириқлар

## ЎҚИШ УЧУН РЎЙХАТ

Мак Гавраннинг 2А Иловадаги ”Воизлик қилиш“ мавзусига берилган мақоласини ўқинг.

Иккинчи қўлланмадаги Руҳий ўсишга доир иномлар билан биргаликда Галатияликларга мактубини ҳам ўқинг. Худди етим каби яшаётган жойларингизни аниқланг. Агар руҳий кундалик юргизаётган бўлсангиз, бу муаммони қандай ҳал қилаётганингизни кузатиб боринг.

## АСОСИЙ ТОПШИРИҚЛАР

1. 1А Иловадаги ”Ният, мақсад“ мавзусига доир машқни бажаринг.
2. Барнабани биографик усулда ўрганиб чиқинг (бу пунктга тегишли топшириқ 1А Иловада ”Каломни ўрганиш усуллар“ мавзусида бор).
3. 1А Иловасидаги услубдан фойдаланиб, ўрганилаётган парчани амалда қўллашга, изоҳлаш ва кузатишларга алоҳида эътибор берган ҳолда, сизга ўхшаб кетадиган Муқаддас Китоб қаҳрамонини биографик усулда ўрганиб чиқинг. Иловада берилган саволларга жавоб беринг.
4. Юнус пайғамбар китобини индуктив йўл билан ўрганиб чиқинг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

### Биринчи боб учун:

Юнус Худога итоат қилиш ўрнига нима қилади (камида унинг учта ҳаракатини мисол келтиринг)?

Худо бари-бир Юнуснинг хаётини бошқараётгани, нимани билдиради?

Юнусга ёрдам бериш учун, Худо имонсизларни қандай ишлатди?

Сизга ёрдам бериш учун Худо қандай шароитларни, ёки одамларни ишлатган?

### Иккинчи боб учун:

Бу бобдаги муҳим (калит) оят қайси?

Юнуснинг ибодати унинг юрагидаги қандай ўзгаришларни кўрсатади?

Бу ҳафтада қандай қилиб ўзингизни Худога тўлиқ бағишлаганингизни кўрсата олдингиз?

### Учинчи боб учун:

Ниневияликларнинг ҳаракатидаги энг муҳим нарса нима эди?

Ниневияни вайрон қилиш ҳақидаги фикридан, Худони қайтарган нарса нима?

Сизнинг хизматингиз, қандай қилиб сиз Худонинг буюк қудратини тан олишингизни кўрсатади?

### Тўртинчи боб учун:

Юнус Ниневияни вайрон бўлмаслигини билганида кейин нима қилди?

Нима учун у айнан шундай қилди?

Бирор марта имонлилар шу йўлни тутганликларини кўрганмисиз?

Бирор одамга у хеч қачон тавба қила олмайдигандек муносабатда бўлганмисиз?

Бу парча Худонинг дунёга бўлган раҳм-шафқати ҳақида нима дейди? Юнусгачи?

Бу бобда Юнус ўз қарашларидан тавба қилганлиги тасвирланганми?

Бу ҳақда нималар гувоҳлик беради? (уни нималарда кўриш мумкин?)

## Янги Жамоатлар ташкил қилиш бўйича топшириқ

1. Сиз учун хар ҳафтада, ҳар куни ибодат қиладиган дўстларингиз, жамоат ташкил қилишда бирга қатнашаётган танишларингиздан иборат одамлар (5 дан 20 гача) рўйҳатини тузинг. Сиз эса ҳар ойда миннатдорчилик ва муҳтожликлар ёзилган икки нусхадан иборат маълумотни уларга бериб туринг – биттаси ибодатда қўллаб турувчи гуруҳга, иккинчиси сизнинг жойингиз маркази директорига. Доимий равишда ўша гуруҳга ва директорга бериб турадиган, илтимослар ва миннатдорчиликлардан иборат тахминий рўйхат тузинг.

2. Аввалги курс асосида янги жамоатлар ташкил қилиш учун асослар яратиш ва олти ой

давомида қилган ишларингизга асосланиб, қуйидагиларни амалга оширинг:

Келажак жамоатингизнинг ният, мақсадини ишлаб чиқинг ва эсда сақлаб қолинг. Бу ўз ичига олсин: сиз мўлжаллаган жойда нима учун айнан шундай жамоат зарурлигини аниқлаб олишни. Имкониятга қараб тадқиқотлар натижаларини беринг. (Сиздан аввал жамоат ташкил қилган одамнинг тажрибаларидан фойдаланишингиз мумкин. Топшириқлар рўйҳати охирида ўз жамоатингиз ниятини аниқлаб олишга доир саволлар берилган).

Ишлаб чиққан ният, мақсдингизни Масиҳдаги бешта биродарга кўрсатинг ва сиз учун ибодат қилишларини сўранг(улар ибодат гуруҳига киришлари мумкин 1қўлланмага қаранг).

3. Бу иккинчи қўлланма кўплаб мавзуларни ўз ичига олиб, асосий эътибор вазхонлик ва уй гуруҳларини ташкил қилишга қаратилган. Агар сиз уй гуруҳларини ташкил қилмаган бўлсангиз, унда қуйидагиларни амалга оширинг:

## Кейинги ой давомида ана шундай гуруҳни тузиш учун режа қилинг.

Асосий эътиборни имонсизлар билан муносабатларни ўрнатишга, улар билан Каломни ўрганиш йиғинларини ташкил қилишга қаратинг(Бу топшириқни бажаришингизда ”курс учун сўз боши“ деб аталган бу қўлланманинг бошида берилган мавзу ёрдам беради. У ерда қандай қилиб имонсизлар билан муносабатга киришиш ва уй гуруҳларини бошлаш ва бу жараёнда пайдо бўлиши мумкин бўлган баъзи муаммолар берилган).

Бошқа одамларнинг уй гуруҳларини ташкил қилишда олган тажрибаларини эшитиш ҳам сизга ёрдам бўлиши мумкин.

Бу режани ишлаб чиқаришингизда, уни амалга ошириш жараёнида ҳам ҳар доим ибодат гуруҳида таяниб иш олиб боринг.

Режангизни амалга оширишда, 2А Иловада берилган вазхонликка (яни хушхабар етказишга) тегишли дарслардан фойдаланиш, уй гуруҳида биргаликда ишламоқчи бўлган камида бешта имонлига формани тўлдириб беришингиз керак.

## 4. Устозингиз кўриб чиқиши учун қуйидагиларни таклиф қилинг:

Гуруҳингизда бажарилган воизхонлик ва шогирдликнинг Каломга асосланга идуктив усулини баён қилиб беринг. Ўрганишдан мақсад нима эканлигини ва кузатиш, шарҳлаш ва амалда қўллашга доир саволларни ёзма ҳолда беринг.

Қуйидагиларни эътиборга олган ҳолда текширишларингизни кўриб чиқинг:

- Мунозарада гуруҳ қандай қатнашди?
- Индуктив усулда ўрганишда қандай муаммолар ва қийинчиликларга дуч келдингиз?
- Уларни қандай ҳал қилдингиз?

## ТАЖРИБАЛИ ЖАМОАТ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ БИЛАН СУҲБАТДА ПАЙДО БЎЛАДИГАН САВОЛЛАР

### Ривожланиш тарихи

Жамоат қачон ташкил қилинган?
У қандай қилиб ташкил этилган?
У ташкил қилингандан бошлаб, йилма йил ўсиш жараёнини тасвирлаб беринг.
Жамоатнинг қанча аъзоси бошқа жамоатлардан келиб қўшилди?
Қанчаси хеч бир жамоатдан эмас, имонга келиб, жамоатга қўшилди?
Жамоат қандай тоифадаги одамлар билан ишлаяпти?

### Усул ва вазифалари

Қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишда жамоат фойдаланаётган усулларни тасвирлаб беринг:

- Сажда қилиш
- Муносабат
- Вазхонлик (Хушхабар етказиш)
- Шогирд орттириш
- Панд насиҳат

### Раҳбарлик ва ташкил қилиш

- Жамоатда раҳбарликнинг қайси тури қўлланилган?
- Қандай одамлар раҳбар этиб танланган?

- Жамоат қандай қилиб раҳбарларни тайёрлаяпти?
- Жамоат қандай қилиб маблағ билан таъминланмоқда?
- Қайси бинода жамоат йиғилади?
- Ташқаридан жамоат ёрдам оляптими, агар ҳа бўлса, қандай ёрдам?

**Бу жамоатнинг тажрибасидан сиз қандай дарс олдингиз?**